



**ХАЛИЛ МАТЯКУБОВ**

**ТАРИХИЙ-АРХЕОЛОГИК  
АТАМАЛАР ИЗОҲЛИ  
ЛУҒАТИ**



**ХАЛИЛ МАТЯКУБОВ**

**ТАРИХИЙ-АРХЕОЛОГИК  
АТАМАЛАР ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2017**

Мазкур тарихий-археологик атамалар изоҳли луғати олий ўқув юрти талабалари, ўқитувчилар ва Ўзбекистон тарихи ва археологияси билан қизиқувчи ўлкашунослар учун мўлжалланган бўлиб, унда Ўзбекистон (қисман Ўрта Осиё) қадимги ва ўрта асрлар моддий маданиятининг энг муҳим археологик атама ва тушунчаларига изоҳ берилган.

УДК 950(575.1):930.26

**Масъул муҳаррир:**

Академик А. Асқаров

**Такризчилар:**

тарих фанлари доктори А. Отахўжаев  
тарих фанлари номзоди О. Раҳматуллаева  
тарих фанлари номзоди Ф. Исматуллаев

Низомий номидаги ТДПУ ўқув-услугий кенгашининг 2017 йил 20 апрелдаги 9-сонли йиғилишида нашрга тавсия этилган.

## СЎЗ БОШИ

Мустақиллик йилларида амалга оширилган туб ижтимоий-иқтисодий ислохотлар билан бир қаторда фан ва таълим соҳаларида ҳам асрларга татиғулик чуқур, кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Халқимизнинг ўтмиш тарихи, миллий урф-одатлари, кадриятлари ўзига қайтарилди. Мустамлакачилик ва қарамлик йилларида оёқ ости қилинган маънавиятимиз мустақиллик шарофати билан тикланиб, уни бойитиш йўлида қатор ҳайрли ишлар қилинди. Жумладан, Ватанимиз тарихини ҳар қандай мафкура ва тазйиқлардан ҳоли тарзда ёритиш ва ҳолисона ўрганишга кенг йўл очилди.

Ватанимиз тарихи ва унинг бой моддий маданияти билан қизиқиб тарихий-бадий ва илмий асарларни ўқиётган ҳар қандай китобхон маълум бир тарихий атама ёки тушунчанинг мазмунини тўғри англашда озми-кўпми қийинчиликларга дуч келиши табиий. Чунки, аксарият тарихий асарлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларда баъзи тарихий-археологик тушунчалар йўл-йўлакай изоҳларсиз баён этиб кетилади. Ўқувчи олдида пайдо бўладиган ана шундай муаммоларни бартараф этиш мақсадида ушбу изоҳли лўғат тайёрланди.

Мазкур тарихий-археологик атамалар изоҳли лўғати республикамиздаги олий ўқув юрғларининг тарих ва умуман, ижтимоий-гуманитар йўналишдаги факультетларда таҳсил олаётган талабалар, ўқитувчилар, ўлкашунослар шу соҳада илмий тадқиқот ишлари олиб бораётган изланувчилар учун яратилди. Унда тарихимизнинг ибтидоий даврларидан бошлаб ўрта асрлар даврининг охирларигача бўлган моддий ва маданий мерос объектлари, уларни ўрганган археолог олимлар ҳақида асосий маълумотлар берилди. Лўғатни тузишда шунингдек, умумий ўрта таълим, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг эҳтиёжлари ҳам инобатга олинди. Ушбу қўлланмадан кўзланган мақсад Ўрта Осиё ва Ватанимиз тарихи ва археологиясида энг кўп учрайдиган тушунчалари ҳақида умумий ва

яхлит маълумотларни беришдир. Ўрта Осиё тарихий географиясига оид жой номларининг даврлар оша турли номда аталиб келинганлиги (Масалан: Амударёнинг қадимда Окс, Укуз, Аракс, Жайхун ва хоказо) ўқувчида маълум қийинчиликлар келтириб чиқаради. Ибтидоий даврдан то шу бугунга қадар халқимиз моддий маданиятига тегишли минглаб ёдгорликлар, ибтидоий маконлар, шаҳар-қалъалар, тарихий-маданий объектлари қадимшўнослар томонидан қайд қилинган бўлиб, уларнинг тарихий-географик ўрни, ким томонидан ўрганилганлиги ва қайси даврга оидлиги кўпчиликни қизиқтириши табиий. Шунга ўхшаш муаммоларни баҳоли кудрат бартараф этиш ҳам ушбу қўлланманинг ўз олдига қўйган мақсадларидан биридир.

Луғатда тарих ва археологияга оид тушунчалар алифбо кетма кетлигида берилади. Кўпчилик сўз ва терминлар асосан, Ўзбекистон тарихи, қисман Ўрта Осиё тарихи ва археологияси бўйича танлаб олинди. Қўлланманинг бошқа саҳифаларида учратилиши мумкин бўлган тушунчалар махсус каллиграфик шрифт билан ажратиб кўрсатилган. Изоҳи келтирилаётган атама битта матнда такрор келса, мутолаа учун қулай бўлиши учун шу сўзнинг бош ҳарфи ёзилди. Қўлланмани яратишда соҳага оид яратилган илмий асарлар ва асосан, мустақиллик йилларида нашр этилган турли хил энциклопедия ва изоҳли луғатлардан унумли фойдаланилди.

Мазкур тарихий-археологик атамалар изоҳли луғати Олий таълим Ўзбекистон тарихи ва Археология фанларининг ишчи фан дастурлари асосида яратилди. Луғат шу йўналишда ўзбек тилида яратилган дастлабки ишлардан бўлганлиги сабабли унда баъзи хато ва камчиликлар бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Луғат юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қиламиз.

## А

**АББОСИЙЛАР** – Араб халифалигида беш аср (749-1258) ҳукмронлик қилган сулола. Сулола Муҳаммад Пайғамбар (570-632)нинг отаси Абдуллох ибн Абу Муталлибнинг укаси Аббос номидан олинган. Уммавийлар сулоласидан (611-749) чиққан халифалар Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг қурайиш қавмидан бўлсаларда, А.га нисбатан узокроқ қариндошликда бўлганлар. Шу сабабли А. хонадони вакиллари ўзларини халифалик тахтининг қонуний вориси деб ҳисоблаганлар. *Уммавийларга* қарши ҳаракатни Аббоснинг эвараси Муҳаммад ибн Али бошлайди. 747-749 йилларда *уммавийларга* қарши кўтарилган Абу Муслим кўзғолони оқибатида Муҳаммад ибн Алининг қатта ўғли Абул Аббос ас-Саффоҳ (749-754) тахтни эгаллайди. Пойтахт Дамашқдан Боғдодга кўчирилади. А.дан жами 38 киши халифалик қилиб, халифа Мансур (754-775), Маҳдий (775-785), Хорун ар-Рашид (785-809), Амин (809-813), Маъмунлар (813-833) даврида араб халифалиги марказлашган қудратли давлатга айланади. А. сулоласи 1258 йилгача халифалик тахтида ўтирган бўлсаларда, IX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб халифалик таркибидан қатор мустакил давлатлар ажралиб чиқа бошлайди. Охирги халифа Мустаъсимни (1242-1258) Чингизхон авлодларидан бўлган Хулагухон тахтдан ағдариб, Араб халифалиги ва А. сулоласига барҳам беради.

**АВЕСТО** – ўрта форс тилидан “асос” деб таржима қилинади. Ўрта Осиёнинг ажралмас қисми ҳисобланган Туронзамин ҳудудларида шаклланган қадимий дин – *зардуштийлик*нинг муқаддас китоби. Унда ўзбек, тожик, туркман, озарбайжон, форс, афгон ва бошқа халқларнинг ибтидоий ва қадимий ахлоқий тасаввурлари, коинот ва ерда ҳаётнинг яратилиши билан боглиқ тушунчалар, афсона ва ривоятлар, фалсафий қарашлар ўз ифодасини топган.

Фанда *зардуштийлик* ва унинг муқаддас китоби А. пайдо бўлган ҳудуд Мидия деб ҳисобловчи “ғарбий” назария ва бу таълимотнинг бешиги *Бақтрия*, *Сўғдиёна*, *Фарғонадан* иборатдир деб тасдиқловчи “шарқий” назариялар мавжуд. *Зардуштийликни Хоразм* билан боғловчи назариянинг илмий адабиётда жуда кўп тарафдорлари бор. А.да зардуштийларнинг муқаддас олови – “*азархурра*” биринчи марта ёқилган мамлакат, ҳамда *Ахурамазда* Зардуштга намоён бўлган мамлакат сифатида “*Арёнам вайжо*” эслатиладики, А.да келтирилган географик-иқлимий шароитлар кўпроқ *Хоразмга* мос келади. Шунингдек, А.да *Ахурамазда* томонидан яратилган мамлакатлар санаб ўтилган. Биринчи ўринда “*Арёнам-вайжо*” (*Хоразм*) туриб, “*Тўзаликда* у билан дунёда ҳеч нарса тенглаша олмайди” дейилади. Кейин “*Одамларга ва чорвага бой Гава (Сўд)*”, “*Қудратли ва муқаддас Моуру (Марғиёна)*”, “*Байроқлари баланд кўтарилган мамлакат Баҳди (Бақтрия)*” таърифланади.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб, А. вагани Марказий Осиё эканлиги хақида хулоса чиқаришимиз мумкин.

А.нинг бизгача етиб келган қисмлари 21 китобдан иборат бўлган. Бу қадимги қисмлар *Ясна*, *Виспарат*, *Яит* ва *Видевдат* деб номланади.

**АВЛЮД** (ар. валад – бола сўзининг кўплиги) – умумий аждодларидан қариндошлик муносабатлари билан бир хилда узоклашган кишилар гуруҳи.

**АВСТРАЛОПИТЕК** (лот. australis – жануб, pithekos – маймун) – бундан 3-2 миллион йил олдин яшаган ибтидоий одам тури. А. суяк қолдиқлари 1924 йилда Р.Дарт томонидан Жанубий Африкадан топилган. Миясининг ҳажми 700 см<sup>3</sup>. А.лар олий типдаги одамсимон маймунлар ҳисобланиб, ҳайвонот олаmidан одамзод оламига ўтиш бошқичидир. А.лар Homo habilis ва Paranthropus одамлари учун асос бўлдилар.

**АВТОХТОН** (юн. autochtones – маҳаллий, шу жойга хос, туб жой аҳолиси) – геология, биология, *этнография* ва *археология* фан соҳаларида ишлатиладиган тушунча. *Этнография*да ўзга худудлардан кўчиб келмай, маълум бир худудда азалдан яшаб келаётган маҳаллий ер эгаси бўлган туб жой аҳолиси тушунилади.

**АГРАР** (лот. agros – ер, дала) – ерга, ердан фойдаланишга, унга эғалик қилишга оид муносабатларда ишлатиладиган сўз.

**АЁЗҚАЛЪА МАЖМУАСИ** – Учта қалъадан таркиб топган қадимги Хоразм шаҳар-қалъалари мажмуаси. Қорақалпоғистон

Республикаси Эллиққалъа тумани шимолий-ғарбида, Султон Увайс тоғининг шарқий этагида жойлашган. Мажмуанинг энг шимолида Аёзқалъа 1, ундан жануброқда Аёзқалъа 2 ва ундан 250-300 м масофада Аёзқалъа 3 жойлашган.

Аёзқалъа мажмуасининг дастлабки археологик таснифи 1941 йилда С.П. Толстов томонидан берилди. Я.Ф.Фуломов Аёзқалъа 1 билан Аёзқалъа 2 да ҳаёт бир вақтда давом этган деб ҳисоблаб, Аёзқалъа 2 ни Аёзқалъа 1 ҳимоясининг асосини ташкил қиладиган ҳарбийлар горнизони дея таърифлаган.

**Аёзқалъа 1** майдони 182×152 м ни ташкил қилиб, деворлари тўғригўртбурчак шаклида қурилган. Қалъага кириш жанубий девор ўртасида жойлашган. 1960-1970-йиллардаги археологик тадқиқотлар шаҳарнинг фортификацияси мил. авв. VI-II асрларга, Хоразм типидagi бронзадан ишланган пайконлар мил. авв. IV-II асрларга, деворларда топилган ёзув намуналари мил. авв. III-II асрларга, ер устидан териб олинган сопол парчалари мил. авв. IV-III асрларга тегишли эканлигини кўрсатди. Мазкур археологик маълумотларга асосланиб, ёдгорликнинг санаси мил. авв. IV-III асрлар билан белгиланган. Кейинги йилларда кўлга киритилган янги материаллар (архаик ва қангюй даври сополлари) ёдгорликнинг шимолий-шарқий бурчагидаги бинонинг қурилиши мил. авв. V-IV ёки IV асрларга тегишли эканлигини кўрсатмоқда. 1990-йилларда Аёзқалъа мажмуасида стационар казишмалар

олиб борган С.Б.Болелов ҳам бионинг қурилган санасини шундай белгиллаган.

**Аёзқалъа 2** Аёзқалъа мажмуасининг ҳудуди жихатидан энг кичик ёдгорлигидир. У баландлиги 30 м келадиган табиий тепалик устида жойлашган. С.П.Толстов ёдгорлик асосини ташкил этувчи овал шаклидаги қалъани Аёзқалъа 1 билан бир пайтда барпо этилган деб, уни қушон ва афригийлар даврга оид деб ҳисоблаган эди. Кейинги тадқиқотлар ҳам шу санани тасдиқлаган.

**Аёзқалъа 3** Аёзқалъа мажмуасининг ҳудуди жихатдан энг катта ёдгорлиги бўлиб, майдони 4,5 га (260×180 м)ни ташкил қилади. Қалъа икки қатор қўш девор билан ўраб олинган. Қалъа деворлари бутун переметри бўйича тўғрибурчак шаклидаги *бурж*лар билан мустаҳкамланган. Шаҳристонга кириш йўли ғарбий девор ўртасида бўлиб, 13×33 м ўлчамдаги пешдарвоза истехкоми билан ҳимояланган.

Қалъанинг ички майдонида ҳеч нарса қурилмаган. Шимолий-ғарбий бурчакка яқин жойда, шимолий девор ёнида ўлчами 40×60 м, тархи тўғри бурчак шаклидаги мустаҳкамланган бино қолдиғи бор. Бино уч томондан *бурж*лар билан мустаҳкамланган девор билан ўраб олинган, унинг шимол томони шаҳар деворига тақалган. Бинодан топилган сопол парчалари мил. авв. I минг йиллик ўрталарига оид бўлиб, унда IV-III асрларга оид ҳаёт излари ҳам мавжуд. Афтидан, бу монументал бино ёдгорликнинг энг қадимий қисми бўлиб, шаҳар

қитадели бўлган бўлиши ҳам мумкинлиги тахмин қилинади.

Аёзқалъа 3 нинг қурилган даврини С.П.Толстов унинг асоси ўзига хос структурага эга эканлигидан келиб чиқиб, қушонлар даврига оид деб ҳисоблаган бўлса, Я.Ф.Фуломов уни антик давр шаҳри сифатида кўради. Г.Хаджаниязов сўнги йилларда олиб борган изланишлари натижаларидан келиб чиқиб Аёзқалъа 3 ни қанғуй даври, эҳтимол кеч *архаик даврга* оид шаҳар деб ҳисоблайди. Аёзқалъа 3 да ҳаёт милодий III-IV асрга қадар давом этади. Умуман, Аёзқалъа мажмуасига қирувчи мудофаа иншоотлари Хоразм давлатининг шимолий сарҳадларидан бўладиган душман ҳужумини қайтариш учун турли даврларда қурилган чегара қалъалари бўлган.

**АЖАМ** – араблар томонидан VII-VIII асрлар мобайнида босиб олинган ҳудудларга нисбатан қўлланилган тушунча. Яқин ва Ўрта Шарқ (Сурия, Фаластин, Ироқ), асосан, ҳозирги Эрон ҳудудларини шундай ном билан атаганлар. Умуман, кенг маънода ғайриараб, тор маънода форс.

**АЖИНАТЕПА** – будда ибодатхонаси харобалари топилган ёдгорлик. Тожикистон Республикасининг Қўрғонтепа шаҳридан 12,5 км шарқда жойлашган. 1961-1969 йилларда Тожикистон археологик экспедицияси (Б.А.Литвинский, Т.И.Зеймаль) томонидан казиб ўрганилган. Қазилмалар жараёнида ибодатхона ва монастырдан иборат 2 қисми иншоот (100×50 м), 500 дан ортиқ санъат ёдгорликлари (ҳайкаллар, нақшлар, деворий



расмлар). Будданинг ўлим тўшагида ётган 12 метрлик ҳайкали ва совға келтираётганларнинг деворий суратлари айниқса, муҳим тарихий ахамиятга эга.

**АЗАРХЎРРО** – муқаддас олов. Мил. авв. VI-V асрларда то ислом дини тарқалгунга қадар оташпараастлар ўртасида А.га эътикод жуда кучли бўлган. Муқаддас олов ҳар бир мамлакат ва шаҳарда, махсус жойларда – *оташиқадаларда* сақланиб, у кечакундуз ёниб турган. *Оташиқада* хизматчиси бўлган қоҳин эса *атрабон* деб юритилган.

**АЙМОҚ** – 1) мўғул ва туркий халқларда қадимги уруғларнинг парчаланишидан келиб чиққан турли тармоқдаги ўзаро қонқариндош оилалар бирлашмаси, ёхуд иттифоқи; 2) Ўрта асрларда мўғулларда йирик ер-мулк, баъзан хонлик.

**АЙМОҚЛАР** – Афғонистон ва Ўзбекистонда яшовчи бир қанча туркий қабила ва уруғларнинг умумий номи.

**АЙРИТОМ** – сўнгги юнон-бактрия ва илк юзҷи-кушон даврига оид шаҳар харобаси. Амударёнинг ўнг соҳилида, Термиз шаҳридан 18 км шарқда жойлашган. Ёдгорлик дарё бўйлаб ғарбдан шарққа 3 км, Амударёдан шимолга 0,5 км масофага қўзилган бўлиб, мудофаа деворлари йўқ. Мил. авв. II – милодий III-IV асрларга оид. А. 1932 йилда Амударё тубидан тасодифан мусиқачи аёлларнинг тош ҳайкали (*фриз*) топилиши билан фанга маълум бўлди. 1933 йилда ўтказилган археологик қазинишларда яна 14 та машшоқ тасвирланган 8 та тош плита ва

будда ибодатхонаси харобалари топилди. 1937 йилда *М.Е.Массон* раҳбарлигидаги *Термиз комплекс археологик экспедицияси*, 1963-1966, 1978 йилларда Б.Турғунов раҳбарлигида *Ўзбекистон санъатишунослик экспедицияси* томонидан А.да тадқиқотлар ўтказилди. Қазинишлар жараёнида форт, буддизм мажмуалари, қабристон, постаменти (*гакурсиси*)да *Бактрия* ёзуви наъмуналари битилган эркак ва аёл хайкалининг пастки қисми топилди.

**АКЕС, Ак** – Туркменистондаги Тажан дарёсининг антик давр тарихчилари асарларида учрайдиган қадимги номи.

**АКИНАК** – мил. авв. I минг йилликларда қадимги форслар ва *скиф (сак)*лар ишлаган узунлиги 40-60 сантиметр келадиган қалта темир қилич, ханжар. Қўл жанггида санҷувчи қурол сифатида ишлатилган.

**АЛЕКСАНДРИЯ** – Александар Македонскийнинг Шарққа юришлари оқибатида босиб олинган хуудларда барпо этилган шаҳарлар. Александрия номидаги шаҳар Шарқнинг бир қанча мамлакатларида мавжуд бўлиб, улар қадимда Александрия (Мисрда), *Александрия Эсхата* (Чекка Александрия), Александрия *Маргиёна* (Туркменистонда), Окс Александрияси, Александрия Ария (Эронда) деб номланган.

**АЛЕКСАНДРИЯ ЭСХАТА** – Чекка (узок) Александрия. Македониялик Александр томонидан *Танаис* (Сирдарё) бўйида қурилган шаҳар. Тарихчи Аррианнинг ёзишича бу шаҳар Сирдарёнинг нариги томонидаги

кўчманчи жанговар сак қабилалари ҳужумига қарши таянч истехком сифатида қисқа муддатда (20 кунда) қуриб битказилади. Квинт Курций Руф берган маълумотларга кўра А.Э. деворининг узунлиги 60 стадий бўлган. (1 стадий – 185 метрга тенг). Тадкикотчилар А.Э. бугунги *Хужанд* шаҳри ўрнида ёки *Қанқа* шаҳар харобаси бўлиши мумкинлигини тахмин қиладилар.

**АЛЪТАР** (лот. Altus – юқори, баланд) – қадимда худолар, илоҳ-маъбудлар, хукмдорлар ёки қахрамонлар руҳига атаб қурбонлик келтириладиган жой. А. баъзан очик жойда, патриархал уй мажмуаси таркибида ёки ибодатхона ички қисмида жойлашган бўлади.

**АЛЛЮВИЙ** – дарё ётқизиклари. Таркиби одатда майда кум ва тоғ жинсларидан иборат бўлади. Археологияда ўзан ва қайир аллювиал ётқизиклари фаркланади.

**АМИР** (ар. – амир, яъни ҳарбий ҳоким, амир) – VII асргача арабларда қабила бошлиғи ва ҳарбий бошлиқлар. *Араб халифалиги* ташкил топгач, халифаликка бўйсундирилган мамлакатларни бошқариш учун тайинланган ҳоким, кўшин кўмондони ва йирик лашкарбошилар А. деб атала бошланган. Олтин Ўрда давлатида, кейин Ўрта Осиё ва Эронда мўғул ва турк қабилалари бирлашмаси – улус бошлигининг унвони ҳам А. деб юритилган. Соҳибкирон Амир Темурнинг унвони ҳам А. бўлиб, бу тушунча хукмдор маъносидан ишлатилган. Бухоро хонлигида 1753-1920 йилларда ҳакмронлик қилган *Мангитлар сулоласининг* вакиллари Чингизийлардан

бўлмаганликлари сабабли “хон” эмас, А. унвони билан юритилган.

**АМИРОБОД МАДАНИЯТИ** – қадимги Хоразмнинг сўнгги бронза даври археологик маданияти. 1940 йилда Амударёнинг куйи хавзасидаги Амиробод канали хавзасидан топилган. Мил. авв. X-VIII асрларга тегишли. Яхши сақланган ёдгорлиги Якка-Парсон 2 макони ҳисобланади. Бу ердан 20 га яқин ертўла типидagi кулбалар топилган. Кулбалар майдони ва атрофидан галла ўралари, омборлар, ўчоқ, гулхан колдиклари, сопол парчалари, тош ёрғучоқлар, бронзадан ишланган бир тигли пичоқлар, ўроқ, бигиз ва кўплаб ҳайвон суяклари топилди. Ҳар бир кулбанинг ўртасида ўчоқ бор. Улар жуфт оилага тегишли бўлган. Сопол идишлари чархсиз, кўлда ясалган хурмача, коса, банкасимон идиш ва сопол қозонлардан иборат. Идишлар сирти кизғиш қорамтир рангда пардозланган, юқори қисми эса геометрик нақшлар билан безатилган. Амиробод маданияти ёдгорликларида ер усти қурилишлари, монументал пахса иншоотлари учратилмайди. Манзилгоҳлар атрофида шу даврларга оид ирригация излари ва қадимги экинзор майдонлари ҳам кўплаб учрайди. Бу эса амирободликлар ҳаётида чорвачилик билан бирга қўлтиқ деҳқончилиги ҳам мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

**АМИР ТЕМУР ҒОРИ** – Сурхондарё вилояти, Бойсун тоғида, *Тешиктош* макони яқинида жойлашган *ўрта палеолит* даври ёдгорлиги. Бу ғорда 1939 йил *А.П.Окладников* археологик

қазишмалар олиб борган. Ёдгорликда 3 та маданий қатлам аниқланган бўлиб, юқоридаги 2 таси *неолит* даврига, қуйидаги битта қатлам *мустье* даврига оид. Макон паст ва захлиги туфайли, *неандертал* овчиларининг вақтинчалик бошпанаси ҳисобланган. Ёдгорликдан *Тешиктош* ғоридагига ўхшаш тош қуроллари топилган.

**АМЛОК** – 1) хонликлар даврида давлат ерлари, маъмурий бирлик; 2) ер эгаллиги тури; мулклар, ер-сув, киши тасарруфидаги нарса ва буюмлар амлок деб юритилган. Хонликларда давлат олдидаги хизматлари учун шахзодалар, лашкарбошилар ва амалдорларга инъом қилинган ер-сув ҳам А. дейилган. А. ерларидан давлат хазинаси учун солиқ тўланган.

**АМЛОҚДОР** (ар. амлок – мулк сўзининг кўплиги, форс-тож. дор – эга) – хонликлар даврида энг кичик маъмурий бирлик – амлокни бошқарувчи киши. Амлокдорлар бевосита ҳукмдорга бўйсунувчи вилоят ноиблари – беклар томонидан тайинланган. Бир неча кишлққ бошқарувчиси сифатида амлокдорлар қўлида қотиб, мироб, амин, оқсоқоллар хизмат қилган. Улар ўзларига бириктирилган худуднинг маъмурий-хўжалик ишлари ва солиқ мажбуриятларининг бажарилиши устидан назоратни амалга оширганлар.

**АМУДАРЁ** – Ўзбекистондаги энг йирик дарё бўлиб, у Вахш ва Панж дарёларининг қўшилишидан бошланади. Ватанимиз худудида ўтрок суғорма деҳқончилиқ

маданияти ва давлатчиликнинг пайдо бўлишида ушбу дарёнинг ўрни ва аҳамияти жуда каттадир. Амударё эрамиздан аввалги I минг йилликка оид ёзма манбалардаёқ тилга олиниб, *Авестода* Ванхви-Даити, Юнон-Рим тарихчиларининг асарларида *Окс* (Оксос) ёки *Аракс*, Хитой манбаларида Гуй-Шуй, маҳаллий туркий манбаларда Ўқуз, Балх, Вахш, Омул (*Амул*), пахлавий адабиётларда *Вехруд*, араб манбаларда *Жайхун* номи билан эсланади.

**“АМУДАРЁ ХАЗИНАСИ”**, “Окс хазинаси” – мил. авв. IV-II асрларга оид заргарлик буюмлари хазинаси. 1877 йил Вахш ва Панж дарёларининг Амударёга қуйиладиган ерида (ҳозирги Қўбадиён беклиги, Тожикистон) маҳаллий деҳқон томонидан қадимги шаҳар харобасидан топилди. 179 та олтин ва 7 та кумуш буюм ҳамда ўша даврда зарб қилинган 1500 та кумуш ва чака тангалардан иборат. Олтин зеб-зийнатлар, билагузук, узук, зирак, маржон, бўйинтумор, тўқа ва муҳрлар, ҳамда одам ва жониворларнинг қуйма олтин хайкалчалари, шунингдек, олтиндан ясалган от-аравача аҳамонийлар, маҳаллий юнон-бактрия ва кўчманчи саклар маданиятига мансуб асори-атикалардир.

А.Х. кўп саргузаштлардан кейин равилпиндилик антиквариат қўлига етиб келади. Ундан эса хазинанинг катта қисми британиянинг Ҳиндистондаги археология ишлари бўйича вакили генерал-майор А.Каннингхем ва Британия музейи қадимият бўлими ходими О.Фрэнкс томонидан сотиб

олинади. 1896 йилда О.Фрэнкснинг васиятига кўра А.Ҳ. Британия музейига топширилади.

**АМУЛ** – Чоржуй шаҳрининг тарихий адабиётларда XV аср охиригача бўлган номи. Амул номининг келиб чикиши номаълум. “Аму” атамаси Чоржуй яқинидан оқиб ўтадиган дарё – Амударё номида сақланиб қолган. Баъзи олимлар Амударё Чоржуй яқинига келганда тинч-сокин оқа бошлайди, шу кечув номи Амул бўлиб, тинч, осойишта, эсон-омон ўтадиган жой деган маънони билдиради деб ҳисоблайдилар.

**АМФОРА** (юн. amphē – икки қулоҳли, phero – кўтариб бораман) – антик даврларда ишлатилган юқори қисми кенг, таг қисми ва оғзи тор, икки дастали, сопол, баъзан металлдан ясалган идиш. Вино, ёғ сақлаш ва ташишда ишлатилган. Зиёфатларда безатилган бежирим А.лардан фойдаланишган. (Қадимда А.ларнинг шаклини аёлга ҳам киёс қилишган). Археологик қазималар жараёнида **Ўзбекистон** (Сурхондарё) худудидан ҳам мил. авв. III-II асрларга оид А.лар топилган.

**АНАХИТА (НОҲИД)** – *зардуштийлик*да ер-сув, ҳосилдорлик, фаровонлик маъбудаси. Қадимги деҳқонлар ёғингарчилик ва ҳосилдорликни А.нинг мўъжизаси деб ҳисоблаганлар. Қадимги ҳайкалтарошлар А.ни бир қўлида анор ёки олма ушлаб турган аёл шаклида тасвирлаганлар. Археологик қазималарда А.нинг сополдан ясалган ҳайкалчалари ҳам учраб туради.

Соҳибқирон Амир Темурнинг байроги ва муҳрида акс эттирилган учта халқа ва бугунги мустақил Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғидаги ярим ой А.нинг энг қадимги белгиси (рамзи) ҳисобланади.

**АНГОБ** – қизил кесакдан тайёрланадиган бўёқ. Кулолчиликда кенг қўлланилади. Сопол идишлар ва буюмлар ангоб суртишдан олдин қуритилади. Одатда идиш хумдонда пиширилишидан олдин А. суртилади. Баъзан бўёққа қўшимча пигментлар ҳам аралаштирилади ва бу сопол пиширилгандан кейин унинг рангини белгилайди. Ўрта Осиё халқлари А.ни *неолит* давридан бошлаб (мил. авв. IV-III минг йилликлардан) кулолчиликда кенг қўллаб келадилар.

**АНДИЖОН** – Фарғона водийсининг жанубий-шарқий қисмида жойлашган қадимий шаҳар. 1939 йилда Катта Фарғона каналининг қурилиши муносабати билан А.да *М.Е.Массон* раҳбарлигида ilk бор археологик текширувлар ўтказилган. 1944-1947 йилларда **ЎзФА Тарих ва археология институти** (А.К.Писарчик), 1970-80-йилларда **ЎзФА Археология институти** ҳамда Андижон ўлкашунослик музейи ходимлари (С.Жалилов, Г.Дадабоев, Б.Абдулғозиевалар), мустақиллик йилларида археолог *Б.Матбабоев* томонидан батафсил ўрганилмоқда. А. худудидан Чордана, Сарвонтепа, Култтепа, Қўштепа, Эски қўргон каби тарихий археологик ёдгорликлар мавжуд. Шулардан энг қадимги маданий қатламлар Сарвонтепадан топилган бўлиб, улар мил. авв. VI-V, IV-III

асрлар (*Эйлатон I, II* босқичлари)га оиддир. Қолган ёдгорликлар милодий I-II асрлардан то сўнги ўрта асрларгача бўлган маданий қатламлардан иборат.

А. илк бор X аср араб ёзма манбаларида (Ибн Ҳавқал, Мақдисий) “Андукон” шаклида эслатилади. XI-XII асрларда А. Фарғона водийсининг йирик савдо-хунармандчилик марказига айланган. Шаҳар Чингизхон кўшинлари томонидан вайрон этилгач, XIII аср охирида мўғул хонлари Хайду ва Дувахонлар томонидан қайта тикланади. А. XV асрнинг иккинчи ярмидан Темурийлар давлатига қарашли Фарғона вилоятининг пойтахти бўлган. “Бобурнома”да А. кўрғони Мовароуннаҳрда *Самарқанд* ва *Кеи* кўрғонидан кейинги учинчи энг йирик кўрғон сифатида таърифланади.

### **АНДРОНОВО МАДАНИЯТИ**

– Жанубий Урал, Ғарбий Сибир ва Қозоғистон ҳудудларида шаклланган мил. авв. II - I минг йиллик бошларига оид *бронза даври* чорвадор қабилалар маданияти. Ушбу маданиятга оид қабристон 1920 йил бошларида археолог Теплоухов томонидан Ачинск шаҳри яқинидаги Андроново қишлоғидан топиб ўрганилган. Кейинги йилларда олиб борилган кенг қўламли археологик изланишлар бу маданиятга алоқадор қабилалар Ўрта Осиё ҳудудларида ҳам кенг тарқалганлигини кўрсатди. А.М.нинг учта босқичи аниқланган (Феодоров, Алакуль, Замараевск). Яхши ўрганилган ёдгорликлари Синташта ва Аркаим қишлоқлари.

Кейинги йилларда тарих фанида кенг мунозараларга сабаб бўлаётган *Орийлар* айнан шу маданият соҳибларига алоқадор эканлиги масаласи илгари сурилмоқда (*А.Асқаров*).

**АНИМИЗМ** (лот. anima – рух, жон) – инсонни ўраб турган муҳитда жонлар ва руҳларнинг мавжудлигига ишониш, гўё улар кишилар, ҳайвонларнинг ҳаётига, теварак атрофдаги олам, буюмлар ва ҳодисаларга, уларнинг ўзгаришларига таъсир этиб, уларни бошқаради деб ҳисоблаш. Анимистик тасаввурлар ибтидоий давр одамларида бундан тахминан 40-35 минг йил аввал пайдо бўла бошлаган. Ибтидоий кишилар нарсалар, ўсимликларнинг жони бор деб тушунишган, яъни жон одамлардан бошқа мавжудотларда ҳам бордир. Рух эса эгаларидан ажралган ҳолда ҳам мавжуд бўлиб, у ҳар қандай нарсаларга таъсир кўрсатади.

Анимизм тушунчасини биринчи бўлиб, фанга немис олими Шталь (1708 й.) киритган.

**АНОВ** – Ўрта Осиё жанубидаги *неолит даври*га оид (мил. авв. IV-II минг йилликлар) археологик ёдгорлик. Ашхабод шаҳридан 12 км шарқда жойлашган. Жанубий Туркменистоннинг қадимги деҳқончилик маданиятига оид асосий ёдгорлиги. Илк бор 1904 йил америкалик археолог Р.Пампелли ва немис олими Губерт Шмидтлар томонидан очиб ўрганилган. Кейинчалик XX аср давомида Д.Д.Букинич, А.А.Марушенко, С.А.Ершов, В.М.Массон, К.К.Курбонсахатов, Ф.Хиберт ва бошқ. томонидан

батафсил ўрганилган. Анов маданияти (Намозгохтепа, Қоратепа, *Олтинтепа*, Гуюксюр ёдгорликлари) *Жойтун маданияти*нинг бевосита давоми ва янада ривожланган босқичи ҳисобланади.

**АНОРБОВ АБДУЛҲАМИД АНОРБОВИЧ** – тарихчи-археолог олим. 1947 йилда Қирғизистон Республикасида туғилган. 1968 йил Фарғона давлат педагогика университетининг тарих-география факультетини тугатган. 1970-1973 йилларда Санкт-Петербург Моддий маданият институти аспирантурасида ўқиган. Меҳнат фаолиятини 1973 йилдан шу бугунги кунга қадар ЎзФА *Археология институти*да давом эттирмакда. 1978-1979 йилларда ушбу институтнинг *Афросиёб* экспедициясига, 1980 йилдан ҳозирга қадар *Ахсикент* экспедициясига раҳбарлик қилиб келмакда. 1978 йилда устози тарих фанлари доктори А.М.Белиницкий илмий раҳбарлигида “Ўрта асрларда Ўрта Осиё шаҳарлари ободончилиги” мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилган. Олимнинг илмий фаолияти асосан Суғд ва Фарғонанинг қадимги ва ўрта аср шаҳарсозлик маданияти масалаларига бағишланган бўлиб, 150 дан ортиқ илмий мақолалар ва қатор монографиялар муаллифидир. Энг муҳим асарлари: “Благоустройство средневекового города Средней Азии” (-Т., 1981.), “Древний Маргилан” (Ф.Максудов билан ҳаммуаллифликда. -Т., 2007.), “Ахсикет – столица древней Ферганы” (-Т., 2013 ),

“Археологические исследования в городе Коканде и его окрестностях” (хаммуаллифликда. -Т., 2014.).

**АНТИК ДАВР** (лот. antiquus – қадимги) – Ўрта Осиё тарихида мил. авв. IV асрдан (юнон-македон истилосидан) бошлаб милодий IV асрга қадар давом этган давр. Ўша замонга тегишли қадимий ноёб моддий ёдгорликлар, асори-атиқалар эса, антиқвар буюмлар дейилади.

**АНТЕФИКС** – сувни тиндириш учун ясалган улкан сопол хум. Бақтрия ва Марғиёнанинг антик давр ёдгорликларида кўплаб учратилади. Кушон даврига оид Холчаён ёдгорлигидан топилган А.лар айниқса ноёб археологик топилма ҳисобланади.

**АНТРОПОГЕНЕЗ** (юн. anthropos – одам, genesis – ривожланиш) – одамнинг келиб чиқиши ва ривожланиш жараёни. *Антропология* фанининг асосий тадқиқот мавзуларидан бири. А. жараёни тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Дарвин, Гексли ва Гегель инсон олий даражада тараққий этган одамсимон маймунлардан келиб чиққан, деб ҳисоблаганлар. Замонавий фан А. жараёнининг ижтимоий меҳнат назариясини тасдиқламакда. Инсоннинг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёни бир неча босқичларга бўлинади. А. жараёнининг биринчи босқичи *Австралопитек* ва *Зинжантроп* одамлар яшаган давр ҳисобланиб, бу ибтидоий одам турлари тахминан 3-2 млн. йил илгари яшаган. Одам тараққиётининг иккинчи босқичи *Питекантроп* ва *Синантроп*лардир. Улар бундан 1 млн.-800 минг йил илгари яшаганлар.

*Австралопитек, Зинжантроп, Питекантроп, Синантроп* одамлари фанда *архантроп*лар (энг қадимги одамлар) деб юритилади. Архантропларга мансуб одам излари Фаргона водийси (*Сулуғур зори*)дан ҳам топилган бўлиб, фанда у Фергантроп (Фаргона одами) деб айтилади. А. жараёнининг учинчи босқичи *Неандертал* одамларига тўғри келиб, улар бундан 100-40 минг йил муқаддам яшашган. Фанда бу одам тури *палеоантроп*лар (қадимги одамлар) деб номланади. *Неандертал*лар ибтидоий одам шаклланиши жараёнининг сўнгги босқичи бўлиб, улардан кейин 40-35 минг йилликка келиб замонавий кифёдаги *Кроманьон* одамлари (*Homo sapiens*) шаклланган.

**АНТРОПОГЕН ДАВР** – геологик тарихда *кайназой эрасининг* неогендан кейин келувчи даври. Ерда одам пайдо бўлиб ривожланган давр. Илгари бу давр Тўртламчи давр деб юритилган. А.Д. икки босқичдан иборат: Музлик даври – *Плейстоцен* ва музликларнинг чекинишидан кейин бошланувчи давр – *Голоцен*.

**АНТРОПОЛОГИЯ** (юн. anthropos – одам, logos – фан) – қадимги одамларнинг келиб чиқиши, ташки кўриниши ва ривожланиш босқичларини археологик топилмалар асосида ўрганувчи фан.

**АНУШТЕГИНИЙЛАР** – хоразмшоҳлар давлатини бошқарган сулола. Салжукийларнинг Хоразмдаги ноиб Ануштегин (? - 1097) номидан олинган. Ануштегиннинг ворислари Хоразмни мустақил давлатга айлантириб, 1097-1231

йилларда А.нинг қудрати шу даражада ортдики, ҳатто улар энди “хоразмшоҳ” деган унвонни эп кўрмай, ўзларини “султон” деб атай бошладилар. Сулола вакиллари: Кутбиддин Муҳаммад (1097-1127), Отсиз (1127-1156), Эл Арслон (1156-1172), Такаш (1172-1200), Алоуддин Муҳаммад (1200-1220), Жалолиддин Мангуберди (1220-1231).

**АНЬСИ** – қадимги Хитой манбаларида Эрон (*Парфия*).

**АНҚОҚАЛЬА** – Қорақалпоғистоннинг Тўрткул шаҳридан 22 км шимолда, қадимги Калтаминор каналидан ирмоқлар ажралиб чиққан ерда жойлашган қадимги Хоразмнинг шаҳар-қалъаси. I-III асрларга тааллуқли. Қалъа тарҳи квадрат шаклида 90,80×91,60 м (0,81 га). Мудофаа деворларининг кўп қисми қум барханлар остида қолиб кетган. Деворнинг айрим қисмлари атрофдан 7-8 м баландликда сақланиб қолган. Қалъа кичкинагина бўлсада, фортификация нуқтаи назаридан жуда мустаҳкам қурилган. А. атрофлари антик даврда очик ва химояланмаган кишлоқлар билан ўраб олинган. Бутун воҳа қадимги Калтаминор каналидан сув олувчи Бозорқалъа ва Жонбосқалъа тармоқлари орқали суғорилган. А. эса ана шу деҳқончилик худудларини ва у ердаги суғориш тизимларини химоя қилиш мақсадида бунёд этилган ҳарбийлар горнизони (казарма) бўлган.

**АРАБ ХАЛИФАЛИГИ** – Арабистон ярим ороли, Яқин ва Ўрта Шарқ, Шимолий Африка, Испания, Марказий Осиё ва

Кавказортини ўз ичига олган давлат. 632-1258 йилларда мавжуд бўлган. А.Х.ни 661-750 йилларда *Уммавийлар*, 750-1258 йилларда *Аббосийлар сулоласи* бошқарган. VIII асрнинг охиридан Араб халифалиги парчалана бошлайди. Шимолий Африкада, ҳозирги Марокаш худудида Идрисийлар (788-985), Тунис худудларида Ағлабийлар (800-909), Хуросон ва Мовароуннаҳрда *Тоҳирийлар* (821-873), *Саффорийлар* (873-900) ва *Сомонийлар* (875-999) каби мустақил давлатлар ташкил топади. Араб халифалиги 1258 йилда муғуллар томонидан узил-кесил тугатилади.

**АРАКС** – Амударёнинг қадимги номи. Юнон тарихчилари (Геродот) асарларида Амударё шундай номланган.

**АРДВИСУРА** – зардуштийларнинг дарё ва сув худоси. *Авесто*нинг *Яшт* китобидаги 5-боб унга бағишланган (“Ардвисура-яшт”).

**АРЙАНАМ ВЭЖА** – *Авесто* китобига кўра *Зардуштийлик*нинг муқаддас олови – “*Азархўрро*” биринчи марта ёкилган юрт. *Авестода* Ахурамазда томонидан яратилган ўлкалар орасида биринчи бўлиб, А.В. келтирилади ва бу ерда йилнинг тўққиз ойида киш бўлиши таъкидланади. *Авесто* географияси билан шуғулланган баъзи тадқиқотчилар А.В.ни ҳозирги Амударёнинг қуйи ҳавзалари (Хоразм)га тўғри келади деб ҳисобласалар, бошқалари Ўрта Осиёнинг шимолий худудлари деб тушунадилар. Хусусан, академик *А.Асқаров* А.В.ни бронза даври Андроново ва сруб маданиятлари

келиб чиққан Дашти Кипчок худуди билан локализациялайди.

**АРК** – давлатчиликнинг илк боскичларидан бошлаб, то сўнгги ўрта асрларгача бўлган даврларда Ўрта Осиё худудларида вужудга келган давлат ҳукмдорларининг қароргоҳи. Тарихий ёзма манбаларда кўхандиз, диз, кох, қаср, қалъа, ҳисор, Арки аъло, ўрда, *цитадель* деб ҳам юритилади. А.да, асосан, ҳукумат идоралари, амалдорларнинг уйлари, девонхона, танга зарб қилинадиган зарбхоналар жойлашган. Одатда ички шаҳар – арк ҳам мудофаа деворлари билан ўраб олинган.

**АРНА** (қад. эрон. ар(ир) – сув, санскритча арнас – сув оқими) – Ўрта Осиёда кенг тарқалган тарихий термин. Хоразмда бош канални, Зомин, Жиззах, Ғаллаорол туманларида кичик жарни, Қозоғистонда дарё ўзанини, Зарафшон этакларида қуруқ ўзанини, бошқа жойларда дарё ирмоқларини А. деб аташади.

**АРТЕФАКТ** – инсон қўли билан яратилган моддий маданият объектлари, яъни турли меҳнат, ов ва жанговор қуроллар, сопол буюмлар, турли хунармандчилик ва заргарлик буюмлари, тангалар, уй-жой қолдиқлари, қалъа, қаср ва кўрғонларнинг харобалари, қадимий далалар, ариқ ва каналларнинг излари, мозор-кўрғонлар ва бошқалар.

**АРХАИЗМ** (юн. archaios – қадимги) – бирон бир нарса-буюм, ёзув, ибора ёки ижтимоий ҳодисанинг қадимги даврга оидлигини билдирувчи тушунча.

**АРХАИКА ДАВРИ** – археология фанида кишилиқ



жамиятининг илк темир даври (мил. авв. VII-IV асрлар) ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва этномаданий ҳаётига нисбатан ишлатилган атама.

### **АРХАНТРОПЛАР** (юн.

archaios – қадимги, anthropos – одам) – ибтидоий одамнинг дастлабки вакиллари. А. *илк палеолит* даврида яшаганлар (*Австралопитек, Зинжантроп, Питекантроп, Синантроп, Фергантроп*).

### **АРХЕОЛОГИК**

**ЁДГОРЛИКЛАР** – узоқ ва яқин ўтмишдаги одамлар фаолиятининг ҳосиласи.

Археологик тадқиқотларнинг объекти бўлиб хизмат қилувчи, ернинг усти ва остида сақланиб қолган қадимги иншоотлар ва буюмлар. Археологик даврлар бўйича А.Ё. қуйидаги турларга бўлинади: 1) *тош даври* ёдгорликлари; 2) *бронза (жез)* даври ёдгорликлари; 3) *мис-тош даври* ёдгорликлари; 4) *антик (қадимги) давр* ёдгорликлари; 5) қадимги муҳофаа иншоотлари; 6) қадимги сув иншоотлари; 7) қадимги қабрлар ва *мозор-қўрғонлар*; 8) қадимги меъморчилик ёдгорликлари; 9) ўрта аср шаҳар ва *работлари* харобалари; 10) заргарлик буюмлари; 11) қадимги тангалар.

### **АРХЕОЛОГИК КУЗАТИШ** –

археологик жиҳатдан текширилмаган жойларда ҳўжалик мақсадларида ариқ чиқариш, бино қуриш, ер текислаш, ер ўзлаштириш ва бошқа ҳолатларда ер ости ва устидаги моддий маданият ёдгорликларининг йўқ бўлиб кетмаслиги учун ўша жойларни археологлар томонидан назорат қилиб турилиши.

### **АРХЕОЛОГИК МАДАНИЯТ**

– ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турадиган муайян даврга ва ҳудудга доир археологик ёдгорликлар бирлиги. Айрим ёки бир қанча белгиларга, хусусан, сопол буюмларининг шакли, нақши, марҳумларни дафн этиш тартиби, меҳнат қуроллари, уй-рўзгор анжомлари ва бошқаларга кўра белгиланади. Одатда, ёдгорлик қаердан топилса, шу жойнинг номи билан юритилади (масалан: *Қовунчи маданияти, Замонбобо маданияти*).

### **АРХЕОЛОГИК РАЗВЕДКА** –

археологик тадқиқотлар дала ва лаборатория тадқиқотларига бўлинади. Дала тадқиқотлари қазиммалар ва дала-кидирув (разведка) ишларидан иборат бўлади. А.Р.нинг энг оддий ва ишончли тури бу ўрганилаётган ҳудудни пиёда юриб теварак атрофдаги сув хавзалари, тепаликлар ва ер юзасини диққат билан кузатиб чиқишдир. Ер юзасидан териб олинган осори-атиқалар (подемный материал) ва қадимги қурилишлар излари шу ҳудудда *стационар* (турғун-давомли) археологик қазиммалар бошлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

### **АРХЕОЛОГИК САНАЛАШ**

– *археологик ёдгорликларнинг* ёшини аниқлаш. Уларнинг санаси йил, юз йиллар, минг йилларда мутлақ, аниқ кўрсатилиши ҳамда бошқа ёдгорликларга нисбатан нисбий (илгари, сўнгги) бўлиши мумкин. А.С. археологик усуллар (стратиграфик, типологик) ва табиий фанлар усуллари (радиоуглерод ва бошқалар) билан аниқланади.

**АРХЕОЛОГИК СИНОВ** – археологик ёдгорликларни қайд қилиш (археологик хариталар тузиш) ва қазишма ишлари олиб бориш мақсадида ўтказиладиган қидирув ишлари. А.С.да одатда ҳар бир ёдгорлик синов тарихида қисман қазиб кўрилиб, унинг бунёд этилган вақти, умри, хусусияти каби томонлари аниқланади.

### АРХЕОЛОГИК

**ДАВРЛАШТИРИШ** – Римлик шоир ва файласуф Лукреций (мил. авв. I аср) ёзув пайдо бўлгунигача бўлган тарихни илк бор тош, мис, бронза ва темир даврларига бўлган эди. Лукрецийнинг ушбу схемаси археологлар томонидан ҳозиргача қўлланиб келинади. Археология фан сифатида XIX асрга келиб узил-кесил шаклланди. Даниялик археолог Х.Томсен инсоният тарихининг бошланиши юқоридаги учта босқичдан иборат бўлганлигини 1836 йилда нашр этилган “Шимол қадимиятига йўриқнома” китобида археологик жиҳатдан исботлаб берди. 1837 йилда Э.Ларте тош қуролларини ишлатган ибтидоий одамлар мамонтлар билан замонадош бўлганлигини аниқлади. 1865 йил инглиз археологи Ж.Леббок инсониятнинг ибтидоий тарихини икки даврга *палеолит* (қадимги тош даври) ва *неолит* (янги тош даври)га бўлишни таклиф қилди. Француз археологи Габриель де Мортилье палеолитни юқори ва қуйи босқичга бўлиб, илк палеолитнинг ўзини *шель*, *ашель* ва *мустье*, қуйи (сўнги) палеолитни *ориньяк*, *солотре*, *мадлен* босқичларига бўлишни таклиф қилди. Бу номларни у Франциядаги тош

даврига оид ёдгорликларнинг номидан олган эди. XIX аср охирида яна бир француз археологи Э.Пьет палеолитдан неолитга ўтиш оралиқ босқичи – *мезолит*ни кашф қилди. Шу даврда неолитдан *бронза* даврига ўтиш босқичи *энеолит* ҳам аниқланди. Темир даври эса илк темир, *антик давр* ва ўрта асрлар археологиясига бўлинди.

### АРХЕОЛОГИК ҚАЗИШ


– махсус руҳсатнома асосида ёдгорликлар ва *маданӣ қатлам*ни тўлиқ ўрганиш имконини берувчи услубга (авваламбор стратиграфик услубга) риоя қилинган ҳолда *археологик ёдгорликлар*ни тадқиқ этиш. А.Қ. турли археологик текширувнинг якунловчи босқичи бўлиб, унда синаб кўрилган ёдгорлик бошдан-оёқ батамом қазиб текширилади, тугалланган тарихий хулосалар чиқарилади.

**АРХЕОЛОГИЯ** (юн. *archaios* – қадимги, *logos* – фан) – инсоният ўтмиш тарихини моддий маданият ёдгорликлари (меҳнат қуроллари, асбоб-анжомлари, қурол-яроғлари, турар жойлари, қурилишлари, қабрларини) қазишмалар орқали ўрганувчи фан. Ушбу терминни биринчи бўлиб қадимги юнон файласуфи Платон (мил. авв. 427-347 й.) ишлатган. Инсон умрини 3 млн йил деб ҳисоблаганда шунинг 99,998 % ни ёзувгача бўлган давр тарихи ташкил этадики ушбу катта даврни фақат А. фани орқали тиклаш ва ўрганиш мумкин.

### АРХЕОЛОГИЯ

**ИНСТИТУТИ (ЎзФА Археология Институту)** – Ўзбекистон худудидаги моддий маданият ёдгорликларини ўрганувчи илмий муассаса. 1970 йил *ЎзФА Тарих ва*

У-2228/2



археология институти негизда Самарканд шаҳрида ташкил этилади. 1988 йилда институтга академик Яҳё Фуломов номи бирилган. А.И. Ўз тадқиқотларини ЎЗМУ, СамДУ, ЎзФА Тарих институти, Санъатшунослик институти, ЎзФА Қорақалпоғистон филиали ва бошқа илмий муассасалар билан мувофиқлаштириб олиб боради. Институт 1984 йилдан халқаро илмий дастурларга биноан қатор вилоятларда хорижий давлатларнинг илмий марказлари билан ҳамкорликдаги қазिशмаларни йўлга қўйган. Институтда тош даври археологияси, Турон археологияси, Мовароуннаҳр археологияси, илмий ишлаб чиқариш бўлимлари, тарихий ёдгорликларнинг кимёвий ва технологик тадқиқоти ҳамда консервация қилиш лабораториялари мавжуд. Институтга турли йилларда академик А.Асқаров (1970-1980, 1983-1987), А.Р.Мухаммаджонов (1980-1983), Р.Ҳ.Сулаймонов (1987-1993), Т.Ш.Ширинов (1993-2004), А.Анорбоев (2004-2005), Ш.Р.Пидаев (2005-2009), 2009 йилдан А.Э.Бердимуродов раҳбарлик қилиб келмоқда. Институт 1959 йилдан “Ўзбекистонда моддий маданият тарихи” ва 2002 йилдан бошлаб “Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар”, 2010 йилдан “Ўзбекистон археологияси” номли журналларни нашр этиб келади. Институт ходимларидан А.Асқаров, А.Мухаммаджонов, Л.И.Альбаум, Ю.Ф.Буряков, Ў.Исломов, М.Р.Қосимов, Р.Сулаймонов,

В.А.Булатова, Т.Ходжаев,  
 Е.В.Зеймаль, М.Исҳоқов,  
 М.Филанович, Г.Дадабоев,  
 Б.Абдуллаев, Ш.С.Тошхўжаев,  
 И.Ахроров, П.Валиев, У.Алимов,  
 Г.Шишқина, Ш.Шорахимов,  
 М.Сабдиев, Т.Марсоатов,  
 М.Исомиддинов, Т.Ширинов,  
 А.Анорбоев, Қ.Абдуллаев,  
 А.Абдураззоқов, М.Исамиддинов,  
 Ш.Шайдуллаев, Б.Мамбобоевлар  
 томонидан эълон қилинган қатор илмий ишлар ва монографиялар нафақат Ўзбекистон, балки, бутун дунё археолог-олимлари эътибори ва эътирофига сазовор бўлган.

**АРХЕОЛОГИЯНИНГ ИШИ УСЛУБИ** – моддий маданият ёдгорликлари мавжуд жойнинг табиий-географик тузилиши ва улардаги тарихий-маиший шароитга қараб тадқиқот ишларини белгилаш. У 3 босқичда амалга оширилади: 1-босқич, археологик ахтариш (*рекогносцировка*)дан иборат бўлиб, унда маълум жойда қайси турдаги ёдгорликлар (шаҳар хароблари, қадимги қабристонлар ва максанлар) борлиги, уларнинг тахминий даврлари белгилаб чиқилади; 2-босқич, археологик синов (разведка) – ҳар бир ёдгорлик синов тарикасида қисман қазиб кўрилиб, унинг вужудга келган даври, умир давомийлиги, хусусияти каби томонлари аниқлаб олинади. 3-босқич, муқим (стационар) археологик қазиш. Бу археологик текширишнинг яқунловчи босқичи бўлиб, унда синаб кўрилган ёдгорлик тўлалигича қазиб текширилади ва тугал тарихий хулосалар чиқарилади.

## АРХЕОЛОГИЯ

**ЭКСПЕДИЦИЯЛАРИ** – моддий маданият ёдгорликларини дала-тадқиқот йўли билан ўрганиш учун илмий тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари, музейлар ва ўлкашунослик тўғарақлари томонидан ташкил этиладиган экспедициялар. А.Э. кўпинча комплекс равишда тузилиб, таркибига археологлардан ташқари *этнографлар, антрополог, географ, тупроқшунос, биолог* ва ботаник олимлар ҳам киритилади. Ҳар бир экспедициянинг низоми, илмий кенгаши ва махсус базаси бўлади. Ўзбекистон худудида ташкил этилган дастлабки археология экспедицияларини *Туркистон ҳаваскор-археологлари тўғараги (1895-1917)* аъзолари ташкил қилишган эди. XX асрнинг 20-30 йилларидан бошлаб Ўзбекистон ва Ўрта Осиёнинг турли худудларида А.Э. ташкил этила бошланди. *Термиз археологик комплекс экспедицияси (1936-1938), Хоразм археология-этнографик экспедицияси (1938-1991), Жанубий Туркменистон археологик экспедицияси (1946-1986-йиллар), А.Н.Бернштам раҳбарлигидаги Помир-Олой (1946-1948) ва Помир-Фарғона экспедицияси (1950-1952), Моҳандарё экспедицияси (1950-1953, 1960-1970 й.й.), Афросиёб экспедицияси (1966), Кеш экспедицияси (1963-1967), Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси (1969)* ва бошқалар шулар жумласидандир. 1970 йилда ЎзФА Самарқанд Археология институти ташкил этилгач, археологик тадқиқот ишлари кўлами янада кенгайди. Бу пайтга

келиб Ўзбекистоннинг турли худудларида 20 дан ортик археологик экспедиция ва уларнинг махсус гуруҳлари фаолият юрита бошлади. Бухоро (И.Ахроров, П.Валиев, У.Алимов), *Афросиёб (Ш.С.Тошхўжаев, Ю.Ф.Буряков, Г.В.Шишкина, Ш.Шорахимов, М.Саъдиев ва бошқ.), Учтут (Т.Марсоатов), Тошкент (В.А.Булатова, М.И.Филанович, Г.Дадабоев, Е.В.Зеймаль), Кўлбулоқ (М.Р.Қосимов), Ахсикат (И.Ахроров ва бошқ.), Қашқадарё (Р.Ҳ.Сулаймонов), Бойсун (Ў.Исломов), Сурхондарё (Сопплитена, Жарқўтон) (А.Асқаров), Термиз (Л.И.Альбаум)* археологик экспедициялари шулар жумласидандир.

## АРШАКИЙЛАР

– ҳозирги Туркменистоннинг жануби ва Эрон худудларида мил. авв. 250 йилдан милодий 224 йилга қадар хукмронлик қилган Парфия давлатидаги сулола. Сулолага дах қабиласининг бошлиғи Аршак асос солганлиги учун шундай номланган. А. давлатининг илк пойтахти Ашхабод яқинидаги Нисо шаҳри бўлган. Кейинчалик у Эрондаги Ктесифонга кўчирилган. *Парфия давлати* Митридат II (123-87) даврида жуда кучайиб, Шарқнинг кудратли давлатига айланади. Салавкийлар кўшини тор-мор этилиб, Эрон ва Месопотамия худудлари подшоликка кўшиб олинади. *Парфия давлатининг* ғарбга томон кенгайиши Рим имерияси билан урушни келтириб чиқарди. Мил. авв. 53 йилда Карри жангида Ород II (55-36) Римнинг машхур саркардаси Карасс кўшинларини қақшатқич

мағлубиятга учратади. *Парфия давлати* Фаластин, Сурия, Шаркий Кичик Осиёни ҳам ишғол этиб, замонасининг энг кудратли давлатига айланади. Милодимизнинг биринчи асридан Парфия давлати аста-секин инқирозга юз тута бошлайди. Аршакийлар сулоласи Эрон *Сосонийлар сулоласи* томонидан 224 йилда тугатилади.

Парфия давлати подшолари: Аршак (250-247), Тиритад (248-211), Артабан I (211-191), Прианат (191-176), Фраат I (176-170), Митридат I (170-138), Фраат II (138-128), Артабан II (128-123), Митридат II (123-87), Фраат III (87-57), Ород II (57-36), Митридат IV (128-147), Вологез III (148-192), Вологез V (208-222), Артабан V (222-224).

**АССИМИЛЯЦИЯ** (лот. *assimilatio* – ўхшатиш, қиёс, тенглаштириш) – этнология ва археологияда қабила, элат ёки халқларнинг бир-бирига қўшилиб, аралашиб кетиши. Бу жараёнда қоришиб кетган иккита этник қатламдан бири ўз тили, маданияти ёки бошқа ўзига хос этник белгисини иккинчиси фойдасига йўқотиб юборади. Масалан, ўзбек халқининг этник асосини ташкил этган ватанимиз ҳудудидаги қадимги сугдийлар, бохтарлар ва хоразмликлар туркий халқлар билан қоришиб, вақт ўтиши билан ўз тиллари, ёзуви ва маданиятини ҳам унутиб туркийлашиб кетганлар.

**АСТРОБОД** – Журжон (Гургон) тарихий вилоятининг қатталиги жиҳатидан иккинчи шаҳри. Каспий денгизининг

жанубий-шарқий тарафида, Мозандарон чегарасида жойлашган.

**АСТРОЛЯБИЯ, УСТУРЛАБ** (юн. *astron* – юлдуз, *labe* – ушлаб, тутиб олиш) – жойнинг географик координаталарини, вақтни, юлдузларнинг чиқиш ва ботиш пайтларини, юлдуз ва сайёраларнинг ўрни ва баландлигини ўлчайдиган, шунингдек, астрономиянинг бошқа масалаларини ҳал қилишда ишлатиладиган кўчма астрономик асбоб. А. узунлик ва кенгликларни аниқлаш учун XVIII асрга қадар ишлатиб келинган.

**АСҚАРОВ АҲМАДАЛИ** (25.09.1935–)– тарихчи, археолог, этнолог олим. Академик, Абу Райхон Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат муқофотининг лауреати (1985), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1995). Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини имтиёзли диплом билан тугаллаб (1957), Ленинград (Санкт-Петербург)да аспирантурада таҳсил олган. Устозлари М.П.Грязнов ва Я.Ф.Ғуломовларнинг иқтидорли шогирди сифатида 1963 йилда номзодлик, 1977 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. ЎзФА *Археология Институтининг* биринчи директори (1970-1987), ЎзФА муҳбир аъзоси (1984), ЎзФА хақиқий аъзоси, академиги (1987), ЎзФА Президиум аъзоси ва тарих, тил ва адабиёт фанлари бўлимининг раиси (1987-1998), ЎзФА Тарих институти директори (1991-1995) сифатида Ўзбекистон фани ва маданиятини ривожлантиришда самарали фаолият олиб борди.

Бронза ва илк темир даври қадимги деҳқончилик ва чорвачилик маданиятлари, Ўзбекистон ҳудудларида илк шаҳарсозлик маданияти ва Ўзбек халқи давлатчилигининг тарихий илдизлари ва унинг илк босқичлари масаласи, Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи, археологик манбалар асосида илк *зардуштийлик* ва орийлар муаммоси, Ўзбек миллий “Кураш” тарихи масалаларига бағишланган 450 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи. “Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана” (–Т. 1966.), “Сапалитепа” (–Т. 1973.), “Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана” (–Т. 1977.), “Поселение Кучуктепа” (ҳаммуаллифликда. –Т. 1979.), “Джаркутан” (ҳаммуаллифликда. –Т. 1983), “Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии” (ҳаммуаллифликда. – Самарқанд. 1993.), “Ўзбекистон халқлари тарихи” (1-2 жилд. –Т. 1993.), “Ўзбекистон тарихи” (дарслик. –Т. 1994.), “Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи” (–Т. 2007.), “Ўзбек халқининг келиб чиқиши” (–Т. 2015.) каби монография, дарслик ва ўқув қўлланмалар шулар жумласидандир.

Академик *А.Асқаров* кўп йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида йигирмага яқин фан номзоди ва ўнга яқин фан докторларига илмий раҳбарлик қилиб, ўз илмий мактабини яратди ва Ўзбек халқи фани ва маданиятига ўзининг муносиб хиссасини қўшди.

## АТРАБОН

– оташпарастларнинг ибодатхоналарида доимо ёниб турадиган муқаддас олов – “азархўрра”га ўтин ташлаб, қулини олиб турадиган қохин.

**АФРИҒИЙЛАР** – Хоразмда 305-995 йилларда ҳукмронлик қилган сулола. Африғийларнинг пойтахти дастлаб *Тутроққалъа*, кейинчалик *Кот* шаҳри бўлган. Абу Райхон Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарига Африғийлар сулоласига онд 21 та Хоразмшоҳ номини тилган олган.

712 йилда Хоразмни араблар эгаллашга муваффақ бўладилар. Хоразмда янги дин ва ислом маданияти ёйила бошлайди. Сиёсий ҳокимият араблар қўлига ўтган бўлсада, ҳудуд бошқарувида маҳаллий феодал аристократиянинг ўрни сақланиб қолган. Африғийлар сулоласининг охириги вакили “Жафокаш” Абу Абдуллоҳ Муҳаммад 995 йилда Шимолий Хоразм (Урганч) амири Маъмун ибн Муҳаммад томонидан пойтахт *Кот* шаҳри эгаллангач, тахтдан ағдарилди.

**АФРОСИЁБ** – мифологик образ. Маъноси “дахшат солувчи одам”. *Авестода* А. Франгхрасйан деб аталган. *Авесто* китобда А. шоҳлик илоҳий мартабаси – фарн (хварно)ни қўлга киритиш учун афсонавий Ворукаша денгизи тубига тушишга аҳд қилиб, самарасиз уринган образ сифатида намоён бўлади.

Ёзма манбалар тахлилига кўра А. *Бақтрия*даги Илк қабилаларга шимолдан доимий хавф солиб турган Турон ҳукмдори. Турон

турларининг маркази Сирдарё қуйи окимидаги *Қанха (Қанъ)* бўлган. Илк каёнийларнинг барча вакиллари Франграссьян билан курашганлар (Турон хукмдорларининг бари шундай ном билан аталган бўлиши ҳам мумкин). Бир муддат Франграссьян Илк *каёнийлар* юртини эгаллаб, бутун *Орийлар* мамлакатининг ягона хукмдори ҳам бўлган. Пахлавий текстларида Франграссьян Сеистонда шаҳар (*Зранг*) курдирганлиги эслатилади. Франграссьян Сёваршанни ўлдирганлиги учун Кави Хаусрав унга қарши лашкарбошиси Тусни юборди. Тус Хшатросаукада ҳимояланиб турган турларга зарба бериб қасос олади. Франграссьяннинг *Қангдаги* пойтахтини вайрон этади ва ўзини ўлдиради.

*Авестода* (Аши алкови VII.42) Франграссьян тухматларни текширмай куёви Сиевушни ўлдиртирганлиги ёзилган. Бу мавзу “Шоҳнома”га ҳам ўтган. Лекин Афросиёбнинг Эрон подшоҳлари билан жангга киришуви, яъни Эрон билан Туроннинг рақобати ғояси *Авестода* йўқ. Афросиёбни Эрон шоҳларининг душмани этиб кўрсатиш ғояси ёзма адабиётга биринчи бўлиб, Фирдавсий “Шоҳнома”сида учрайди. Бу талқинни Фирдавсий замони (X-XI асрлар) учун хос шимолдаги турк давлатлари билан эроний давлатлар ўртасидаги ҳарбий-сиёсий муҳолифликнинг оқибати деб қараш мумкин. А. Турон подшоҳи деган тушунча туфайли Самарқанднинг қадимий кўрғони унинг номи билан боғланади. *Салжуқийлар* ва

*Қорахонийлар* каби туркий тилли давлат хукмдорлари ўзларини келиб чиқиш жиҳатидан А. авлодлари деб ҳисоблашган.

**АФРОСИЁБ** – Ўзбекистон худудидаги энг қадимий шаҳарлардан бири. Ҳозирги Самарқанд шаҳрининг шимолий чегарасидаги Сиёб суви ёқасида жойлашган. Умумий майдони 219 га. А. мил. авв. VIII-V асрларда *Сугдиёнанинг* марказий шаҳарларидан бири бўлган.

Ёдгорлик Борзенков (1874), В.В.Крестовский (1883), Н.И.Веселовский (1884-1885, 1895), В.В.Бартольд (1904), В.Л.Вяткин (1905, 1912-1913, 1925, 1929-1930), М.Е.Массон (1919), А.И.Тереножкин (1945-1949), В.А.Шишкин (1958-1966), Я.Ф.Фулломовлар (1967-1970) томонидан ўрганилган. 1966 йилда “Археологик кўриқхона” деб эълон қилинган. А. 1970 йилдан ҳозиргача ЎзФА *Археология институти* ходимлари томонидан ўрганиб келинмоқда.

1970 йилда Самарқандда ЎзФА *Археология институти* ташкил этилганидан сўнг, А.да археологик тадқиқотлар айниқса, кенг кўламда олиб борилды. Я.Ф.Фулломовдан сўнг ёдгорликни ўрганиш ишини В.Г.Шишкина ва Ш.Тошхўжаевлар давом эттирдилар. 1989 йилдан А.ни тадқиқ этишда француз археологлари Поль Бернар ва Франц Гренэ ўзбекистонлик археолог М.Исомиддинов билан ҳамкорликда қазилмалар ўтказиб бугунги Самарқанд шаҳрининг ёшини А. материаллари асосида 2750 йилгача қадимийлигини исботладилар. 2007 йил 25 августда Самарқанд

шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи кенг нишонланди.

**АФРОСИЁБ ЭКСПЕДИЦИЯСИ** – ЎзФА *тарих ва археология институти* томонидан 1958 йилда тузилган Афросиёб археологик гуруҳи базасида, 1966 йилда ташкил этилган комплекс экспедиция. Экспедицияга дастлаб, *В.А.Шишкин*, кейинчалик *Я.Ф.Фуломов* раҳбарлик қилган. А.Э. мустақиллик йилларида ҳам ўз фаолиятини давом эттирмақда.

**АФШИН** – *Уструшона* (ҳозирги Жиззах ва Тожикистоннинг Ўратепа вилоятлари) ҳокимларининг араблар истилосидан олдинги унвони. Охирги А. Ҳайдар ибн Ковус халифа Муътасимнинг (833-842) лашкарбошиси бўлган. Халифалик олдидаги хизматлари эвазига халифанинг эътиборига сазовор бўлган. Бироқ 841 йилда исломдан қайтганликда айбланиб, ўлим жазосига ҳукм қилинган.

**АХСИКАТ, Ахсикент, Эски Ахси** – Фарғона водийсидаги энг катта археологик ёдгорлик. Сирдарёнинг ўнг соҳилида, Наманган шаҳридан 25 км жанубий-ғарб томонда, Тўрақўрғон туманидаги Шаҳанд қишлоғи ҳудудида жойлашган. А. *Н.И.Веселовский* (1885), *И.А.Кастанье* (1914), *М.Е.Массон* (1939), *А.Н.Бернштам* (1948), 1957-1959 йилларда Наманган ўлкашунослик музейи ходими Ю.Т.Чуланов, 1967-1969, 1971-1977 йилларда ЎзФА *Археология институти* экспедицияси (*Я.Ф.Фуломов*, *С.Рахимов*, *И.Ахроров*) томонидан ўрганилган.

1980-йилларда ва мустақиллик йилларида А.да кенг кўламли археологик тадқиқотлар олиб борган олим *А.Анорбоев* маълумотларига кўра А. шаҳри мил. авв. III асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган ва унинг майдони 45 га ни ташкил этган. Хитой манбаларида эслатилган *Даван давлатининг* пойтахти *Эриш бу* – *Мингтепа* ёдгорлиги деб ҳисобланар эди (*А.Н.Бернштам*, *Ю.А.Заднепровский*, *Б.Матбобоев*). Археолог *А.Анорбоев* Қадимги Фарғона давлатининг пойтахти *Мингтепа* эмас, балки А. шаҳридир деган ҳулосага келди.

1219 йилда мўғуллар томонидан А. бутунлай вайрон этилган. А.нинг эски ўрнидан 5-7 км гарбда бунёд этилган янги шаҳар – Ахси XIV-XVII асрларга оиддир. Буюк шоир ва давлат арбоби Бобур ана шу Ахси шаҳрида туғилади ва отаси Умаршайх вафотидан сўнг Андижонга келиб, 12 ёшидан мамлакатни бошқара бошлайди.

2017 йил октябрдаги Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарори билан қадимий А. харобалари ҳудудида археологик мажмуа яратиш ишлари бошланди.

**АХРИМАН** – *зардуштийлик* динида зулмат, очлик, ўлим, гуноҳ ва дунёдаги барча ёвуз ишлар илоҳи. *Ахурамазда* душмани.

**АХУРАМАЗДА** – *зардуштийлик* дининг бош худоси, эзгулик худоси, инсонга доимо яхшиликни раво кўрувчи илоҳий куч.

**АШЕЛЬ** – қадимги тош даври (*палеолит*)нинг *шелль* ва *мустье* даврлари оралиғидаги босқичи. Франциянинг Амьен шаҳри



яқинидаги манзилгоҳ номидан олинган. Ушбу тушунча фанга 1885 йил Г. Де Мортилле томонидан киритилган. Ашель маданияти қўл чўқморининг кенг ёйилиши билан характерланади. Бу даврда *синантрон* одамлари яшаганлар.

### **АШТАРХОНИЙЛАР**

**(ЖОНИЙЛАР) СУЛОЛАСИ** – Бухоро хонлигида Шайбонийлар сулоласининг ўрнига келган иккинчи сулола. 1556 йилда Астрахан (Ҳожитархон) хонлиги Россия томонидан босиб олингач, Жўжихон наслига мансуб бўлган Астрахан хони Ёрмухаммад ўз оила аъзолари ва қариндошлари билан Бухорога келади. Бухоро хони Искандархон (1561-1583) Ёрмухаммад ва унинг ҳамроҳларига ўз мамлакатидан бошпана беради. Ёрмухаммадхоннинг ўғли Жонибек Султонга ўз қизи Зухраҳонимни хотинликка беради. Шу никоҳдан уч ўғил (Динмухаммад, Боқимухаммад, Валимухаммад) дунёга келади. Бухоро хони Абдулмўмин ўлдирилгандан сўнг Шайбонийлар наслидан валиаҳд йўқлиги сабабли Жонибекнинг ўғли Боқимухаммад 1601 йилда хон тахтига ўтиради. Шундан сўнг Бухоро хонлигида А.С.нинг ҳукмронлиги бошланади. Ўзбек давлатчилиги тарихида Аштархонийлар даври давлатчилиқ асосларининг емирилиши, худудий тарқоқлик ва парокандалиқнинг кучайиши билан характерланади.

Сулола	вакиллари:
Боқимухаммадхон	(1601-1605),
Валимухаммадхон	(1605-1610),
Имомқулихон	(1611-1642),
Нодирмухаммадхон	(1642-1645),
Абдулазизхон	(1645-1680),

Субхонқулихон	(1680-1702),
Убайдуллахон	(1702-1711),
Абулфайзхон	(1711-1747),
Абдулмўмин	(1747-1748),
Убайдуллахон II	(1748-1753).

**АКЧА** – ўтмишда Туркистонда савдо-сотик, тўлов муомалаларида нарх, баҳо, киймат ўлчови бўлган пул бирлиги. Аксарият ҳолларда А. қумушдан зарб қилинган. Қумушнинг ранги оқ бўлганлиги учун ҳам мазкур пул бирлиги А. деб номланган.

### **АКЧАХОНҚАЛЪА,**

**Қозоклиётган** – қадимги Хоразм давлатининг биринчи пойтахт шаҳри. Қорақалпоғистоннинг Беруний туманида жойлашган. Ҳажми ва фортификацияси *Бозорқалъани* эслагувчи ушбу ёдгорлик Хоразм экспедицияси томонидан 1954 йилда топилган бўлсада, анча вақт ўрганилмай келинган. 1982-1985 йилларда Г.Ҳаджаниёзов томонидан олиб борилган қазिशмаларда шаҳарнинг майдони, унинг мудофаа деворлари чизиғи ва даврий санаси махсус ўрганилди. Тадқиқотлар жараёнида олинган янги материаллар асосида ушбу ёдгорлик қадимги Хоразм давлатининг биринчи пойтахти бўлиши мумкинлиги ҳақидаги илк фикрлар айтилди. 1995 йилдан бошлаб А.да Қорақалпоғистон Фанлар Академияси Австралия олимлари билан ҳамкорликда археологик қазिशмалар олиб бормоқда. Ёдгорликнинг умумий майдони 56 га ни ташкил қилади. Шаҳар ички ва ташқи қалъадан иборат тўғри бурчак шаклга эга. Уларнинг ҳар бири алоҳида мудофаа деворлари билан ўраб олинган.

А. сополлари сўнгги архаик (мил. авв. V ёки V-IV а), кангуй (мил. авв. IV-III – мил. I а) ва кушон даври (II-IV асрлар) га оид учта хронологик даврдан иборат. Ёдгорликнинг шимолий бурчагида 380×340 м (13 га) майдонни эгаллаган ички қалъа жойлашган. У шаҳар умумий майдонининг ¼ қимини ташкил қилади. Ички қалъа буржлар билан мустаҳкамланган икки қатор мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Юқори шаҳарнинг тўртта дарвозаси бўлиб, улар ҳар бир деворнинг ўртасида жойлашган. Дарвозалар адаштирама йўл ва қўшимча девор билан мустаҳкамланган. А.ни қозиш вақтида ички қалъадан бош *оташиқада* қолдиқлари, 43×43 м ҳажмдаги илк хоразмшоҳлар саройи ва “100 устунли зардуштий ибодатхона” топилди. Сарой деворлари рангли расмлар, шоҳ ва унинг яқинлари суратлари билан безатилган. Расмлар орасида қадимги хоразм ёзуви намуналари ҳам учрайди. Одамлар орасида шоҳона кийимда бошига тож кийган шоҳ сурати айниқса, аҳамиятлидир. Сўнгги йиллардаги тадқиқотлар А.нинг қадимги Хоразм давлатининг пойтахти бўлганлигини узил-кесил тасдиқлади.

**АҲАМОНИЙЛАР** – Эронда мил. авв. 558-330 йилларда ҳукмронлик қилган сулола. Бу сулолага қадимги форс қабилаларининг бошлиғи, орийларнинг нуфузли сардорларидан бири Аҳамон асос солган. Кир II (мил. авв. 556-530) ва Доро I (мил. авв. 522-486)лар даврида бу давлат салтанат

(империя) даражасига етади. Шу даврда Ўрта Осиё ҳудудлари ҳам Эронга бўйсундирилади. Аҳамонийлар салтанати Александр Македонский (мил. авв. 356-323) томонидан мил. авв. 330 йилда тугатилади.

Аҳамонийлар сулоласининг вакиллари: Кир II (558-530), Камбиз (530-522), Доро I (522-486), Ксеркс I (486-465), Артаксеркс I (465-424), Ксеркс II (424), Согдиан (424-423), Доро II (423-404), Артаксеркс II (404-358), Артаксеркс III (358-338), Арсес (338-336), Доро III (336-330).

### **АҲАМОНИЙЛАР**

**КЕРАМИКАСИ** – мил. авв. VI-IV асрларда Ўрта Осиё ҳудудлари Эрон аҳамонийлари давлатининг таъсир доирасида бўлганлиги туфайли совет тарихшунослигида айнан шу даврда Ўрта Осиё ҳудудларида илк шаҳар маданияти таркиб топди, деган ғоя устун эди. Кулолчилик чарҳида ишланган цилиндроконус шаклли сопол идишларнинг пайдо бўлиш санаси ҳам аҳамонийлар даври билан боғланиб мил. авв. VI-IV асрларга оид сопол буюмлар мажмуаси А.К. деб юритиб келинар эди. Аммо, 1970-80-йилларда Ўзбекистоннинг жанубий ва марказий вилоятларида *бронза* ва илк *темир* даврига оид ўнлаб ёдгорликлар очиб ўрганилди. Цилиндроконус сопол идишларининг пайдо бўлиши тарихий илдизлари қадимий бўлганлиги археологик материаллар асосида исботланди. Бугунги кунда бу типдаги керамика ашёлари Қадимги *Бахтрия*, Қадимги *Сугд*, Қадимги Хоразм даври керамикаси номи билан алмаштирилди ва

уларнинг йил саналари мил. авв. VIII-IV асрлар билан белгиланди.

## Б

**БАДАВИЙ** (ар. – сахро кишиси) – Арабистон ярим ороли ва Шимолий Африкада яшовчи кўчманчи ва ярим кўчманчи араб қабилалари.

**БАДАХШОН** – Амударёнинг юқори окимида, унинг ҳар икки соҳилида жойлашган тоғлик ўлка. Ҳозирги Тожикистон Республикасининг тоғли худуди.

**БАЗДА, Кўхна Фазли** – қадимги *Нахшаб*нинг *Ерқўрғон, Захоки Морон, Шулуқтепа (Насаф)*дан кейинги тўртинчи йирик шаҳар ёдгорлиги. Қарши шаҳридан 40 км ғарбда, Касби тумани худудида жойлашган. Қадимла Бухородан Балхга боровчи карвон йўли бўйидаги Б.шаҳри харобалари ҳозир Кўхна Фазли деб юритилади. Ёдгорлик 1950-1970-йилларда С.К.Кабанов ва Б.Д.Кочнев томонидан ўрганилган. Шаҳар бир биридан яққол ажралиб турувчи уч қисм: *кўхандиз* (160×150 м), *мудофаа девори билан ўралган шаҳристон* (50 га) ва *рабод*дан ташкил топган. X-XII асрларда шаҳарнинг майдони 90-100 га га етган. Аниқланишича, шаҳарнинг ядроси (арк-кўхандиз) милодий эра бошларида, *шаҳристон* ва *рабод* қисми илк ўрта асрлар ва сомонийлар-қорахонийлар даврида шаклланди.

**“БАЙТ УЛ-ҲИКМАТ”** – Донишмандлар уйи. Араб халифаси Маъмун ибн Хорун ар-Рашид замонида (813-833) Бағдодда ташкил этилган ислом Шарқининг

ўша даврдаги фанлар академияси. Буюк Ватандошларимиздан ал-Хоразмий (786-850) ва Аҳмад ал-Фарғонийлар (797-865) Маъмун академиясида фаолият юритганлар. Ал-Хоразмий ушбу академиянинг мудирини бўлган.

**БАЛИҚЧИЛИК** – ибтидоий одамларнинг қадимги хўжалик юритиш шаклларида бири. Археологлар томонидан *мустье* даврининг сўнгги босқичида Б.нинг айрим белгилари қайд этилган бўлсада, *микролит* тош қуроқлари, ўк-ёй, қайиқ ва тўрнинг кашф этилиши билан *мезолит* даврига келиб аксарият қабилаларнинг асосий хўжалик шаклига айланган.

**БАЛҲ** – Афғонистоннинг шимолидаги қадимги ва ўрта аср шаҳри. Қадимги Бақтра.

**БАНД** (ф. – боғламоқ, тўсмоқ, беркитмоқ) – 1) тўғон, сув омбори. Масалан, X асрда ҳозирги Фориш тумани Пасттоғ дарасида тошдан қурилган Хонбанди, Нурота туманидаги Ғиштбанд (XII аср), Абдуллахон банди (XVI аср); 2) қум босишни тўхтатиш учун қурилган тўсик, ихота; 3) тоғ ораллигидаги жуда тор йўл (масалан, Дарбанд аслида “Дараи банд”).

**БАНДАРГОҲ** (ф. – кема тўхтайдиган жой) – 1) чўл, дашт ёки тоғли ерларда йўллар кесишган, савдогарлар, умуман, кишилар кўниб ўтадиган, савдо қиладиган гавжум жой; карвонсарой; 2) дарё ва денгиз қирғоқларида кемалар тўпланадиган порт ва унга кириш-чиқиш йўллари.

**БАНДИХОН** – илк темир даврига оид қадимги шаҳар ёдгорлиги. Сурхондарё вилояти Қизирик туманида жойлашган.

*А.С. Сағдуллаев* томонидан ўрганилган. Б. 1 майдони 1,5 га. Топилган уй қолдиқлари, сопол идиш бўлақлари мил. авв. II минг йиллик охири – I минг йиллик бошларига оид. Б. 2 шаҳар харобасининг майдони 10-12 га. Ундан топилган паҳса девор қолдиғи, жом, хум ва қадахлар мил. авв. 650-450 йилларга мансуб. Бандихон юқорида кўрсатилган даврда Шимолий *Бақтрия*даги Бандихон дехқончилик воҳасининг маъмурий-иктисодий маркази бўлган.

**БАННО** – ўрта асрларда иморат қурувчи уста.

**БАНОКАТ, Шарқия, Шохрухия** – Сирдарёнинг ўнг соҳилида, Оҳангарон (Илок) дарёсининг Сирдарёга қўшилиш жойидаги қарвон йўли ёқасида жойлашган қадимий шаҳар харобаси (I-XVIII а.). Ёдгорликни хаваскор археолог Д.К.Зацепин (1876), Е.Т.Смирнов (1894), 1973 йилдан *Ю.Ф.Буряков* раҳбарлигидаги Шош-Илок экспедицияси батафсил ўрганади. Тадқиқотларга кўра, дастлаб (I а.) унинг мудофаа деворлари бўлмади, атрофдаги дарё ва жарликлар табиий мудофаа вазифасини бажарган. Илк ўрта асрлар (V-VI а.)да 22 га майдон буржли мустаҳкам мудофаа девори билан ўраб олинади. XII-XIII аср бошларида шаҳар янада кенгайган. Мўғуллар истилоси даврида Б. вайрон бўлган. 1392 йилда Амир Темур Б.ни қайта тиклаб, ўғли Шохрух шарафига Шохрухия деб атаган. Шаҳар ўзаро урушлар оқибатида XVIII аср бошларида вайрон бўлиб қайта тикланмаган.

**БАРГУСТИВОН** – қадимда жанговор отлар устига ёпиладиган ёпинчиқ, ҳимоя воситаси.

**БАРТОЛЬД ВАСИЛИЙ ВЛАДИМИРОВИЧ** (1869-1930) – шарқшунос олим. Россия ФАнинг академиги (1913). Петербург университети шарқ тиллари факультетини тамомлаган (1891). В.В.Бартольд Ўрта Осиёга биринчи марта 1893 йилда келади. Тошкентдаги *Туркистон хаваскор-археологлари тўғараги* асосчиларидан бири. Туркистон халқ университетининг фахрий аъзоси (1918), Тилшунослик кўмитасининг раҳбари (1928-1930), “Эрон” илмий журнаlining муҳаррири. Яқин ва Ўрта Шарқ, айниқса, Ўрта Осиё ва *Араб халифалиги*, ислом тарихи, туркий халқлар тарихи, филологияси ва этнографиясига оид 685 та асар ёзган. Шулардан 320 таси бевосита Ўрта Осиё тарихига бағишланган. “Ислом Энциклопедияси”да 246 та мақоласи билан иштирок этган. 1963-1977 йилларда В.В.Бартольд асарларининг 9 жилдлик тўплами нашр этилган.

1-жилд: Туркестан в эпоху монгольского нашествия. –М. 1963.

2-жилд: 1-қисм. Общие работы по истории Средней Азии. Работы по истории Кавказа и Восточной Европы. –М. 1963.

2-қисм. Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии. –М. 1964.

3-жилд: Работы по исторической географии. –М. 1963.

4-жилд: Работы по археологии, нумизматике, эпиграфике и этнографии. –М. 1966.

5-жилд: Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов –М. 1968.

6-жилд: Работы по истории ислама и Арабского халифата. –М. 1966.

7-жилд: Работы по исторической географии и истории Ирана. –М. 1971.

8-жилд: Работы по источниковедению. –М. 1973.

9-жилд: Работы по истории востоковедения. –М. 1977.

**БАКТРА, Балх** – қадимий шаҳар ёдгорлиги. *Бактрия* ўлкасининг маркази, Афғонистондаги Вазиробод (Балх) шаҳри яқинида жойлашган. Мил. авв. I минг йиллик ўрталаридан маълум. Шаҳарнинг иккинчи номи *Зариасп*. Тарихчи Плинийнинг ёзишича Зариаспга Б. номи дарё номидан берилган. Б. шаҳри ҳақидаги дастлабки ёзма маълумотни Ктесий келтиради. У Оссурия подшоси Ниннинг *Бактрия*га юришлари ва Семирамида томонидан пойтахт Б.нинг қамал қилиниши тафсилотларини ёзади. Археологик маълумотларга кўра Б. шаҳрига *Ахамонийлар* даврида асос солинган. Ушбу даврга оид маданий қатламлар 120 га майдонни эгаллаган шаҳарнинг энг қадимги юқори қисми – Боло Ҳисорда яққол кузатилади. Мил. авв. 330-329 йилларда шаҳарни Македониялик Искандар эгаллаган пайтда у *Ахамонийлар* салтанати Бактрия сатраплигининг маркази эди. *Салавкийлар* даврида Б. салтанатнинг шарқий ўлкалари пойтахт-маъмурий маркази бўлади. Б. *Юнон-Бактрия подиологи*

даврида ҳам пойтахт шаҳар бўлиб қолади. Бу даврда Б. юқори шаҳар Боло Ҳисор ва 400 га майдонни эгаллаган куйи шаҳар – Янги Балхдан таркиб топади. *Кушонлар* даврида шаҳар янада кенгайиб, унинг маркази Янги Балхга кўчади. Б. ривоятларга кўра, *зардуштийлик* тарқалган жой, кейинчалик кушонлар салтанати даврида Марказий Осиёда будда динининг йирик марказларидан бири бўлиб қолади.

**БАКТРИЯ** – тарихий-географик ҳудуд. Қадимги Б.га ҳозирги Жанубий Ўзбекистон (Сурхондарё), Жанубий-Ғарбий Тожикистон ва Шимолий Афғонистон ерлари кирган. Б. Эронча “бохтар” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “қуёш чиқадиган ўлка” демакдир. Мазкур ҳудуд қадимги юнон муаррихлари асарларида Бактриана, Бактрия деб аталган. Илк ўрта асрлар даврига келиб, қадимги Б. ерларида туркий қабила – тохарлар кенг ёйилиши муносабати билан *Тоҳаристон* деб юритилган.

Археологик адабиётларда Амударёнинг ўрта оқими ўнг соҳили Шимолий Бактрия, сўл соҳили Жанубий Бактрия деб юритилади.

Шимолий Бактрия (ҳозирги Сурхондарё вилояти ва жанубий Тожикистон ҳудудлари)дан ибтидоий даврдан бошлаб то ўрта асрлар даврига оид юзлаб археологик ёдгорликлар очиб ўрганилган.

**БАКТРИЯ ЁЗУВИ** – мил. авв. IV аср охиригача қадимги *Бактрия* ҳудудларида оромий ёзуви ишлатиб келинган. Кейин *Бактрия*да

махкама тили ва ёзуви юнонча бўлган. Сўнг мил. авв. III-II асрлар чегарасида оромий ва қадимги юнон алифбосига асосланиб Б.Ё. ишлаб чиқилади. Бизгача юздан ортиқ Б.Ё. намуналари ва сўзлари етиб келган. Б.Ё. топилмалари, асосан, мил. авв. I аср ва миллодий I асрларга тааллуқли. Бактрия тили ва ёзуви яхши ўрганилмаган. Кушонлар подшоси Канишка томонидан ўтказилган ислохотлардан бири Қадимги Бактрияда Искандар Зулқарнайн истилоларидан сўнг амалга кирган юнон ёзувини *Бактрия* ёзувига ўтказиш бўлган эди. Бу тарихда маҳаллий аҳолининг мустақилликка томон кўйган илк қадами бўлди.

**БЕРНШТАМ АЛЕКСАНДР НАТАНОВИЧ** (18.09.1910 – 10.12.1956) – тарихчи-археолог олим. Тарих фанлари доктори, Ленинград (Санкт-Петербург) университети профессори. Машхур этнограф ва фолклоршунос олим Т.А.Бернштамнинг ўғли. Мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ 1925 йилдан Севастополь ўлкашунослик музейида ишлай бошлаган. 1931 йилда Ленинград (Санкт-Петербург) Филология институтини тамомлаб, аспирантурада тахсил олади. 1932-1956 йилларда Давлат Эрмижаида илмий ходим, 1936-1956 йилларда Ленинград Давлат университетида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Айни вақтда доимий фаолият кўрсатувчи Еттисув-Тянь-шань-Помир-Фарғона археологик экспедициясига раҳбарлик қилади. 1942 йил СССР ФАнинг Тошкентда бўлиб ўтган Илмий Кенгашида А.Н.Бернштам “Қирғизлар ва Қирғизистоннинг қадимги даврдан мўғул

истилосигача бўлган тарихи” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. А.Н.Бернштамнинг илмий фаолияти асосан, Марказий Осиё кўчманчи чорвадор аҳолисининг этногенези, ижтимоий ҳаёти, шунингдек қадимги эпиграфикаси ва нумизматикаси масалаларига қаратилган. Машхур тарихчи олимлар С.Н.Биковский ва С.Е.Маловларнинг шогирди *А.Н.Бернштам* кейинчалик, Фарғона водийси археологияси ва қадимги тарихининг машхур тадқиқотчиси *Ю.А.Заднепровский*нинг устози эди. Олимнинг энг муҳим асарлари: “Жилище Крымского предгорья” (ИГАИМК. 1931. Т. 9. Вып. 67.); “Руническая надпись в уйгурской рукописи” (Записки Института Востоковедения АН СССР. 1939. Т. VII.); “Археологические работы в Семиречье (КСИИМК. 1940. Вып. 4.); “Кенкольский могильник” (-Л., 1940.); “Согдийская колонизация Семиречья” (КСИИМК. Вып. 6, 1940.); “Археологический очерк Северной Киргизии” (-Фрунзе, 1941.); “Социально-экономический строй орхон-енисейских тюрок VI-VIII вв. Восточнотюркский каганат и кыргызы” (-М.-Л., 1946.); “Араванские наскальные изображения и даваньская (ферганская) столица Эр-ши” (Советская этнография. 1948. № 4. С. 155-161.); “Древнетюркский документ из Согды” (ЭВ, т. V, 1951, С. 65-75.); “Очерк истории гуннов” (-Л., 1951.); “Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и

Памиро-Алая (-М-Л., 1952 (МИА. № 26).

**БЕШБАЛИК**, Бешбалик (туркийча Бешшахар; хитойча Бэйтин (Шимолий шахар) – Шаркий Туркистондаги шахар (I-XIV асрнинг биринчи ярми). Хитойдаги Цзимус шаҳридан 10 км. шимолдаги қишлоқ яқинида харобалари сақланган. “Худуд ул-олам” асарида Б. Панжикат (Беш шахар) деб қайд этилиб, тўққиз ўғузлар қабила бошлиқларининг ёзги қароргоҳи сифатида таърифланган. Мўғуллар истилоси арафасида уйгур ҳоконлигининг марказларидан бири бўлган. Мўғуллар давлати пайтида Б. Чигатой улуси таркибида бўлиб, унинг ҳокими Масъуд Ялавоч бўлган. Шахар Чигатой улусидаги ўзаро урушлар натижасида вайрон бўлган.

**БИЖАНАКЛАР**, печенеглар – Итил (Волга) ва Ёйиқ (Урал) дарёлари бўйлари, Орол денгизи оралиғидаги даштларда ҳамда Каспий денгизининг шимоли ва шарқида мил. I минг йилликнинг иккинчи ярмида яшаган туркий қабилалар бирлашмаси. Б. қадимги *Қанг давлати* аҳолиси қанғарларга мансуб бўлганлар. VIII асрда Ёйиқ ва Итил оралиғида қанғли, сармат ва бошқа қабилаларнинг бирлашувидан йирик бижанак-қанғли иттифоқи ташкил топади. IX аср охирида қипчоқ ва ўғузларнинг сиқуви натижасида Б.нинг асосий қисми жанубий рус даштларига, шимолий Қора денгиз бўйларига кўчиб ўтиб, Киев Русига муттасил хавф солиб турганлар. 1036 йилда Ярослав Мудрий Б.га қаттиқ зарба бергач, уларнинг бир қисми Венгрияга кўчиб ўтади. Б.нинг

Итил-Волга оралиғида қолган қисми кейинчалик Дашти Қипчоқ ўзбеклари таркибига сингиб кетган ва ҳозирги қорақалпоқ, туркман ва ўзбек халқларининг этногенезида иштирок этганлар.

**БИЙ, Бек** – 1) кўчманчи ва ярим кўчманчи туркий халқларнинг, жумладан, ўзбекларнинг уруғ оқсоқолларига берилган унвон. Бийлар XVIII-XIX асрларда йирик ўзбек қабилаларига бошчилик қилиб, фақат марказий ҳокимиятта итоат этганлар. Хонлар улар билан муросада бўлишга ҳаракат қилиб уларга турли унвонлар бериб, мансабларга тайинлашган. Бий унвони авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтган; 2) юқори мансабли кишиларни улуглаш мақсадида ишлатилган сўз ёки уларга берилган унвон; 3) Хива хонлиғида оталиқдан кейин келадиган мансаб; 4) Бухоро хонлиғида хизмат поғонасининг 9-мансаби; аморат паноҳ унвон бўлган. Бу унвонни олган шахс уни кейинги мансабларни эгаллаганда ҳам ўзида сақлаб қолган.

**БИНКАТ** (ф. “бин” – кўриниш, суғд. “кат” – шаҳар, қалъа, қўрғон) – кўринарли шаҳар. IX-XII асрларда Шош (Чоч) тарихий вилоятининг пойтахти. Харобаси ҳозирги Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги бинолар остида сақланган. Б. 1970-1980-йилларда Тошкент археология экспедицияси (В.А.Булатова, Д.П.Вархотова, М.И.Филанович) томонидан ўрганилган. Аниқланган маданий қатламлар асосида шаҳар чегераси белгиланган. Сомонийлар даврида (IX-X а.) Б. девор билан ўралган трапециясимон ёки учбурчаксимон шаклдаги, тахминан 16 га майдонга эга шаҳристондан

иборат бўлиб, шаҳристондан шимол томонда учбурчак шаклида майдони 3 га лик қўрғон ҳам мавжуд бўлган. *Арк* ва *шаҳристон* тахминан ҳозирги Зарқайнар ва Навоий кўчалари, Чорсу ва Эски Жўва майдонлари ҳамда шу ердаги бозор билан чегарадош Гулбозор тепалиги ўрнига тўғри келади. *Арк* Регистон ва Жангтоҳ ариқлари оралигида жойлашган. Қазимшалар жараёнида шаҳристон худудидан XI-XII асрларга оид бир неча кулолчилик хумдонлари колдиклари топилган. X аср тарихий маълумотларига кўра, Б.нинг узунлиги ҳам, кенглиги ҳам 1 фарсах (6-7 км)дан бўлиб, *кўхандиз* (*арк*), *шаҳристон* (*мадина*), ички ва ташқи *работ*лардан ташкил топган. Б. ободонлиги ва баҳаволиги билан Шарқда шуҳрат қозонган. Б. X-XI асрлардан Тошкент номини олган. Археологик маълумотларга кўра, XII аср охиридан шаҳар ҳаётининг аста-секин сўна бошлаши кузатилади. Баъзи тадқиқотчилар буни Шош-Йлюк тоғли худудидаги конларда қимматбаҳо металл хом ашёларининг тугаши билан изоҳлайдилар. Амир Темури ва темурийлар даврида шаҳарда ҳаёт қайтада жонланади. Бу пайтда Тошкент шаҳристон ва шаҳар атрофи мудофаа деворлари билан ўралган йирик шаҳарлардан бирига айланади ва кейинги асрларда ҳам ривожланишда давом этади.

**БИРИНЧИ ЙИРИК МЕҲНАТ ТАКСИМОТИ** – деҳқончиликнинг чорвачилиқдан ажралиб чиқиши. Мезолит-неолит давридан бошлаб, инсоният *ишлаб чиқарувчи ҳўжалик* шаклига ўта бошлайди. *Энеолит* ва *бронза*

даврига келиб, меҳнат қуролиларининг тақомиллашуви ва ерга ишлов бериш усулларининг мукамаллашуви натижасида ортиқча маҳсулот пайдо бўлади. Бу ҳол биринчи ижтимоий меҳнат тақсимотини юзага келтирди.

**БИШКЕНТ МАДАНИЯТИ** – Шимолий Бактрия бронза даври маҳаллий чорвадор қабилаларининг маданияти. Мил. авв. XIII-XI асрларга оид. Бу маданиятга тегишли мазор-қўрғонлар 1955-1959-йилларда А.М.Мендельштам томонидан Жанубий-Ғарбий Тожикистоннинг Бишкент водийсидан топиб ўрганилган (Тулхар, Аруктов). Ушбу маданиятнинг келиб чиқишини А.М.Мендельштам *Замонбобо маданияти* билан, *Б.А.Литвинский* ва Л.Т.Пьянковалар эса Сополли маданиятининг Мўлали босқичи билан боғлайдилар.

**БИХИСТУН БИТИКЛАРИ** – Шимолий Эронда, Кирмоншоҳ шаҳридан 30 км шарқда, тоғ оралиғидан ўтган қадимги савдо йўли ёқасидаги қояга аҳмонийлар ҳукмдори Доро I (мил. авв. 522-486) нинг қадимги форс, элам ва аккад тилларида ёздирган зафарномаси. Битикларнинг энг каттаси қадимги форс миҳхати билан ёзилган 5 та устун бўлиб, у 515 қаторни ташкил этади. Унда шунингдек, подшо Доро I нинг ўзбошимча ҳукмдорлар устидан ғалабаси тасвирланган рельеф ҳам бор. Б.Б. Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари тарихи бўйича бошқа ёзма манбаларда учрамайдиган ноёб тарихий манба ҳисобланади. *Марғиёна*даги Фрада кўзғолони, Доро I нинг сака тиграхаудалар устига юришлари,



*Аҳамонийлар* салтанатига кирувчи худудлар (*Парфия, Хоразм, Бақтрия, Суздиёна*) хақидаги маълумотлар шулар жумласидандир. Б.Б.ни ўқишда Г.Гротенфельд, Бюрнуф, Массен, О.Кент, В.И.Абаев ва айниқса, Г.К.Роулинсонларнинг хизмати катта бўлган.

**БОЗОРҚАЛЪА** – Хоразмнинг қадимги шаҳар ёдгорлиги. Қоракалпоғистон Республикасининг Тўрткул тумани худудида жойлашган. 1938, 1939-1940 йилларда *Я.Ф.Фуломов* ва *С.П.Толстов*лар томонидан илк бор ўрганилган. 1954, 1968, 1977-1979 йилларда ёдгорликнинг турли қисмларида қазилмалар ўтказилган. Ёдгорлик квадрат шаклида бўлиб, умумий майдони 600×560 м (33 га). Икки қаторли мудофаа девор билан ўраб олинган бўлиб, у маълум масофада ярим айланали жами 44 та буржлар билан кучайтирилган. Шаҳарнинг ички қисми *Қузалиқир* ва *Қалъалиқир* I сингари қурилишлардан ҳоли. Шаҳарнинг шимоллий-шарқий бурчагида 120×120 м (1,4 га) майдонни эгаллаган арк бўлиб, унга кириш қисми мураккаб лабиринт билан кучайтирилган. Б. мил. авв. VI–IV асрларга оид.

**БОЛАЛИКТЕПА** – илк ўрта асрлар даврига оид қалъа-қаср. Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридан 30 км шимолда жойлашган. Ёдгорлик бир неча катта ва кичик тепаликлардан ташкил топганлиги учун шундай ном олган. Б. 1953-1955 йилларда археолог олим *Л.И.Альбаум* томонидан ўрганилган. V-VI асрларга тегишли бўлган ушбу

ёдгорлик Термизшоҳларнинг сарой қалъаси бўлиб, тўртбурчак шаклидаги пахса пойдевор (30×30×6 м) устига хом гиштдан бунёд этилган. Қалъа-қаср 16 хонадан иборат. Хоналарнинг ташқарига қараган деворларида туйнук (*ишнак*)лар жойлаштирилган. Энг катта хона ўртасида доира шаклидаги оташкада (диаметри 1,2 м, баландлиги 60 см) жойлаштирилган. Ёдгорликдан сопол ва шиша идишлар, турли мусикий асбоб бўлаклари, нақшинкор чилим, тақинчоклар билан безалган ипак кийимлар парчаси, чорлана қуриб бола эмизатган аёл (маъбуда) тасвири туширилган шиша медальон, ганчдан ясалган Хумо куши каби ноёб асори-атикалар топилган. Б. деворий расмлари илк ўрта аср *Чағонийён* аҳолисининг турмуши ва моддий-маънавий маданияти хақида маълумот берувчи муҳим тарихий манба ҳисобланади.

**БОЛАСОҒУН** – Чу воҳасида, ҳозирги Тўқмоқ шаҳридан 24 км. жанубий-ғарбда жойлашган улкан ўрта аср шаҳри (VII-XIV асрлар). Қадимда Еттисув вилоятининг маркази. XI-XII асрнинг биринчи ярмида Қорахонийлар, сўнгра XII асрнинг иккинчи ярмидан Қорахитойлар давлатининг пойтахти бўлган. Муғуллар уни Гобалик (яши шаҳар) деб атаганлар. XVI асрда калмоқлар хужуми оқибатида Б. вайрон этилган.

**БОРУ** – қалъа девори; қалъа деворининг ўқ отишга мўлжалланган махсус мустаҳкам қисми.

**БОТМОН** – Парк мамлакатларида, жумладан, Ўрта Осиёда қадимги даврда ва ўрта асрларда мавжуд бўлган оғирлик ўлчов бирлиги. Турли даврларда турли жойларда ботмоннинг миқдори ўзгариб турган. Масалан: XIV-XV асрларда у тахминан 20 кг га тенг бўлган. XIX асрда ботмон Хивада 20,16 кг дан 40,95 кг, Фарғонада 131,44 кг дан 163,800 кг гача, Тошкентда 171,99 кг га тенг бўлган.

Ўрта Осиёда ботмон, шунингдек ер ўлчови сифатида ҳам қўлланилган, яъни бир ботмон оғирликдаги буғдой сепилиши мумкин бўлган ер бир ботмон ҳисобланган. Бу тахминан бир гектарга тенг ўлчов бирлиги бўлган.

**БОХТАР** – Афғонистондаги Балх шаҳрининг қадимги номларидан бири.

**БРОНЗА ДАВРИ** (жез даври) – умумий археологик даврлаштиришда тўрт асосий давр (тош, мис-тош, бронза ва темир)дан бири. Меҳнат қуроллари асосан мис билан қалайнинг аралашмаси – бронзадан ясалгани учун шундай ном берилган. Мил. авв. 3-2 минг йилликларни ўз ичига олади.

Бронза даврига келиб ҳозирги Ўзбекистоннинг жанубий ва шимолий-шарқий ҳудудларида сунъий суғоришга асосланган суғорма деҳқончилик маданиятлари шаклланади. Бу даврга оид моддий маданият ёдгорликлари *Замонбобо* (Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида), *Саразм* (Тожикистоннинг Панжикент тумани, Суғд вилоятида), *Сополитена*, *Жарқўтон* (Сурхондарё вилоятининг Шеробод

туманида) ва *Тозабобёб*, *Амиробод* (Хоразм-Қорақалпоғистон), *Чуст* (Фарғона водийси) маданиятлари ёдгорликларидан топиб ўрганилган.

**БУДДА** (санскрит. Буддха – хотиржам, нурдан баҳра олган, олий ҳақиқатга эришган) – буддизмда бир неча бор қайта туғилишлар нағижасида мутлақ ҳақиқатга етишган ва буддага диний нажот йўлини кўрсатишга қодир зот. Кенг маънода – ҳар бир инсон жуда кўп эзгулик қилиш, бу дунёнинг барча сеvimли нарсалари фойдасиз эканини англаш орқали буддага айланиши мумкин. Буддизм пантеонида юзлаб турли буддалар бор.

Тор маънода эса – буддизм асосчиси, бу дунё ташвишларини тарк этиб, “олий ҳақиқатга эришган” Сиддхартха Гаутама (мил. авв. 623-544) нинг исми. Ривоятларга кўра, Гаутамани Ҳиндистон ва Непал чегарасидаги Капилавасту подшосининг хотини Махамая илохий ҳомилидорликдан туққан. Шаҳзода ўлмайгач, тўқ ва фаровон турмуш уни кониктирмайди. 29 ёшида Гаутама хотини ва яқиндагина туғилган ўғлини тарк этиб, дарвешлар (шараманлар) сафига қўшилиб, 6 йил Ганга дарёси қирғоқларида зоҳидлик билан ҳаёт кечиради. 35 ёшида медитация (бутун онгини олий ҳақиқатга эришиш) ҳолатига қиради. Ниҳоят у мақсадига эришади ва коинотнинг барча сир-асрорларидан воқиф бўлган буддага айланади.

**БУДДИЗМ** – пайдо бўлиши тарихий даврига кўра, биринчи жаҳон динларидан бири. Бундан 2600 йил аввал шимолий-шарқий

Ҳиндистонда вужудга келган. Унинг асосчиси шахзода Сиддхартҳа Гаутамадир. Сиддхартҳа вафотидан сўнг Будда (“Олий ҳақиқатга эришган”, “Ҳақиқат нажоткори”) деб аталган. Будавийлик динининг номи ана шундан олинган.

Буддавийлик динининг муқаддас китоби “Трипитака” (“Уч сават донолик”) деб аталади. Буддавийлик ҳаёт айланма ҳаракатда деб тушунтиради. Бу таълимотнинг асосини “тўрт олий ҳақиқат” ташкил этади:

1. Азоб-уқубатлар мавжудлиги ҳақидаги таълимот.

2. Азоб-уқубатларнинг сабаблари мавжудлиги ҳақидаги таълимот.

3. Азоб-уқубатларнинг бартараф бўлиши ҳақидаги таълимот.

4. Азоб-уқубатлардан қутилишнинг нажот йўли борлиги ҳақидаги таълимот.

Бу дин эрамиз бошларида Ўрта Осиёга ҳам кенг ёйила бошлади. Кушонлар салтанати (I-IV асрлар) ва Эфталийлар даврида будда дини давлат дини даражасига кўтарилган ва Ўрта Осиё худудларига кенг тарқалган. Будда дини Ўрта Осиё орқали Шарқий Туркистон, Мўғулистон ва Хитойга ёйилган.

**БУДРАЧ, Будрачтепа** – Денов шаҳридан 6 км жанубий-шарқдаги Заҳратепа қишлоғида, Қизилсув (Сангардак)нинг Сурхондарёга қуйилиш жойидан 1 км масофада жойлашган қадимги шаҳар харобаси. 1960 йилда илк бор *Г.А.Пугаченкова* томонидан очиб ўрганилган. Умумий майдони 6 км кв. Арк (Оқмозортепа, 1,5 га), сарой ва маъмурий бинолар комплекси

(Дунётепа, 2 га), шаҳристон (51 га) ва кенг раббатдан ташкил топган. Б. мил. авв. I – мил. I асрлар чегарасида пайдо бўлиб, ўнта қурилиш босқичи аниқланган. Шаҳарда ҳаётнинг энг гуллаган даври X аср ва XI асрнинг бошларига тўғри келади. Б. XI аср охирида салжукий Алп Арслон, кейинчалик мўғуллар томонидан вайрон қилинган бўлсада, шаҳарда ҳаёт давом этган. XVI асрда Шайбонийлар истилоси муносабати билан шаҳар узил-кесил тушкунликка учрайди.

**БУЛАТОВА ВЕРА АНДРЕЕВНА** – Ўрта Осиё моддий маданиятини тадқиқ этган археолог олима. 1915 йил Москвада туғилган. 1937 йилда турмуш ўртоғи, машҳур архитектор Митхат Булатов билан Тошкентга кўчиб келади. Ўрта Осиё давлат университетининг Тарих факультети Ўрта Осиё археологияси бўлимида тахсил олиб, *М.Е.Массон* мактабининг илк битирувчиларидан бири бўлади. Профессор *Г.А.Пугаченкова* илмий раҳбарлигида номзолик диссертациясини ёқлайди. Илк бор археологик тадқиқотларни Хива Ичанқальаси арқидан ўтказиб, бу ерда Алоуддин бобо, Уч авлиё макбараларини ўрганди. Хоразмда олиб борилган ишлар олиманинг И.И.Ноткин билан ҳаммуаллифликда эълон қилинган “Хива меъморий ёдгорликлари” (-Т. 1965.) ва Л.Ю.Маньковский билан ҳаммуаллифликда ёзилган “Хоразм меъморчилиги ёдгорликлари” (-Т. 1978.) китобларида акс эттиради. Олима шунингдек, Бухородаги Улугбек, Қўқалдош, Мир Араб мадрасалари, тоқи Телпақфурушон,

Зайниддин бобо масжиди, Самарқанддаги Регистон ансамбли, Гўри Амир ва Шохи Зинда каби обидалар меъморчилиги тарихини ўрганиб уларни қайта тиклаш борасида ҳам катта ишлар қилди. Тошкентда эса Шайх Зайниддин бобо мақбараси, Қафқол Шоший, Юнусхон, Шайх Хованди Тохур мақбаралари, Барақхон ва Кўкалдош мадрасаларида археологик тадқиқотлар ўтказди. Фарғона водийсидаги илк ўрта асрларга оид *Қува* шаҳрида VII-VIII асрларга оид будда ибодатхонасини очиб ўрганди. Олиманинг Фарғонадаги ишлари “Қадимги Қува” (-Т. 1972.) монографиясида эълон қилинди. Л.Ю.Маньковский билан ҳаммуаллифликда нашр этилган “Тошкентнинг XIV-XIX асрлар меъморчилик обидалари” (-Т. 1983.) китобида Тошкент шаҳрида кўп йиллар давомида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари берилган.

**БУЛЛА** – одам ва ҳайвонлар тасвирланган муҳрларнинг лойдаги расми. VI-VIII асрларга оид Кофирқалъадан (Самарқанд вилояти) ана шундай Б.ларнинг ноёб намуналари топилган.

### **БУРГУТҚАЛЪА**

Хоразмнинг ўрта аср шаҳар ёдгорлиги. Қорақолпоғистоннинг Эллиққалъа туманида, шу номдаги дехкончилик воҳасида жойлашган. 1937 йилда А.И.Тереножкин томонидан илк бор текшириб чиқилган. 1954-1955 йилларда археолог олима Е.Е.Неразик батафсил ўрганган. Шаҳар VI-VIII асрларда воҳадаги йирик қалъа (Бургутқалъа) яқинида вужудга келган ва илк ўрта асрлар даврида

ушбу худуднинг йирик савдо-хунармандчилик маркази бўлган.

**БУРЖ** (ар. – минора, қалъа) – қадимда шаҳар-қалъалар деворига ташки томондан тиргак сифатида қурилган мудофаа иншооти. Б. қалъа деворлари периметри бўйлаб, одатда, девордан баландрок ва ташқарига туртиб чиққан бўлади. Б.лар режасига кўра тўғри бурчак, квадрат ва овал шаклда бўлиши мумкин. Б. устида ва ичкарисида махсус хоналар бўлади. Қондага кўра, Б.лардан бирига хужум қилинганида, қўшни Б.дагилар душмани ўкка тутишлари мумкин бўлиши учун, Б.ларнинг ораси камон ўқи учиб борадиган масофадан ошмаслиги лозим бўлган ва шунинг учун ҳам улар орасидаги масофа 17-55 м ни ташкил этган. Қадимда мудофаа мақсадида қурилган махсус Б.лар ҳам бўлган.

**БУРЯКОВ ЮРИЙ ФЁДОРОВИЧ** (15.03.1934-27.06.2015) – археолог, тарихчи олим. Ўзбекистон ФА академиги (1996), тарих фанлари доктори (1984), профессор. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти луареати (1985). Ўрта Осиё Университети (САГУ, ҳозирги ЎЗМУ)ни тугатган (1956), Ўзбекистон халқлари тарихи музейида кичик (1956-1959), катта (1959-1964) илмий ходим, директор ўринбосари (1964-1966), Ўзбекистон Маданият вазирлигида инспектор (1966-1967), ЎзФА *Археология институт*ида катта илмий ходим (1967-1970), илмий котиб (1970-1973), бўлим мудири (1973-1979), 1979 йилдан шу институт директор ўринбосари. 1978 йилдан Чоч-Илок, кейинчалик

Чоч-Усрушона археология экспедициясига раҳбарлик қилган. Илмий фаолияти Тошкент воҳаси археологияси, топографияси, тоғ кончилиги, металлургия, хунармандчилиги ва шаҳарсозлиги масалаларини ўрганишга бағишланган. “Горное дело и металлургия средневекового Илака” (–М. 1974), “Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса” (–Т. 1975), “Тошкент областининг археологик ёдгорликлари” (хаммуаллифликда. –Т. 1975), “Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса” (–Т. 1982), “Канка и Шахрухия. Древние города Чача и Илака на Великом шелковом пути” (–Т. 2011), “Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. Қадимги даврдан то ҳозиргача (хаммуаллифликда. –Т. 2012), “Нахшеб-Несеф-Карши. Место в мировой цивилизации” (хаммуаллифликда. –Т. 2012) каби фундаментал асарлар муаллифи.

**БУРҒУЛУҚ МАДАНИЯТИ** – Қадимги Тошкент воҳасининг сўнги бронза ва илк темир даврлари (мил. авв. IX-IV асрлар)га оид археологик маданияти. 1940 йилда *А.И.Тереножкин* томонидан Бурганлисойда Тошкент канали қурилиши майдонида археологик кузатув жараёнида ўрганилиб фанга киритилган. Ушбу маданиятга оид ёдгорликлар Оҳангарон дарёсининг Тошкент денгизи томон кетган Бурганлисой ўзани қаврасидан, Оҳангарон дарёсининг ирмоқлари – ҳозирги Жўн ва Салор каналлари шаҳобчаларидан, Қовунчитепанинг қуйи қатламларидан топилган. Б.М. таракқиёти икки босқичдан иборат:

Биринчи босқичда (мил. авв. IX-VII асрлар) аҳоли ярим ертўла, чайлаларда яшаб деҳқончилик қилганлар. Иккинчи босқичда (мил. авв. VI-IV асрлар) аҳолининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлади. Эндиликда аҳоли гувала ва хом гиштдан кулбалар қурганлар, улар овал, айлана, тўғри тўғр бурчак ва квадрат шаклида бўлиб, ўртача майдони 12-15 кв.м. бўлган. Кулбалар асосан бир хонали бўлиб, 2 хонали кулбалар кам учрайди. Қишлоқларнинг атрофини мудофаа деворлари билан ўраб олганлар ва деҳқончиликда сунъий суғоришдан фойдаланганлар.

1972 йилда *Х.Дуке* Оҳангарон дарёсининг чап соҳилида шу маданиятга тегишли 14 та қишлоқ ва 60 га яқин ярим ертўла ва чайла типдаги кулбаларнинг қолдиқларини топиб ўрганган. *М.Филанович* 1981 йилда Шостепадан Б.М.га тегишли бир қабри топди. Б.М. сопол идишлари кўпол ва мўрт бўлган, чунки улар кўлда ясалиб, очик гулханларда пиширилган.

Б.М. қадимда Тошкент воҳасининг кўчманчи чорвачилиқдан ўтрок деҳқончиликка ўтган аҳолиси маданияти ҳисобланади. У келиб чиқиши жиҳатидан қадимги Фарғонанинг *Ҷуст маданияти*, Зарафшон водийсининг *Қуктена 1*, Жанубий Ўзбекистоннинг *Кучук 1*, Жанубий Туркменистоннинг *Яз 1* ва Шимолӣ Афғонистоннинг *Тилла 1* маданиятлари билан кўп ўхшаш эканлиги ҳақида хулосага келинган.

**БУТ** – 1) санам – диний сиғиниш объекти ҳисобланувчи

худо ёки руҳнинг тасвири; 2) икона – христианликдаги Исо, Биби Мариям ва авлиёлар тасвири; 3) крест (салиб) – христианлик рамзи.

**БУТПАРАСТЛИК** – бут, санам, салиб, иконага сиғиниш одати. *Фетишизм*, мажусийлик каби ибтидоий динларга хос. Мажусийликдаги бутпарастлик одати христианлик ва буддизм каби динларда ҳам сақланиб қолган. Ислом дини шаклланишидан олдин Арабистондаги қабилаларда ҳам бутпарастлик одати бўлган. Бундай бутлар Маккадаги диний ибодатхона – Каъбада 300 дан ортиқ бўлган. Ислом дини шаклланиб, якка худога сиғиниш пайдо бўлгандан сўнг бутлар Каъбадан чиқариб ташланди. Африкадаги айрим қабилаларда бутпарастлик ҳали ҳам бор.

**БУХОРО** – Шарқнинг энг машхур ва қадимий шаҳарларидан бири. Б.ни археологик жихатдан ўрганиш 1930-йилларда шаҳардаги меъморий ёдгорликларни (Мағоки Аттор жоме масжиди, Минораи Калон ва бошқ.) ўрганиш ва қайта тиклаш ишларининг йўлга қўйилиши муносабати билан бошланган эди. Бирок *В.А.Шиикин*, кейинчалик 1950-йилларда *С.Н.Юрневлар* томонидан ўтказилган казишмаларда 12 м чуқурликкача тушиб борилсада, ер ости сувларининг чиқиб қолиши туфайли шаҳарнинг энг қуйи маданий қатламларигача етиб борилмаган эди. Б.да стационар археологик тадқиқотлар ўтказиш ва шаҳарнинг ёшига аниқлик киритиш мақсадида 1968 йилда академик *Я.Ф.Фуломов* раҳбарлигида махсус археологик гуруҳ ташкил этилади.

1970-1974 йилларда ушбу гуруҳ Б.нинг турли қисмларида стационар казишмалар ўтказди ва шаҳарнинг 14-17,5 м лик маданий қатламдан ташкил топганлигини аниқлади. 1977-1980 йилларда мазкур гуруҳ тадқиқотларни давом эттириб, шаҳарнинг энг қуйи қатламларидан мил. авв. IV-III асрларга оид ашёвий манбаларни топдилар. Мустақиллик йилларида ҳам шаҳарни археологик ўрганиш давом эттирилди ва шаҳарга мил. авв. I-минг йилликнинг ўрталарида асос солинганлиги археологик маълумотлар асосида исботланди.

Б.нинг номи илк ўрта аср Хитой манбаларида турлича (Ан, Анси, Анго, Бухо, Буку, Бухэ, Бухаэр, Бухала, Фухо, Пухуала) аталган. Ўрта аср араб манбаларида эса Нумижкат, Навмичкат, Бумичкат, Ал-Мадина ас-суфрийя (Мис шаҳар), Мадинаат ат-гужжор (Савдогарлар шаҳри), Фохира (Фахрли шаҳар) каби номлар билан тилга олинган. Бухоро атамаси санскритча “вихора” сўзининг турк-мўғулча шакли “бухор” (“ибодатхона”)дан келиб чиққан деб тахмин қилинади. Кейинги йилларда тадқиқотчилар томонидан бу атама суғдийча “буғ” ёки “бағ” (“тангри”) ҳамда “оро” (“жамол”) сўзларидан иборат бўлиб, “тангри жамоли” деган маънони англатади, деган фикр илгари сурилмоқда.

Бухоро VI-VIII асрларда Бухорхудотлар ҳокимлиги, IX-X асрларда Сомонийлар, XVI-XX аср бошларида Бухоро хонлигининг, 1920-1924 йилларда эса Бухоро Халқ Совет Республикасининг пойтахти бўлган.

**БУХОРОИ ШАРИФ**  
(Шарофатли Бухоро) – қадимги Бухоронинг кенг тарқалган номларидан бири. Ўрта асрларда жаҳондаги 7 шаҳар: Макка, Мадина, Қуддус, Бухоро, Боғдод, Дамашқ, Мозори Шарифга диний марказ сифатида шуҳрат қозонганлиги учун “Шариф” унвони берилган. Бухоро ислом дини, мусулмон ахлоқи, маданияти ва ҳуқуқшунослиги Шарқдаги энг кучли марказлардан бирига айланиши туфайли унга IX аср бошларидаёқ “Куббат ул-ислом” – “Ислом динининг гумбази” деган сифат ҳам берилган.

**БУХОРО ХОНЛИГИ** – Темурийлар давлатининг инқирозидан бошлаб, Ватанимиз тарихининг Хонликлар даври бошланди. Бухоро хонлиги расман 1510 йилдан 1920 йилгача мавжуд бўлди. Бухоро хонлигида учта сулола ҳукмронлик қилди. Булар: Шайбонийлар сулоласи (1510-1601), Аштархонийлар сулоласи (1601-1753) ва Манғитлар сулоласи (1753-1920). Шайбонийлар ва Аштархонийлар сулоласидан чиққан ҳукмдорлар насл-насаби жиҳатидан Чингизхон (1151-1227) нинг узоқ авлодлари ҳисобланардилар. Шунинг учун ҳам улар “хон” унвони билан юритилганлар. Бухоро пойтахт қилиб белгиланиши туфайли давлатнинг расмий номи тарихий адабиётларда Бухоро хонлиги номини олди. Манғитлар сулоласи маҳаллий қабилалардан чиққан бўлиб, Чингизхонга қариндош ҳисобланмас эди. Шунинг учун ҳам сулола вакиллари ўзларини “хон” эмас, балки “амир” деб атадилар.

Давлатнинг расмий номи ҳам Бухоро Амирлиги деб юритилди. Охири Бухоро амири 1920 йилда тахтдан ағдарилади.

**БУХОРХУДОТ** (Бухоро ва кад. ф. “худот” – ўзи ҳоким, эга) – илк ўрта асрларда Бухоро маҳаллий ҳукмдорлари. “Бухорхудот” атамаси дастлаб “Бухорхудот” (“Бухоро ҳокими”) шаклида бўлган. VIII асрда Бухорога ислом кириб келгач, араблар уни Б. деб ўз тилларига мослаб олганлар. Бухорони араблар босиб олганидан кейин (707-708 й) бухорхудот ҳукмдорларлиги ўз мавқеини йўқотди. VII аср охири VIII аср бошларида Бухорода Бидун, Тугшода, Буниёт ва Сикун исмли Б.лар ҳукмронлик қилганлар.

**БУЮК ИПАК ЙЎЛИ** – Ғарб билан Шарқни бир неча аср мобайнида бир бирига боғлаб келган йўллардан бири бўлиб, бу йўл фанга 1877 йилда немис олими К.Рихтгофен томонидан шундай ном билан киритилди. Унга қадар бу йўл “Ғарбий меридионал йўл” деб аталиб келинарди. Буюк Ипак йўли 12 минг км. узунликда бўлиб, у Сарик денгиз соҳилларидан бошланиб, Шарқий Туркистон, Марказий Осиё, Эрон, Месопотамия, Сурия орқали Ўрта ер денгизи соҳилларигача давом этган.

Қадимги ва ўрта аср давлатларининг ҳукмдорлари Ипак Йўлидаги савдони ўз назоратига олишга доимо ҳаракат қилишган. I-III асрларда Ипак йўли савдоси Кушонлар назорати остида бўлган бўлса, III-VII асрларда Ўрта Осиё ва Шарқ орқали ўтган ипак йўлининг назорати суғдийларнинг қўлида бўлган. VIII асрдан бошлаб Ипак

йўлидаги савдо назорати араблар кўлига, IX-X асрларда Сомонийлар, XI-XII асрларда Қорахонийлар, Салжукийлар ва Хоразмшоҳлар кўлига ўтди. XIII асрга келиб, Чингизхон ипак йўлининг барча тармоқлари бўйлаб назоратни қўлга киритди. Лекин бу даврга келиб, Буюк Ипак йўлидаги қизгин савдо-иктисодий алоқаларга путур етган эди. XIV асрнинг 70-йилларидан Амир Темур сиёсий ҳокимиятни қўлга олиб, кудратли салтанатга асос солгач, эл-юртда барқарорлик таъминланди. Буюк Ипак йўлидаги савдо-иктисодий алоқалар янгидан ривожланиш палласига кирди.

Буюк ипак йўлининг нуфузи XVI-XVII асрларга келиб пасая бошлади. Буюк географик кашфиётлар туфайли савдо-сотик қуруқлик орқали эмас, сув йўли орқали амалга оширила бошланди. Чунки денгиз орқали савдо анча хавфсиз бўлиб, бундан ташқари Осиё мамлакатларидаги ўзаро урушлар ва сиёсий бекорор вазият ҳам Буюк ипак йўлининг инкирозига сабаб бўлган.

Буюк Ипак йўли биргина иктисодий аҳамият касб этмай, балки у диний, маданий мерос ютуқларини тарқатувчи, мамлакатлараро дипломатик алоқаларни таъминловчи йўл ҳам эди.

## В

**ВАҒН, фағн, бағн** – *Авестода* ибодатхона номи. X-XIII асрлардаги кўпгина тарихчиларнинг асарларида Суғддаги кишлоқлар номида “фағн” (“бағн”, “вағн”) қўшимчаси борлиги

кузатилади. Ибодатхона раҳбари (коҳини) – “вағнпат” деб аталган.

**ВАДОРИЙ** – ўрта асрларда Самарқанд яқинидаги Вадор кишлоғида тўқилган пишиқ, сарик рангдаги машхур мато. В. кимматбаҳо ва кўркам бўлганлиги сабабли ундан тикилган кийимларни Хуросон ноиблари, олий мартабали вазирлар ва қозилар кийиб юришган.

**ВАРА** – *Авестода* чор атрофи мудофаа деворлари билан ўралган мустаҳкамланган қалъа-қўрғон. Дастлабки шаҳар, илк шаҳар (*протомашаҳар*). В.лар ўтрок зироаткор ва чорвадор аҳоли, шунингдек, хунармандлар мол-мулкани душман ҳужумидан ҳимоя қилиш мақсадида қурилган.

**ВАРАХША** – қадимги шаҳар харобаси. Бухоро шаҳридан 40 км шимолий-ғарбда, Жондор гуманида жойлашган. Майдони 9 га ва баландлиги 10-20 м.лик улкан тепалик шаклида сақланган. Ёдгорликда 1937-1939, 1947-1954 йилларда *В.А.Шишкин* кенг кўламли археологик қазिश ишлари олиб бориб, ёдгорлик ҳақида батафсил маълумот берилган монография эълон қилади. (Варахша. –Москва. 1963.). Кейинчалик В.нинг айрим қисмларида *А.Мухаммаджонов* (1975-1977), *О.В.Обольченко* (1977-1979) ва *Г.В.Шишкина*лар (1977-1979) тадқиқотлар ўтказганлар. Археологик тадқиқотларга кўра мил. авв. II асрдан милодий II асрлар оралиғида В. ва унинг атрофларида маданий ҳаёт гуллаган. III-IV асрлардаги таназзулдан сўнг V асрда В.да ҳаёт яна тикланиб, VI-VIII асрларда бу шаҳар бухорхудо ҳукмдорлари қароргоҳига айланади.



Шаҳар мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралиб, унинг жанубий қисмида *арк* бунёд этилади. VIII-XI асрлар давомида В. Бухоро воҳасининг энг обод шаҳарларидан бири бўлиб, савдохунармандчилик марказига айланади. XII асрга келиб В.да ҳаёт номаълум сабабларга кўра тўхтади. В. ўзининг ганчкор нақшлар ва ноёб деворий суратлар билан безатилган *бухорхудоот*лар сарой ёдгорлиги билан машҳур.

**ВАРВАРЛАР** (юн. – *barbaros* – Шимолий Африкадаги қабилалардан бирининг номидан олинган) – қадимги римликлар ва юнонлар ўзларига қўшни номаълум тилда сўзлашувчи қабилаларни шундай аташган. Европанинг варвар қабилалари маданияти юнон-рим маданиятидан анча орқада эди. Шунинг учун ва атама кўпроқ қолок, ёввойи-уришқоқ қабилалар (германлар, готлар, хунлар, скифлар)га нисбатан қўлланилган.

**ВАРДОНЗЕ** – қадимги ва ўрта асрлар даврига онд шаҳар ёдгорлиги. Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида жойлашган. Шаҳар арки 1 га, шахристони 7 га, работ қисми 100 гектарга яқин майдонни эгаллайди. Ёдгорлик ўтган асрнинг 50-60-йилларида Я.Ғуломов томонидан ўрганилган. Мустақиллик йилларида ЎзФА *Археология институтининг* Бухоро бўлими тадқиқотларни давом эттирмоқда. Тарихчи Наршахий “Бухоро тарихи” асарида В.ни Бухородан қадимий деб ёзади. Олимлар шаҳар ёши 3 минг йилга яқин деб ҳисоблайдилар. Шаҳар номи ҳам бу фикрни тасдиқлаб турибди. Қадимги суед ва Авесто

тилида атрофи мудофаа деворлари билан ўралган мустаҳкамланган қалъа-қўрғон “*вара*” деб юритилган. Тадқиқотчилар шаҳар номи ана шу “*вара*” атамасининг ўзгарган шакли деб изоҳлайдилар. Шаҳарда ҳаётнинг гуллаган даври илк ўрта асрлар даврига тўғри келади. У Бухоро воҳасидаги маҳаллий ҳукмдорлар – вардонхудоотларнинг қароргоҳи бўлган. Тарихий манбаларда келтирилишича, араблар истилоси даврида вардонхудоотлар мустақил ҳокимлик сифатида Кутайба ибн Муслим учун бухорхудоотлардан кўра хавfli ва кучли рақиб ҳисобланган. Мўғуллар истилоси натижасида шаҳар вайрон қилинган бўлсада, В. XIX аср охиригача обод савдохунармандчилик маркази бўлиб келган.

**ВАРНА** – *зардуштийлик*да ғанимлар (душманлар) яшайдиган юртлар.

**ВАХШ МАДАНИЯТИ** – бронза даври чорвадор жамоалари маданияти. 1960-йилларда *Б.А. Литвинский* томонидан Тожикистоннинг Вахш ва Қизилсув дарёлари этакларидан топиб ўрганилган. Ушбу маданиятга оид Вахш-1, Тигровая Блака, Ойқўл, Жарқўл, Макони-Мор, Гелот, Гулистон, Обкух ва Тошгузар каби қабристонларидаги қабрларда скелетлар ҳар хил ориентацияда ғужанак ҳолатда қўмилган бўлиб, ўрганилган қабрларнинг 29,2 % *кенотаф* мазорлардан иборатлиги аниқланган. В.М. керамика комплекси Шимолий Афғонистон деҳқон жамоалари сополларини эслатиб, улар орасида қулоччилик чарҳида ишланган сополар учрайди.

Бу маданиятнинг йил санаси мил. авв. XII-X асрлар билан белгиланган. *Бишкент маданияти* В.М. комплекслари билан кўп жихатдан ўрнатилганлиги учун Шимолий *Бахтрия* маҳаллий чорвадор қабилалари ёдгорликларини фанда Бишкент-Вахш маданияти деб аташ таклифи ҳам илгари сурилмоқда.

**ВАҚФ** (ар. – хайрия мақсадларида васият қилинган мулк, вақф мулки) – ўрта асрларда масжид, мазора, ханақа, мадраса ва мақбаралар учун ажратилган ерлар. Бундай ерлар мусодара этилган, давлат ҳамда йирик ер эгалари томонидан ҳаётияти этилган ерлар ҳисобига вужудга келтирилган эди. Масжид, мадраса, қабристонларнинг асосий сарф-харажатлари, шунингдек, талаба, мударрис ҳамда мутавадилларга бериладиган нафақа ва маошлар ҳаммаси вақф ерларидан олинадиган даромад ҳисобидан қопланар эди. В. мулкларини мутавадиллар бошқарганлар. Ҳозирда Ўзбекистонда вақфлар тугатилган. Аммо хорижий Шарқдаги барча мусулмон мамлакатларида ҳозиргача В. мавжуд.

**ВЕСЕЛОВСКИЙ НИКОЛАЙ ИВАНОВИЧ** (12.11.1948. Москва. – 30.03.1918. Москва) – машҳур рус тарихчи-шарқшунос олими. Илк бор Ўрта Осиё тарихини археологик тадқиқотлар асосида ўрганган олим. У 1885 йилда Санкт-Петербург университети Шарқ тиллари факультети араб ва турк тиллари йўналиши бўйича мутахассис сифатида ўлкани археологик жихатдан ўрганиш мақсадида

Туркистонга юборилади. Олим Самарқанднинг қадимий қисми Афросиёбда археологик тадқиқотлар олиб боради. 1895 йилда яна Самарқандга қайтиб шаҳарни ўрганиш учун ташкил этилган олимлар, архитекторлар, рассомлардан иборат экспедициянинг раҳбари сифатида *Афросиёб*даги қазув ишларни давом эттиради. 1905 йилда ушбу экспедиция материаллари асосида Гур Амир мақбарасига бағишланган махсус альбом тайёрлаб нашр эттиради. Самарқанднинг буюк тарихий-меморий обидалари ҳақида берилган илк илмий хулосалар *Н.И.Веселовский* номи билан боғлиқ. *Н.И.Веселовский* “Самарқанддаги Хожа Ахрор ёдгорлиги”, “Бибиҳоним масжиди”, “Яна оссурийлар ҳақида”, “Самарқандда рамазон”, “Бухорода қурбон ҳайити” ва бошқа кўплаб асарлар муаллифидир.

**ВЕХРУД** – Амударёнинг илк ўрта аср манбаларидаги номларидан бири. Асосан, арман ва эрон (пахлавий) тарихий-географик адабиётларида эслатилган. В. ва Ўрта Осиёнинг қадимги тарихий географияси масалалари И.Марквартнинг “Wehrot und Arang” (Лейден. 1938.) асарида батафсил таҳлил қилинган.

**ВИДЕВДАТ** – *Авесто* китобининг бизгача сақланиб қолган қисми бўлиб, *Авесто*нинг бирмунча ёш, лекин тўлиқ сақланган китобидир. В. 22 бобдан иборат бўлиб, унда “девларга қарши кураш” қоидалари ҳақида сўз боради.

**ВИС** – “*Авесто*” да уруғ (қишлоқ) жамоаси.

**ВИСПАРАТ** – *Авестонинг* бизгача етиб келган энг қадимги қисмларидан бири. 21 китобдан иборат бўлиб, унда зардуштийларнинг байрамлар ва диний маросимларда ижро этиладиган айрим мадҳиялари тўпланган.

**ВЯТКИН ВАСИЛИЙ ЛАВРЕНТЬЕВИЧ** (18.08.1869.

Верный (Алма-ота. – 26.06.1932. Самарқанд.) – тарихчи-манбашунос олим, археолог. 1894 йил Тошкент ўқитувчилар семинариясини тугатгач, бир муддат Ўш шаҳрида ўқитувчилик қилади ва кейинчалик, Самарқандга кўчиб келиб, бутун умрини ушбу шаҳар тарихини ўрганиш ишига бағишлайди. 3 мингдан ортиқ тарихий қўлёзмалар, вақф ҳужжатларини ўрганиб, Самарқанд тарихининг билимдонларидан бирига айланади. Унинг ташаббуси билан 1896 йилда Самарқандда музей (ҳозирги Ўзбекистон санъати ва маданияти тарихи музейи) ташкил этилади ва унга директорлик қилади. 1903 йилда *В.В.Вяткин* Самарқанд қадимий ёдгорликларининг назоратчиси қилиб тайинланади. 1905 йилдан 1932 йилгача Самарқандда археологик тадқиқотлар олиб боради. 1908 йилда Улуғбек обсерваториясини очиб ўрганади. Шу йиллар орасида у шунингдек, Бухородаги Исмоил Сомоний мақбарасини ўрганади (1925), *Эски Гермиз* (1927) ва Арбинжонда (1929) археологик қазинмалар ўтказди. Хоразм тарихий ёдгорликларини ўрганади (1929). *В.В.Вяткин* “Мирзо Улуғбек ва унинг Самарқанд расадхонаси” (1926), “Афросиёб – кўҳна

Самарқанд ўрни” (1926), “Қадимги Самарқанд ёдгорликлари” (1927), “Қадимги Самарқанд архитектураси” (1929) каби 75 дан ортиқ илмий асарлар муаллифи. Олим Самарқанддаги Улуғбек расадхонаси ёнига дафн этилган.

## Г

**ГАБР, Габрлар** (ф. – зардуштий, кофир) – 1) номусулмон, яъни мусулмонлар бўлмаганларнинг мусулмонлар орасидаги номи; 2) Эронда зардуштийликка эътиқод қилувчилар.

**ГАГАУЗЛАР** – Украина, Молдавия, Болгария, Руминия ва бошқа мамлакатларда яшовчи туркий халқ.

**ГАЗ** – Шарқ мамлакатларида бармоқ учидан елгагача (тахминан 62 см дан 91 см га тенг) бўлган узунлик ўлчов бирлиги.

**ГАНЧ** – қурилиш материали, гипс (алебастр)нинг маҳаллий тури. Г. тозалиги ва майдаланиш сифатига қараб ганчхок (оддий ганч билан соз тупроқ аралашмаси), тез-ганч (тез қотадиган пишиқ Г.) ва гулганч (асосан пардоз безагига ишлатиладиган майда нозик Г.) турларига бўлинади.

**ГАНЧКОР** – ганч (алебастр) билан бино ёки нарса буюмларга безак берувчи хунарманд уста.

**ГАРПУН** – ҳайвон шоҳи ёки суягининг ўткир тигли қисмини ёғоч таёққа боғлаш йўли билан ясалган ибтидоий ов қуроли.

**ГЕЙДЕЛЬБЕРГ ОДАМИ** – 1907 йилда Германиянинг Гейдельберг шаҳри яқинидаги Мауэр қишлоғидан топилган

ибтидоий одам тури. Даврий жихатдан *синантроп*ларга замонадош бўлган.

**ГЕНЕАЛОГИЯ** (юн. genealogia – шажара, насл-насаб) – инсонлар шажарасини, уларнинг ўзаро кариндош-уруғчилик алоқаларини ўрганувчи тарихнинг ёрдамчи фан соҳаси, насабшунослик.

**ГЕРАЛЬДИКА** (лот. heraldus – жарчи) – гербшунослик. Танга ва битикларда акс этган қадимий герблар, нишонлар, тамғалар ва бошқа белгиларни ўрганувчи тарих фанининг ёрдамчи соҳаси. XIII-XIX асрнинг биринчи ярмида дворян, цех ва ер мулкларнинг гербларини тузиш билан герольдлар шуғулланишган. “Геральдика” атамаси ана шу сўздан келиб чиққан.

**ГЕРАСИМОВ МИХАИЛ МИХАЙЛОВИЧ** (2.09.1907. Санкт-Петербург – 21.07.1970. Москва.) – машхур антрополог, археолог ва ҳайкалтарош. Тарих фанлари доктори (1956). Бош суягига қараб одамнинг юз тузилишини тиклаш методикаси асосчиси (“Герасимов методи”). Болалик ва ўсмирлик йиллари Иркутскда ўтиб, ёшлигидан Ж.Къове ишлари билан кизикади ва 13 ёшидан бошлаб Иркутск университетининг медицина факультети қошидаги анатомик музейда иш олиб боради. Ўликхоналарда узоқ вақт бош суяги тўқималарини ўрганиш билан вақтини ўтказади. 18 ёшида Иркутскдаги палеолит ёдгорлиги хусусидаги илк мақоласини эълон қилади ва антропология фан оламига кириб келади. Олим 1939-1945 йилларда Самарқандда

яшайди. 1941 йилда Гўри Амир мақбарасининг очилиши ва темурийлар антропологиясини ўрганиш экспедицияси ишида фаол иштирок этиб, бир қатор тарихий шахслар Амир Темури, Шохрух Мирзо, Мироншоҳ, Мирзо Улуғбек, Муҳаммад Султон ва бошқа темурийларларнинг бюстларини тиклайди. *М.М.Герасимов* бундан ташқари Ярослав Доно (Мудрый), Иван IV Грозный, Ф.Ф.Ушаков, А.Ю.Боголюбовский каби 200 дан ортик тарихий шахсларнинг бюстларини, Франциянинг Ла-Шпель о-Сен, Ўзбекистоннинг Тешиктош ғорларидан топилган *неандертал* боласининг юз киёфасини ҳам тиклаган.

**ГИЛКОР** – сувоқчи уста. Ганч (алебастр)га нақш солувчи уста.

**ГИРИХ** – арабча “тугун” сўздан олинган. Геометрик шакллардан тузилган нақш.

**ГИРКАН ДЕНГИЗИ** – тарихий манбаларда Каспий денгизининг қадимги номи. Ўрта асрларда эса Журжон, Ҳаркон денгизи деб юритилган. Денгизнинг жанубий соҳилларидаги тарихий вилоят эса Гиркания (Журжония) деб аталган.

**ГИРКАНИЯ** (*Авестода* – Вракана, ўрта асрлардаги номи – Журжон) – қадимги тарихий-маданий вилоят. Каспий денгизининг жанубий-шарқий соҳилида, ҳозирги Эроннинг шимоли ва Туркменистоннинг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган. Кўпчилик тадқиқотчилар ушбу атама эронча wrg – бўри сўздан олинган деб хисоблайдилар. Қадимги

Гекатомпил шаҳри мазкур вилоятнинг маркази бўлган.

**ГЛИПТИКА** (юнон. glyptike – glypho – кесамок) – қимматбаҳо ёки ярим қимматбаҳо тошларга ўйиб нақш ва гул қизиш санъати.

**ГОВМАРД** (ф. “гов” – сигир, “мард” – одам, йигит) – *зардуштийлик* фалсафасига кўра дастлабки ягона одам. Бу образ қадимги юнон миф (асотир)ларида кентавр (боши одам, танаси бука) тарзида учрайди.

**ГОЛОЦЕН** (юнон. holos – ҳаммаси, kianos – янги) – геологик даврлаштириш бўйича, музликлар давридан сўнг 16-12 минг йил аввал бошланиб, ҳозиргача давом этаётган давр. Ернинг геологик тарихидаги *антропоген* (тўртламчи) даврнинг ҳозиргача тугалланмаган охириги қисми. Г. даврида қуруқлик ва денгизлар, баъзи қирилиб кетган турларни ҳисобга олмаганда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси деярли ҳозирги кўринишга кирган.

**ГОМИНИДЛАР** (лот. homo – одам) – приматлар туркумига мансуб оила. Замонавий қиёфадаги одамлар (неоантроп) ва улардан олдин ўтган ибтидоий одам вакиллари (*архантроп*, *палеоантроплар*)нинг фандаги умумий номи.

**ГОНУРТЕПА** – Мурғоб дарёсининг эски ўзанидаги Марғуш (*Марғиёна*) тарихий вилоятининг маркази деб тахмин қилинадиган бронза даврига оид йирик шаҳар. Г. туркман тилида “қулранг тепа” деган маънони англатади. Харобалари Байрамали шаҳридан 70 км шимолий-ғарб томонда жойлашган. 1972 йилда *В.А.Сарианиди* бошчилигидаги

Марғиёна археологик экспедицияси томонидан топилиб, 1974 йилдан то шу бутунги кунгача ўрганиб келинмоқда. Г.нинг умумий майдони тўлиқ аниқланмаган (20-50 га атрофида) ва у *Марғиёна* ҳудудидаги энг катта ёдгорлик ҳисобланади. Шаҳар икки (шимолий ва жанубий) қисмга бўлинади. 1,5 га дан иборат Жанубий Г. тўлиқ қазиб ўрганилган. Мудофаа деворлари ва доира шаклидаги *буржлар* билан муштаҳкамланган ушбу муқаддас шаҳар ичида олов ибодатхонаси ва ибодатхона билан боғлиқ турар жойларнинг қолдиқлар топилган. Шимолий Г.да эса *цитадел* ва *шаҳристон* жойлашган. Сув таъминотидаги танқислик туфайли мил. авв. II минг йиллик охирига келиб Г.да ҳаёт тўхтайтиди ва ундан бир неча километр жанубий-ғарб томонда жойлашган *Тўғалоқ* воҳасига кўчди.

**ГОРЕЛЬЕФ** (фр. haut – баланд, relief – рельеф, бўртма) – ҳайкалтарошлик тури. Унда одам, ҳайвон, манзара ёки бошқа нарсаларнинг ярмидан кўпроғи девор ёки қоядан бўрттириб кўрсатилади. Ўзбекистон ҳудудида Г.ларнинг намуналари *Айритом* (I-II асрлар), *Варахша* (VIII аср) ёдгорликларидан тош ва ганчдан ишланган раққоса, созанда, қуш, от ва бошқа жонзотларнинг лавҳалари топилган.

**ГОТАЛАР (ГАТЛАР)** – *Авестонинг* энг қадимги қисми бўлиб, пайгамбар *Зардуштнинг* “муқаддас мадҳиялари” ва диний насиҳатларидан иборат. Г.да *Зардуштнинг архаик* (ибтидоий)

ибора ва терминлари сўзма-сўз *Ясна* китобига киритилган.

**ГОҲ** – қадимги туркий вақт ўлчов бирлиги; соатнинг  $\frac{1}{4}$  ига, яъни 15 минутга тенг бўлган.

**ГУЗАР** (ф. – ўтиш жойи; кўча, маҳалла) – шаҳар ёки кишлоқнинг уч-тўрт кўчасини ўз ичига олган, чойхона, бакколлик, қассоблик дўконлари бўлган гавжум ва серкатнов обод жойи. Одатда, маҳалла одамлари Г.га чиқиб, чойхўрлик киладилар, суҳбатлашадилар ва хордиқ чиқарадилар.

**ГУЛДАСТА** – иморат бурчакларини безаш учун ишлатиладиган минорачасимон қурилма.

**ГУМБАЗ** – қадимда ва ўрта асрларда меъморчиликда кенг ишлатилган услуб. Гумбазлар асосан тарихий шароит тақозоси, мавжуд қурилиш материаллари имконияти, айниқса, ёғоч танқислиги сабабли томларни ёпиш услуби сифатида пайдо бўлган. Ўрта асрларда ёғоч қурти авж олиб, иморат томида ишлатилган ёғочларни кемириб яроксиз ҳолатга тушириши натижасида Г.лар пайдо бўлган деган фикр ҳам бор. Одатда, гумбазнинг асоси айлана, чорси, тўғри бурчакли, саккиз бурчакли деворларга ёки устунларга қурилган. Гумбазнинг шакли тантановор кўриниш касб этиб, меъморий мажмуага мухташамлик ва улуғворлик бағишлаган.

**ГУЮКСЮР** – Туркманистон худудидан топилган мил. авв. IV-III минг йилликка оид археологик ёдгорликлар жойлашган воҳа. Бу воҳа қадимда Тажан дарёсининг эски ўзанидан сув олган. Г.

ёдгорликларидан хом гиштдан қурилган кўп хонали уйлар, кичик-кичик кўчалар ва кўтлаб нақшли кулолчилик буюмлари топилган. Эски ўзан атрофида жойлашган Даштлитепа, Ақчатепа, Айнатепа, Яланғочтепа, Муллалитепа, Чонгтепа ёдгорликлари мажмуаси Г. деҳқончилик воҳасини ташкил этади. Г. воҳасидан энеолит даврига оид дунёдаги энг қадимги суғориш тизимларидан бирининг излари топилган. Тажан дарёси эски ўзанларидан чиқарилган сунъий суғориш тизимлари орқали бу ерда жами 50 га яқин майдонда суғориб деҳқончилик қилинганлиги аниқланган.

**ГУЮРҚАЛЪА** – қадимги *Марғиёна*нинг қадимийликда *Эркқалъадан* кейинги иккинчи шаҳри. Салавкийлар подшоси Антиох I Сотер даври (мил. авв. III аср)да асос солинган деб тахмин қиланади. Антик даврга оид ушбу шаҳарнинг умумий майдони 330 га майдонни эгаллаб, мудофаа деворлари ҳар бир томонининг узунлиги 2 км га етган. Баланд деворлар ва *хандаклар* билан мудофааланган Г. забт этиб бўлмас истехком сифатида бутун *парфия* ва *сосонийлар* даврида мавжуд бўлган. Шаҳар аста-секин тушқунликка юз тутиб, ҳаёт унинг ғарбий томонида Салжукийлар даврида узил кесил кад кўтарган Султонқалъага кўчган.

**ГУЮРҚАЛЪА, Миздахкон** *Гуюрқалъаси* – 200 га майдонни эгаллаган Миздахкон археологик комплексининг таркибига киради. У ҳозирги Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли шаҳридан жанубий-ғарб томондаги учта тепалиқда жойлашган.

Миздахкон комплексининг топографияси ва хронологияси бу ерда 1928-1929 йилларда қисқа муддат казишмалар олиб борган *А.Ю.Якубовский* томонидан ўрганилган эди. 1946 йилда *Хоразм археологик экспедицияси*, 1962, 1964-1965, 1990-йилларда ЎзФА Қорақалпоғистон филиали Тарих, тил ва адабиёт институти археология бўлими ёдгорликни батафсил ўрганди (*В.Н.Ягодин*, *М.Турабеков*). Г. харобалари энг ғарбдаги тепалик устида, ҳамда унга ғарб томондан туташган текисликда жойлашган бўлиб, 8 га майдонни эгаллайди. Г.нинг энг куйи маданий қатламларидан олинган хум ва кўза синиклари мил. авв. IV-II асрларга оид бўлиб, шаҳристон ва унинг цитадель қисмида ҳаёт баъзи бир тўхташлар билан то XIII асргача давом этган.

**ГУЮРҚАЛЪА, Чирмонёб**  
**Гуюрқалъаси** – Тошховуз шаҳридан 120 км жанубий-ғарб томонда, қадимги Чирмонёб каналининг охириги қисмида жойлашган сўнги антик даврга оид шаҳар. Шаҳар унча баланд бўлмаган табиий тепалик устига қурилган. Чирмонёб Говурқалъаси мураккаб режа ва структурага эга. Ёдгорлик шимолий-ғарбдан жанубий шаркка томон чўзиқ шаклда шаҳристон ва қалъадан иборат. 60×65 м ўлчамдаги шаҳар арки шимолий-ғарб томонда жойлашган. Ундан жанубий-шарқ томондаги пастликда 450×150 м ўлчамдаги мустаҳкамланган қурилиш мавжуд. Арк ва шаҳристон мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Турар жой қурилишлари бир хил ўлчамда узун мудофаа

деворлари бўйлаб қурилган. *С.П.Толстов* Г.ни сўнги қушон даврига оид деб ҳисоблаган бўлса, кейинги тадқиқотлар унинг бунёд бўлиши эрамиз бошларига тўғри келишини кўрсатган.

## Д

**ДАБУСИЯ** – қадимда Самарқанд ва Бухоро оралигида жойлашган *қўрғон* (қалъа)лардан бири.

**ДАВАН** (хит. “Дайюань” – тоғлар орасидаги водий) – хитой ёзма манбаларида эслатиладиган Фарғона водийсидаги қадимги давлат. Мазкур давлат мил. авв. IV асрдан милодий III асргача мавжуд бўлган. Мил. авв. II-I асрлардаги Хитой манбаларида кенг, обод, бой мамлакат – Д. ҳақида маълумотлар келтирилади. Д. шаҳар ва воҳа ҳокимларининг эркин иттифоқидан иборат давлат эди.

Хитойшунос олим А.Хўжаев маълумотларига кўра “Дайюань” топоними иккита хитой иероглифдан (“дай” – катта, буюк ва “юань” – ҳудуд, тоғлар билан ўралган ўлка) таркиб топган. Юань топоними ўз навбатида икки хил давлат ва унинг пойтахти маъносида ишлатилган. Бугунги Помир тилларида “Паркана” топоними мавжуд бўлиб, у тоғлар билан ўралган ва бир томондан кириш мумкин бўлган ҳудуд маъносини беради. Қадимги суғд тилида ҳам “пар” – девор, тоғлар орасидаги ҳудуд, “кан” – фойдали қазилмаларга бой макон мазмунини англатган. Олимларнинг хулосасига кўра, *Даван* бу қадимги маҳаллий

Паркана-Фарғана-Фарғона сўзининг хитойча таржимасидир.

Мил. авв. II асрга оид хитой йилномаларида (Сима Цзянь), Д. аҳолиси 300 минг кишини ташкил этиб, мазкур давлатда 70 дан ортиқ катта-кичик шаҳарлар борлиги эслатилади. Улардан иккитасининг номи қайд этилган: Юань (И.Бичурин фикрича Эрши) ва Ючен. Улардан Юань пойтахт, Ючен давлатнинг йирик вилояти маркази дейилади. Кўпчилик тадқиқотчилар (*Ю.А.Заднепровский, Б.Матбобоев*) пойтахт Юанни *Мингтепа* шахри деб ҳисоблаган бўлсалар, сўнгги йиллардаги изланишлар асосида археолог олим *А.Анорбоев* Юань бу қадимги *Ахсикат*дир деган хулосага келган.

Манбаларда тилга олинган иккинчи шаҳар Юченнинг жойлашган ўрни узил-кесил аниқланмаган. Ючен бу Ўзган (*А.Н.Бернштам, А.Хўжаев*), *Шурабашиат* (*Ю.А.Заднепровский, Б.Матбобоев*), Ўш (Н.Г.Горбунова), *Эйлатон* (*А.Анорбоев*) бўлиши мумкин деган фаразлар мавжуд.

Бугунги кунда археологлар томонидан Д. давлати мавжуд бўлган даврга оид ўндан ортиқ шаҳар ёдгорликлари топиб ўрганилган. Булар *Шурабашиат* (70 га), *Ахсикат* (55 га), *Мингтепа* (38 га), Учқўрғон (24 га), Қайнавог (15 га, Наманган вил.), *Қува* (12 га), Оқтепа (12 га, Наманган вил.), Қўрғошинтепа (10 га, Ўш яқинида), Янгибозор (10 га, Ўш вил. Новкат тумани), Баладтепа (9 га, Наманган вил.), *Муштепа* (2,5 га, Косон) каби ёдгорликлардир.

Д.да етиштириладиган “самовий отлар” – Шарқда машхур

бўлган. “Самовий отлар” учун мил. авв. 104-101 йилларда Хитой аскарлари Д.га икки марта юриш қилиб, *Эрши* шахрини қамал қиладилар.

Д. атамаси тарихий адабиётларда милодий V асргача учрайди. Сунгра 479 йилдан “Лона”, кейин “Бохань”, “Сигянь” ва “Полона” атамалари пайдо бўлади. Муғ тоғидан топилган VIII аср бошларига оид суғд ҳужжатларида илк бор “Фрағана” сўзи учратилган.

**ДАВЛАТ** – синфий жамиятда асосий ишлаб чиқариш воситалари эгаларининг умумий манфаатларини таъминловчи ва уни химоя қилувчи сиёсий ташкилот. Ибтидоий жамиятда уруғ-қабилачилик муносабатлари, урф-одат, расм-русмлар каби ахлоқий меъёрлар билан бошқарилган бўлса, синфий жамиятда жамият аъзолари давлатнинг (хукмрон синфнинг) ёзма эрки бўлган (ёзиб қўйилган) ҳуқуқ-қонунлар орқали бошқариладиган бўлди. Демак, давлат бу жамиятни бошқарувчи сиёсий механизмдир. Давлат ўз фаолиятини давлат органлари (амалдорлар аппарати, суд, қўшин ва ҳ.к.) орқали амалга оширади.

**ДАВЛАТОБОД** – Шимолий Афғонистон ҳудудидаги бронза даври (мил. авв. II минг йилликлар)га оид ёдгорликлар мажмуаси. Маймана ва Андхой шаҳарлари орасида, Ширин-Тагао дарёсининг чап соҳилидан топиб ўрганилган 5 та қишлоқ манзилгоҳини ўз ичига олади (Тикар-1, Тикар-2, Тикар-3, Тикар-4). Қишлоқлар муҳофаа деворлари билан ўралмаган бўлиб, турар жойлар қурилишида хом гиштдан



кeнг фойдаланилган. Топилган сопол буюмларининг аксарияти кулолчилик чархида ясалган бўлиб, даврий жиҳатдан Жанубий Туркменистон (Намозгоҳ V) ва Жанубий Ўзбекистон (*Сополитена*) ёдгорликларига ўхшаш. Аҳолисининг асосий машғулоти деҳқончилик ҳисобланган. Чорвачилик эса ёрдамчи хўжалик хусусиятига эга бўлган.

### ДАВРЛАШТИРИШ

– инсоният тарихини бир биридан фарқ қилувчи катта даврларга бўлиш. Собиқ Советлар даврида инсоният тарихи, жумладан, Ватанимиз тарихи ибтидоий жамоа тузуми даври, кулдорлик, феодализм, капитализм ва социализм каби 5 та асосий даврга бўлиб ўрганиб келинар эди. Бундай даврлаштиришнинг мақсади – “жамиyat тараққиёти инсониятни, албатта, “коммунизм”га олиб боради” деган ғояни тарғиб қилиш эди. Тарих мазкур ёндашувнинг сохта ва хом ҳаёл эканлигини кўрсати.

Бугунги кунда Ўзбекистон тарихини куйидагича даврлаштириш мақсадга мувофиқ деб топилган.

1. Ибтидоий тўда даври (1 млн. - 40 минг йилликлар).

2. Уруғчилик жамоаси ва мулк эгалигининг шаклланиш даври (40 минг йилликдан милодий III-IV асрларгача).

3. Илк ўрта асрлар даври (милодий III-IV асрлардан то IX аср бошларигача).

4. Ўрта асрлар даври (IX аср бошларидан то XIX асрнинг ўрталаригача).

5. Мустамлакачилик ва миллий уйғониш даври (XIX аср ўрталаридан – 1917 йилгача).

6. Советлар (Шўро) даври (1917-1991 йиллар).

7. Миллий истиқлол, демократик ва фуқаролик жамияти куриш даври.

### ДАЛВАРЗИН,

**ДАЛВАРЗИНТЕПА** – Фарғона водийсининг сўнгги бронза даврига оид қишлоқ манзилгоҳи ва илк темир даврига оид шаҳар ёдгорлиги. Мил. авв. XV-VIII асрлар билан саналанган *Ўст маданиятининг* энг йирик ёдгорлиги. Андижон вилоятининг Жалолқудук тумани, Ойим кишлоғи яқинида жойлашган. 1952 йили *Ю.А.Заднепровский* томонидан топилиб, 16 йил давомида археологик тадқиқот ишлари олиб борилган. Д. майдони 25 га бўлиб, уч қисмдан иборат. Шаҳарнинг ҳар бир қисми алоҳида девор билан ўраб олинган. Бу ерда камида 700 йил ҳаёт қайнаган. Д. арки Фарғона водийсидаги энг қадимги шаҳар арки ҳисобланади. Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги гувалак намуналари ҳам Д.да қайд этилган. Д.дан уй-жой қолдиқлари, бронза қуйиш устахоналари, ғалла ўралари, меҳнат қуроллари топилган. Аҳолининг асосий машғулоти суғорма деҳқончилик ва чорвачилик бўлган. Донни қайта ишлаш учун *ёргучоқдан* фойдаланилган. Бронза хом ашёси ишлаб чиқариш анча ривожланган. Қазималар жараёнида бронзадан қилинган ўроқ, искана, бигиз, игна, найза, ўқнинг учи ва зеб-зийнат буюмлари кўплаб қайд қилинган.

### ДАЛВАРЗИНТЕПА

– Сурхондарё вилояти Шўрчи

шаҳридан 10 км шимолий-шарқда жойлашган қадимги шаҳар. Кушонлар даврининг машҳур ёдгорлиги. Майдони 36 га. 10 м қалинликдаги 2,5 км лик мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Д.да *Ўзбекистон санъатишунослик институти экспедицияси* 1962 йилда дастлабки текширув ишларини, 1967 йилдан бошлаб мунтазам археологик қидирув ишларини олиб боради. 1989 йилдан Д.да *Ўзбекистон санъатишунослик экспедицияси* билан Япониянинг Сока университети (Токио) ва Археология университети (Кашихара) профессори Кюдзо Като раҳбарлигидаги экспедиция ҳамкорлигида тадқиқотлар ўтказиб келинмоқда.

Мил. авв. II аср охири – I аср бошларида Д. ўрнида кичик манзилгоҳ бўлган. Подшо Канишка даврида (78-123) Д. шаҳар сифатида шаклланган. Ёзма ва археологик манбаларда Шимолий *Бақтрия* худудида мазкур даврга оид Д.дан бошқа катта шаҳар қайд этилмаган. Шунинг учун 1968 йил Душанбе шаҳрида “Кушонлар даврида Марказий Осиё” мавзусидаги бўлиб ўтган халқаро конференцияда тадқиқотчилар Кушонлар давлатининг дастлабки пойтахти Д. шаҳри бўлган деган хулосага келганлар. III аср охири IV аср бошларида Д. кўчманчи қабилалар босқини натижасида вайрон қилинган. Ҳаёт унинг бир қисмида (қалъа, ҳисор, шох саройи ўрнида) давом этган. Араблар истилоси оқибатида Д.да ҳаёт бутунлай тўхтайди. Савдо-хунармандчилик

энди Д.дан 10 км шарқда қад кўтарган *Будрачтепа*га кўчади.

#### **ДАЛВАРЗИНТЕПА**

**ХАЗИНАСИ** – Далварзинтепа шаҳристони (Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани)дан 1972 йилда *Ўзбекистон санъатишунослик экспедицияси* ходимлари томонидан топилган хазина. Д.Х. – 2 балдоқли сопол кўзачадаги ҳар хил олтин буюмларидан иборат. Кўзачадан жами оғирлиги 36 кг ни ташкил этган ҳазина топилган. Олтин буюмлар сони 115 та, улар ёмбилар, билагузуклар, олтин шодалар ва бошқа тақинчоқлардир. Олимлар хазина подшо амалдорлари ва бойларга ҳар хил тақинчоқлар ясаб берадиган заргарга тегишли бўлса керак, деб ҳисоблайдилар. Д.Х.нинг милодий I асрга тўғри келиши аниқланган. Гарчи хазинадаги айрим тақинчоқлар Афғонистон, Ҳиндистон, Покистондаги тақинчоқларга ўхшаб кетса-да, уларнинг Шимолий *Бақтрия*, яъни ҳозирги Ўзбекистон жанубида яшаган қўли гул усталар томонидан тайёрланганлиги шубҳасиздир. Д.Х. аждодларимизнинг қўшни халқлар ва мамлакатлар билан қадимдан яқин савдо-сотик ва маданий алоқада бўлганлигидан далолат беради.

#### **ДАРЁЛИК, Кўхнадарё** –

Амударёнинг эски ўзанларидан бири. XIII аср бошларида мўғуллар томонидан Амударёга қурилган ирригация тизимларининг бузиб ташланиши натижасида пайдо бўлган. Д. сувлари Сарикамиш қўлини тўлдириб, ортиқча сув *Ўзбўйга* ўтган. Шу туфайли XIV-XV асрларда ушбу худудда Тирсақ, Вазир, Адоқ каби янги шаҳарлар

пайдо бўлади. XVI аср охиридан Амударё ўз оқимини шимолга – Орол денгизи томон ўзгартиргач, Д.да сув камайиб XVII асрда куриб қолади.

**ДАРИК** – қадимги Эрон олтин тангаси. Д.нинг пайдо бўлишини *Аҳамонийлар* подшоси Доро I (мил. авв. 522-486) номи билан боғлайдилар. Бир Д. (оғирлиги 8,4 г) 5,6 г оғирликдаги 20 та кумуш танга кийматига тенг бўлган. Бу хилдаги тангаларнинг мамлакатимиз худудидан ҳам топилиши қадимдан Ўрта Осиё билан Эрон ўртасида савдо алоқалари мувжудлигини кўрсатади.

**ДАХЛАР**, дайлар – қадимда Каспий денгизининг шарқидagi текисликларда, Туркменистоннинг жануби, шунингдек, Ўзбекистоннинг бир қисмида яшаган кўчманчи қабилалар. Д. дастлаб, Ксеркснинг мил. авв. 486-480 йилларга оид битикларида қайд этилган. Тарихчи Бероснинг ёзишича, Кир II Оксус (Амударё) бўйларида яшовчи кўчманчи Д. билан бўлган жангда ҳалок бўлган. Д. Искандарнинг Ўрта Осиёга юришлари (мил. авв. 330-327) га оид воқеаларда ҳам тилга олинадилар. Баъзи фаразларга кўра Д. Спитаменни Искандарга тутиб берган қабилалар дейилади. Д.нинг шимолида дербиклар яшаганлар. Д. апарн (парнлар), ксангий ва писсур каби уруғларга бўлинганлар. Атрек ва Сумбар дарёларининг куйи ҳавзаси ўрта асрларда Дехистон (Дехистон) – дахлар мамлакати деб номланган.

**ДАХМА** (ф. – ер остидаги сағана, қабр) – қабр устига ўрнатилган ёдгорлик, сағана,

мақбара. Зардуштийлар даврида мурда қўйиб қуритилган махсус супа, хона ҳам Д. дейилган. Д. куриш қадимда кўчманчи қабилаларда ҳам, ўтроқ зироаткор аҳоли орасида ҳам кенг тарқалган.

**ДАХБЮ** – *Авестода* қабилалар иттифоқи. Д. шунингдек, вилоят, мамлакат маъносини ҳам аниқлатган.

**ДАШТИ КИПЧОҚ** – Сирдарёнинг қуйи оқими, ҳамда, Тяньшаннинг ғарбий ёнбағридан Днепр дарёсининг қуйи оқимларигача бўлган худудларнинг XI-XVI асрлардаги номи. Бу даврда туркий қабилаларга кўчманчи кипчоқ қабилалари етакчилик қилгани учун шундай ном олган.

**ДАШТЛИ** – Шимолий Афғонистон худудидаги бронза даври ёдгорликлари мажмуаси. Акча шахридан 30 км шимолда, Амударёдан 30 км жанубда жойлашган. Балхоб дарёсининг қуйи оқими эски ўзанлари бўйлаб жойлашган Д. воҳасининг шимолий қисмида бронза, жанубий-шарқий томонида *аҳамонийлар* ва *антик* даврга оид қатор ёдгорликлар қайд қилинган. 1969-1979 йилларда фаолият юритган *совет-афғонистон экспедицияси* ушбу воҳадан ўнлаб мил. авв. II минг йилликларга оид бронза даври кишлоклари (Даштли-1-18) ва қабристонлар (Даштли-19-20)ни очиб ўрганган. Даштли-1 ёдгорлиги мудофаа деворлари билан ўралган (99×85 м) қалъа-истеҳком бўлиб, тузилиш ва даврий жиҳатдан Шимолий *Бақтриядаги* *Сополитена* ёдгорлигини эслатади. Даштли-3 диний ибодат мажмуаси бўлиб, у тўғри тўртбурчак шаклидаги мудофаа деворлари

билан ўраб олинган. Мажмуанинг ички қисмида турар жойлар, марказий қисмида эса айлана шаклидаги мудофаа деворлари билан ўралган ибодатхона ва сарой (қаср) жойлашган.

### **ДЕВКАСКАНҚАЛЪА,**

**Вазир** – Хоразмнинг қадимги ва ўрта асрлар даврига оид шаҳар қалъаси. Шуманай туман маркази (Қорақалпоғистон Республикаси)дан 56 км жанубий-ғарбда, Устюрт платосининг жанубий-шарқидаги тор бурун чеккасида жойлашган. Д. харобаларини биринчи бўлиб 1928 ва 1930 йилларда Л.С.Соколов ва А.Д.Архангельскийлар кўздан кечириб, харитага туширишган. 1938 йилда Туркменистон Тарих институти ходими В.И.Пилявский, 1946-1947 йилларда *Хоразм археология-этнография экспедицияси*, 1958 йилда Туркменистон маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш бўлими ходимлари томонидан Д.да тадқиқотлар ўтказилган. Ёдгорлик хронологиясига аниқлик киритиш мақсадида 1979, 1985 ва 1986 йилларда Жанубий Устюрт экспедицияси Г.Хаджаниёзов раҳбарлигида Д.да қазишмалар олиб борилди. Ёдгорлик шахристонининг тарҳи тўғри тўртбурчак шаклида (260×730 м, 20 га). Тор бурун чеккасида жойлашганлиги учун ҳам шаҳар жанубий ва шарқий томондан 30 метрлик тик жарлик билан ҳимояланган. Қолган икки томони жарга туташган мустаҳкам қалъа девори билан муҳофазаланган. Девор бўйлаб бир-биридан 5-20 м масофада жойлашган тўғри бурчакли, икки қаватли,

бурчакларида эса квадрат шаклдаги буржлар жойлашган. Шаҳарнинг жанубий-ғарбий бурчагида арк (100×75 м) бор. *С.П.Толстов* Д.ни III-IV ва XV-XVII асрлар билан, *Я.Ф.Фуломов* эса милодий эранинг бошлари билан саналаганлар. Кейинги тадқиқотлар жараёнида топилган сопол намуналари асосан етти гуруҳга оидлиги аниқланиб, ундан иккитаси антик даврга (мил. авв. IV-III асрлар ва милодий II-IV асрлар) қолганлари ўрта асрлар даврига тегишли эканлигини кўрсатди. IV аср охирига келиб Д. таназулга юз тугади. XVI-XVII асрларда шаҳарда ҳаёт қайта жонланади. Яхши сақланган антик давр мудофаа деворлари ўрнида янги деворлар қурилади. Бу даврда шаҳар Вазир деб аталиб, XVI аср бошларида Хоразмнинг пойтахти бўлади. Ўрта аср Д. шаҳрида хозир учта эгаси номалум мақбара ва масжид харобалари сақланиб қолган.

**ДЕВОРЗАН** – пахсакаш, лой ва гиштдан девор урувчи уста.

**ДЕГРЕЗ** (тож. “дег” – қозон, “рез” – қуймоқ) – чўяндан қозон қуювчи уста-хунарманд.

**ДЕЙГИШ** – дарёнинг ўз киргоғини тўсатдан ювиб кетиши. Бу асосан Амударё учун хос.

**ДЕМОГРАФИЯ** (юн. *demos* – халқ, *grapho* – ёзаман) – аҳолининг жойлашуви ва тараққиёти қонуниятларини ўрганувчи ижтимоий фанлардан бири. Аҳоли сонининг ўзгариши, унинг бандлиги, табиий кўпайиши ва кўчиб юришлари (миграция)ни ўрганиш демографиянинг марказий масаласи ҳисобланади.

**ДЕРБИКЛАР** – массагетлар сиёсий уюшмаси (конфедерцияси)га кировчи сак қабиласи. *С.П.Толстов*нинг фикрича, Д. Амударёнинг ўрта оқимида ҳозирги Чоржуй билан Бухоро оралигида яшаганлар. Тарихчи Ктесийнинг маълумотларига кўра *ахамонийлар* шоҳи Кир II мил. авв. 530 йилда Д. билан бўлган жангда ҳалок бўлган.

**ДЕҲҚОН** (ф. – катта ер эгаси, заминдор; қишлоқ ҳокими) – илк ўрта асрларда катта ер эгаси, ҳукмрон табақа. “Қишлоқ ҳокими” деган маънони англатади. Ўрта асрлар европасидаги феодаллар табақасига тўғри келади.

XI-XII асрларга келиб (Қорахонийлар даврида) деҳқон атамаси илгариги нуфузли бой ер эгасига эмас балки оддий қишлоқ хўжалигининг эркин зироаткор жамоаси аъзоларига нисбатан қўлланила бошланган.

**ДЕҲҚОНЧИЛИК**  
**МАДАНИЯТИ** – бирон бир махсулот олиш мақсадида ерга ишлов бериш маданияти. Д.М. ҳайвонларни қўлга ўргатиш билан бир вақтда жанубий-ғарбий Осиё ва Мисрда пайдо бўлган. Бу ерда дастлаб мил.авв VII минг йилликда буғдой ва арпа, кейинроқ Европада сули ва жавдар, Осиёда тарих ва шולי, Африкада жўхори етиштириш бошланган. Америкада ловия, пахта, ковок, маккажўхори, картошка маданийлаштирилган. Термачилик ва овчиликдан *ишлаб чиқарувчи хўжалик* – деҳқончиликка ўтилиши инсоният тарихидаги катта ўзгариш бўлганлиги учун фанда бу воқелик “*неолит инқилоби*” деб юритилади.

Д.М. ўз тараккиётида илк, мотиға, қайир, қўлтиқ, чўнтақ, такрорий суғорма ва юксак даражада ривожланган маданий-хўжалик босқичларини ўтаган. Илк деҳқончилик босқичи ибтидоий уруғ жамоаларининг *ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка* ўтиш даврида юз берган. Д.М.нинг илк босқичи илмий адабиётларда қайир, лиман, қоқ, чўнтақ, қўлтиқ, мотиға деҳқончилиги номлари билан аталади. Қадимда катта дарёлар ва тоғ сойларининг куйи ҳавзаларида пайдо бўлган дарё ётқизиклари унумдор ва намлик етарли бўлганлиги туфайли шу ерларда катта-кичик экин майдонлари вужудга келган. Дастлаб бундай деҳқончилик майдонларини экинга тайёрлашда ҳайвон кучидан фойдаланилмаган. У жойларни бироз юмшатиш учун кетмонча (мотиға) ёки қўл омочидан фойдаланилган. Шунинг учун қўлтиқ деҳқончилиги фанда мотиға деҳқончилиги деб ҳам юритилади. Илк деҳқонлар экин майдонларига ишлов беришда ҳайвон кучидан фойдаланишни кашф этишгач, энди экин майдонларини суғориш зарурати келиб чиққан. Бу эса фанда суғорма деҳқончилик номини олади.

**ДИГИР** – чиғир (чархпалак)га боғланадиган кўза.

**ДИЗАК** – (суғд. – кичик қалъа) – Жиззах шаҳрининг илк ўрта аср тарихий манбаларидаги номи. X асрда Д. Факнон рустоқининг текисликда жойлашган шаҳри бўлиб, *Уструшон*нинг Панжикент ва Зоминдан кейинги учинчи шаҳри бўлган. Д. шимолдаги кўчманчи

қабилаларга қарши курашувчи ислом ғозийлари тўпландиган ер сифатида машҳур бўлиб, улар учун бу ерда кўплаб меҳмонхона ва *работ*лар қурилган.

**ДИН** (ар. – эътиқод, ишонч) – илоҳий кучга, Худога ишонишга асосланган дунёқараш, тасаввур, урф-одаг ва маросимлар мажмуи.

**ДИНГ** – Мовароуннаҳрнинг деҳқончилик худудларини кўчманчилар босқини ва талончилигидан, шунингдек табиий офатлар (сув тошқини)дан сақланиш мақсадида чегара худудларида қурилган кузатиш миноралари. Хабар учун хизмат қилган минорасимон ушбу қоравулхоналар ичида истиқомат хоналари, тепасида кузатиш кафаси бўлган.

**ДИНГИЛЖА** - ўнг соҳил Хоразмда архаик даврнинг энг мукамал ўрганилган ёдгорлиги. Д. мавзеси Жанубий Оқчадарё дельтасининг шарқий қисмида, қадимги деҳқончилик воҳаси билан Қизилқум саҳроси оралиғида, қадимги Қалтаминор канали зонасида жойлашган. У 2600 м<sup>2</sup> майдон (53×50 м)ни эгаллаган квадрат шаклидаги уй-кўрғони ҳисобланади. Ёдгорликдан топилган археологик материаллар мажмуаси мазкур кўрғон мил. авв. V-IV асрларга оидлигини кўрсатган.

**ДИНОР** – бир мисқол, яъни 4,8 гр (баъзи манбаларда 4,235 гр) оғирликда сўқилган олтин танга.

**ДИРҲАМ** – VII аср охиридан XIV асргача Осиёнинг мусулмон мамлакатларида, Шимолий Африка ва Испанияда муомалада бўлган пул бирлиги – кумуш танга. Мисқолнинг (4,8 гр.) ўндан етти

қисми 3,36 гр. га тенг. XIV аср охиридан кумуш пул “танга” номи билан атала бошланган. Бугунги кунда ҳам баъзи бир араб мамлакатларида пул бирлиги сифатида муомалада ишлатилади.

**ДРАНГИАНА** – қадимги Эроннинг тарихий вилоятларидан бири. Хамун кўли ҳавзаси ва Хилманд дарёсининг қуйи оқими бўйларида жойлашган. Мил. авв. II асрда Д.га сакларнинг кириб келиши билан янги – Сакистон (Сейистон) номи пайдо бўлган.

**ДРИОПИТЕК** – дарактда юрувчи маймун. 1856 йил француз археологи Ларте томонидан Австриянинг Юқори Горонна ҳавзасидан топилган. Миясининг ҳажми 600-680 см<sup>3</sup>. Д.лар олий типдаги одамсимон маймулар ҳисобланиб, ҳайвонот олаmidан одамзод оламига ўтиш босқичидир.

**ДРОМОС** – қадимги одамлар дафн этилган *лаҳад* (камера)га кириш йўлаги. Коридор.

**ДУКЕ ХУАН ИБАРРАЧЕ (1929-1990)** – Ўрта Осиё ва Ўзбекистон археологияси ривожига ўзининг катта ҳиссасини қўшган археолог олим. Испаниянинг Баск ўлкаси, ишчи оиласида туғилган Хуан Дукенинг хаётини 1931-1939 йилларда Испанияда бўлиб ўтган монархия ва фашизмга қарши фукоралар уруши тубдан ўзгартириб юборади. 1937 йилда 8 ёшлик Хуан Москва ёқинида жойлашган болалар уйига кўчириб келтирилади. 1950 йилда Москва давлат университетига ўқишга кириб, таҳсилнинг дастлабки кунидан бошлаб археология билан кизика бошлайди. Университетнинг Сибир ва Ўрта Осиё бўйича

мутахассислигини тугатган Хуан Дуке Бухорога кўчиб келади ва Бухоро ўлкашунослик музейида 1954-1964 йилларда катта илмий ходим, кейинчалик бўлим бошлиғи ва илмий ишлар бўйича директор ўринбосари сифатида фаолият кўрсатади. 1970 йилда Самарқандда *Археология институти* ташкил этилгач, Хуан Дуке ушбу институтнинг биринчилардан бўлиб аъзосига айланади ва институтнинг Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент воҳасида ташкил этилган экспедицияларида иштирок этади. Олим тадқиқот ишларининг бош мавзуси энеолит-бронза ва темир даври Ўрта Осиё чорвадор ва деҳқон аҳолисининг маданияти масалалари бўлиб қолди. Тошкент воҳаси *Бурғулук маданияти* тарихи ва даврлаштирилиши борасида Хуан Дуке ишлари айниқса аҳамиятли бўлди (Туябугузские поселение бургулюкской культуры. –Т. 1982). Испания билан муносабатларнинг яхшиланиши сабабли Хуан Дуке ўз она юрти Бильбаога бир неча бор сафар қалди, лекин Ўрта Осиё тарихи ва археологиясига бўлган қизиқиши ва садокати туфайли Испанияга кўчиб кетишни умрининг охиригача хохламади.

**ДУЛОБ** – ўрта асрларда сувни ариқдан далага чиқариб берувчи қурилма. Чархпалак, чиғир.

## Е

**ЕР ТАРИХИ** – сайёрамизнинг умумий ёшени бир йил деб оладиган бўлсак, унинг асосий тарихини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин: 1-январ – Ернинг

пайдо бўлиши, 28-март – бактериялар пайдо бўлди, 12-декабр – динозаврларнинг кенг ёйилиши, 26-декабр – динозаврларнинг қирилиб кетиши, 31 декабр соат 1-00 – *приматлар* ва одамларнинг умумий аجدодлари яшай бошлаган, 31 декабр соат 17-00 – дастлабки одамлар яшай бошлаган, 31 декабр соат 23-25 – *неандерталлар* яшай бошлаган, 31 декабр соат 23-59 минут 46 секунд – миллодий эра миз бошланган.

**ЕРҚЎРҒОН** – мил. авв. IX-VIII – мил. VI асрларга онд қадимги шаҳар харобаси. Бугунги *Қарши* шаҳридан 10 км шимолда жойлашган. Е.да дастлаб *Туркистон ҳаваскор-археологлари тўғараги* аъзолари (Л.И.Зимин, И.Кастанье), кейинчалик А.И.Тереножкин (1946), танаффуслар билан С.Кабанов (1946-1972), Я.Ф.Фулмонов (1959-1964), М.Е.Массон (1963-1964), 1973 йилдан ЎзФА *Археология институтининг Қашқадарё экспедицияси* Р.Ҳ.Сулаймонов раҳбарлигида йигирма йилдан ошиқ вақт давомида қазилмалар ўтказган. Е. Жанубий Суғд – *Нахшаб*нинг энг қадимги ва дастлабки пойтахт шаҳри ҳисобланади. Е. катталиги жиҳатидан Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарлари *Марв* ва *Самарқанд*дан кейинги учинчи ўринда туради. У қалъа ва шахристондан иборат бўлиб, умумий майдони 150 га. Ёдгорликни батафсил ўрганган Р. Сулаймонов ибораси билан айтганда, Е. Қарши воҳаси шаҳарларининг онаси ҳисобланади. Шаҳар илк бор мил. авв. VII асрда мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Мил. авв. VI асрда шаҳар майдони яна кенгайгач, 35 га

майдон янги девор билан ўраб оланади. Мил. авв. III-II асрларда эса 150 га майдон *бурж*лар билан мустахкамланган қўшимча мудофаа деворлари билан ўраб чиқилади. Ички девори атрофи *хандак* билан ўралган бўлиб, унда калъа, сарой мажмуаси, ибодатхона, кулоллар маҳалласи, турар жойлар ва бошқа объектлар очиб ўрганилган. Е. *Турк ҳоқонлигининг сосонийлар* билан иттифоқда *эфталийларга* қарши олиб борган урушлари натижасида VI асрда вайрон этилади. Шахар ҳаёти Турк ҳоқонлиги давридан бошлаб Е.дан 5-6 км жанубда жойлашган *Шулуктепага* кўчади ва у ўрта асрларда *Насаф* номини олади.

**ЕГГИСУВ** – тарихий-географик вилоят. Ҳозирги Қозоғистон Республикасининг жанубий-шарқи, Балхаш ва Иссыккўл оралиғидаги худуд. Тяньшан ва Олой тоғ тизмаларидан бошланиб, Балхаш кўлига қуйиладиган етти даре (Или, Қоратол, Биён, Оксув, Лепса, Баскон, Сарканд)нинг ҳавзаси бўлганлиги учун шундай ном олган. Е.да *сақлар*, кейинчалик усунлар яшаганлар. Е. ўлкаси кўчманчи туркий қабилаларнинг азалий юрти ҳисобланиб, *Чигатой* улусининг маркази ҳам Е. бўлган. XVI асрда Е.да қозоқларнинг Катта жуз хонлиги ташкил топган. XIX асрнинг ўрталарида Россия томонидан босиб олинган.

## Ё

**ЁЗУВ** – инсониятнинг энг муҳим ихтироларидан бири. Ё.нинг яратилиши билан инсоният

жамияти тараққиёти кескин даражада тезлашади ва шу сабабли кейинги тарих цивилизациялар тарихи сифатида ўтганилади (Месопотамия, Миср, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Юнонистон-Рим, Ўрта Осиё цивилизацияси ва бошқ.). Жаҳон халқлари бугунги харф-товушли ёзувга етиб келиш учун мил. авв. IV минг йилликдан бошланган узоқ ёзувлар тарихи тараққиётини бошидан кечирганлар.

Ўрта Осиё халқлари ёзув маданиятининг шаклланиш илдиэлари бронза даврига бориб тақалсада, археологлар томонидан қайд қилинган ёзув намуналарининг энг қадимгиси мил. авв. V-IV асрларга оид Ойбуйирқалъадан топилган қадимги Хоразм ёзувидир.

**ЁМ**, жом (мўғ. – йўл) – 1) ўрта асрларда, тахминан, бир кунлик йўлда элчилар ва чопарлар тўхтаб ўтиши учун қурилган бекаат. Бу ерда қўноқларга озик-овқат, тунаш учун жой, от-уловга ем хашак берилган. Жўнаб кетиш олдидан отлари алмаштириб ҳам берилган. Ё.лар XIII асрда ташкил этилган. Ё. хизматчиси ёмчи деб аталган. 2) ём (форс. – коса, қадах) – ўтмишда дон махсулотлари, турли хил ичимликлар сақланадиган катта, улкан хум.

**ЁМБИ** (хит. “юань бао” – бойлик тўплашнинг бошланиши) – яхлит қуйма олтин ёки қумуш.

**ЁРМА ТЕХНИКА УСУЛИ** – *илк палеолит* даврида ихтиро қилинган тош қуролларни ишлаш услуги. Бунда қурол ясаладиган чакмоқтошнинг бош томони усталик билан уриб текис майдонча ҳосил қилинади. Шу майдонча



оркали тошнинг майда паракалари олиниб қуролга шакл берилади.

**ЁРҒУЧОҚ** – ўсимлик донини янчиб ун қилиш учун ишлатиладиган тош. Дастлаб япалок идишсимон табиий тоғ жинсларидан Ё. сифатида фойдаланилган. *Антик давр*га келиб Ё. қўл тегиримони шаклини олади.

## Ж

**ЖАВШАН** (ф. – совут, зирх) – жангчилар киядиган совутнинг бир тури. Дастлаб жез (*бронза*)дан, кейинчалик темир ва пўлатдан ясалган. Ж. баргсимон темир парчаларидан майин халқа симлар ёрдамида тўкилган. Жанг пайтида отларга ҳам Ж ёпишган.

**ЖАЙХУН** (ф. “жай” – ҳовуз, сув омбори, суғориш канали, “хун” – қон, кизил) – кизил дарё ёки кизил сув. Амударёнинг ўрта асрлардаги номларидан бири. Баъзи тадқиқочилар бу сўзни Тавротдаги Гихон дарёси номининг арабча изоҳланишидир, деб ҳисобласалар, бошқалар форсча “жустан” (“изланмоқ”) ва “хун” (“қон”) сўзларидан келиб чиқиб, “Қон изловчи” дарё тарзида ҳам талкин қиладилар. Ж. сўзининг семитча “қутириган” деган маъноси ҳам бор. Ж.нинг қадимий номи Ўкуз (туркийча “қатга дарё”) бўлиб, қадимги юнонлар уни бузиб Оксус (Окс) деб талаффуз қилган бўлсалар, ўрта аср араб манбаларида эса Ж. деб юритилган.

**ЖАМИЯТ** – одамларнинг уюшган эҳтиёжлари кондирилишини таъминловчи, ихтилофларни бартараф қилувчи, маданиятни сақлаб

ривожлантирувчи, маданият мажмуаси ва унинг қисмлари асосида ташкил топган ижтимоий ҳаёт шакллариининг синтези. Турли ижтимоий гуруҳларни, табақаларни, шахсларни, оилаларнинг бир-бирига яқин манфаатларини бирлаштирувчи, уларнинг муносабатларини белгиловчи, ижтимоий муносабатларнинг умумий шаклини яратувчи, турли ташкилот ва муассасаларнинг йиғиндиси.

## ЖАМШИД

Зардуштийларнинг олам яратилиши ҳақидаги ривоятларига қараганда, биринчи одам. *Авестода* эслагиладиган Йима Хшаяти, ўрта аср адабиётларида *Жамшид* шаклида келади. *Авестога* кўра, Вивахванг ўгли Ж. (Жам, Йима, Тахмурас) *Ахурамазда* ҳақиқатини тушунишга ожизлигини билдириб, пайгамбарлик мартабасини рад этган. Шундан сўнг *Ахурамазда* Ж.га эзгу дунёни асраш ва унга подшолик қилиш вазифасини юклаган. Ж. бу вазифани 900 йил давомида адо этган. Шу муддатнинг ҳар 300 йилида Ж.га ишониб топширилган ҳудуд унда яшовчи халқлар учун торлик қилганлиги учун илоҳий қудрат воситасида кенгайтирилган (Видевдат 2-фрагард). Ж. подшолиги даврида на совук, на жазирама иссиқ, на касаллик, на ўлим, на кексайиш бўлган ва бу давр *Авесто*шуносликда “олтин аср” деб аталади. Мазкур муддат ўргалигида *Ахурамазда* дахшатли совук, бўрон ва селлар келиши, бу офатдан эзгу жонзодларнинг наслини сақламоқ учун тўрт томони бир от чопиш узунлигидаги *вар (вара)* қуришни,

унга барча жонзодларни жуфти билан йиғишни буюради (*Видеодат.* 2-фрагард. 30-банд.). *С.П.Толстов* Хоразмнинг қадимий шаҳарларидан бири *Кўзалиқирни варага* киёслаган эди.

Баъзи тадқиқотчилар Ж ни Хоразмда *Зардуштийлик*нинг илк оловини ёкқан хукмдор деб ҳисоблайдилар. *Видеодат*да Ж. ярим илоҳ, ярим одам, “Шохнома”да шаҳриёр, одамларга яхшилик улашувчи шахс сифатида мадҳ этилади.

**ЖАНД** – Ҳозирги Кизил Ўрдан куйироқда Сирдарёнинг сўл қирғоғида жойлашган ўрта аср шаҳри.

**ЖАНДА** – ўрта асрларда ҳар хил рангдаги мато парчаларидан ямаб тикилган дарвешлар кийими.

**ЖАНУБИЙ ТУРКМАНИСТОН АРХЕОЛОГИК КОМПЛЕКС ЭКСПЕДИЦИЯСИ (ЮТАКЭ)** – Ўрта Осиёда фаолият юритган йирик экспедициялардан бири. 1946 йилда профессор *М.Е.Массон* ташаббуси билан ташкил этилган. *М.Е.Массон* ушбу экспедицияга 1986 йилга қадар раҳбарлик қилади. Экспедициянинг асосий мақсади Жанубий Туркменистоннинг барча тарихий даврларга оид археологик ёдгорликларини илмий жиҳатдан ўрганиш бўлди. Экспедиция фаолияти давомида Ўрта Осиёдаги илк деҳқончилик маданияти – *Жойтун, Олтинтепа, Намозгоҳ, парфия* подшолари архиви, *Нисо ритони*, ноёб ҳайкалтарошлик асарлари, будда *ступаси* (Эски Марв) каби 100 дан ортик жаҳонга машхур ёдгорликларни фанга киритди. ЖТАКЭнинг 860 дан

ортик илмий ишлари, “Труды ЮТАКЭ”нинг 19 жилди ва бир қанча монографиялар нашр этилган.

**ЖАРИБ** – ўрта асрларда амалда бўлган юза, ҳажм, оғирлик ва ер ўлчов бирлиги. Шарқ мамлакатларида, жумладан, Ўрта Осиёда VII асрдан бошлаб қўлланилган. Юза ўлчов бирлиги сифатида бир жариб бир танобга тенг: 1 Ж.=1 таноб = 3600 кв.газ.

Оғирлик ўлчов бирлиги сифатида турли жойда Ж.нинг миқдори турлича бўлган. VII-IX асрларда 1 жариб – 22,825 кг, X асрда эса 32,5 - 108,3 кг оралиғида бўлган.

**ЖАРҚЎТОН** – Ўзбекистон ҳудудидаги *бронза даврига* оид энг қадимги шаҳар ёдгорлиги. Термиз шаҳридан 60 км шимолда, Шеробод тумани, Шеробод дарёсининг Бўстонсой ўзани чап соҳилида жойлашган. Ёдгорлик 1973 йилда Ш.Пидаев ва В.Пилипколар томонидан топилган. Шу йилдан бошлаб ЎзФА *Археология институтининг* академик *А.Асқаров* раҳбарлигидаги экспедицияси томонидан ўрганила бошланган. Ж.да археологик тадқиқотлар танаффуслар билан ҳозиргача давом этмоқда. Ж.нинг умумий майдони 100 гектар бўлиб, мудофаа девори билан ўралган марказий кўрғон, оташпараствлар ибодатхонаси, кабристон (20 га) ва бир неча даҳалардан иборат. Турар жой қолдиқлари, ибодатхона, кулоллар маҳалласи, металлчилик устахоналари, 1000 дан ортик қабрлар очиб ўрганилган. Ж. аҳолиси суғорма деҳқончилик ва чорвачилик билан шугулланган. Қазилмалар жараёнида тошдан

ясалган омов тиши, кулолчилик чархида ишланган кўтлаб сопол идишлар, бронза игна, бигиз, ханжар, сопол андава, чакмоқтошдан ишланган пайконлар, бронза такинчоқлар, кимматбаҳо тошлар, суякдан ясалган мунчоқлар, қабила муҳр тамгалари, пахта ва ипак мато қолдиқлари топилган.

**ЖЕТЕ (ЖЕТА)** – мамлакат номи. XIV асрнинг ўрталарида *Чигатой улуси* икки қисмга бўлиниб кетганидан кейин *Еттисув* ва Чу воҳалари ҳамда Шарқий Туркистонни ўз ичига олган унинг шимолий-шарқий қисми тарихий манбаларда Мўғулистон ёки Жете номи билан аталган. *Мовароуннаҳр* чигатойлари Шарқий Туркистон ва *Еттисув* мўғулларини қароқчи, қалоқ маъносида ҳам жета деб аташган.

**ЖИЙБА, жиба, жева** – ўрта асрларда жангчиларнинг темир ёки пўлатдан ясалган уруш кийими.

**ЖОЙТУН МАДАНИЯТИ** – Туркменистоннинг жанубий-ғарбий ҳудудларидан топилган *неолит даврига* оид Ўрта Осиёдаги илк деҳқончилик маданияти. Дастлаб *В.М.Массон* кейинчалик *Д.Дурдиев* ва *О.Бердиев*лар томонидан ўрганилган. Мил. авв. VI-V минг йилликларга тааллуқли. Жойтунликлар кулолчилик буюмларини кўлда ясашган ва геометрик нақшлар билан безашган. Одам ва ҳайвон ҳайкалчалари, мунчоқ ва шашка доналари топилган. Жойтун, Чакмоқли, Боми, Тўғолоқтепа, Чағиллитепа, Мунчоқтепа, Чўпонтепа ва Найзатепа Ж.М.нинг муҳим ёдгорликлари ҳисобланади.

**ЖОМЕ МАСЖИДИ** – шаҳар марказидаги ёки нисбатан катта ҳудуддаги асосий ва энг катта масжид. Жамоа учун энг зарур турли хабарлар эълон қилинадиган, ҳафталик жума, ҳайит номозлари жамоа бўлиб ўқиладиган махсус бино. Қадимда жума масжиди, гузар-номозгоҳ (махалла) масжидларига қараганда Ж.М. нисбатан катта ва салобатлироқ килиб бунёд этилган. Мовароуннаҳрда биринчи жоме масжиди Бухорода 713 йил Қутайба ибн Муслим томонидан барпо этилиб, маҳаллий мажусийлар (зардуштийлар)нинг ибодатхонаси Ж.М.га айлантирилган.

**ЖОНБОС-4 ЁДГОРЛИГИ** – қадимги Хоразмнинг неолит даври *Қалтаминор маданияти* ёдгорлиги. Оқчадарё ҳавзаси *Жонбосқалъа* ён тақрида жойлашган. 1939 йили *С.П.Толстов* томонидан очиб ўрганилган. Топилган кимматли археологик манбалар – турли тош буюмлар, ҳайвон, парранда, балиқ суяклари, сопол буюмлар парчалари ҳамда уй-жой қолдиқлари аҳамияти жиҳатидан ҳозирги кунгача *Қалтаминор маданияти* учун таянч ёдгорлик ҳисобланади. Макондаги уй-жой қолдиғи 24×17 м ўлчамли, айлана шаклида умумий майдони 320 м кв бўлган синчли, чўпқори услубда қурилган бўлиб, ўртасида катта ўчоқ, атрофларидан тартибли равишда жойлашган бир неча майда ўчоқлар қолдиғи топилган. Бу уйда 100-125 киши, яъни она уруғи жамоаси яшаган.

**ЖОНБОСҚАЛЪА,**  
*Ёйбошқалъа* – Хоразмнинг антик давр шаҳар ёдгорлиги. Қорақалпоғистоннинг Тўрткул

туманида, қадимги Қалтаминор каналининг охириги қисмидаги шу номдаги тепалиқда жойлашган. 1939 йили ўтказилган дастлабки стационар қазилмаларда Ж.дан “олов уйлар” очиб ўрганилган. 1963-1964 йилларда *Хоразм археологик экспедицияси* Ж.ни батафсил ўрганиб, унинг мил. авв. IV – милодий II асрларга оидлигини аниқлаган.

Ж. режаси 200×170 м тўғритўғртбурчак шаклида бўлиб, 3,5 га майдонни эгаллайди. Қалъа деворлари икки қават бўлиб, қалинлиги 5 м, баландлиги 2–10 м. Деворлар ўртасидаги оралиқ 2,8 м. Ташқи девор *бурж*лардан ҳоли ва у шахмат тартибида икки қатор найзасимон *шинак*ларга эга. Қалъага кириш дарвозаси битта бўлиб, у мураккаб дарвозаолди иншооти (лабиринт) билан химояланган. Шаҳар дарвозасидан қарама-қарши томонга 30 м кенгликда кўча ўтган, бу шаҳарни икки маҳаллага бўлган. Ушбу кенг кўча, қарама-қарши томонда жойлашган ибодатхонага олиб боради. Ж. дастлаб қадимги суғориладиган ерлар учун қулай бўлган стратегик пунктда чегара қалъа сифатида барпо этилган. Қалъа ичидаги *отаиқада* (олов ибодатхонаси)нинг мавжудлиги шаҳарнинг ён атрофдаги аҳоли учун диний ибодат маркази вазифасини ҳам ўтаганлигини кўрсатади.

#### **ЖОНДАВЛАТТЕПА** –

Сурхондарё вилояти Шеробод туманида жойлашган мил. авв. VIII-V асрларга оид шаҳар ёдгорлиги. Ж. Шеробод дарёси ўзанида, халқаро савдо, яъни Смараканса (Самарқанд) – *Бақтрия* йўли устида

жойлашганлиги билан характерланади. Ж.нинг умумий майдони 8 га дан иборат бўлиб, *арк* ва *шаҳристон*дан ташкил топган. Ёдгорликда ўтказилган стратиграфик тадқиқотларга кўра, бу ерда *Кучук I* даврдан бошлаб (мил. авв. 1300-1000 й.), эрамизнинг IV асригача шаҳар ҳаёти давом этган ва ушбу даврларда Шеробод деҳқончилиқ воҳасининг маркази бўлган.

#### **ЖОНИЙЛАР СУЛОЛАСИ** – қаранг: **АШТАРХОНИЙЛАР СУЛОЛАСИ.**

**ЖУББА** – пишиқ қилиб тикилган, узун ва енглик чопон. Ўқ ўтмас камзул.

**ЖУВОЗ** (ф. – ўғир) – мойли ўсимликлар уругидан (масалан, чигитдан) мой чиқарадиган дастгоҳ, мойжувоз. Ж. қандай ўсимлик уругидан мой ишлаб чиқарилишига кўра бир неча хил бўлади. Чунончи, мой жувоз, шоли оқланадиган – обжувоз, қоғоз жувоз ва ҳ.к. Ж.лар, одатда от, ҳўкиз, туя ёки сув кучи билан ҳаракатга келтирилган.

#### **ЖУВОЗХОНА** –

ўсимликлардан ёғ олиш устахонаси.

**ЖУРЖОН**, **Журжония**, **Гўргон** – қаранг: **ГИРКАНИЯ.**

**ЖЎЖИ УЛУСИ** – Чингизхон империясининг бўлиниши натижасида 1227 йили унинг катта ўғли Жўжихонга теккан мулк, улус. Ж.У. Иртишдан Урал тоғларигача ва гарбда мўғуллар етиб борган ергача бўлган ўлкаларни камраб олган. Жануб томондан Чигатой улуси билан чегарадош бўлган. XIII аср ўрталаридан бошлаб Ж.У. Олтин Ўрда деб аталган.

**ЖЎЙ**, **жуй** – ариқ, суғориш канали. Ҳозирги ўзбек адабий

гилида бу сўзнинг кичрайтирилган шакли – жуяк. Жуйидам, Жуйинав, Жуйбор, Жуйкўрчи каби жой номлари таркибида ҳам Ж. ўзаги сақланиб қолган.

### 3

**ЗАДНЕПРОВСКИЙ ЮРИЙ АЛЕКСАНДРОВИЧ** (23.09.1924 – 23.08.1999) – Ўрта Осиё археологияси ривожига катта ҳисса қўшган археолог олим. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Урушдан сўнг Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) Давлат университетида таҳсил олиб академик *А.Н.Бернштам*нинг иқтидорли шогирдларидан бири бўлди. Кейинчалик ушбу университет аспирантурасида ўқиб, 1954 йилда “Қадимги Фарғона” мавзусида номзодлик, 1974 йилда “Фарғона Чуст маданияти ва Ўрта Осиёнинг илк темир даври ёдгорликлари” мавзусида докторлик диссертациясини химоя қилади. Фарғона водийсидаги сўнгги бронза даврига оид *Далварзинтепа* шахри, Шарқий Фарғонадаги марказ шаҳарлардан бири *Шўрабаишат* (1954-1955), Қирғизистондаги Сулаймонтоғ этагида жойлашган Чуст маданиятига оид замонавий Ўш шахрининг илдизи ҳисобланган манзилгоҳнинг ўрганилишида олимнинг хизмати катта. Олим шунингдек, “Древнеземледельческая культура Ферганы” (-М. 1962.), “Номады севера Центральной Азии после вторжения Александра” (“История цивилизаций Центральной Азии” тўпламининг 2 боби. (-Париж, 1994.), “Ошское поселение. К

истории Ферганы в эпоху поздней бронзы” (-Бишкек. 1997.), “Древние номады Центральной Азии” (-С.Пб. 1997.) каби асарлар муаллифидир.

**ЗАМАХШАР, Измуқшир** – Хоразмнинг қадимги ва ўрта асрларга оид шаҳар ёдгорлиги. Харобалари Тошховуз шахридан 25 км жанубий-ғарб томонда жойлашган. Мудофаа деворларининг умумий узунлиги 1500 м ни ташкил этиб, унинг атрофида ташки шаҳар ҳам бўлган. Тадқиқотлар жараёнида шаҳар ҳаётининг икки босқичи аниқланган: мил.авв III асрдан X-XI асргача давом этган биринчи босқичи ва XIII-XIV асрларни ўз ичига олувчи Олтин Ўрда даври босқичи. 3. Хоразмнинг савдо-хунармандчилик ривожланган типик шаҳарларидан бири бўлиб, шаҳар ўрта аср ёзма манбаларда кўп маротаба тилга олинади.

**ЗАМОНБОБО** – бронза даврига оид ўтроқ деҳқонлар манзилгоҳи ва қабристон. Мил. авв. III минг йилликнинг охири – II минг йилликнинг биринчи ярмига тегишли. 1951-1953 йилларда *Я.Ф.Фулломов* шу маданиятга тегишли 3. қабристонини топиб ўрганadi. 1961 йилдан *А.Асқаров* томонидан Зарафшоннинг қадимги ўзани Гурдуш-Гужайли соҳилидан манзилгоҳ топиб ўрганилган. 3. турар жойлари усти чайла қилиб беркитилган ертўлалардан иборат эди. Ертўла (200 кв. м) майдонида катор ўчоқлар, кулба қарқасининг устун чуқурчалари сақланган. *Я.Ф.Фулломов* қабристонда 1951-1953 йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида 41 та қабри очиб ўрганган. *А.Асқаров*

эса яна 4 та қабрни топиб ўрганган. Мозорлар тузилиши жиҳатидан айвонли лаҳат (подбой) шаклида бўлган. Таги ясси ва думалок, безаксиз сопол идишлар, бронза буюмлар, пайконлар, тош мунчоклар, тош ўроқ парчалари топилган.

### **ЗАМОНБОБО МАДАНИЯТИ**

– Ўзбекистон худудидан топиб ўрганилган чорвачилик ва *мотига дехқончилиги* билан шуғулланган бронза даври қабилалари маданияти. Бухоро вилояти Қоракўл тумани марказидан 15 км шимолий-ғарбда жойлашган Замонбобо кўли атрофларидан топилганлиги учун шундай номланган. З.М. қабилалари ярим ертўла, енгил чайлаларда яшашган. Ертўла ўтов шаклида, устунлари чуқурчаларга ўрнатилган, усти қамиш билан ёпилган ва сомонли лой билан сувалган. Ўчоқ ва дон сақланадиган ўралар девор яқинида бўлган. Чакмоктошдан ишланган қадама ўроқлар, ёргучоқ бўлаклари, ҳовонча дасталар ва кўмирга айланган буғдой, арпа доналари, сигир, кўй, эчки суяқларининг топилиши З.М. қабилалари ибтидоий дехқончилик ва ўтроқ чорвачилик билан шуғулланганликларидан далолат беради.

**ЗАНД** – *Авесто* оятларининг форс тилида битилган шарҳлари.

**ЗАНДАНАЧИ** – илк ўрта асрларда Бухоро яқинидаги Зандана кишлоғида тўқилган шарқда машхур қимматбаҳо мато.

**ЗАНТУ** – *Авестода* қабила жамоаси.

### **ЗАРАТУШТРА**

– *зардуштийлик* динининг бош

ислохотчиси. Тарихий шахс. Заратуштранинг туғилган жойи аниқ эмас. Олимларнинг фаразича, у Туронзамин вилоятларидан бирида, яъни *Хоразм* ёки *Сугдиёнада* қоҳинлар оиласида туғилиб ўсган. З. Спитама уругидан бўлиб, отасининг исми Порушасп, онасининг исми Дугдова бўлган. Тахминан мил. авв. 630-553 йилларда яшаб ўтган. Дарий тилида “уштра” – туя, “зарат” – кекса сариқ туя маъносини беради. З. – туячи, туячилар авлодидан деган маънони билдиради. З. ўз замонасининг истеъдодли шоири, илоҳиёт билимдони, файласуф олими бўлган. У ягона худога ишонишгина жамиятни янги тараққиёт босқичига кўтара олади, деб ҳисоблар эди. З. 40 ёшига тўлганда эзгулик худоси *Ахурамазда* назарига тушади ва шундан бошлаб, *Ахурамазда* динининг пайғамбарига айланади.

**ЗАРАУТСОЙ** – ибтидоий қоятош суратлари билан жаҳонга машхур ёдгорлик. Сурхондарё вилояти Шеробод тумани худудидаги Кўхитанг тоғининг шимолий-шарқий ёнбағрида жойлашган. Маҳаллий аҳоли орасида “Зарауткамар” номи билан машхур бўлган қояда Марказий Осиёда энг қадимги қоятош суратлари мавжуд. Улар 1939 йили овчи И.Ф. Ломаев томонидан топилган. И.Ф. Ломаев расмлардан нусха олиб уларни Сурхондарё ўлкашунослик музейи директори *Г.В. Парфеновга* етказди. *Г.В. Парфенов* 1940, 1943-1945 йилларда ёдгорликдаги 200 дан ортиқ тасвирларни ўрғанади ва дастлабки илмий таҳлилини беради. 1964 йилда А.А. Формозов

ёдгорликка келиб уни ҳар томонлама ўрганади ва бу расмларнинг энг қадимгилари мезолит ёки неолит, энеолит даврларида чизилган деган хулосага келади. Ёдгорлик билан танишган *А.П.Окладников*, *Ж.Кабилов*, *Я.А.Шер*, *М.Хўжаназаровлар* ҳам *А.А.Формозов* фикрини тасдиқлаганлар.

2008 йилда 3.ни муҳофаза қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг махсус қарори қабул қилинган.

**ЗАРДУШТИЙЛИК** – Ўрта Осиёнинг ажралмас қисми ҳисобланган Туронзамин ҳудудларида шаклланган қадимги дин. Унда ўзбек, тожик, туркман, озарбайжон, форс, афғон ва уларга қўшни халқларнинг ибтидоий ва қадимий ахлоқий тасаввурлари, коинот, дунёнинг яратилиши билан боғлиқ тушунчалари, афсона ва ривоятлари, фалсафий-ахлоқий қарашлари ўз ифодасини топган. 3.нинг Ватани масаласида унинг тарқалиши Мидиядан бошланган деб ҳисобловчи “Ғарбий” ва бу таълимотнинг бешиги *Хоразм*, *Бақтрия*, *Сугдиёна*, *Фаргона* ҳудудлари деб тасдиқловчи “Шарқий” назариялар мавжуд. *Авестода* зардуштийларнинг муқаддас олови – “*азар-хурра*” биринчи марта ёқилган мамлакат ҳамда *Ахурамазда Зардуштга* намоён бўлган юрт сифатида “*Арёнам вайжо*” эслатиладики, аксарият олимларнинг тасдиқлашича *Авестода* келтирилган географик-иклимий шароитлар кўпроқ Хоразмга мос келади. Шунингдек, *Авестода Ахурамазда* томонидан яратилган

мамлакатлар орасида биринчи навбатда “*Арёнам-вайжо*” келтирилиб, “гўзалликда у билан дунёда ҳеч нарса тенглаша олмайди”, дейилади. Кейин “одамларга ва чорвага бой Гава” (*Сўғд*), “Қудратли ва муқаддас Моору” (*Марғиёна*), “Байроқлари баланд кўтаришган мамлакат Баҳди” (*Бақтрия*) таърифланади. Юқоридаги маълумотларга асосланиб, зардуштийликнинг Ватани Ўрта Осиё – Туронзамин ҳудудлари бўлган, деб хулоса чиқариш мумкин.

3. ўтроқ аҳоли орасида кенг ёйилиб, унинг таълимотида олов, ер, тупроқ, сув ва ҳаво муқаддас ҳисобланган. Уларни ифлос қилиш катта гуноҳ ҳисобланган. Марҳум танаси тўғридан тўғри ерга қўмилмаган, сувга ташланмаган ёки оловда ёқилмаган, чунки буларнинг бари муқаддас ҳисобланган. Ўлим энг ёмон ёвузлик ифодасидир. Марҳум танаси қоя, тепаликларга қўйилиб, кушлар ва ҳашоратлар томонидан суяги этлардан тозалангач, сополдан ясалган идиш суякдон – *оссуарид*ларга солиниб, махсус бино – *наусларга* қўйилган.

3.да олам қарама-қаршиликлардан иборат бўлиб, у ёруғлик ва зулмат, ҳаёт ва ўлим, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашда ўз ифодасини топган. *Зардушт* таълимотида эзгуликни қарор топтириш руҳи (*Ахурамазда*) билан ёвузлик руҳи (*Аҳриман*) ўртасидаги кураш таърифланади. 3. таълимотида иймон уч таянчга асосланади (фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлиги) ва борлик одам учун синов майдони деб тушунтирилади.

Одам ўлгач, унинг жони тўртинчи кунги гўзал қиз кийёфасидаги фаришта бошчилигида танадан чиқиб, нариги дунёга “чинвои” кўпригидан ўтиб, жаннатга кетади. Гуноҳкорлар қилқўприқдан ўта олмай жаҳаннам (дўзах)га ғарк бўладилар.

3. да хонаки чорвачилик, осойишта деҳқон ва хунарманд, ўрта ҳол меҳнатқаш аҳоли ҳаёти ва ана шу ҳаётни таъминлашга қаратилган яққа худодик дини тарғиб қилинади. *Зардушт* яшаган замонда Ўрта Осиё аҳолисининг аксарият қисми кўчманчиликдан ўтрок ҳаётга, деҳқончилик ва хунармандчиликка ўтиб, қадимги шаҳарлар ва деҳқончилик вилоятлари (*Сўғдиёна*, *Марғиёна*, *Бақтрия*, *Хоразм*, *Парфия*)нинг шаклланиш жараёни кечаётган эди. Туронзамин халқлари ҳаётида юз бераётган бу ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар унинг тараққиёт йўлига ғов бўлаётган мафқурани янгилашни, янги диний ислохотни талаб этар эди. Шу маънода ушбу динда мил. авв. I минг йиллик ўрталаридаги *Эрон* ва *Турон* халқларининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаёти ҳамда, замон талаби асосида қурилган маънавияти ўз ифодасини топган.

3. таълимоти, ундаги эзгу ғоялар Хитойдан тортиб Римга қадар бўлган ҳудудда кенг ёйилиб, янги вужудга келган турли диний-фалсафий ва илмий ғояларнинг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилган. Масалан, *Зардушт*нинг нариги дунё ҳақидаги таълимоти аввал яхудийлар, сўнгра христиан ва ислом динига ўтади. 3.ка кўра, ҳар бир зардушт кунига беш марта

ювиниб, покланиб, куёшга қараб, уни олқишлаб, дуо қилиши шарт бўлган. Бу анъана беш вақт намоз шаклида исломга ўтган. Ҳозирда ҳам Ҳиндистоннинг Гуджарат вилоятида зардуштий жамоалари мавжуд бўлиб, улар дўппи ва салла кийиб юришади. Уларда ҳам бош яланг намоз ўқиш ман этилган экан.

**ЗАРАФШОН** (ф. зар – олтин, афшон – сочувчи) – Тожикистон ва Ўзбекистондан оқиб ўтувчи дарё. Қадимги *Сўғдиёна* тарихий вилоятининг асосий сув манбаи. *Авестода* ушбу дарё “Дайтия” – “Эзгу сув” деб юритилган. Юнонлар хукмронлиги даврида (мил. авв. IV–II аср.) ушбу сўз юнончага айнан таржима қилиниб, Политимет – “Кўп эзгу сув” деб аталган. Дарёнинг Сўғд, Жирт, Жон, Сомжан шаклидаги номлари ҳам маълум. Паҳлавий (қадимги форс) тилида “Номик” (“Машхур”, “Эзгу”), форс тилидаги манбаларда Руди Мосаф, Руди Шарғ дейилган. Арабча манбаларда эса Ҳарамком – “Муқаддас дарё”, Водий ул-Сўғд, Наҳр ул-Бухоро каби номлари қайд этилган. “Бобурнома”да Оби Кўҳак, кейинроқ Дарёи Кўҳак, XVIII асрдан Зарафшон деб атала бошланган.

**ЗАРИАСП**, Зариаспах (ф. – олтин от) – қадимги *Бақтрия* давлатининг пойтахти *Бақтранин*г антик давр тарихчилари (Плиний, Страбон) асарларида келтирилган иккинчи номи. Шимолий Афғонистонда жойлашган (Балх). Қаранг: **БАКТРА**.

**ЗАРТЕПА** – Термиз шаҳридан 26 км шимолий-ғарбда, Ангор қишлоғидан 4 км жанубда жойлашган қадимги шаҳар



харобаси. 1951-1952 йилларда *Л.И.Альбаум*, 1960-1980-йилларда *В.Завялов*, *Қ.Собиров* ва *Ш.Пидаевлар* томонидан ўрганилган. Шаҳар квадрат шаклида (400×400 м) бўлиб, кучли мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Шимолий-шарқий бурчагида *шахристон*дан мудофаа чизиги ҳандак билан ажратилган *арк* (цигадель 100×100 м) жойлашган. 16,9 га майдонни эгаллаган шаҳарда ҳаёт мил. авв. II-I асрлардан милодий III-V асрларгача давом этган. Қазималар жараёнида З.нинг шахристон қисмидан уй-жой қолдиқлар ва мудофаа девори ёнидан будда ибодатхонаси очиб ўрганилган. Одам ва ҳайвонларнинг ҳайкалчалари, мил. авв. IV-II ва V-VII асрларга тегишли кўплаб тангалар қайд қилинган. З. яқинидаги Куёвкўрғонда ҳам будда ибодатхонаси харобалари топилган.

**ЗЕЙМАЛЬ ЕВГЕНИЙ ВЛАДИСЛАВЪЕВИЧ** (1932-1998) – тарих фанлари доктори, Ўрта Осиё нумизматикасининг йирик тадқиқотчиси. “Амударё хазинаси” (кўргазма каталог. – Ленинград. 1979.), “Тожикистоннинг қадимги тангалари” (–Душанба. 1983.) ва бошқа кўплаб ишлар муаллифи.

**ЗИЖ** (ар. – астрономик жадвал) – куёш, ой ва бошқа йирик сайёраларнинг юлдузлараро ҳаракатини, уларнинг самодаги вазиятини кўрсатувчи жадвал.

**ЗИРАБУЛОҚ ЁДГОРЛИГИ** – *мустье* даврига оид ёдгорлик. Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги Зирабулоқ тоғлари ёнбағрида жойлашган очик типдаги макон. *Қутирбулоқ*дан 1 км

масофада. Ёдгорликдаги 20 м кв маданий қатламдан 500 дан ортиқ археологик топилмалар қазиб олинган ва улар *Қутирбулоқ*никига ўхшаш.

**ЗИРОАТ** (ар. – дехқончилик) – сунъий суғоришга асосланган дехқончилик маданияти.

**ЗИНЖАНТРОП** (Зинж – Шарқий Африкадаги қишлоқ ва юн. anthropos – одам) – “ишбилармон одам”. Одамзоднинг илк аجدодларидан бўлиб, унинг суяк қолдиқлари 1959 йили археолог Луи Лики томонидан Шарқий Африкадаги Танзаниянинг Олдувой дарасидан топилган. Одамнинг келиб чикиши шажарасида З.лар *австралопитеклар* билан *питекантроплар* орасини тўлдирувчи бўғин деб ҳисобланади. З.лар бундан тахминан 2 млн. йил илгари яшаган деб тахмин қилинади.

## И

**ИБОДАТХОНА** – диндорларнинг худога муайян тартибда сиғинадиган жойи, диний расм-русмлар ва маросимлар ўтказиладиган жой, бино.

Христианлик ибодатхоналари черков, собор, монастыр, католик ибодатхоналари костёл, капелла, буддизм ибодатхоналари тэра, пагода, зиккурат, дагоба, *ступа*, яҳудийларда синагога, мусулмонларда *масжид* деб юритилади.

**ИБТИДОЙ ЖАМОА ТУЗУМИ** – яшаш тарзи бир хил, меҳнат қуроллари умумий бўлган, инсоният тарихининг биринчи босқичи. Бу давр инсоният бутун

тарихининг 99 % ни ташкил этади. Ибтидоий жамоа тузуми *ибтидоий тўда* ва *уруғчилик* давлари боскичларига бўлинади.

**ИБТИДОЙ ТҶДА** – табиат кучлари олдидан ожиз энг қадимги одамларнинг улкан жамоаси. Ибтидоий тўда даври одам пайдо бўлганидан то уруғчилик жамоасига қадар, яъни 40-35 минг йилликкача давом этган.

**ИГДИ-ҚАЛЪА** – *Ўзбўйнинг* чап қирғоғига туташган баланд қоя устига қурилган антик даврга оид шаҳар-қалъа. Илк бор 1954 йилда *Хоразм археологик экспедицияси*, 1970-1971, 1974-1976 йилларда Туркменистон ФА Тарих институтининг археология бўлими томонидан ўрганилган. Қалъанинг режаси трапециясимон шаклда бўлиб, жанубий деворининг узунлиги 72,5 м, шимолий девори 60 м, ғарбий девор 45 м, шарқий девори эса 60 м ни ташкил этади. Қурилишда ишлатилган хом гиштлар антик давр Хоразм қалъаларидаги сингари 40×40×15 см ўлчамда. Қалъа фортификацияси ва ёдгорликнинг ташқи кўриниши ҳам Хоразм қалъаларини эслатади. Аммо қалъа Хоразм услубига хос бўлмаган материал – тошдан қурилган. Тадқиқотлар якунида И. мил. авв. I асрда қурилган *Парфия давлати*нинг шимолий чегарасидаги *Ўзбўй* оркали ўтувчи савдо йўлини назорат қилувчи чегара қалъаси деган хулосага келинган. Худуд сув режимининг ўзгариши ва *сосонийларнинг* шимолий кўчманчи қабилалар билан ўзаро қурашлари (ёки уларнинг Хоразмга қилган юришлари) оқибатида милодий IV

асрга келиб қалъада ҳаёт барҳам тошган. Қалъа ҳаётининг сўнгги давларига оид қурилишлардаги ёнғин излари ҳам шундан далолат беради.

**ИККИНЧИ ЙИРИК МЕХНАТ ТАҚСИМОТИ** – деҳқончилик ва чорвачиликдан ҳунармандчиликнинг ажралиб чиқиши. Бу жараён асосан, энеолит-бронза давларида (мил. авв. III-II минг й.) содир бўлган.

**ИЛОҚ, ЭЛОҚ** – тарихий географик худуд. Ҳозирги Тошкент вилоятининг жануби, Оҳангарон дарёси ҳавзаларига тўғри келади. Ушбу атаманинг келиб чиқиши тўлиқ аниқланмаган. Туркий халқларда хукмдорнинг ўлкалардаги ноиб ва ёрдамчиси – элокхон унвонининг ўзгарган шакли деган тахминлар мавжуд. И. V асрдан мустақил давлат сифатида маълум. И. хукмдорлари “Илок деҳқонлари” унвони билан юритилиб, катта иқтисодий ва сиёсий мавқега эга бўлишган. VI-VII асрларда И. Чочга кўшилган. И. номи XIV асрдан манбаларда учрамайди. Унинг пойтахти қадимда *Тункат* шаҳри бўлган.

**ИМПЕРИЯ** – қадимда ва ўрта асрларда, шунингдек, XX аср бошларигача монархия давлатларининг номи. Империянинг бошлиғи император ҳисобланади. Император, аввало, босиб олиш йўли билан кенг кўламда ўзининг таркибига бошқа давлат ва халқларнинг худудларини киритган. Тарихда айрим империяларнинг таркибида бир нечта қиролликлар ҳам бўлган. Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн) давлати (мил. авв. 334-

323), Рим давлати (мил. авв. 14-милодий 476 йиллар), Византия (395-1453), Франклар давлати (800-843), Герман давлатларининг “Мукаддас Рим империяси” (962-1806), Усманийлар давлати (1299-1923) ва Европанинг қатор катта-кичик давлатлари тарихда империя деб юритилган. Россияда империя Пётр I давридан (1721 йилдан) то монархия кулагунигача (1917 йил октябрь) мавжуд бўлган. Империя давлати кўпинча мустамлака қилинган худудлардан ташкил топади ва янги ерларни босиб олиш ҳисобига кенгайиб боради.

**ИНГУМАЦИЯ** – ўлган одамни дафн этиш усули. Жасадни ёқиш (куйдириш – *кремация*) ёки очик ҳавода қолдиришдан фарқли ўларок мурда чалқанчасига ёки букчайган ҳолда дафн этилади.

**ИНЖИЛ**, Евангелия (юн. *evangelion* – хушхабар) – Исо масиҳ ҳақида ҳикоя қилувчи христианлик асарларининг умумий номи. Библиянинг биринчи қисми. Яҳудийларнинг “Қадимги аҳд”идан фарқ қилиш учун И. “Янги аҳд” деб номланган. И. II асрдан бошлаб юз йиллар давомида таркиб топа бошлаган ва IV асрда яхлит китоб ҳолига келтирилган.

И. Ғарб маънавияти ва маданияти тараққиётида чуқур из қолдирган, жаҳоннинг энг кўп тарқалган ва таржима қилинган асарлари қаторига кирди.

**ИРҚ** (ар. – илдиз, томир) – *Homo sapiens* (ақл-идроқли) одам ичидаги систематик гуруҳлар. Одамларнинг келиб чиқиши, гавда тузилиши, терисининг ранги ва қиёфаси ўхшаш бўлган, тарихан таркиб топган худудий бирлигидир.

Жаҳондаги барча халқлар уч қатта ирққа бўлинади: европоид, монголоид ва негроид. Одам ирқлари бундан 40-35 минг йил олдин юқори палеолит даврида шаклланган.

**ИСЛИМИЙ** – ўрта аср биноларида деворлар ва устунларга чизилган ёки ўйиб ишланган ўсимликсимон нақш.

**ИСЛОМОВ** **ЎТКИР** (22.11.1932 – 23.10.2013) – археолог олим. Тарих фанлари доктори (1978), ЎзФА академиги (2000), Тошкент давлат педагогика институтининг тарих факультетини тугатган (1956). ЎзФА *Археология институти*да илмий ходим, катта илмий ходим (1964-1970). 1970 йилдан мазкур институтнинг Тошкент бўлимида археология ва тош даври бўлими мудири. Тадқиқот йўналиши тош даври, асосан, мезолит ва неолит даврига бағишланган. “Қуйи Зарафшон неолит даври маданияти” мавзусида номзодлик (1963), “Ўрта Осиё мезолити” мавзусида докторлик диссертациясини ёклаган (1977). Ў.Исломов *мезолит* даврини тарихий давр сифатида Ўрта Осиёда биринчи бўлиб очиб берди. *Селунгур* макони материаллари асосида Ўзбекистон худудида одамлар 1-1,5 млн йил олдин яшай бошлаганлигини илмий жиҳатдан исботлаб берди. “Первобытная культура в низовьях Зарафшана” (-Т. 1966.), “Пищера Мачай” (-Т. 1975.), “Обиширская культура” (-Т. 1980.), “У истоков древней культуры Ташкента” (-Т. 1988.), “Культура каменного века Центральной Ферганы” (-Т. 1995.), “Палеоэкология и следы

древнейшего человека Центральной Азии” (-Т. 1995.) каби монографиялар муаллифи.

**ИСФАҲОН** – Ғарбий Эрон (Ироқи Ажам)нинг йирик шаҳарларидан бири. Сафавийлар давлати (1502-1736)нинг пойтахти.

**ИТИЛ** – Волга дарёсининг қадимги ва ўрта асрлардаги номи.

**ИУДАИЗМ, яҳудийлик** – асосан яҳудийлар орасида тарқалган энг қадимги динлардан бири. Мил. авв. I минг йиллик бошларида Қуддус (Фаластин)да вужудга келган. И. мил. авв. XI-X асрларда Исроил-Яҳудия давлатини тuzган қабилаларнинг диний урф-одатлари ва Фаластин халқларининг эътиқодини ўзда мужассамлаштирган. “Иудаизм” номи Яҳудо (Иуда) қабиласининг номидан олинган.

**ИХШИДЛАР** – илк ўрта асрларда (V-VIII а.) *Сугд* ва *Фарғона* ҳукмдорларининг унвони. 15 дан ортиқ майда мулкларга бўлиниб кетган Мовароуннаҳрдаги ҳокимликлар ичида *сугд* ихшидлари энг қудратлиси саналган. *Самарқанд* шаҳри уларнинг пойтахти бўлган.

**ИЧАН ҚАЛЪА** – Хива хонлигининг пойтахти *Хива* шаҳрининг ички қалъаси, шаҳристон. И.Қда хон саройи, аслзодалар яшайдиган маскан, *мақбара*, *мадраса*, *масжид*лар жойлашган. Унинг умумий майдони 26 гектар. Деворининг узунлиги 2200 м. Ташқи шаҳардан Ичан қалъага 4 та дарвоза (Боғча дарвоза, Полвон дарвоза, Ота дарвоза, Тош дарвоза) орқали кирилган.

1961 йилда Ичан қалъа ансамбли меъморий ёдгорлик

сифатида муҳофазага олиниб, музейга айлантирилган. 1990 йилдан Ичан қалъа Бутун жаҳон ёдгорликлари рўйхатида киритилган. 1997 йилда Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилеи муносабати билан асосий йўналишдаги ёдгорликлар қайта таъмирланди. Хива шаҳрининг 2500 йиллик ёши И. мисолида ўрганилган.

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВОСИТАЛАРИ** – кишиларнинг ишлаб чиқариш, меҳнат фаолиятида қўлланадиган қурооллар ва воситалар. Моддий неъматлар тайёрлашда одамлар фойдаланадиган асосий воситалар (ишлаб чиқариш бинолари, иншоотлар, машиналар, жиҳозлар, асбоб-ускуналар) ва айланма воситалар (хом ашё, материаллар, энергия, инвентарь ва б.).

**ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ХҲЖАЛИК** – инсониятнинг табиатдаги тайёр маҳсулотлардан фойдаланиб қолмасдан балки, хўжалик ва ҳаёт учун зарур бўлган озик-овқат, хом ашё ва меҳнат қуроолларини бевосита ўзлари томонидан яратишга ўтилган хўжалик шакли. Дехқончилик, чорвачилик, хунармандчилик ишлаб чиқарувчи хўжалик турларидир. Инсоният ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклига асосан *мезолит-неолит* давридан ўта бошлаган.

**ИҚТОЪ** – ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ҳукмдор томонидан феодалга қатта хизматлари эвазига инъом қилинган чек ер. Одатда И. умрбод берилмай, ҳукмдор уни истаган вақтида қайтариб олиб, бошқа бировга бериши мумкин бўлган.

## К

**КАВАРДОН** – Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган қадимги ва Ўрта асрларга оид шаҳар ёдгорлиги. Тошкент шаҳридан 25 км шарқда, ҳозирги К. кишлоғида жойлашган. Шаҳарнинг умумий майдони 75 га ни ташкил этиб, ҳудудининг катталиги жаҳатидан Тошкент вилоятида *Қанқадан* кейинги иккинчи ёдгорлик ҳисобланади. Араб тарихчилари (Истаҳрий, Муқаддасий) асарларида бу шаҳар “Кабрана”, “Кабарна” деб тилга олинади. Ёдгорлик илк бор 1972 йилда *Ю. Ф. Буряков* раҳбарлигидаги Чоч-Элок археологик отряди томонидан аниқланган. 1973 йилдан бошлаб танаффуслар билан қазिशмалар ўтказиб турилган. Шаҳар аркининг куйи қатламларидан *Бурганли маданиятига* оид (мил. авв. VIII-VII а.) топилмалар қайд этилган. Кейинги қатламлардан олинган маълумотларга кўра, ёдгорликда узоқ муддатли танаффусдан сўнг I-II асрлардан бошлаб ҳаёт жонлана бошлайди. V-VI асрларда шаҳар мавқеи яна пасайган. Шаҳар майдонида бу даврда турли кўринишдаги кўплаб *науслар*, *кенотаф* қабрлар қайд этилади. VII-VIII асрлардан эса К. *Чоч* вилоятидаги йирик шаҳарлардан бирига айланади. К. XIII аср бошларида мўғуллар томонидан вайрон этилган.

**КАВИ** – *Авестода* мамлакат сардори, мамлакатни идора қилган шахс. Яъни диний, дунёвий ва ҳарбий ҳокимият эгаси.

**КАЁНИЙЛАР**, **кавилар** – Ўрта Осиё ва Хуросонда мил. авв.

IX-VIII асрларда юзага келган давлат уюшмаларида ҳукмронлик қилган қадимги подшолик сулоласи. Каёнийлар сулоласига афсона сифатида, шунингдек, Ўрта Осиёда илк темир асрига оид тарихий ҳақиқат деб қарашлар мавжуд. Сулола ўз номини *Авесто* китобида эслатиладиган қоҳинлар табақаси *кавидан* олган. Тарихий манбаларга қараганда илк ва сўнгги К. сулоласи бўлган. Илк К. – *Авесто*гача бўлган мустабидлар. *Авесто* (Яшт V)да жами 8 та кави номи келтирилади. Булар: Кавата, Апиваху, Усадан, Аршан, Пишинах, Бияршан, Сияваршан, Хаусрав. Уларнинг асосий юрти Дрангиана (ҳозирги Сеистон)даги Хамун кўли бўйлари бўлиб, пойтахти Нади Али яқинидаги мил. авв. VIII ага оид Сурхдоғ ёдгорлиги деб ҳисобланади. Илк Кдан бўлган сўнгги қудратли ҳукмдор Кави Хаусравдан сўнг унинг давлати кичик мулкларга бўлиниб кетиб тарқоқлик юзага келади. Бу мулклар эгалари ҳам ўзларини “*Кави*” унвони билан аташган. Кави Виштасп ана шундай мулклардан бири *Бақтрия* ҳоқими бўлган. Виштасп аждоди Нодарнинг Илк кавиларга қариндошлиги бўлмаган. Сўнгги К.нинг пойтахт-резиденцияси *Балх (Бақтра)* бўлган.

*Авестода* К. аввал, ушбу диний таълимот душманлари, кейинроқ эса унинг ҳомийлари сифатида намоён бўлади. Эпик бадиий асарлар (“Хвадайнамак”, “Шоҳнома”)да К. афсоналаштирилган тарзда берилди. Кавиларнинг асосий машғулотлари – *Афросиёб* бошчилигидаги душман *турон*

қабилалари билан урушиш бўлган. К.нинг ҳукмронлик қилган ерлари узил-кесил аниқланмаган. *Авестода* афсонавий кўллар, дарёлар (Ворукаша, Дайтъя, Чайчаства), афсонавий тоғлар (Эрзифья, Харити ва бошқалар.) атрофи, Ҳилманд дарёси ҳавзаси ва Дранғианадаги Ҳамун кўли атрофида К. ерлари деб кўрсатилади.

**КАЛТАМИНОР МАДАНИЯТИ** – Қадимги Хоразмнинг неолит даври археологик маданияти. Мил. авв. VI-III минг йилликларга оид. Унга тегишли биринчи ёдгорлик *С.П.Толстов* томонидан Амударё куйи окимидаги Калтаминор канали ёнидан топиб ўрганилганлиги учун шундай номланган. К.М. Амударёнинг қадимги Оқчадарё ўзани, Қизилқумнинг ички худудлари (Лавлакон), Куйи Зарафшоннинг қадимги ўзанлари (*Моҳандарё*, *Хўжайли*, *Эчкилисой*, *Оёқогитма*, *Дарёсой*, *Чорбакти*), Куйи Амударё сўл соҳили *Ўзбўй*, *Сарикамиш*, *Устюрт*, Орол денгизининг шимолӣ-шарқи, Жанубий Қозоғистон ва Шарқий Каспий (Балхан ва Манғишлоқ я. ороли) худудларигача тарқалган. Аҳолиси кўл ва сув ҳавзалари бўйларида балиқчилик ва тўқайларда овчилик билан шуғулланган. К.М.ни ўрганиш 1939 йили *С.П.Толстов* томонидан Оқчадарё ҳавзасидаги *Жонбос 4* ёдгорлигининг очилиши билан бошланган. К.М.нинг типик ёдгорликлари *Жонбос 4* ва *Толстов манзилгоҳлари* бўлиб, улардан она уруғи жамоасининг ярим ертўла типидagi кулба қолдиғи топиб ўрганилган. Ушбу маданиятга

тегишли қабристон Туркменистоннинг *Тумек-Кичиджик* маъзидан қайд қилинган бўлиб, аҳолисининг киффаси Шарқий Ўрта ер денгизи ва протоевропоидлар типига тааллуқли эканлиги аниқланган.

Куйи Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида жойлашган К.М. ёдгорликлари: *Жонбос-4*, *Қават-7*, *Толстов манзилгоҳи*, *Тумек-Кичиджик*, *Лавлакон*, *Саксовул*, *Бароқтом*, *Шулқум*, *Жебел* (Манғишлоқ я.о.). Зарафшон ҳавзасидан топилган К.М. (Дарёлисой) ёдгорликлари: *Чингкелди*, *Тузкон*, *Эчкилисой*, *Бешбулоқ*, *Хожа Гумбаз*, *Қоракат*, *Дарвозақир*, *Қумсултон*, *Пойкент*.

**КАМПИРТЕПА** – Амударёнинг ўнг соҳилида, Сурхондарё вилояти Музрабод тумани Шўроб қишлоғидан 600 м ғарбда жойлашган қадимги шаҳар. Мустақиллик йилларида академик *Э.В.Ртвеладзе* томонидан ўрганилмоқда. 4 га майдонни эгаллаган бўлиб, қалъанинг ғарб ва шарқ томонида мудофаа деворлари йўқ. Қалъанинг марказий қисмида *арк* (1,3 га) жойлашган. К.даги ҳаёт 3 асосий даврга бўлинади. Биринчи давр мил. авв. III-II асрларда К.нинг жанубий қисмида, бўлажак *арк* ўрнида қалъа бунёд этилган. *Юнон-Бақтрия подшолиғи* даврига оид турар жойларнинг катта қисмини Амударё сувлари ювиб кетган. Иккинчи давр мил. авв. II-I асрларда *арк* қисмида ҳаёт жонлана бошланган. Учинчи давр I-II асрларда К.да ҳаёт юксалган.

**КАНДАКОРЛИК** – амалий санъат тури. Ўймакорликнинг металл буюмларни ўйиб, чизиб,

накш, тасвир ишлаш соҳаси. Археологик тадқиқот натижалари Ўзбекистонда қандакорлик жуда қадимдан мавжудлигини кўрсатади. Темурийлар даврида К. айниқса, ривож топиб, унда янги йўналишлар юзага келади. XVIII-XIX асрларда *Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон, Қарши, Шаҳрисабз*, Тошкент шаҳарлари қандакорликнинг энг йирик марказлари бўлган.

**КАННИБАЛИЗМ** (исп. canibal – одамхўр) – одам гўштини одам ейиши, одамхўрлик, қонхўрлик. Оловнинг ихтиро қилиниши туфайли бундан тахминан 100 минг йил олдин ибтидоий одамларда К. одати аста-секин барҳам топа бошлайди. Африка ва Лотин Америкасининг тропик ўрмонларида яшовчи баъзи бир қабилаларда бу одат XX асргача сақланиб қолган.

**КАНПИР ДЕВОР, Кампир девор, Девори канпирак** – Ўрта Осиёда деҳқончилик воҳаларини кўчманчилар ҳужумидан химоя қилиш мақсадида барпо қилинган мудофаа иншоотлари тизими. Маъноси “қазилган чох” демакдир. Талаффузда “н” билан “м” алмашинуви кузатилади. “Пир” сўзи эса қадимги “пайрйа” – айлана, ўров маъносини беради. Демак, кан(м)пир сўзи хандақли девор дегани. Бундай деворлар кўп бўлган. 1) қадимги Бухоро воҳасидаги шаҳар-кишлоқларни ўраб олган мудофаа девори. Бу девор 782-830-йиллар орасида барпо қилинган. Деворнинг кенглиги 12-14 м, баландлиги 8-10 м, узунлиги 336 км. бўлган; 2) қадимги *Сугд* воҳасини ўраб олган канпир девор. VIII аср охири – IX

аср бошларида бино қилинган. Деворнинг кенглиги 15-20 м, баландлиги 2-4 м, узунлиги 120 км бўлган; 3) *Усруиона* воҳасини ўраб олган канпир девор. Кенглиги 15-20 м, баландлиги 1-3 м. бўлган; 4) Қадимги Фарғона водийсининг ғарбидаги канпир девор. VIII аср охири – IX аср бошларида бино қилинган. Девор харобаси шимолдан жанубга чўзилган бўлиб, унинг кенглиги 12-15 м, баландлиги 2-4 м бўлган; 5) Тошкент воҳасини шимол тарафдан ўраган канпир девор. Девор Хўжақентдан Сирдарёгача чўзилиб, харобаларининг кенглиги 10-15 м, баландлиги 1-2 метр бўлган. VIII-IX асрларда Ўрта Осиёда араблар ҳукумронлиги даврида *Бухоро, Сугд* ва *Усруиона* воҳалари атрофидаги деворлар бирлаштирилиб, кўчманчиларга қарши ягона мудофаа тизими яратилган. X асрга келиб Сомонийлар даврида К.Д.лар ўз аҳамиятини йўқотиб, харобага айлана бошлаган.

**КАРВОНСАРОЙ** – қарвонлар тўхтаб, тунаб ўтадиган работ, сарой. Шарқда у савдо йўллари бўйида бир биридан бир кунлик масофада барпо этилган. К.лар одатда, ўртада катта ҳовли, атрофи бир икки қаватли ҳужралар билан ўралган. Минорали қалъабанд истехком шаклида савдо манзилларида ва шаҳардаги бозорлар қаторига қурилган. Араб сайёҳлари Истахри ва Ибн Ҳавқалларнинг маълумотиغا кўра, X асрда Мовароуннаҳрда 10 мингдан зиёд К.лар бўлган. Темир йўл ва замонавий транспорт воситаларининг ривожланиши натижасида К.лар ўз аҳамиятини йўқотган.

**КАРШАРВАР** – зардуштийлар таълимотига кўра, дунё етгита табиий иқлим К.га бўлинган. Ўрта форс тилида “кишвар” мамлакат демакдир. Бу сўз кейинги давр халк оғзаки ижоди ва ёзма адабиётида “етти иқлим” тарзида кўплаб ишлатилади.

**КАТАКОМБА** (юн.н. kato – “пастда”, kombos – тўқиш, аралаштириш, чирмаштириш) – қадимда диний ва дафн маросимлари ўтказиладиган табиий ёки сунъий ҳосил қилинган ер ости уйи. Рим, Неаполь, Сицилия, Мальта, Шимолий Африка, Олд ва Кичик Осиё, Болқонда кўплаб қадимги даврга оид Клар мавжуд. Қадимги Римга тегишли Клар II-IV асрларда илк христиан жамоаларининг яширин ибодат марказлари бўлиб хизмат қилган. Лабиринт шаклидаги Кларнинг ички хоналари деворларига жамоа аъзоларининг жасадлари ҳам дафн этилган. Шунинг учун ҳам археологияда шу типдаги қабрлар К. қабрлар деб юритилади.

**КАТАКОМБА МАДАНИЯТИ** – жанубий Рус даштларида мавжуд бўлган ёғочбанд (древнеямный) ва кесма (сруб) маданиятлари оралиғидаги бронза даври маданияти. Қабрлар махсус қазилган катакомба – йўлаклари деворларига ён томонига букчайган (ғужанак) ҳолатда дафн этилиши билан фарқланади. Ушбу типдаги дафн тартиблари Ўрта Осиёнинг бронза даврига оид ёдгорликларида ҳам кузатилади.

**КАТАПУЛЬТА**, манжанак (лот. kata – юқоридан пастга ва pallo – улоқтирмаган) – қадимда душман мудофаасини, қалъа деворларини

бузиш учун ишлатилган тош отар курол, механизм. К. тош, ғўлаларни, смола солиб ёндирилган бочкалар ва найзаларни бир неча метрга улоқтирган. К. Ўзбекистон худудида манжанак ва палахмон деб аталган. Археологик қазилмалар жараёнида Ватанимиз худудидаги қадимги ва ўрта асрларга оид жуда кўп ёдгорликлардан манжаниклардан отиш учун мўлжалланган тош, ёғоч-ғўла ёки табиий шлакдан ясалган ядролар топилган.

**КАШКУЛ**, качкул, сатил – 1) мис идиш, одатда, масалликлар сақланади. Чуқур, копоқкли, дастали бўлади. Сирти турли хил нақшлар билан безатилади. 2) ўрта асрларда қаландарлар ва дарвишлар ёнбошига осиб юрадиган узунчок идиш; ичига хайр-садақа нарсалари солинган.

**КЕНОТАФ** (юн. kenotaphion – бўш қабр) – мурда қўйилмаган бўш қабр. Қадимда ўликларни дафн этиш мумкин бўлмаган (бедарак йўқолган, мусофирликда вафот этган ва ҳақозо) ҳолатларда рамзий қабр сифатида марҳумнинг буюмлари қўмиб қўйилган.

**КЕНТ** (суғд. – уй, хонадон) – илк ўрта асрларда Туронзаминда жой номи. Суғд ёзуви ва араб географлари асарларида қат, қас, қанд, “Девону луғотит турк”да қенд, кэн шаклида келтирилган бўлиб, дастлаб бир ёки бир неча оилалар яшайдиган атрофи девор билан ўралган ховлини англатган. Оила ёки жамоа бошлиғи эса қадҳудо деб аталган. Кейинчалик К. жой номларининг таркибий қисмига айланган (Масалан: Тошкент,



Пискент, Вобкент, Чимкент ва бошқ.).

**КЕПАКИ, кабакий** – Чигатоӣ хонларидан Кебекхон (1318-1326) чикарган кумуш танга. Бир *динор* кепак икки мисқол кумушга ёки олти *дирҳам*га тенг бўлган. Кепакӣ Темурийлар даврида ҳам муомалада кенг фойдаланилган. Кепакхонга қадар мўғул давлатларида пул бирлиги болиш ҳисобланган.

**КЕРАМИКА** – сопол. Лойни пишириш йўли билан ясалган идиш. Лой 400 градус ҳароратгача пиширилса, унинг таркибидаги сув тўлиқ буғланиб каттик тошга айланади. Лой оловда пиширишдан олдин безак бериш учун осон бўлганлиги туфайли ибтидоий одамлар ўзлари ясаган идишга ўз дунёқарашидан келиб чиқиб безак беришган. Бу эса археологлар учун жуда катта маълумот манбаидир. Сопол идишларнинг материали, ясалиш услуби ва техникаси, безаги ва ҳажмига қараб археологик маданиятлар бир бирдан фаркланади.

**КЕРТМА ТЕХНИКА** – чакмоқтош хом ашёси парчасига тош болға (отбойник) ёрдамида ҳар томонлама ишлов бериш, енгил зарба бериш ёрдамида учуриш усули.

**КЕШ** – тарихий вилоят ва шаҳар. Ҳозирги Қашқадарё вилоятининг шимолий-шарқий қисмини эгаллаган. Дастлаб К. Китоб ўрнида бўлган. Кейин IX-X асрларда *Шаҳрисабз* худудига кўчган. К. номининг хитойча транскрипцияси биринчи марта VII асрга оид хитой манбаларида Цюйша шаклида учрайди. К. атамасининг келиб чиқиши

хусусида бир неча талқинлар бор. У “Қашқа-Қашқруд” ёки эл, юрт, диёр маъносини берувчи “кишвар” сўзларидан келиб чиққан бўлиши мумкин. Араб тарихчиси Яъқубийнинг ёзишича, К. VII асрнинг ўрталарида юксалиб, *Сугдинг* бош шаҳрига айланган. К.нинг X асрдан кейинги тарихи бевосита *Шаҳрисабз* тарихи билан боғлиқ. Батафсил қаранг:

## **ШАХРИСАБЗ.**

### **КЕШ АРХЕОЛОГИЯ ТОПОГРАФИК**

**ЭКСПЕДИЦИЯСИ** – Тошкент Давлат Университети (ТошДУ) Археология кафедраси қошида 1963 йилда *М.Е.Массон* раҳбарлигида ташкил этилган экспедиция. Экспедиция учта гуруҳга бўлиниб иш олиб борган: 1. Қарши (раҳбари *М.Е.Массон*); 2. Шаҳрисабз (раҳбари *З.И.Усмонова*); 3. Китоб (раҳбари *Н.И.Кришинянникова*). 1963-1967 йиллар мобайнида ушбу экспедициянинг *Қариш* ва Ғузор воҳаларидаги шаҳарлар тарихий топографиясини тадқиқ этиш ва худудларнинг антик ҳамда, ўрта асрлар даври археологик ёдгорликларини ўрганишдаги хизматлари катта бўлди.

**КИДАРИЙЛАР** – V аср бошларида Мовароуннахрнинг ички вилоятларига Ўрта Осиёнинг шимолий-шарқидан кўчиб келган туркийзабон кўчманчи қабилалар.

**КИНДИКТЕПА** – илк темир даврига оид ёдгорлик. Сурхондарё вилояти Қизирик (Бандихон) туманида жойлашган. *А.С.Сағдуллаев* томонидан ўрганилган. Майдони 140×30 м. К.дан топилган археологик ашёлар ёдгорликнинг Ахамонийлар даври

(мил. авв. 558-330 йиллар)га оидлигини кўрсатган.

**КИНДИКТЕПА** – ўрта асрлар даврига оид кишлоқ харобаси (VI-XII а.). Қашқадарё вилоятидаги Яккабоғ туманида жойлашган. Дастлаб Г.Я.Дресвянская, сўнгра 1980 йилдан С.Б.Лунина томонидан қазिशмалар олиб борилган. Қ.нинг мудофаа деворлари бўлмаган, жанубий қисмида майдони 35×20 м баландликдаги тепалик бор. Қазिशмалар мазкур тепалик VI-VIII асрларда маҳаллий зодагоннинг уй-қасри бўлганлигини кўрсатган. IX асрда уй-қаср ташландик ҳолатга келган ва унда ҳаёт бошқа жонланмаган. X-XII асрларда К. йирик кишлоқлардан бири бўлган.

**КИРОПОЛЬ (КУРУШКАТ)** – ривоятларга кўра, Кир II курдирган шаҳар. Македониялик Александрнинг *Усруиона*га ҳарбий юришларини ёритган юнон-рим тарихчилари (Арриан, Курций Руф, Страбон, Пталомей) асарларида эслатилади. *Э.В.Ртвеладзе*нинг ёзишича, қадимда бу шаҳар Куруката (Кир шаҳри) деб аталган. Сўзнинг биринчи қисмидаги “Куру” сўзи маҳаллий қабилалардан бирининг номи бўлиши мумкинлиги ҳам истисно этилмайди. Антик авторлар берган маълумотларга кўра, К. мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган ва ички қалъага эга йирик шаҳар бўлган. Александрга қарши шаҳар мудофаасида 18 мингдан ортиқ одам қатнашган. Шаҳар учун жангларда уларнинг 8 минги ўлган. Страбоннинг ёзишича, шаҳар эгаллангач унинг аҳолиси тез-тез кўзголон кўтаравергач,

Александрнинг буйруғи билан вайрон этилган.

К.нинг жойлашган ўрни тўлиқ аниқланмаган. Зоминдаги Курак, *Хужанд*, Шахристон, Ўратепа яқинидаги Нуртепа ўрнида бўлиши мумкин деган турли хил тахминлар бор.

**КИТОБА** – бинолар безагида кўпинча пештоқ тепасига, эшикларнинг тепа қисмига битилган ёзувлар қатори. Унда ҳикмат ёки тарих (сана), баъзан усталарнинг исм-шарифлари битилган бўлади.

**КОНСЕРВАЦИЯ** (лот. conservatio – сақламоқ) – археологияда қадимги моддий маданият ашёларини, хусусан, меҳнат қуроллари, тарихий обида ёки макон ёдгорликларини тиклаш ва асил холида сақлашга қаратилган техник чора-тадбирлар.

**КОНСОЛИДАЦИЯ** (лот. consolidatio – мустаҳкамламоқ) – тил ва маданият жиҳатдан яқин ва қон-қариндош халқларнинг ягона бўлиб бирлашуви, этносларнинг бир-бирига яқинлашиб, араллашиб кетиши.

**КОНФЕДЕРАЦИЯ** (лот. confederatio – иттифоқ, бирлашма) – суверен давлатлар иттифоқи бўлиб, у муайян (иқтисодий, ҳарбий ва бошқа) мақсадларга эришиш учун ташкил этилади. Давлат тузилишининг жуда кам ҳолларда учрайдиган шакли. Қатъий қилиб айтиладиган бўлса, К. давлат эмас. К. органлари аъзо давлатлар фаолиятини, улар нима мақсадда бирлашган бўлсалар, ана шу масалалар борасидаги фаолиятларинигина мувофиқлаштиради.

**КОРИЗ** – ер ости сувларини йиғиш ва уларни ер юзасига чиқариш учун қуриладиган ер ости сув иншооти. Аҳолини сув билан таъминлаш ва суғориш мақсадларида қўлланилади. XX асрнинг 20-йилларига қадар Ўрта Осиёда К.лар сувларидан экинларни суғоришда фойдаланилган. К.лардан сув вертикал қазилган кудуқлар ёрдамида чиқарилган.

**КОСИБЧИЛИК** (ар. – касбкорлик) – 1) тор маънода – чармдан ковуш, маҳси, шиппак, этик ва бошқа оёқ кийимларини қўлда тикиш билан шуғулланиш; 2) кенг маънода – қўлда бажариладиган ишлар билан шуғулланиладиган касбларнинг умумий номи (дегрезлик, дурадгорлик, заргарлик, каштадўзлик, кулоллик, кўнчилик, мискарлик, темирчилик, тикувчилик, ўймакорлик ва бошқ.). К. билан, асосан, оддий меҳнат қуроллари ёрдамида якка тартибда шуғулланилади.

**КОСОНСОЙ, Косон** – Ўзбекистон худудидаги қадимий шаҳарлардан бири. Наманган вилоятининг шу номдаги туман марказида, Косонсой сойининг ҳар иккала соҳили бўйида жойлашган. Археологик маълумотларга кўра шаҳарга мил. авв. IV-III асрларда асос солинган. Шаҳар икки қатор баланд девор билан ўраб олинган. Қалъа деворида учта дарвоза бўлган. Шаҳардан 2 км шимолда жойлашган Муғ қалъаси (*Мугтена*) шаҳарни кўчманчилар ҳужумидан ҳимоя қилувчи истехком вазифасини ўтаган. Хитой тарихчиси Бан Гу томонидан ёзилган “Ханшу” хроникасида (мил.

авв. 138 мил 23 йиллар воқеалари берилган) Фарғона давлатининг пойтахти Гуйшуань эканлиги айтилади. Аммо, ушбу шаҳарнинг ўрни узил-кесил аниқланмаган бўлсада, аксарият тарихчи-археологлар (*В.В.Бартольд*, *А.Бернштам*, *Ю.А.Заднепровский*, *А.Анорбоев*) бу шаҳар Косон (*Мугтена*) ўрнида бўлган, деб ҳисоблайдилар. К. мил. авв. I асрдан бошлаб Кушон хукмдорларининг қароргоҳ-пойтахтларидан бирига айланади. Кушонлар салтанати барҳам топганидан кейин ҳам К. бир неча асрлар давомида Фарғона водийсининг йирик шаҳарларидан бири бўлиб қолади. Шаҳар VII аср охири VIII аср бошларида Фарғона *ихшид*лигининг пойтахти бўлади. Яъқубийнинг “Китоб ул-Булдон” асарида араблар босқини даврида К. пойтахт шаҳар сифатида тилга олинган. Бобур даврида ҳам К. Фарғонанинг энг йирик 8 та шаҳарларидан бири бўлган.

**КОТ**, Кас, Кат – Хоразмдаги қадимий шаҳар харобаси. Ҳозирги Беруний шаҳридан 2,5 км. жанубий-ғарбда жойлашган. Тарихий манбаларда Кас, Каж, Фир, Фил тарзида эслатилиб, хоразмий тилида “қишлоқ” деган маънони англатган. Ёдгорликнинг дастлабки қисқача археологик тавсифи А.Л.Кун ва Н.Каразинлар томонидан берилган (1873). 1937 йилда А.Н.Тереновкин сақланиб қолган мудоффа деворларида тадқиқотлар ўтказган. 1963 йилда археолог Ю.П.Манилов томонидан батафсил ўрганиб чиқилган. Майдони 44 га. Археологик топилмалар мажмуаси IX-XI, XII-XIV асрларда оид материалларни берган. X аср

тарихчиси Муқаддасий маълумотларида Кот катталиги жиҳатидан Нишопурга тенг дейилади. Беруний *Афригийлар* сулоласининг асосчиси Африг шаҳар ичида 3 қават девор билан ўралган қаср қурдирганлигини, унинг деворлари ниҳоятда баланд бўлиб, таҳминан 20 км узоқликдан ҳам кўриниб туришини ёзиб қолдирган. X асрда Кот Хоразмнинг пойтахти бўлган. Кейинчалик Амударё шаҳарни ювиб кета бошлагач, аҳоли унинг шарқ томонига кўчиб ўтиб, янги Кот шаҳарни қурган. X аср охирига келиб, эски шаҳар асосан ювилиб кетиб, пойтахт Амударёнинг чап соҳилидаги Гурганж (ҳозирги *Кўхна Урганч*)га кўчирилган. Шундан сўнг, Кот ўзининг аввалги сиёсий аҳамиятини йўқотади.

**КОШИН**, парчин, кафель – бинолар, каминлар ва печлар сиртига қоплаш учун махсус пиширилган сиркор юпка сопол гишт ёки чинни тахтача. К. махсус лойдан қолипларга қуйилиб тайёрланади. Турли нақш, нақш қисмлари туширилгач, сир берилади, сўнг махсус хумдонда 1150 даражада пиширилади.

**КРЕМАЦИЯ** (лот. crematio – ёндириш, қуйдириш) – ибтидоий дафн тартибларидан бири. Жасадни ёкиб қуйдириш. Аксарият ҳолларда қуйдирилган жасад қолдиқлари махсус чуқурчаларга, ёки идишларга солиб қўмилган. Крематорий – кремация учун мўлжалланган бино демакдир.

**КРОМАНЬОН** – сўнги (юқори) палеолит даврида, бундан 40-12 минг йил аввал яшаган одам тури. Фанда К. одамлари “*Ҳомо*

*сapiенс*” ақлли одам ёки “*Неонтрон*” – янги одам деб ҳам юритилади. Дастлаб Франциянинг Кроманьон деган жойидан топилганлиги учун шундай ном берилган.

К. одамларининг умир давомийлиги ҳозирги одамларникидан фарқ қилган. Таниқли палеопотолог Г.Д.Рохлин “Қадимги одамларнинг касалликлари” асарида ёзишча, К.ларнинг 24,5 % и 1-14 ёшлигида, 9,8 % и 15-20 ёшлигида, 53,9 % и 21-40 ёшлигида ва 12 % и 40-60 ёшида ҳар хил касалликлардан ўлган. 60 ёшдан ошган 40-12 минг йилликларда яшаган одамларнинг суяк қолдиқлари ҳозиргача топилмаган.

Ўзбекистон ҳудудидан К. одамига тегишли 30 дан ортиқ ёдгорлик (манзилгоҳ) аниқланган.

**КСЕНИППА** – Қашқадарё воҳаси шарқий қисмининг антик давр адабиётларидаги номи. Милодий III-V асрларда Қашқадарё воҳаси икки қисмга: Ғарбий – *Навтака* ва Шарқий – *Ксениппага* бўлинган.

**КУЛТЕГИН БИТИКТОШИ** – мрамор битиктош, туркий тилдаги ёзув ёдгорлиги. Элтариш ҳоконнинг ўғли Култегин (685-731) шарафига 732 йилда қўйилган. Улан-Батордан 400 км. жанубда жойлашган. К.Б.нинг ўртасига беш бурчакли қалқон шаклида, баландлиги 64 см, кенглиги 40 см ли лавҳа ўрнатилган. Ушбу битикда Билга ҳокон оғаниларига, қариндош-уруғларига, халққа муурожаат қилган. Ҳоконнинг муурожаатидан мақсади – ҳокимиятнинг мустаҳкамлаш, ўзаро уруш-жанжалларга чек қўйиш,

иттифок бўлиб яшашга чакириш бўлган.

**КУЛТЕПА** – ўрта асрларга оид шаҳар харобаси. Сирдарё вилояти, Хавос туманидан, Хўжамушкентсойнинг чап қирғоғида жойлашган. Санъатшунос археолог Н.Б.Немцева томонидан 1974 йилда топилган. 1985 йилда ЎзФА *Археология институти*нинг Сирдарё отряди раҳбари А.А.Грицина бу ёдгорликда қазилар ишлари олиб борган. Тадқиқотлар натижасида К.да тархитўртбурчак қалъа, ва унга шимолий-ғарб томондан ёндошган турар-жойлар мавжудлиги аниқланган. К.нинг умумий мадони 20 га. Топилган ашёвий далиллар бу ерда ҳаёт 3 босқичда (сўнгги антик давр III-IV асрлар, илк ўрта асрлар V-VIII асрлар, ўрта асрлар X-XIII)да ривожланганлигини кўрсатган. Тадқиқотчилар араб географлари Истахрий, Ибн Хавкал ва Муқаддасий асарларида қайд қилинган ўрта аср шаҳри Сабот К. ўрнига тўғри келади деб ҳисоблайдилар.

**КУНГУРА** – қўшқ, қалъа, арк деворлари ва кўрғонларнинг тароктиши шаклидаги безатилган юқори қисми. Мудофаа деворларида *шинак* (ўк отадиган жой), кейинчалик безак сифатида қўлланилган.

**КУЧУКТЕПА** – сўнгги бронза ва илк темир даврига оид кўрғон. Сурхондарё вилояти, Кўхитанг тоғининг жанубий ёнбағрида, Шеробод тумани Музрабод қишлоғи ёнида жойлашган. Умумий майдони 0,5 га. Ёдгорлик қалъа ва *шаҳристон* қисмларидан иборат. 1962 йил *Л.И.Альбаум* томонидан аниқланган. 1963-1984 йилларда

танаффуслар билан *А.Асқаров* раҳбарлигида археологик тадқиқотлар олиб борилган ва К.нинг қалъа қисми тўлиқ очиб ўрганилган. К. ўрта Осиёнинг шимолий худудларидан кўчиб келиб, ўтроқлашган чорвадорларнинг мудофаа деворлари билан ўралган манзилгоҳидир. Улар ўз тараққиётида маҳаллий деҳқон аҳолининг маданий ютуқларидан кенг фойдаланганлар. К.да ҳаёт узок давом этган. К.нинг 4 та қурилиш босқичи аниқланган.

1.Кучук I (мил. авв. 1300-1000-й.). Сопол буюмларининг аксарияти қўлда, кулолчилик чархисиз ясалган.

2.Кучук II (мил. авв. 1000-850-й.). Қўлда ясалган сополлар камайиб, кулолчилик чархида ясалган сополлар кўпайиб боради.

3.Кучук III (мил. авв. 850-650-й.). Ҳамма сопол буюмлари кулолчилик чархида ясалган.

4.Кучук IV (мил. авв. 650-450-й.). Бактрия услубидаги сополлар нафақат *Сунд*, балки Хоразмга ҳам ёйилган.

К. аҳолиси деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган.

**КУШОН ДАВЛАТИ** – милодимизнинг I-IV асрларда Ўрта Осиё, Афғонистон, шимолий-ғарбий Ҳиндистон ва шимолий-шарқий Эрон худудларида хукмронлик қилган сулола. Ўзбек давлатчилиги тарихида К.Д. салтанат (империя) даражасига кўтарилган дастлабки давлат бирлашмасидир.

К.Д.га жанговар хун қабилаларининг таъкиби натижасида Шимолий-шарқдан *Юнон-Бақтрия давлати*га мил. авв.

140-130-йилларда бостириб кирган юэчжи қабилалари асос солганлар. *Сугдиёна* ва *Бақтрия*га келиб ўрнашган юэчжилар Хюми, Шуанжи, Гуйшуан, Хисэ ва Думи каби йирик, бир-бирига қариндош хонадонлардан иборат эдики, улар ўртасида ҳокимият учун курашда Гуйшуан хонадони ғолиб чиқади ва Гуйшуан (Кушон) подшолигига асос солинади.

Кушон подшоларининг шажараси қабила сардори Герайдан бошланади. Унинг вориси Кудзулла Кадфиз (15-51) ва Вима Кадфизлар даврида (51-78) Кушон подшолари мустақил давлат сифатида ўз номларида мис, олтин ва кумуш тангалар зарб этишни бошлайдилар. Канишка даврида (78-123) Ҳиндистоннинг жанубий вилоятлари, Хоразм, Чоч, Фарғона ва ҳатто, Ғарбий Хитой ҳам Кушон давлати таркибига киритилади. Будда дини давлат динига айлантирилади. Давлатнинг пойтахти *Далварзинтепа*дан (Сурхондарё вилоятида) Пешавор (Ҳиндистон-Покистон)га кўчирилади. Канишка подшолик қилган даврда Кушон салтанати Осиёдаги энг йирик давлат даражасига кўтарилган. Нумизматик манбаларда Канишқадан кейин Васишка (4 йил подшо бўлган), Хувишка (32 йил подшо бўлган), Васудева (34 йил подшо бўлган) каби подшоларнинг номлари сақланган.

Милодий IV асрнинг охирига келиб ички низолар, ғарбдан сосонийлар давлати ва шимолдан кўчманчи туркий қабилалар берган зарбалар натижасида К.Д. батамом емирилади ва барҳам топади.

**КЎЗАЛИҚИР** – қадимги Хоразмнинг архаик даврига оид энг йирик шаҳар ёдгорлиги. Туркманистоннинг Тошховуз шаҳридан 100 км ғарбда жойлашган. Аксарият тадқиқотчилар Қадимги Хоразм цивилизацияси ва шаҳарсозлик маданияти айнан К.дан бошланган, деб ҳисоблайдилар. Ёдгорлик учбурчак шаклида қурилган бўлиб, умумий майдони 25 га дан ошиқ (1000×400 м.). К.нинг қурилган вақтини белгилашда тадқиқотчилар фикри турлича. *С.П.Толстов* шаҳарнинг қадимийлигига ишорат қилиб, уни *Авестода* келтирилган тўртбурчакли макон – “*вара*” билан қиёслаган ва мил. авв. VII-VI асрлар билан белгилаган. *В.М.Массон* К. сополларининг Яз III (450-350 й.) сополларига ўхшашлигидан келиб чиқиб мил. авв. V-IV аср бошлари билан саналаган. Сўнгги тадқиқотларда шаҳарда ҳаёт мил. авв. VI аср ва V асрнинг биринчи ярмида мавжуд бўлган деган хулоса устиворлик қилмоқда. Мил. авв. IV асрнинг ўрталари ва иккинчи ярмига келиб К.да ҳаёт сўниб бўлган. Шаҳарнинг кимсасиз бўлиб қолиши сабаби аниқ эмас. Қазималар вақтида ҳам қандайдир фалокат излари яққол қайд этилмаган. Бу афтидан ҳудуднинг сув режимидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган бўлиши мумкин.

**КЎКТЕПА** – *Сугдиёна*нинг энг қадимги шаҳар ёдгорлиги. Самарқанд вилояти Челак тумани Охунбобоев жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган. Ёдгорлик мустақиллик йилларида археолог М.Х.Исомиддинов томонидан ўрганилди. Ёдгорлик 2 та мудофаа

девори билан ўраб олинган. Ички мудофаа девори 23 га майдонни, ташқи мудофаа девори эса 100 гектарга яқин майдонни ўраб олган. Тадқиқотчилар томонидан ушбу қадимги шаҳар ҳаёти 3 даврга бўлинган (К. 1,2,3.).

К.1 даври (мил. авв. IX-VIII асрлар) Зарафшон водийсида маҳаллий чорвадор сакларнинг ўтрок ҳаётга, деҳқончилик ҳўжалиги юритишга ўтаётган даврга, К.2 даври (мил. авв. VII-V асрлар) *Судиёна* худудларига қадимги Шарқ цивилизациясига хос урбанистик жараёнлар жадал кириб келиши, К.3 даври қадимги Шарқ анъаналари асосида ривожланиб келаётган шаҳар ҳаётига македониялик Александр юришлари муносабати билан эллинистик маданиятнинг кириб келиши билан характерланади.

**КЎЛБУЛОҚ** – Палеолит даврининг *ашель, мустье* ва юқори палеолит босқичига оид ёдгорлик. Тошкент вилояти Ангрэн шаҳри яқинида, Чотқол тизмаси ёнбағрида, “Геолог” аҳоли пунктидан 2 км шимоллий-ғарб томонда жойлашган. Ёдгорлик 1962 йилда О.М.Ростовцев томонидан очилган. 1963-1993 йилларда ЎзФА *Археология институтининг* Оҳангарон палеолит гуруҳи томонидан ўрганилган. 2007 йилда ЎзФА *Археология институти*, Россия ФА Сибир бўлими Археология этнография институти ҳамда Белгиянинг Санъат ва тарих қироллик музейининг ўзаро ҳамкорлиги асосида К.да тадқиқотлар ўтказилди. Олиб борилган қазिश ишлари натижасида 600 м кв.дан зиёд майдон очиб

ўрганилди ва 49 та маданий қатлам аниқланди. Бу қатламларнинг бир нечтаси илк, кўпчилиги ўрта ва учтаси сўнгги палеолит даврига тегишли эканлиги маълум бўлди. К.нинг илк палеолит даврига оид қатламлари фақат 9 м кв майдонда очилган бўлиб, 12,6 м чуқурликда жойлашган. Бу даврга оид қатламлардан 3000 мингдан зиёд тош қуроллар, 100 дан ортиқ ҳайвон суяклари қолдиқлари топилган. Энг қуйи маданий қатламлар санаси 650 минг йиллар билан белгиланган.

**КЎХАК** – Зарафшон дарёсининг ўрта асрлардаги номи.

**КЎЧМАНЧИ ЎЗБЕКЛАР ДАВЛАТИ** – 1428 йилда Дашти Қипчоқда Абулхайрхон томонидан асос солинган давлат. Пойтахти Тура шаҳри бўлган. 1468 йилда Абулхайрхон вафот этгач, бу давлат парчаланиб кетади. Фақат унинг набираси Мухаммад Шайбонийхон (1451-1510) XV асрнинг 80-йилларида бу давлатни қайта бирлаштиришга муваффақ бўлади ва Темурийлар давлатига истилочилик юришларини бошлаб, Мовароуннаҳрда ҳокимиятни эгаллашга муваффақ бўлади.

**КЎШК** – тўрт устунли, томи куббали, асосан, ёғочдан қурилган енгил иншоот. Келиб чиқиши жиҳатдан оддий ўтовга бориб тақалади. Дастлаб кўчманчилар кўчиб юришга қулай бўлиши учун уй (кўчик)лар қуришган. Арава устига ўрнатилган К.лар ҳам бўлган. Кейинчалик К.лар бадавлат кишилар, ҳукмдорлар учун безакдор қилиб, боғлар ичида қурилган. К. Шарқ мамлакатларидан Ғарбга “киоск” шаклида кириб келган.

**КҮҲНА УАЗ** – Хоразмнинг қадимги ва ўрта асрлар даврига оид шаҳар ёдгорлиги. Тошҳовуз шаҳридан 50 км ғарбда, Амударёнинг *Довдон* ўзани гармоқларга ажралган қисмида жойлашган. Хоразм экспедицияси ходимлари ёдгорликни 1939 йилдаёқ кўздан кечириб, унинг дастлабки археологик характеристикасини беришган. Шаҳар хом ғиштдан кўтарилган 10 м баландликдаги девор билан ўраб олинган бўлиб, 9,5 га майдонни эгаллайди. Шаҳар кўп қатламли бўлиб, энг қуйи қатламлари мил. авв. IV-II асрларга, асосий топилмалар қишон ва *афригийлар* даври (IV-V а.)га оид. VI-VIII асрларда шаҳар бўшаб қолган. IX асрга келганда ҳаёт қайта жонланган, аммо, у жуда қисқа мuddат давом этган.

**КҮҲНА УРГАНЧ** – ҳозирда Туркменистоннинг Тошҳовуз шаҳридан 105 км шимолий-ғарб томонда жойлашган. Асл номи Гурганж, араб географлари асарларида Журжония деб тилга олинади. Мил. авв. I аср Хитой манбаларида Юе-Гань ёки Юе-Цзянь шаклида қайд қилинган. Ушбу шаҳарнинг умумий майдони 640 га ни ташкил этади.

К.У.нинг асосини 7 м қалинликдаги *бурж* ва минораларга эга бўлган мустаҳкам мудофаа девори билан ўраб олинаган Қирқмулла қалъаси ташкил этган. Деворнинг ташқи томони бўйлаб чуқур хандак қазилган. Қирқмулла сополларининг энг қадимгиси мил. авв. V асрларга оид. Демак, шаҳарга асос солиниши Хоразмнинг *Аҳамонийлардан* мустақилликни

қўлга киритган вақтга тўғри келади. Мил. авв. V-IV асрлар чегарасида барпо қилинган бу шаҳар X-XIV асрлар мобайнида Хоразмнинг пойтахти бўлган. К.У. XV-XVI асрларда Амударё сув режимиининг ўзгариши муносабати билан шаҳарнинг маданий ва иқтисодий ривожланишида таназзул бошланади. 1646 йилда Хива хони Абулғозий Баҳодирхон (1643-1664) ҳозирги Урганч шаҳрига асос солади. Шундан кейин ушбу қадимий шаҳарнинг номи К.У. бўлиб қолади.

## Л

**ЛАВЛАКОН ЁДГОРЛИГИ** – неолит даври *Калтаминор маданияти* ёдгорликларидан бири. Қизилкумнинг ички ҳудудида жойлашган. 1965-1972 йилларда А.В.Виноградов томонидан ўрганилган. Ушбу ҳудуддан *Калтаминор маданиятига* оид Л.дан ташқари Қорақата, Бешбулок, Мингбулок каби юздан ортик маконлар топилган. Уларни А.В.Виноградов 3 та хронологик босқичга ажратган: 1. Мезолит-илк неолит (мил. авв. VII минг йиллик); 2. Илк неолит (мил. авв. VI-V минг йиллик); 3. Ўрта ва неолитнинг сўнги босқичи (мил. авв. IV минг йиллик ва III минг йиллик I-ярми). Минтака ёдгорликлари ичида энг аҳамиятлиси Лавлаконт 26 макони бўлиб, ундан синчли уй-жой қолдиги топилган.

**ЛАВҲ** (ар. – тахта) – 1) ўрта аср мактабларида талабалар савод чикариш учун ишлатган ёзув тахтаси; 2) ўқиш вақтида устига китоб, нота очиб қўйиладиган



махсус курсича (таглик). Самарқанддаги Бибиҳоним масжидининг ховлисида, Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейида мрамардан ишланган катта Л. бор.

**ЛАЛМИКОР ЕРЛАР**, баҳорикор ерлар – суғориш иншоотлари (арик, канал, тўғон, сув омбори)дан фойдаланмасдан ердаги нам ва табиий ёмғирлар ёрдамида экин экиб, деҳқончилик қилинадиган ерлар. Суғориш иншоотларидан фойдаланиб, деҳқончилик қилиш обикор деҳқончилик дейилади.

**ЛАНГАРХОНА** – мусофирхона, ғарибхона. Ўрта асрларда йўловчи мусофир, сайёҳ ва зиёратчилар тунаб, дам олиб ўтадиган жой; етим-есирларга таом бериладиган жой.

**ЛАЪЛ ЙЎЛИ** – мил. авв. 3-2 минг йилликларда шаклланган Помир тоғларидан бошланиб Эрон орқали Олд Осиё ва Мисрга қадар чўзилган халқаро савдо йўли.

**ЛАҲАД** – гўр, қабрнинг марҳум жасади қўйиладиган ички қисми.

**ЛИНГВИСТИКА** (лот. lingua – тил) – қадимги ва замонавий тилларни ўрганувчи фан.

**ЛИТВИНСКИЙ БОРИС АНАТОЛЬЕВИЧ** (17.04.1923 – 20.08.2010.) – тарих фанлари доктори (1970), профессор, Тожикистон ФА академиги (1985). Ўрта Осиё Давлат университети (САГУ, ҳозирги ЎзМУ)ни тугатган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Белоруссиядан Берлингача бўлган жангларда иштирок этган. 1950 йилда номзодлик ишини ҳимоя қилиб, бир муддат САГУда

маърузалар ўқиган ва Ўзбекистон ва Туркменистонда ташкил этилган археологик экспедицияларга раҳбарлик қилган. 1951 йилда олим Душанбе шаҳрига кўчиб ўтиб, у ерда Тожикистон ФА Археология секторини очди ҳамда унга 1971 йилга қадар раҳбарлик қилади. Б.А.Литвинский Жанубий Тожикистон археологик экспедициясининг раҳбари сифатида бутун Тожикистон ҳудуди бўйлаб археологик тадқиқотлар олиб боради. 1960-1975 йилларда *Ажгинатена* будда ибодатхонасининг очиб ўрганилиши, *Тахти-Сангин*, Қалъан Кофирнихон, Тепаи Шох ёдгорликларининг фанга киритилиши бевосита Б.А.Литвинский номи билан боғлиқ. Олим 500 га яқин илмий ишлар ва 30 га яқин монографиялар муаллифи. Уларда Ўрта Осиёнинг бронза давридан то ўрта асрлар давригача бўлган тарихи ва археологияси ёритиб берилган. Б.А.Литвинский тадқиқотлари орасида айниқса, Ўрта Осиёда будда дини тарихи масалалари муҳим ўрин тутади. Олим Тожикистон археология мактабининг асосчиси сифатида 2009 йилда Тожикистон Республикасининг “Шараф” ордени билан тақдирланган.

## М

**МАГИЯ** (юн. mageia – сеҳиргарлик, афсунгарлик) – аслида муг сўздан қелиб чиққан. Ибтидоий одамларнинг диний тасавурлари мажмуаси. Сеҳржуду, куф-суфлар орқали табиат ва

ҳаётдаги яхшилик ва ёвузлик кучларига, шайтону иблисларга таъсир кўрсатиш амаллари.

**МАДАНИЙ ҚАТЛАМ** – археологияда ер юзасининг инсон фаолияти излари сақланган қисми. М.Қ.нинг қуйи қисми қадимги, юқори қисми эса янги даврларга тегишли бўлади. М.Қ. маълум бир жойда одамларнинг канча вақт яшаганлиги билан боғлиқ ҳолда битта ёки бир нечта ва қалинлиги бир неча сантиметрдан 30-35 метргача бўлиши мумкин. М.Қ. тугаган жой *материк* деб юритилади.

**МАДАНИЯТ** – кўп қиррали ва чуқур мазмунга эга тушунча бўлиб, у жамият таракқиёти давомида инсонларнинг фаолияти туфайли қўлга киритган барча моддий ва маънавий ютуқларининг мажмуасидир.

Моддий М. деганда инсонларнинг фаолияти туфайли яратилган “иккинчи табиат”, яъни ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат қуроллари, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнида яратилган ва ҳаёт учун хизмат қиладиган барча бойликлар назарда тутилади.

Маънавий М.нинг қамрови беҳад кенг бўлиб, у ижтимоий онгнинг барча шаклларини, яъни фалсафий, илмий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний қарашлар, маориф, таълим-тарбия, мактаб, санъат, халқ маънавий ижодиётининг барча турларини қамраб олади.

Моддий ва маънавий М. бири-бири билан узвий боғланган бўлиб, бири иккинчисини тўлдирди.

**МАДИНА** – ўрта асрларда мусулмон мамлакатларида

шаҳарнинг ҳоким қароргоҳи, ҳукумат бинолари ва юқори табақа вакиллари жойлашган асосий қисми. Ички шаҳар, арк. М. мустаҳкам деворлар билан ўралган. Унинг атрофида хунармандлар, савдогарлар ва бошқа касб эгалари яшайдиган маҳаллалар бўлиб, у одатда *шаҳристон* деб аталган. *Шаҳристон*дан М.га икки ёки ундан кўп дарвоза орқали кирилган. *Шаҳристон* ҳам мудофаа деворлари билан ўраб олинган.

**МАДРАСА** (ар. “дараса” – ўрганмоқ) – дарс оладиган, ўқиладиган жой демакдир. М.лар мусулмонларнинг ўрта ва олий ўқув юрти. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ҳозирги вақтда М.ларда давлат муассасалари ходимлари ҳам тайёрланади.

М.лар дастлаб, VII-VIII асрларда ислом дини уламолари мусулмон илоҳиёти масалаларини шарҳлаб бериб турадиган марказ сифатида вужудга келган. IX-XIII асрларда М.лар ислом дини тарқалган мамлакатларда, жумладан, Ўрта Осиёда ҳам пайдо бўлиб, М. учун махсус бинолар қурила бошланди. М.ларни ҳукмдорлар, йирик ер эгалари ва давлатманд кишилар ўз маблағлари ҳисобидан қурдирганлар.

М.ларга диний мактабни битирган болалар қабул қилинган. М.ларда таълим уч босқичда (бошланғич (адно), ўрта (авсат) ва юқори (аъло) олиб борилган.

М.ларда диний билимлардан ташқари тиббиёт, аруз илми, фалсафа, жуғрофия ва бошқа фанлар ҳам ўргатилган. Талабалар дарсни ўзлаштиришларига қараб М.ларда 15-20 йиллаб ўқиганлар.

**МАЖУСИЙЛИК** – 1) *зардуштийлик*нинг мусулмонларда аталиши; 2) яккахудолик динлари пайдо бўлгунига қадар вужудга келган диний эътиқодлар, маросим ва байрамларни ифодалаш учун ишлатиладиган атама. М. атамаси шунингдек, сеҳргарлик, *анимизм*, *фетишизм*, *тотемизм* каби ибтидоий дин шаклларини ҳам ифодалайди.

**МАЙМУРҒ** (суғд. “майн” – қишлоқ, “мурғ” – ўтлоқ. Серўтлоқ қишлоқ) – Самарқанддан жанубий шарқда жойлашган, қадимги *Сугдийнанинг* мулки (русток). Маркази ҳозирги Қулдортепа шаҳар харобаси ўрнида жойлашган. IV-X асрларда *Сугд* таркибида бўлган. Дастлаб Маймурғ таркибига Панжикент ҳам кирган, лекин VII асрда у мустақил мулк сифатида ажралиб чиққан. Илк ўрта асрларда М.нинг ниҳоятда аҳамиятли эканлиги унинг худудида Самарқанд воҳасининг асосий суғориш тизимлари бошланган тўғон – Варагсарнинг жойлашганлиги эди. М.ни ҳоким эмас, *сугд* ҳукмдорлари хонадонига мансуб шаҳар бошлиғи идора қилган.

### **Мамбетуллаев**

#### **МИРЗАМУРОД**

**Мамбетуллаевич** – тарихчи-археолог олим. Тарих фанлари доктори, Нукус Педагогика университетининг Тарих кафедраси профессори. 1935 йил Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай туманида туғилган. 1956 йилда Нукус Педагогика институтини тугатган. “1937-1960-йилларда Қорақалпоғистон суғорилиш тарихи” мавзусида

номзодлик (1968), “Антик даврда Жанубий Хоразм тарихи ва маданияти (мил. авв. IV – милодий IV аср шаҳар ва қишлоқлари мисолида)” мавзусидаги докторлик диссертациясини химоя қилган (1994). Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби М.Мамбетуллаев Жанубий Оролбўйи минтақасининг қадимги ва ўрта аср шаҳарлари тарихи ва археологиясига оид қатор илмий ишлар муаллифидир.

### **МАНДЕЛЬШТАМ** **АНАТОЛИЙ**

**Максимилианович** (1920-1983) – археолог-шарқшунос олим. Санкт-Петербург (Ленинград) Шарқ археология мактабининг кўзга кўринган намояндаси. Шарқ тиллари билимдони сифатида олим Жанубий Тожикистон, Туркменистон ва Тува ўлкасидаги сўнги бронза ва илк темир даври ёдгорликларини ўрганди. Кўчманчи чорвадор қабилаларнинг ўтрок аҳоли билан ўзаро муносабатларини археологик ва ёзма манбалар асосида ўрганиш олимнинг асосий тадқиқот мавзуси бўлди. *Кушон* ва *Парфия* давлатларининг вужудга келишида кўчманчи халқларнинг тутган ўрни масаласида А.М.Мандельштам томонидан берилган илмий хулосалар фан учун катта аҳамиятга эга бўлди. Жанубий Тожикистон худудида бронза даври чорвадор қабилаларига тегишли *Бишкент* ва *Ваҳи маданиятларининг* очиб ўрганилиши бевосита А.М.Мандельштам номи билан боғлиқ. Олимнинг асосий ишлари: Материалы по историко-географическому обзору Памира и

принадлежащих областей (Труды ИИАЭ АН Тадж.ССР. Т.53. –М. 1957.); Кочевники на пути в Индию (МИА. –М.-Л. №136. 1966.); Памятники эпохи бронзы в Южном Таджикистане (МИА. –Л. №145. 1968.); Памятники кочевников кушанского времени в Северной Бактрии (-Л. 1975.) ва бошқалардир.

**МАНЖАНИҚ** – тошотар харбий қурилма, катапульт. Эшилган пай, тола ёки жуннинг эгилувчанлик кучи остида ҳаракатга келтирилган. М. асосан, қалъа ва қўрғонларни камал қилиш пайтида ишлатилган. М.лар ёрдамида камалдагиларга қарага тош ядролар иргитилган. Тош топилмаган кезларда дарахтлардан тайёрланган ғўла ва кундалардан фойдаланилган. Ўрта Осиёда XV асрдан эътиборан ўт сочиш қуроллари – тўп ва замбаракларнинг қатор турлари қуролланишда муҳим ўрин эгаллаганлиги туфайли М.дан аста-секин воз кечилади.

**МАНГИТЛАР СУЛОЛАСИ** – Бухоро хонлигида ҳукмронлик қилган *Аштархонийлар сулоласи*дан кейинги учинчи сулола. *Аштархонийлар сулоласи* давридаёқ ўзбек қабилаларидан манғитлар ва кўнғиротларнинг саройдаги нуфузи баланд эди. Абулфайзхон даврида (1711-1747) манғитлардан бўлган Муҳаммад Ҳақимбий барча шахзодалар оталиқларининг бошлиғи деб тан олинади. 1740 йилда Нодиршоҳ бошлиқ Эрон қўшинлари Бухорога бостириб кирганида Муҳаммад Ҳақимбий Нодиршоҳ томонига ўтиб кетади. Эронга таслим бўлиш ҳақидаги шартнома имзолангач, Муҳаммад Ҳақимбий Бухородаги энг нуфузли

шахсга айланиб, кушбеги (бош вазир) лавозимини эгаллайди. Бутун ҳокимият амалда унинг қўлида тўпланди. 1743 йилда Муҳаммад Ҳақимбий вафот этгач, “қўғирчок хон”га айланган Абулфайзхон унинг ўғли Муҳаммад Раҳимбийга бош вазирлик лавозимини беришга мажбур бўлади. Муҳаммад Раҳимбий Бухоро аслзодалари ва рухонийларининг қўллаб-қувватлаши билан 1753 йилда ўзини Бухоро хони деб эълон қилади. Бироқ манғитлар хон наслига мансуб бўлмаганлиги учун ундан кейинги манғит ҳукмдорлари ўзларини хон деб эмас, *амир* деб атаганлар. Охириги Бухоро амири Олимхон 1920 йилда большевиклар томонидан уюштирилган сунъий “инқилоб” натижасида тахтдан ағдарилган.

М.С. вакиллари: Муҳаммад Раҳимхон (1753-1758), Дониёлбий (1758-1785), Шоҳмурод (1785-1800), Амир Ҳайдар (1800-1826), Амир Насрулло (1826-1860), Амир Музаффар (1860-1885), Абдулахадхон (1885-1910), Амир Олимхон (1910-1920).

**МАРВ** – Ўрта Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири. Мурғоб дарёсининг эски ўзани бўйида, ҳозирги Байрамали шаҳри яқинида жойлашган. Шаҳар номининг келиб чиқиши тўлиқ аниқланмаган. “Оқ тош” (Ёқут, XII а.); “ўтлоқ”; Мурғоб бўйларида ўсувчи чирмовиқ ўсимлиги – “марга” (Хофиз Абрў XV а.) ёки “мур” (қуш) сўзининг бузиб талаффуз қилиниши; сак қабилаларидан бири аморг номининг ўзгаришидан келиб чиққан (В.В.Струве) деган

тахминлар мавжуд. Эски М. ўрнида пайдо бўлган дастлабки шаҳар *Эркқалъа* бўлиб, у мил. авв. VII асрда вужудга келади. М. ўша даврдан бошлаб *Марғиёна* вилоятининг муҳим ва энг катта шаҳри бўлиб қолади. Македониялик Александр даврида шаҳарнинг номи *Марғиёна* Александриясига, *Салавкийлар* даврида дастлаб Антиохияга, кейин Селевкияга ўзгартирилади. Шаҳар кейинги асрларда алмашган катор давлатлар ва сулолаларнинг муҳим сиёсий-иқтисодий ва маданий маркази бўлиб қолаверади. Араблар истилосидан кейин *Хуросон* ноибларининг қароргоҳи бўлади. М. XI-XII асрларда *Салжуқийлар* давлатининг пойтахти сифатида замонасининг энг катта шаҳарларидан бирига айланади. Ушбу даврда шаҳар “Шохижон” номи билан улуғланади. Қадимда ва ўрта асрлардаги ўзаро урушлар оқибатида шаҳар бир неча бор вайрон этилиб, тушкунликка юз тутган бўлсада, М. тезда тикланиб ўзининг иқтисодий ва сиёсий мавқеини сақлаб қолаверган.

М. шаҳрини манбашунослик ва археологик жиҳатдан ўрганиш XIX асрнинг охиридан бошланган. Бу борада проф. В.А. Жуковский, В.В. Бартольд ва 1946 йилдан фаолиятини бошлаган М.Е. Массон раҳбарлигидаги Жанубий Туркменистон археологик комплекс экспедициясининг ишлари айниқса салмоқли. 1973 йилдан М. ва *Марғиёна* худудида В.И. Сарияниди раҳбарлигидаги Россия-Туркменистон кўшма экспедицияси ишламоқда. 1988 йилда Туркменистон ҳукумати қарори

билан “Қадимги Марв” Давлат тарихий-маданий кўриқхонаси ташкил этилган. 1992 йилдан эски М.ни ўрганиш бўйича Лондон Археология институти томонидан таъсис этилган халқаро лойиха асосида *Эркқалъа* ва *Говурқалъа* шаҳарларида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

### МАРОҚАНДА

Самарқанднинг мил. авв. IV милодий IV асрларда яшаган юнон тарихчилари Страбон, Курций Руф, Арриан асарларидаги номи. Аслида Самарқанднинг қадимги номи Суғд ёзма манбаларида Смараканса бўлиб, уни юнон тарихчилари М. деб аташган.

**МАРҒИЁНА** – Ўрта Осиёдаги тарихий-маданий вилоят. Ҳозирги Мари шаҳри атрофи, Мурғоб дарёси бўйларини ўз ичига олган. *Парфия* билан *Сугдиёна* орлиғида жойлашган. Ушбу тарихий вилоят қадимги форс манбаларида Маргуш, *Авестода* Моуру, юнон-рим тарихчиларининг асарларида эса *Марғиёна*, илк ўрта аср форс манбаларида *Марв* деб юритилган. Вилоятнинг маркази дастлаб *Гонуртепа*, кейин *Тўғалоқ*, мил. авв. I минг йиллик биринчи ярмида *Язтепа* ва Арвалитепа, мил. авв. I минг йиллик ўрталаридан *Эркқалъа* ва Габр қалъа, кейинги даврларда эса *Марв* шаҳри бўлган.

### МАРҒИЁНА АНТИОХИЯСИ

– салавкийлар давлати ҳукмдори Антиох I Сотер томонидан *Марғиёнада* (Туркменистон) бунёд этилган шаҳар. Тадқиқотчиларнинг фикрича М.А. эски *Марв* шаҳри ўрнида барпо этилган. *Салавкийлар* даврига келиб *Марв* шаҳар арки – *Эркқалъа*, унга жануб томондан

туташувчи катта шаҳар *Гуорқалъадан* иборат бўлган. Страбон берган маълумотларга кўра, Антиох шаҳарнинг ана шу иккита қисмини кўчманчилардан химоя қилиш учун 250 км узунликдаги девор курдирган.

**МАРҒИЛОН** – Фарғона водийсининг қадимги ва ўрта асрлар даврига оид шаҳри. Фарғона водийсининг жанубий қисмида, Олой тоғлари этагида жойлашган. Шаҳарнинг сув таъминоти унинг марказидан оқиб ўтувчи Марғилонсой билан боғлиқ. М. тўғрисидаги дастлабки ёзма маълумотлар X асрга тааллуқли. Ўша даврда шаҳар “Марғинон” деб аталган. Шаҳар номининг келиб чиқиши тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ. “Мурғ” – “майсазор”, “ўтзор” сўзидан келиб чиққан деган тахминлар бор. Шаҳарнинг қадимий қисмида ўтказилган археологик тадқиқотлар М. ўрнида аҳоли милодий I асрдан бошлаб яшаб келаётганлигини кўрсатган. X асрда М. ўрнида катта қишлоқ бўлган ва у XI-XII асрларда катта шаҳарга айланган. “Бобурнома”да М. Фарғона водийсининг 8 та йирик шаҳарларидан бири сифатида таърифланади. 2007 йил сентябрда Ўзбекистонда М. шаҳрининг 2000 йиллиги кенг нишонланди.

**МАСЖИД** (ар. “сажада” – эгилиш, итоат этиш, сажда қилиб юзини ерга тегизиш) – “сажда қилинадиган, ибодат қилинадиган жой” маъносини билдиради. Маҳаллалардаги М.лар шу ер аҳолиси кундалик намоз ўқиш учун, жамоа М.лари эса кундалик намоз билан бирга жума ва хайит

намозларини ўқиш учун мўлжалланган ва уларга шаҳарнинг марказидан энг яхши жойлар ажратилган. М.лар ёнида биттадан тўрттагача баланд миноралар қурилган. Булар кўпроқ М.нинг беазаги учун бунёд этилган.

Баъзи М.лар қошида бошланғич мактаблар бўлиб, болалар ўқитилган. М.лар диний тарғибот вазифасини ўтаган бўлса ҳам, уларда оилавий можароларни ҳал этиш, уришганларни яраштириб қўйиш, ноҳўя иш қилганларни тўғри йўлга солиш каби масалалар ҳам ҳал этилган.

**МАССАГЕТЛАР** – Каспий денгизининг шарқий соҳили, Орол денгизи атрофлари, Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқимида мил. авв. VIII-IV асрларда яшаган кўчманчи қабилаларнинг юнон адабиётларида учрайдиган умумий номи. М. тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, айнан *сак* қабилаларининг йирик харбий-сиёсий уюшмасидир. “Massaget” сўзининг аниқ этимологияси (келиб чиқиши) масаласи тўлиқ ўз ечимини топмаган. Олимлар бу сўзини ҳар хил – “улуғ гетлар” (О. Франке) ёки “йирик сак ўрдаси” деб таржима қилишади. Айрим олимлар фикрича, “massaget” номи “масйо” – “балик” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “баликсўрлар” маъносини англатган. *С.П. Толстов*нинг фикрича, М. конфедерацияси таркибига хорасмийлар, апасиаклар, сакараваклар, сак-аморгийлар, дербиклар, тохарлар (дахлар), осийлар (ятгийлар, асианлар, усунлар, яксартлар) кирган.

М. мил. авв. VI асрда йирик харбий қабил аиттифоқига

бирлашганлар *Аҳамонийлар*  
подшоши Кир II мил. авв. 530 йилда  
М. юртига юриш қилганда ўз  
ажалини топган эди (Тўмарис  
жасорати). М. конфедерацияси  
қадимги Хоразм давлатининг  
асосий ҳарбий кучини ташкил  
қилганлиги *Македониялик*  
Искандарнинг *Ўрта Осиёга*  
бостириб келган даврида айниқса,  
яққол намоён бўлади.

**МАССОН МИХАИЛ  
ЕВГЕНЬЕВИЧ** (21.11.1897 –  
2.10.1986) – археолог, тарих ва  
археология фанлари доктори,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан  
арбоби (1944), Туркменистон ФА  
академиги (1951). 1897 йил  
Самарқандда туғилган. Самарқанд  
ўғил болалар гимназиясида таҳсил  
олади. 1908-1909 йилларда  
*В.Л.Вяткин* раҳбарлигидаги  
Улугбек расадхонасини қозиш  
ишларида иштирок этади. 1916  
йилдан Петроград политехника  
университетида ўқийди. 1918  
йилдан М.Е.Массон Самарқандга  
қайтиб, Самарқанд давлат музейида  
мудирлик қилади. 1925-1928  
йилларда Оҳангарон водийсининг  
тарихий-археологик ёдгорликларни  
ўрганиб чиқди. 1929-1936 йилларда  
Ўзбекистон геология кўмитасида  
тоғ-кон иши билан шуғулланиш  
билан биргаликда музейлар ва  
тарихий ёдгорликларни муҳофаза  
қилиш давлат кўмитасида фаолият  
юритади. 1932-1933 йилларда  
*Айритом* харобаларини ўрганади.  
1936 йилдан Ўрта Осиё давлат  
университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг  
археология кафедраси  
ташкилотчиси ва мудир. Термиз  
комплекс археологик экспедицияси  
(1936-1938) ва *Жанубий*

*Туркменистон комплекс археологик  
экспедицияси (ЮТАКЭ)*нинг (1946  
йилдан) ташкилотчиси ва умрининг  
охиригача раҳбари. 400 дан ортиқ  
илмий ишлар муаллифи.  
*М.Е.Массон* муҳаррирлигида 30 дан  
ортиқ илмий тўплам ва  
монографиялар, 18 жилдлик  
ЮТАКЭ материаллари нашр  
қилинган.

**МАССОН ВАДИМ  
МИХАЙЛОВИЧ** (3.05.1929 –  
18.02.2010) – археолог тарихчи  
олим. Тарих фанлари доктори,  
профессор. 1950 йилда Ўрта Осиё  
давлат университети (ҳозирги  
УзМУ)нинг Тарих факультетини  
тугатган. 1954 йилда “Дехистоннинг  
қадимги маданияти (тарихий-  
археологик очерклар)” мавзусида  
номзодлик, 1962 йилда “Ўрта  
Осиёнинг қадимий ўтмиши  
(деҳқончиликнинг пайдо  
бўлишидан Александр  
Македонский юришларига қадар)”  
мавзусида докторлик  
диссертациясини химоя қилган.  
1968 йилдан Россия ФА Моддий  
маданият тарихи институтининг  
Ўрта Осиё ва Кавказ сектори  
раҳбари, 1982-1998 йилларда ушбу  
институт директори сифатида  
фаолият юритган Марказий Осиё  
археологияси, Ўрта ва Яқин Шарқ  
неолит, энеолит, бронза, илк темир  
ва антик даври тарихи мутахассиси  
бўлган *В.М.Массон* 32 та  
монография ва 500 дан ортиқ илмий  
мақолалар муаллифидир. Олимнинг  
Туркменистон ибтидоий тарихи ва  
археологиясини ўрганишдаги  
ҳиссаси катта бўлиб, Туркменистон  
ФА академиги ва маданият ишлари  
бўйича Президент маслаҳатчиси  
этиб тайинланган. *В.М.Массон*

Туркменистоннинг “Махтимкули” давлат мукофоти ва Тожикистоннинг “Шараф” ордени билан тақдирланган. Бундан ташқари олим ГФР Археология институти, Италия Ўрта ва Узоқ Шарқ институти, Буюк Британия қироллик қадимшунослар жамияти, Дания қироллик фан ва адабиёт академияларининг мухбир аъзоси қилиб сайланган. Энг муҳим асарлари: “Древнеземледельческая культура Маргианы” (-М.-Л., 1959. МИА. № 73); “История Афганистана” (В.А.Ромодин билан ҳаммуаллифликда. -М., 1-Т. 1964., 2-Т. 1965.); “Средняя Азия и Древний Восток” (-Л., 1964.); “Страна тысячи городов” (-М., 1966.); “Средняя Азия в эпоху камня и бронзы” (ҳаммуаллифликда. -М.-Л., 1966.); “Поселение Джейтун: (Проблема становления производящей экономики. -Л., 1971.); “Культурогенез древней Центральной Азии” (-СП.б., 2006.).

**МАТБОБОВ БОҚИЖОН ХОШИМОВИЧ** – тарихчи, археолог олим. 1955 йил Андижон вилояти Избоскан тумани, Тўрткул қишлоғида туғилган. Андижон Давлат университетини тугатгач (1977), Россия ФА Тарих ва моддий маданият институти (ИИМК РАН)нинг Ўрта Осиё ва Кавказ бўлими аспирантурасида ўқиди (1984). 1985 йил Санкт-Петербург шаҳрида профессор *Ю.А.Заднепровский* илмий раҳбарлигида “Фарғона Чуст маданиятининг маҳаллий вариантлари” мавзусида номзодлик, 2009 йилда ЎзФА Археология институтининг ихтисослашган

Кенгашида “Фарғона водийсининг илк ўрта асрлар маданияти (V-VIII аср археологик манбалари асосида)” мавзусида докторлик диссертациясини химоя қилди (илмий маслаҳатчи академик *А.Асқаров*). 1977 йилдан ЎзФА Археология институтида меҳнат фаолиятини бошлаган *Б.Матбобоев* институтнинг турли йилларда *Эски Термиз*, Самарқанд ва Навоий вилоятларида уюштирилган экспедицияларида иштирок этди. Кўп йиллардан бери ушбу институтнинг Фарғона водийсида ташкил этилган археологик экспедициясига раҳбарлик қилиб келмоқда. Олим Марказий Осиёнинг тарихи ва археологияси, деҳқон ва чорвадор қабилалар маданияти, илк ва ўрта аср хунарамандчилиги ва этник муносабатлари, савдо йўллари ва қадимги дафн тартиблари масалаларига бағишланган 100 дан ортиқ илмий мақола ва 10 га яқин монографиялар эълон қилган. “Аҳмад ал-Фарғоний даврида Кубо шаҳри” (ҳаммуаллифликда. -Т., 1998.); “К истории культуры Ферганы в эпоху раннего средневековья (по материалам погребальных и городских памятников)” (-Т., 2009.); “Древнеферганское государство Давань” // История государственности Узбекистана (-Т., 2009.); “Древний и средневековый Андижан (историко-археологическое исследование)” (-Т., 2011.) каби асарлари шулар жумласидандир.

**МАТЕРИК** – археологияда маданият қатлам остидаги инсон фаолияти излари учрамайдиган



табий ер қатлами. Инсон томонидан безовта қилинмаган ер.

**МАТРИАРХАТ** – она уруғи даври. Уруғчилик тузумининг биринчи босқичи. М. даври палеолит даврининг сўнгги босқичида пайдо бўлиб, у неолит ва энеолит давригача давом этган.

**МАШРИҚ** (ар.) – 1) дунёнинг тўрт томонидан бири, шарқ, кунчиқар томон, шарқий ўлкалар, 2) Араб Шарқининг номи, *Хуросон* ва *Мовароуннаҳр* ҳам баъзи тарихий манбаларда машриқ деб аталган; 3) Машриқ мамлакатлари – Шарқ мамлакатлари. М.дан мағрибгача – шарқдан ғарбгача.

**МАЧАЙ МАКОНИ** – мезолит даври ёдгорлиги. 1938-1942 йилларда Г.Ф.Парфенов томонидан Ҳисор тизмаси, Мачай дарёсининг ўнг соҳилидан топилган. 1970-1971 йилларда Ў.Исломов томонидан батафсил ўрганилган. Мил. авв. 7-6 минг йилликларга мансуб. Макон кўп қатламли бўлиб, у ердан кўп миқдорда тош қуроллари ва оз миқдорда суякдан ясалган меҳнат қуроллари топилган. Суяк қуроллари 15 нусхада бўлиб, улар бигиз, игна ва бошқалардир. Маданий қатламларидан антропологик материаллар – одам бош суяклари, тиши, жағи ва бошқа аъзоларининг суяк қолдиқлари топилган. Бу материаллар Ўзбекистоннинг энг қадимги аҳолисини, унинг ташқи қиёфасини аниқлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилди. Антропологик материаллар тахлили Мочай одамлари европоид irqига мансуб эканлигини кўрсатган. Палеозоолог Б.Ботиров *Мачай* ғоридан 20 хилдан ортик ёввойи ҳайвон (қизил бўри, тулки, барс, мўйнали сувсар, қуён,

жайра, олмахон, даласичқон, тўнғиз, Бухоро бугўси, айиқ, эчки, тошбака ва бошқ.) суякларини аниқлади. Мачайликлар асосан архар ва жайрон овлаганлар. Бу ерда яшаган мезолит даври кишилари овчилик ва термачилик билан шуғулланганлар.

**МАҚБАРА** (ар. марқад, турбат) – қабр устига қурилган ёдгорлик биноси, мавзолей. Марқад, турбат деб ҳам юритилади. Ўрта Осиёдаги мажусийлар (оташпарастлар), буддавийлар, насронийлар қабрларига қурилган архитектура ёдгорликлари оддий кўринишга эга. Лекин ислом дини таъсирида вужудга келган М.лар ҳашаматли, мураккаб иморатлар сифатида тараккий этган. Ислолда қабр устига ёдгорлик қўйиш, унга сигиниш ман этилган бўлса ҳам, IX асрдан бошлаб М.лар қуриш одат тусини олган. Кейинги асрларда, асосан, подшоҳлар, машхур ислом дини уламолари, шайхларнинг қабрлари устига турли М.лар қурилди. Дастлаб, М.лар оддий кўринишга эга бўлган бўлса, йиллар ўтиши билан улар тобора катта ва кўркем, ҳашаматли қилиб барпо этила бошланганки, Исмоил Сомоний, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Шоҳи Зинда, Тожмахал каби улугвор макбаралар меъморчилик санъатининг юксак намуналаридир. Улар бугунги кунда халқ усталари, меъморлари яратган ноёб архитектура дурдоналари ҳисобланади.

**МАҒОК** – “яширинча” деган маънони англатади. Бинонинг ярмини ер остида қуриш услуби. Бухородаги Мағоки Аттори ва Мағоки Кўрпа бинолари қисман ер остида қурилган.

**МАҒРИБ** (ар.) – 1) дунёнинг тўрт томонидан бири, ғарб; 2) Ғарбий ва Шимолий Африка, яъни Тунис, Жазоир ва Марокашнинг ўрта асрлардаги умумий номи.

**МЕЗАНА** (ар.) – масжидлар ёнида қуриладиган муаззин азон айтадиган минора. М. айлана шаклида ва кўп қиррали бўлади. Кўпинча равоксимон дарчалар қаторидан иборат. М.нинг теппаси гумбазча (кубба) билан ёпилади. Баъзан очиқ ҳам бўлиши мумкин.

**МЕЗОЛИТ** (юн. mesos – ўрта, litos – тош) – ўрта тош даври. Бу давр дунёда *плейстоцен* даври (музлик даври) тугаб, *голоцен* даврига (ҳозирги давр широйтига) ўтиш билан характерланади. Музликларнинг чекинишидан М. даври бошланиб, у 12-7 минг йилликларни ўз ичига олади. М. даврига келиб, ер иклими исий бошлаган. Бу давр ёдгорликлари Республикамизда юзлан ортик бўлиб, улардан энг яхши ўрганилганлари *Обишир* (Фарғона), *Қушилиш* (Тошкент вилояти), *Мачай* ва *Зараутсой* (Сурхондарё) ёдгорликларидир.

**МЕТОДОЛОГИЯ** (юн. methodos – йўл, усул, logos – таълимот) – инсоннинг амалий ва назарий фаолиятини тўғри уюштириш ва тузиш тўғрисидаги таълимот. Бошқача қилиб айтганда 1) илмий билиш методлари ва усуллари тўғрисидаги таълимот; 2) инсон фаолиятининг бирон бир соҳасига қўлланиладиган метод, усуллар мажмуаси.

**МЕТРОЛОГИЯ** (юнон. metron – ўлчов, logos – фан, тушунча) – ўтмишда турли мамлакат ва халқлар орасида амалда бўлган оғирлик,

масофа ва сатҳ ўлчов бирликларини ўрганувчи фан.

**МЕШ**, **мешк** – ошланган теридан тикилган оғзи тор қоп, саноч. М. қадимдан маълум. Асосан, суюқ нарсалар (сув, сут, шинни, қимиз, айрон ва б.)ни ташиш ва сақлаш, чалоп тайёрлаш ва бошқа мақсадларда ишлатилган. Ўтмишда сув манбалари (ҳовуз, ариқ, қудуқ ва б.)дан хонадонларга, гузарларга, чойхона, карвонсаройларга сув ташиб бериб, тирикчилик қиладиган киши мешкоб ёки мешкобчи деб аталган.

**МЕХРОБ** (ар. Ҳарб жойи. Бу ерда намоз пайтида шайтон билан имом ўртасидаги уруш жойи маъносида) – масжиднинг Макка (Каъба)га қарата йўналтириб, девор ичига ишланган равоқ шаклидаги жой, саждагоҳ. М. ярим айлана, кўп қиррали, тўғри тўртбурчак шаклида ишланиб, тепаси равоқ ёки ярим айлана шаклида безатилади, атрофи ҳошияланган бўлади. Намоз вақтида имом М.га ўтиб, қиблага юзланади ва унинг ораксидан жамоа бўлиб намоз ўқилади.

**МИГРАЦИЯ** (лот. migratio – кўчаман, жойимни ўзгартираман) – халқларнинг, аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши. Бирон бир мамлакатга кўчиб келувчилар имигрантлар, кўчиб кетувчилар эса эмигрантлар деб аталади. Аҳоли М.сини демография ва этнография фанлари ўрганади.

**МИЁН-РУДОН** – икки сув ораси. Фарғона водийсидаги тарихий ҳудуд. Ўрта асрлардаги ёзма манбаларда тилга олинган. М.га Норин ва Қорадарё оралғидаги ерлар қирган. Манбаларда унинг Ўзган, Бискент,

Секат, Еттиқишлоқ, Хайлам, Шикит каби шаҳар ва қишлоқлари қайд этилади. Булардан Хайлам асосий марказий шаҳар бўлиб, ҳозирги Кетмонтепа билан таққосланади. М. кадимдан деҳқончилик марказларидан бири ҳисобланиб, аҳоли зич жойлашган.

**МИЁНҚОЛ** – Ўзбекистондаги Оқдарё ва Қорадарё оралиғидаги жой. Қадимда Самарқанд Суғди, Ним Суғд (ярим Суғд), Суғди Хурд (кичик Суғд) номлари билан машҳур бўлган. М. деҳқончилик учун қулай бўлиб, Хатирчи, Пайшанба, Қалъаи Дабус ва бошқа шаҳар ва қишлоқларни ўз ичига олган. Кейинчалик *Зарафишон* водийсининг Самарқанд билан Хатирчи оралиғидаги ерлари М. деб аталган.

**МИКРОЛИТЛАР** (юн. *mikros* – майда, *litos* – тош) – майда тош қуроллари. Микролит тош қуроллари (ўқ ёй учлари, майда меҳнат қуроллари, бигизлар ва х.к.) *мезолит* даврида пайдо бўлган.

**МИЛ** (ар.) – учи ингичка, кескир темир асбоб. Тарихда қиздириб, киши кўзини кўр қилиш учун ишлатишган.

**МИЛОД** (ар. – туғилиш), янги эра, бизнинг эра – кўпчилик мамлакатларда қабул қилинган йил ҳисобининг боши ва йил ҳисоби системаси (тақвими). Жаҳон халқлари ўтмиш тарихдаги воқеа-ҳодисаларни маълум тартиб, кетма-кетликда баён этишга эҳтиёж сезиб, ўзларининг йил ҳисобларини, тақвим, яъни календарларини яратишган. Қадимги Мисрда, Месопотамия халқларида, хиндларда, хитойликларда, юнонларда ва қадимги Римликларда

ўзига хос йил ҳисоби (календарь) амал қилган. Мусулмон дунёсида бугунга қадар амал қилиб келинаётган хижрий йил ҳисоби мавжуд. Ўрта Осиё халқлари ҳам Мовароуннаҳрга ислом дини ва ислом маданияти кириб келиши билан бир вақтда аста-секин хижрий йил ҳисобидан фойдалангшга ўтганлар. Ватанимиз тарихининг араб истилосидан то XX аср бошларигача бўлган тарихий воқеалари ўрта аср қўлёзмалари ва бошқа ёзма манбаларда хижрий йил ҳисоби билан ёритиб келинган.

Туркистонда Россия империяси ва кейинчалик Советлар ҳокимияти ўрнатилгач, Ўрта Осиёда ҳам Европада амалда бўлган милодий йил ҳисоби жорий қилинди ва бу ҳозиргача амалда бўлиб келмоқда. Милодий йил ҳисоби христиан (насронийлик) динининг пайғамбари Исо алайҳиссалом (Иесус Христос)нинг таваллуд топган йилидан бошланади. “Милод” сўзи арабчадан “туғилмоқ” деган маънони англатади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, масалан, 2017 йил бу Исо пайғамбарнинг ёши. Исо пайғамбар туғилганидан кейин содир бўлган воқеалар милодий (эрамик), Исо пайғамбар туғилишидан олдин бўлиб ўтган воқеалар эса мил. авв. (эрамикдан аввалги) деб юритилади.

**МИНГТЕПА, Марҳамат** – Фарғона водийсидаги қадимги шаҳарлардан бири. Андижон вилояти, Марҳамат тумани марказига тутшиб кетган тарихий ёдгорлик. М.да 1947-1950-йилларда *А.Н.Бернштам, Ю.А.Заднепровский* (1973, 1986-1987), кейинчалик, мустақиллик йилларида ЎзФА

*Археология институти Фаргона* отряди *Б.Матбобоев* бошчилигида тадқиқотлар олиб борганлар. М. ички ва ташқи шаҳарлардан иборат бўлиб, мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Ҳозир фақат ички шаҳарнинг тўрт томондан қуршаган мудофаа девори сақланиб қолган. Шаҳарнинг умумий майдони 38 га. М. 52 та тепалиқдан иборатлиги учун шундай ном олган. Марказий тепалиқнинг маданий қатлами 10 м дан ортиқ. Энг қуйи қатлами мил. авв. III-II асрларга оид. Тадқиқотчиларнинг ақсарияти (*А.Н.Бернштам*, *Ю.А.Заднепровский*, *Б.Матбобоев* ва бошқ.) мил. авв. II асрга оид хитой манбаларида эслатилган *Эршини* айнан М. деб ҳисоблаганлар. Кейинги йилларда мазкур хулоса *А.Анорбоев* томонидан тағкидий баҳоланиб, қадимги Фаргонанинг пойтахти М. эмас балки *Ахсикат* (Ахсикент) бўлган деган фикрни илгари сурмоқда.

**МИНГЎРИК** – қадимги шаҳар ёдгорлиги. Харобалари Тошкент шаҳри Шимолий темир йўл вокзали яқинида, Салор канали бўйида жойлашган. Шаҳар харобаси ўрнида XIX асрда ўрикзор бўлганлиги учун шундай аталган. Ҳозирда ёдгорликнинг минора-қасри ва шаҳристоннинг тепаликка айланган қисми сақланган. Ёдгорлик биринчи марта Е.Т.Смирнов ва Н.С.Ликошин (1896), кейин А.И.Добромислов (1912) томонидан ўрганилган. 20-йилларда *М.Е.Массон* кузатиш ишларини олиб борган. Муқим археологик казишмалар 50-60-йилларда Д.Г.Зильпер,

О.Оболченко, *Ю.Ф.Буряковлар* томонидан ўтказилган. 1968 йилдан бошлаб мустақиллик йилларида Тошкент археология экспедицияси *М.И.Филанович* раҳбарлигида тадқиқотлар олиб бормоқда. Қазилма М. арки 0,5 га, шаҳристони 15 га бўлганлигини, унда ҳаёт 3 босқичда давом этганлигини кўрсатган. I-босқич I-IV асрларга, 2-босқич V-VI асрларга, 3-босқич VII-VIII асрларга мансуб. VI аср охирида М. Чочнинг пойтахти бўлган. Араб манбаларида тилга олинган “Мадинат аш-Шош” айнан М.деб ҳисобланади. VIII аср бошларида шаҳар араблар томонидан вайрон қилинган. X асрда шаҳарнинг бир қисмидагина ҳаёт тикланган ва XIII асргача давом этган. Мўғуллар истилосидан сўнг Чоч маркази янги шаҳар – *Бинкатга* кўчган.

**МИНОРА** (ар. – маёқ) – горизонтал ўлчамига нисбатан вертикал ўлчами ортиқ бўлган баланд иншоот. М.лар айлана, кўп қиррали ёки тўртбурчак шаклида бунёд этилиб, юқорига томон ингичкалашиб боради. Денгиз сохилларида кемаларнинг адашмай портга келишига хизмат қиладиган (маёқ), телевидение ва бошқа мақсадларга хизмат қиладиган М.лар ҳам бор. Иншоотнинг юқори қисмига чиқиш учун унинг ичида айлана зина бўлади.

Қадимдан М.лар масжид ва мадраса ёнида қурилган. Муаззин М.га чиқиб озон айтиб, намозхонларни намозга чақирган. М.лар харбий мақсадларда (*бурж*, *динг*) ҳам қурилган.

**МИСҚОЛ** – қадимги оғирлик ўлчов бирлиги. Шарқ

мамлакатларида кимматбаҳо буюмларнинг оғирлиги М. билан ўлчанган. 1 М.нинг оғирлиги 100 дона арпа (ёки бугдой) дони оғирлигига тенглаштирилган. Бу тахминан 4,8 граммга тўғри келади.

**МИТРА** – *зардуштийлик* динида куёш ва ёруғлик худоси, деҳқонлар ва чорвадорлар химоячиси, ҳосил ва маъмурчилик ва тўкин-сочинликни таъминовчи худо. М. *Ахурамазда* билан одамлар ўртасидаги асосий воситачи ҳисобланган. М. жангчи йигит кийёфасида тасвирланган. Ўрта Осиё ва Эрондан ташқари қадимги Ҳиндистон, Кичик Осиё ҳамда Фрот ва Дажла дарёлари оралигида яшовчи халқларда ҳам М.га эътиқод мавжуд бўлган. Митраизм юнон (эллин)лар орасида, милодий I асрдан бошлаб, Рим империясида ҳам кенг тарқалган.

**МИФ** (юн. *mithos* – афсона, ривоят, асотир) – қадимги одамларнинг борлиқ олам ҳақидаги ибтидоий тасавурлари мажмуи бўлиб, коинотнинг яратилиши, инсон, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг вужудга келиши, самовий жисмларнинг пайдо бўлиши, табиий ҳодисаларнинг сабаблари ва моҳияти, афсонавий қаҳрамонлар, маъбудлар ва илоҳлар тўғрисидаги эътиқодий қарашларни ўз ичига олади. М. қадимги одамнинг воқеликка бўлган онгсиз ҳиссий муносабати ифодаси сифатида шаклланган.

М.лар қуйидаги турларга бўлинади: 1) ибтидо (оламнинг яратилиши) ҳақидаги мифлар; 2) самовий (осмон жисмларининг пайдо бўлиши) ҳақидаги мифлар; 3) антропогенетик (афсонавий

пахлавонлар) ҳақидаги мифлар; 4) сиғиниш мифлари (ҳосилдорлик, сув, ўсимлик, ҳайвон, оловга ва б.); 5) этногенетик (қабила-элатларнинг келиб чикиши билан боғлиқ) мифлар; 6) календарь (йил, ой, кун, тун алмашуви билан боғлиқ) мифлар; 7) эсхатологик (охирзамон тўғрисидаги) М.лар.

**МИФОЛОГИЯ** (юн. *mif, logos*) – 1) муайян халқ томонидан яратилган мифологик тасавурларнинг изчил тартибга солинган тизими, асотирлари мажмуи; 2) мифларни тадқиқ этувчи, ўрганувчи фан, мифшунослик.

**МОВАРОУННАҲР** (ар. дарёнинг нариги томони) – ўрта асрларда ислом мамлакатларида кенг тарқалган тарихий-географик атама. Араблар Ўрта Осиёни босиб олгандан кейин Амударёдан шимолга қараб чўзилган ерларни М. деб атаганлар. Қадимда унинг худди шу маънони аңлатган форс тилидаги “Вароруд” ва “Варожайхун” шакллари ҳам мавжуд бўлган. XI асрда Европа тарихшунослигида М. атамаси лотинчага ўгирилиб, “Трансоксиана” ёки “Трансоксания” шаклида муомалага киритилган.

Ҳозирги замон тарихий-географик ва илмий адабиётларда М. деганда асосан, Туркменистондан ташқари бўлган Ўрта Осиё худудлари, яъни Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистоннинг жанубий худудлари тушунилади.

**МОДДИЙ МАНБАЛАР** – инсоннинг меҳнат фаолияти натижасида яратилган турли даврларга онд тош, металл (мис,

жез, темир), сополдан ясалган меҳнат куруллари, хўжалик буюмлари ва хунармандчилик махсулотлари мажмуаси. Тарих фанининг бирламчи манбаси.

**МОЗАНДАРОН** – Эроннинг Каспий денгизи бўйидаги тарихий вилояти. Гилон билан *Хуросон* оралиғида жойлашган. IX-XII асрларда Табаристон номи билан маълум. XIII асрдан эса М. деб атала бошланган.

**МОЗАНДАРОН ДЕНГИЗИ** – ўрта асрларда Каспий денгизининг номларидан бири.

**МОЗОР-ҚЎРҒОН** – чорвадор қабилалар маданиятига оид археологик қурилма. Улар икки хил кўринишда, яъни тош уюмли ва тупроқ кўрғонли шаклда бўлади. Ички тузилишига кўра, ёрма қабр, *дромосли*, *катакомбали лаҳад* шаклида бўлиб, склет ва қабр ашёлари жойлаштирилган *лаҳад* оғзи тош плита, тош блоклари, баъзида дев ғиштлар билан беркитилган бўлади.

**МОНОГАМИЯ** (юн. *monos* – бир, *gamos* – никоҳ) – якка никоҳлилик, яъни бир эркекнинг бир аёл билан якка никоҳ асосида яшashi. Моногам оила ибтидоий жамиятнинг *полигамия* (кўп никоҳлилик) бокичининг қарама-қаршисидир. М. *патриархат* даврида шакллана бошлаган.

**МОНОТЕИЗМ** (юн. *monos* – якка, *bitta*, *theos* – худо) – якка худолик дини. Фақат битта худога сиғинувчи, биргина худони эътироф этувчи эътиқод шакли. Кўп худолик (*политеизм*)нинг акси. *Зардуштийлик*, христианлик, ислом динлари монотеистик динлар ҳисобланади.

**МОНУМЕНТ** (лот. *monumentum* – ёдгорлик) – йирик тарихий воқеа, шунингдек, буюк жамоат арбоблари ва қаҳрамонлар шарафига бунёд этилган йирик ҳажмдаги ёдгорлик ҳайкали. Одатда М. ёдгорлик мажмуасининг асосини ташкил этади.

**МОРЕНАЛАР** – музликнинг силжиши жараёнида вужудга келган музлик ётқизиклари бўлиб, унинг таркиби гил, кум қатламлари, ҳарсанг тош ва шағаллардан иборат бўлади.

**МОТИГА ДЕҲҚОНЧИЛИГИ** – неолит даврида пайдо бўлган ибтидоий деҳқончилик усули. Қадимда катта дарёлар ва тоғ сойларининг қуйи хавзаларида пайдо бўлган дарё ётқизиклари унумдор ва намлик етарли бўлганлиги туфайли шу ерларда катта-кичик экин майдонлари вужудга келган. Дастлаб бундай деҳқончилик майдонларини экинга тайёрлашда ҳайвон кучидан фойдаланилмаган. Ерни бироз юмшатиш учун кетмонча (мотига) ёки қўл оочидан фойдаланилган. Шунинг учун қўлтиқ деҳқончилиги фанда М.Д. деб ҳам юритилади. М.Д. тараққиётдан орқада қолган қабилаларда бугунги кунгача сақланиб қолган.

**МОЧИН (ЧИНМОЧИН)** – ўрта асрларда Хитойнинг номи.

**МОҲОНДАРЁ** – *Зарафшон* дарёсининг Бухоро вилоятидаги қуруқ ўзани. *Зарафшон* қадимда шу ўздан оқиб, *Амударёга* қуйилган. Узунлиги 58 км (кум босган соҳили билан 150 км) бўлган бу ўзан бўйларидан неолит даврига оид 40 дан ортиқ, бронза даврига оид 20 дан ортиқ ёдгорликлар топиб

ўрганилган. *Зарафшон* дарёсидан йирик суғориш каналлари чиқарилиб, дарё сувининг экин далаларига таралиши натижасида М. сувсизликдан қуриб қолган.

### **МОҲАНДАРЁ**

#### **АРХЕОЛОГИК**

**ЭКСПЕДИЦИЯСИ** – ЎзФА *Тарих ва археология институти* қошида ташкил этилган комплекс археологик экспедиция. Экспедиция академик *Я.Ф.Фулумов* раҳбарлигида 1950-1953 ва 1960-1970-йилларда Зарафшоннинг куйи ҳавзалари (Моҳандарё ўзани) ва Қашқадарёнинг куйи оқимида 60 дан ортиқ неолит-бронза даврига оид ибтидоий ёдгорликларни ўрганган.

**МУЗАҲҲИБ** (ар. – зарҳалловчи) – китобат санъатида қўлёзма китобларнинг муқова, сарлавҳа ва саҳифаларини, наққошлиқда бино ва буюмларнинг нақшларини олтин ёки қумуш суви юритиб, безатувчи уста.

**МУЗЕЙ** (юнон. *musion* – музаларга бағишланган жой) – тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, муҳофаза қилиш, ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини амалга оширувчи илмий-маърифий муассаса. М. фондида асосан, моддий ва тасвирий нарсалар, санъат асарлари, қадимдан ҳозирги давргача бўлган тарихий қимматга эга қўлёзмалар, босма ҳужжатлар, китоблар сақланади. Ўзбекистонда музейларнинг пайдо бўлиши XIX асрнинг охирига бориб тақалади. Дастлабки М.ларни ташкил этиш ва бойитишда таниқли рус олимлари В.Ошанин, Н.Маев, В.Вяткин, Н.Северцов ҳамда, Мирза Қосимов,

Ақром Аскарлов, Мирза Абдулла Бухорий, Абу Саид Махсум каби маҳаллий ўлкашуносларнинг хизмати катта бўлди. Илк бор 1876 йилда Тошкентда, 1896 йил Самарқандда, 1899 йил Фарғонада ўлкашунослик музейлари ташкил этилади. 1918 йилда князь Романов тўплаган коллекцияси асосида Ўрта Осиёда биринчи бадий музей (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат музейи) очилади. 1920-30-йилларда Наманган, Бухоро, Хива, Қўқон, Андижон, Термиз, Нукус ва бошқа шаҳарларда ўлкашунослик музейлари ташкил этилади. 1940-1975 йилларда республикаамиздаги М.лар сони 17 тадан 34 гага қўпайган. Мустақиллик йилларида М. иши янада ривожланиб ва янги музейлар барпо этилди. Темурийлар тарихи давлат музейи (1996), Олимпия шон-шухрати музейи (1996), Қатағон қурбонлари хотираси музейи (2002), Сурхондарё вилояти археология музейи (2002), Ўзбекистон тасвирий санъат галерияси (2004) ва бошқалар шулар жумласидандир.

**МУЗЛИК ДАВРИ** – ер шарининг қўп минг йил давом этган музлик билан қопланиш даври. Илк палеолитнинг сўнгги босқичидан бошланиб, *мезолит* давригача давом этган. М.Д.да Евроосиё материгининг катта қисми (45 млн. км.кв. майдон) муз билан қопланган. Геологик даврлаштиришда М.Д. *плейстоцен* деб юритилиб илк (гюнц), ўрта (миндель) ва сўнгги (рисс-вюрм) босқичларига бўлинади.

**МУНЧОҚТЕПА** – Сурхондарё вилояти Қумкўрғон тумани, Жанубий Сурхон сув омборининг

шимолий қисмида жойлашган қадимги ва ўрта асрлар даврига оид шаҳар. Мудофаа деворлари билан ўраб олинган ички шаҳар (арк) ва шахристондан иборат. Мил. авв. I – милодий XIV-XV асрларга оид. М.да шаҳар ҳаётининг энг ривожланган даври мил. авв. I асрдан милодий VI-VII асрларга тўғри келади.

**МУНЧОҚТЕПА, Баладтепа** – Фарғона водийсининг қадимги ва ўрта асрлар даврига оид шаҳар ёдгорлиги. Наманган вилоятининг Поп тумани ҳудудида жойлашган. Ноёб Поп ҳазинаси деб ҳам юритиладиган М. 9 га майдонни эгаллаган бўлиб, унинг бир қисмини Сирдарё сувлари ювиб кетган. *Б.Матбобоев* М.ни қадимги хитой манбаларида эслатилган *Даван давлатининг* 70 та йирик шаҳарларидан бири қаторига киритиб, унинг санасини мил. авв. II-I – милодий XIII аср бошлари билан белгиланган. *А.Анорбоев* бу фикрга қарши чиқади ва М. узоғи билан милодий I аср бошларида шаҳармонанд кишлоқ бўлиб, III асрдан кейингина шаҳарга айланган деб ҳисоблайди. Ёдгорлик топилмалари ичида исломгача бўлган даврга оид ашёлар кўпчиликни ташкил этади. М.дан 47 га ўзига хос қамиш қабирлар топилган бўлиб, улардан 22 таси яхши сақланган. VIII аср бошларига оид топилган кўплаб *остадонлар* М.нинг *зардуштийлик* даври ноёб ёдгорлиги эканлигини кўрсатади. М. *Ахсиқентдан Хўжандга* борадиган карвон йўлидаги муҳим шаҳар ҳисобланган.

**МУСТЪЕ** – қадимги тош даври палеолитнинг ўрта босқичи – ўрта

палеолит (мил. авв. 100-40 мингинчи йилликлар) даври маданияти. Франциядаги шу номдаги манзилгоҳ номидан олинган. М. маданияти *неандертал* типидagi одамлар маданиятидир.

**МУҒ** – *зардуштийликка* эътиқод қилган кишиларнинг мусулмонларда аталиши. Муғхона – оташпарастрлар макбараси. Мумтоз шеърятда “муғ” сўзи майхона эгаси, соқий маъноларида ҳам ишлатилади.

**МУҒТЕПА** – Фарғона водийсида жойлашган қадимги ва ўрта асрлар даврига оид шаҳар-қалъаси. Наманган вилоятининг Косон шаҳридан 2 км шимолда жойлашган. Дастлаб *А.Н.Бернштам* (1940-1950-й.) кейинчалик 1951 ва 1983 йилларда *Ю.А.Заднепровский*лар томонидан казиб ўрганилган. Қалъанинг мудофаа деворлари билан ўралган қисми майдони 2,5 га. Қалъа деворларининг баландлиги 10 м, кенлиги 2 м га етган. Ёдгорликнинг номи унинг зардуштийлик даврига оидлигини яққол кўрсатади. Тадқиқотлар жараёнида ёдгорликнинг юқори маданий қатламлари XIII-XVI асрларга, кейинги иккинчи қатлам VI-VII асрларга ва энг қуйи маданий қатламлари милодий I асрларга тегишли эканлиги аниқланган. Ёдгорликда 1990 ва 2006 йилларда казишмалар ўтказган археолог *А.Анорбоев*нинг фикрича, мил. авв. I асрнинг иккинчи ярмида Фарғона водийсининг сиёсий ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Ҳокимиятга келган қатта юзъчи хонадонно вакиллари ўзлари учун янги қароргоҳ барпо этадилар. Ана



шу янги қароргоҳ бу М. бўлиб, хитой манбаларида у Гуйшуан деб аталган. М. – Косон милодий эра бошларида *Даван давлатининг*. VI-VIII асрларда эса Фарғона мулкининг маркази бўлиб қолади.

**МУҒ ҚАЛЪАСИ, Қалъи-Муғ** – илк ўрта асрлар даврига оид қалъа. *Зарафшон* дарёсининг юқори оқимида, Тожикистоннинг Панжикент шаҳридан 60 км шарқда, Ҳайрабод қишлоғи яқинидаги Муғ тоғида жойлашган. Тош ва ғиштдан қурилган икки қаватли ушбу қалъа (18,5-19,5 м) Кум дарёсининг *Зарафшонга* қуйилиш жойида, 150 м баландликдаги тоғ қояси устига қурилган. 1932 йилда Ҳайрабодлик чўпон қалъа харобаларидан номаълум ёзувдаги хужжатлар солинган қопни топиб олади. Хужжатларни ўрганган шарқшунос олим А.А.Фрейман уларнинг қадимги суғд ёзувида битилганлигини аниқлайди. 1933 йилда ушбу ёдгорликни ўрганиш мақсадида А.А.Фрейман бошчилигида археологик экспедиция ташкил этилади. Экспедиция бу ердан 74 та суғд, 1 та араб ва қадимги турк ҳамда бир нечта хитой тилида ёзилган хужжатлар архивини топади. Бундан ташқари ёдгорликдан кўплаб хўжалик буюмлари (пахта, ипак, жун матолари, чарм пойабзал, ёғочдан ишланган буюмлар), ҳарбий қурол-аслаҳалар ва тангалар топилади. Урушдан кейинги йилларда М.Қ.даги археологик тадқиқотларни А.Ю.Якубовский давом эттиради. Олим ёдгорликдаги тадқиқотларнинг натижаларини “Қадимги Панжикент” (Древний Панджикент. –М., 1951.) китобида

эълон қилган. М.Қ.дан топилган хужжатлар асосан мактублар, ўзаро ёзишмалар ва хўжалик шартномаларидан иборат бўлиб, ушбу манбалар қалъа VIII аср бошларида араблар босқинидан чекинган Панжикент ҳокими Деваштичнинг сўнгги қароргоҳи бўлганлигини кўрсатди. Қалъа кейинги давр араб ёзма манбаларида Абгар (Абаргар) номи билан эслатилган. М.Қ.дан топилган хужжатлар бугунги кунда Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институти фондида, моддий асори-атиқалар эса Санкт-Петербург Эрмитажида сақланмоқда.

**МУҲАММАДЖОНОВ АБДУЛАҲАД РАХИМЖОНОВИЧ** (02.06.1928 – 03.04.2016) – шарқшунос ва археолог олим. Тарих фанлари доктори (1973), профессор (1989), Ўзбекистон ФА академиги (2000). Ўрта Осиё университетини тугатган (1951). 1956-1970 йилларда Ўзбекистон ФА *Тарих ва археология институти*да катта илмий ходим, сектор мудири ва 1970 йилдан *Археология институтининг* сектор мудири, 1980-1983 йилларда директори, Ўзбекистон ФА вице президенти (1996-1998), Ўзбекистон ФА *Тарих институти* директори (1996-1998). 1998-2003 йилларда Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида бош илмий ходим. 1997 йилдан “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журнаlining бош муҳаррири, 1998 йилдан Ўзбекистон миллий университетиде профессор бўлиб ишлади. Унинг илмий ишлари Ўрта Осиёда суғорма деҳқончилик, ирригация, гидротехника ҳамда деҳқончилик воҳаларининг вужудга

келиши ва тараққиёти масалаларига бағишланган.

М. Бухоро ва Тошкент шаҳарлари қадимги тарихи, айниқса, уларнинг ёшини илмий асослашга катта ҳисса қўшган. Ватанимиз тарихий топонимияси бўйича илмий асарлар ва мақолалар нашр этиб, тарихий манбашунослик бўйича янги илмий йўналишга асос солди. “Ўзбекистоннинг қадимги гидротехника иншоотлари” (-Т. 1997.), “Населённые пункты Бухарского эмирата” (-Т. 1999.), “Ўзбекистон тарихи” (дарслик -Т. 2003, 2009, 2013.) “Қадимги Тошкент” (-Т. 2002.) каби асарлари билан Ўзбекистон тарихи фани ривожига улкан ҳисса қўшди.

**МУЎЛА** – қадимги ва ўрта аср шаҳар, қалъа, *қушк* ва *қўрғонларининг* деворларига қурилган таянч иншоот, *бурж*. М.лар асосан, деворларни мустаҳкамлаш учун барпо этилиб, улардан мудофаа мақсадларида ҳам кенг фойдаланилган.

## Н

**НАВТАКА**, Наутака – қадимги *Сугдиёна*нинг тарихий вилоятларидан бири. Бу сўз сўгдча “янги тоқ”, “янги иншоот” ёки “яқинда қурилган” деган маънони билдиради. Н. Македониялик Искандарнинг Ўрта Осиёга юришларини ёритган антик давр тарихчилар (Арриан, Курций Руф) асарларида илк бор учрайди. Н.нинг жойлашган ўрни тўлиқ аниқланмаган. Айрим олимларнинг фикрича, Н. вилояти Зарафшон тизмасидан бошланиб, Ўрадарё ҳавзасигача бўлган ерларни ўз

ичига олган. Н.нинг марказий шаҳри масаласи ҳам муаммоли. Бир гуруҳ олимлар мил. авв. VII-VI асрларда *Узунқир* шаҳрини (Китоб туманида), иккинчи олимлар *Еркўрғонни* (*Қарши* шаҳридан 10 км шимолда) Н. маркази бўлган деб тахмин қилишади.

**НАМОЗГОҲТЕПА** – Жанубий Туркменистон худудидаги энеолит-бронза даврига оид ўтроқ деҳқончилик маданиятининг йирик ёдгорлиги. Қадимги Шарқда ўтроқ аҳоли бир жойда узок вақт яшаганлиги туфайли пахса ва хом гиштдан қурилган уйлар эскиргач, улар текисланиб ўрнига янгисини қуришган ва шу тариқа йиллар давомида баланд тепаликлар пайдо бўлган. Жумладан, Н.нинг ҳам баландлиги 35 м бўлиб, майдони 50 га ни ташкил этган. Н.да ҳаёт узок вақт узлуксиз давом этган. Археологлар томонидан ушбу ёдгорликнинг 6 та қурилиш даври аниқланган:

Н. 1 (мил. авв. V минг йилликнинг иккинчи ярми – IV минг йиллик бошлари) даври учун хом гиштдан қурилган уйлар, ғужанак ҳолатда қўмилган якка қабрлар, қўлда ясалган безакли сопол идишлар, мис буюмлар, лойдан ясалган аёл ҳайкалчалари хос бўлиб, аҳоли асосан манзилгоҳнинг шимолий қисмида яшаган.

Н. 2 (мил. авв. IV минг йиллик ўрталари) даврида икки хил рангдаги сополлар пайдо бўлади.

Н. 3 (мил. авв. IV минг йиллик охири – III минг йиллик бошлари) Эрондаги Силк ва Хисор маданиятига ўхшаш ҳайвон тасвири туширилган идишлар пайдо бўлади.

Н. 4 (мил. авв. III минг йиллик ўрталари) даврида манзилгоҳ худуди кенгайиб, кулолчилик чархи ихтиро қилинади. Силлиқ қилиб ясалган аёл ҳайкалчалари кенг тарқалади.

Н. 5 (мил. авв. III минг йиллик охири II минг йиллик бошлари) маҳаллий маданиятнинг гуллаб-яшнаган даври бўлиб, асосий марказлари Н. ва *Олтинтепа* бўлган Марғиёна цивилизацияси шаклланади. Чархда ишланган сопол буюмлари, икки қаватли сопол хумдонлар, мис ва бронзадан ишланган меҳнат куроллари, гилдиракли транспорт воситалари кенг ёйилади. Н. шаҳри шарқий Эрондаги Мундигак ва Шаҳри Сохта билан бирга Шумер ва Ҳиндистон цивилизациялари оралиғидаги муҳим шаҳарсозлик тамаддуни марказларидан бирига айланади.

Н. 6 (мил. авв. II минг йиллик ўрталари ва иккинчи ярми) маҳаллий маданиятнинг инкирози кузатилади. Манзилгоҳ худуди кенгайиб, сопол буюмлар ишлаш техникаси дағаллашади. Афтидан, бу ушбу худудга шимолдан кўчманчи қабилаларнинг (*Андроново, Сруб маданияти*) кириб келиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Кўчманчилар тазйиқи ва табиий шароитнинг ўзгариши сабабли Н. аҳолиси Мурғоб дарёси ҳавзаларига кўчиб кетади.

**НАСАФ** – Қарши воҳасида жойлашган ўрта аср шаҳри ва вилоятининг номи. Н. шаҳри *Қарши* шаҳридан 8 км шимолий-ғарбдаги *Шуллуқтепа* шаҳар харобаси ўрнида бўлган. VII-VIII асрлардан бошлаб араб истилоси ва унга

қарши кўзғолонлар муносабати билан араб тилидаги ёзма манбаларда “*Насаф*” номи пайдо бўлади. VII-VIII асрларда Н. маҳаллий ҳокимлари мис тангалар (фалс) зарб қилдира бошлаганлар. Араблар истилосидан сўнг Н. шу номдаги вилоятининг маъмурий маркази бўлиб, IX-XII асрларда мудофаа деворлари билан ўралган мустаҳкам шаҳарга айланади. XIV асрда Н. *Қарши* номини олган. Қаранг: **ШУЛЛУҚТЕПА, ҚАРШИ**

**НАТУРАЛ ХҲЖАЛИК** (лот. *natura* – табиат) – ўз эҳтиёжларини ўзи яратган маҳсулот ва хизматлар билан қондирадиган хўжалик. Н.Х. кўл меҳнатига асосланади ва унда меҳнат унумдорлиги паст бўлган кўҳна меҳнат куроллари ишлатилади. Ўрта Осиёда қадимда мавжуд бўлган ерларни оғзаки келишув асосида ижарага бериш, ижара ҳақини маҳсулот тарзида олиш, ҳосилдан кафсан тарқатиш каби муносабатларни Н.Х. аломатлари деб ҳисоблаш мумкин. Н.Х.нинг энг муҳим белгиси унинг бозордан ажралган бўлишидир. Етиштирилган ва тайёрланган маҳсулот бозорга, сотиш учун чиқарилса, бундай хўжалик товар хўжалиги дейилади. Н.Х.нинг айрим кўринишлари Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг ўрмонзор ва чакалакзорларида овчилик ва термачилик билан шуғулланувчи қабилаларда ҳозир ҳам сақланиб қолган.

**НАУС, ноус** – *Зардуштийлик* динида *астадон (оссуарий)*лар сақланадиган маҳсус бино. Н. алоҳида қурилган сағана шаклидаги кичикроқ қурилма бўлиб, *оссуарийга* солинган суякларни

саклаш учун битта хоначага эга бўлган. Зардуштийлар олов, сув, тупроқ ва ҳавога сизинганлар. Улар одам ўлганда унинг вужудини ёвуз кучлар, яъни ўлим эгаллайди деб ҳисоблаб, ёмонликни муқаддас ерга кўмиш, оловда куйдириш, сувга ташлашни гуноҳ деб билганлар. Мархумнинг келажақда қайта тирилиши учун унинг суякларини саклаб қолиш керак деб ҳисоблашган. Шунинг учун жасад қушлар томонидан этлардан тозаланиши учун махсус баланд жойга кўйилган. Суяклар тозалангач, уларни оссуарийда саклаганлар. Н.лар одамлар гавжум яшаган худудлар яқинида қурилган ва йиллар ўтиши билан катта қабристонлар вужудга келган. Ушбу типдаги дафн иншоотлари Хоразм, Зарафшон ва Оҳангарон водийсида кўплаб топиб ўрганилган.

**НАФТАНДОЗ** (ар. “нафт” – нефть, ф. “андоз” – отмок ) – нефтни ёндириб отиш қуроли. Ўрта асрлардаги кўшинлар таркибида махсус Н.лар қисми мавжуд бўлган. XVI асрдан кейинги тарихий манбаларда Н. атамаси учрамайди.

**НАХШАБ** – Жанубий Сувднинг Қашқадарё ўрта ҳавзасидаги қадимги вилояти. “Нахшаб” сўзи сув обод қилган, сув нақш берган манзил деган маънони англатади. Н.нинг марказий пойтахт шаҳри *Еркўрган* бўлган. Ўрта асрларда Н. *Насаф* номини олади. Қаранг: **НАСАФ**.

**НЕАНДЕРТАЛ** – ўрта палеолит даврида (100-40 минг йил аввал) яшаган ибтидоий одам тури. Бу давр одамларининг суяк қолдиқлари биринчи марта 1856 йил Германиянинг Дюссельдорф шаҳри

яқинидаги Неандер кишлоғидан топилганлиги учун шундай номланган. Н. одами ибтидоий одамларнинг замонавий кифадаги одам (*кроманьон*)га ўтиш босқичи ҳисобланади. Ушбу одам турига тегишли суяк қолдиқлари ва меҳнат қуроллари Ўзбекистон (*Тешиктои* *ғори*)дан ҳам топилган.

Н. одамларининг умир давомийлиги нисбатан қисқа бўлган. Палеоптолог Г.Д.Рохлин “Қадимги одамларнинг касалликлари” асарида ёзишича, Н.ларнинг 40% и 1-14 ёшлигида, 15 % и 15-20 ёшлигида, 40 % и 21-40 ёшлигида ва 5 % и 40-60 ёшида ҳар хил касалликлардан ўлган. 60 ёшдан ошган Н.нинг суяги ҳозиргача топилмаган.

**НЕОЛИТ** (юн. *neos* – янги, *litos* – тош) – янги тош даври. Мил. авв. VI-III минг йилликларни ўз ичига олади. Н. даврига келиб инсоният *деҳқончилик*, чорвачилик, кулолчилик, тўқимачилик ва бошқа ҳунармандчилик соҳаларини ўрганади. Инсоният тарихида ишлаб чиқарувчи ҳўжалик тарихи бошланди. Бу даврда Ўрта Осиёнинг жанубий минтақаларида илк *деҳқончилик* маданияти (*Жойтун маданияти*), шимолӣ минтақаларида эса овчи балиқчилар маданияти (*Қалтаминор*) шаклланади.

Неолит тушунчаси фанга инглиз олими Ж.Либбок (1834-1913) томонидан киритилган (1865 й).

**“НЕОЛИТ ИНҚИЛОБИ”** – инсониятнинг *ўзлаштирувчи* *ҳўжаликдан ишлаб чиқарувчи* *ҳўжаликка*, чорвачилик, *деҳқончилик* ва *ҳунармандчиликка* ўтиши туфайли жамиятда рўй

берган буюк ўзгаришларнинг фандаги номланиши. Бу атама фанга инглиз археологи Г.Чайлд томонидан киритилган.

**НЕОНТРОПЛАР** (юн. neos – янги, anthropos – одам) – янги одамлар. Замонавий киёфадаги *Кроманьон* одамлари фан тилида шундай юритилади.

**НИСО, Ниса** – қадимги ва ўрта асрларга оид шаҳар. Туркменистоннинг пойтахти Ашхабод шаҳридан 18 км масофада, Багир кишлоғи яқинида жойлашган. Харобалари Эски Н. ва Янги Н. деб аталувчи иккита тепаликдан иборат. Н. худудидан мил. авв. IV-II минг йилликларга оид энеолит-бронза даври жамоалари манзилгоҳлари қайд қилинган. Мил. авв. I минг йилликка келиб бу ерда йирик кишлок манзилгоҳлари пайдо бўлган. Мил. авв. VI асрда кишлок аҳолиси кўчманчилар босқинидан химояланиш учун ўз манзилгоҳларини мудофаа деворлари билан ўраб олишган. Мил. авв. IV асрда Н. Македониялик Александр салтанати таркибига киритилган Парфия ўлкасининг пойтахт шаҳри эди. *Аршакийлар* сулоласи (Парфия давлати) даврида Эски Н. ёнида 18 га майдонни эгаллаган Янги Н.га асос солинади. Подшо Митридат I (мил. авв. 174-136 й.) Эски Н. ўрнида 14 га майдонни эгаллаган подшо қасри (Митридаткерт)ни курдиради. Н.нинг гуллаб-яшнаган даври мил. авв. III-I асрларга тўғри келади. XX асрда Н.дан топилган жаҳонга машхур археологик топилмалар (ибодатхона харобалари, эллинистик типдаги мрамар хайкаллар, фил суягидан

ясалган ибодат маросимларида ишлатиладиган *ритон*лар мажмуаси, парфия подшолари архиви ва бошқ.) айнан ушбу даврга оид. Н. ўзаро сулолавий урушлар натижасида бир неча марта вайрон этилган бўлсада, шаҳарда ҳаёт тезда тикланиб борган. XIX асрга келиб Н.да ҳаёт узил-кесил тўхтаган.

**НИШОПУР** – шимолий-шарқий Эроннинг йирик шаҳарларидан бири. Машҳаддан ғарбда жойлашган. *Тоҳирийлар* давлатининг (821-873) пойтахти, шунингдек IX-XIII асрнинг биринчи чорагида Хуросоннинг марказий шаҳри. Уч марта 1153 йили кўчманчи ўғузлар, 1221 йили мўғуллар босқини ва 1250 йилги каттиқ zilзила оқибатида тамоман вайрон бўлган. Янги Нишопур эски Нишопурнинг ғарбий тарафида барпо қилинган.

**НУКЛЕУС** (лот. nucleus – ядро, ўзак) – қадимда чакмоқ тошнинг юза бўлагидан уриб учирини йўли билан куруллар яшаш учун учиринди, пластинка (парракча)лар олинган. Улардан колган ўзак тош Н. деб аталган.

**НУМИЗМАТИКА** (лот. numisma – танга) – тангашунослик фани. Қадимий тангалардаги белги-расмлар, тасвирлар, тамгалар ва ёзувлар орқали ижтимоий-сиёсий тарихнинг айрим жихатларини ўрганувчи тарихнинг ёрдамчи фан соҳаси. Нумизмат – танга ва нишонларни йиғувчи Н. фанининг мутахассиси.

**НУРТЕПА** – қадимги *Усруиона* тарихий вилоятида жойлашган қадимий шаҳар харобаси (бугунги Тожикистон Республикаси Ўратепа тумани

Ховатаг кишлоғи). Умумий майдони 18 га бўлиб, мил. авв. VI - милодий I асрларга оид. Икки қатор мудофаа деворлари билан ўраб олинган шаҳристон ва арқдан иборат. Н. Македониялик Искандарнинг ҳарбий юришлари пайтида тарихчилар томонидан эслатилган *Усруиона* вилоятининг еттита шаҳридан энг каттаси бўлган.

## О

**ОБЖУВОЗ** (ф. – “об” – сув, “жувоз” – ёғоч, ёки тош ўғир) – шолининг пўстини олиб, уни гуручга айлантирадиган сув кучи билан ҳаракатланадиган қурилма.

**ОБИРАХМАТ ҒОРИ** – ўрта палеолит охири ва сўнгги палеолит даври ёдгорлиги. Тошкент шаҳридан 70 км шимолий-шарқда, Кўксув тизмаси ён бағрида, Бурчмулла кишлоғи яқинида жойлашган. Ёдгорлик 1962 йил очилган ва шу йили археолог *А.П.Окладников* раҳбарлигида *С.К.Насриддинов*, 1964-1965-йилларда *М.С.Герасимов* раҳбарлигида *Р.Сулаймонов*, 1966-1986-йилларда *Ў.Исломов* раҳбарлигида *Т.Омонжулов*, *К.А.Крахмаллар* томонидан ўрганилган. Маконда 1998 йилдан *Ўзбекистон-Россия*, 2007 йилдан *Ўзбекистон-Россия-Бельгия* қўшма экспедицияси *Ў.Исломов* ва *А.Р.Деревянко* раҳбарлигида тадқиқотларни давом эттирдилар. О.Ғ. кенг ёйсимон шаклда бўлиб, эни 20 м дан ортиқ. Унинг ичи қуруқ ва ёруғ. 21 та маданий қатламнинг умумий қалинлиги 10 м ни ташкил қилади. Ёдгорлик

топилмалари Марказий Осиёдаги тош даврининг энг бой коллекцияларидан бири ҳисобланади. Маконнинг юқори маданий қатламлари 42 минг йилликка, қуйи қатламлари эса 80-70 минг йилликларга оид. 2003 йилда О.Ғ.дан одам скелети топилиб, у *неандерталдан homo sapiens*ларга ўтиш босқичига тегишли эканлиги аниқланган.

**ОБИ ТУРК** – Чирчик дарёсининг ўрта асрлардаги номларидан бири.

**ОБИШИР МАКОНИ** – *Мезолит* даврига оид ёдгорлик. Фарғона водийсининг жанубидаги Хайдарқон шаҳарчасидан 4-5 км шарқда Катрон тоғидан жойлашган. Ёдгорлик 1966 йили топилган. 1970-80-йилларда археолог *Ў.Исломов* ва унинг ҳамкасблари томонидан ўрганилган. Асосий қазилма ишлари Обишир 1 ва Обишир 5 маконларида олиб борилган. Обишир 1 ғорининг эни 25,5 м бўлиб, баландлиги 12 м. Обишир 5 ғори Обишир 1 дан 200 м ғарбда. Унинг эни 8 м, баландлиги 10 м. Мил. авв. 9-8 минг йилликларга оид. Маданий қатламларидан *микролит*лар, бигизлар, кирғичлар, пичок қадамалари, *нуклеус*лар топилган. Улар бошқа жойлардан топилган мезолит даври қурулларига ўхшайди. Обишир 5 ғор-маконида 3 та маданий қатлам аниқланган.

Марказий Фарғонадан бу даврига оид 100 га яқин жойдан маконлар топилган. Улардан Иттак қалъа, Шўркўл, Аччикўл, Янгикадам, Бекобод, Замбор, Босқумлар диққатга сазовордир. Бу ёдгорликлар очик жойдаги

маконлар бўлиб, маданий қатламлар уларда сақланмаган.

**ОЁҚОГИТМА МАКОНИ** – неолит даври *Калтаминор маданияти* ёдгорликларидан бири. Қуйи Зарафшоннинг қадимги шимолий ўзани таркибий қисми ҳисобланувчи Оёқогитма ҳавзаси шарқий қисмида жойлашган. 1995-2005 йилларда ўзбек-польша (М.Хўжаназаров, К.Шимчак) халқаро қўшма экспедицияси томонидан очиб ўрганилган. 2005 йилдан ҳозирги кунгача ўзбек-француз (М.Хўжаназаров, Ф.Брунет) экспедицияси бу ёдгорликда тадқиқот ишларини давом эттирмоқда. О.М.да 3 та маданий қатлам аниқланган. Улардан 70 мингдан ортиқ ашёвий материаллар топилган. Радиоуглерод анализи бўйича бу ёдгорлик мил. авв. VII-IV минг йиллик билан даврланган.

**ОЙБУЙИРҚАЛЬА** – қадимги Хоразм давлатининг чекка шимолий-ғарбий чегара қальаси. Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай посёлкасидан 21 км шимолий ғарб томонда, *Устюрт* платоси шарқий жарлиги ёнбағрида жойлашган бўлиб, 10 га майдонни эгаллаган. Катта Ойбуйирқальанинг ички қисмида турар жой қурилишлари, ибодатхона деб ҳисоблаш мумкин бўлган монументал бино қолдиқлари бўлсада, цитадель қайд қилинмаган. Ёдгорлик стратиграфияси бўйича олинган маълумотлар, унда ҳаёт мавжуд бўлган вақт мил. авв. V-IV, IV-III ва милодий I-III асрлар билан белгиланган.

**ОЙКУМЕНА** (юнон. oikumene – яшамок, жойлашмоқ) – ер

сайёрасининг инсонлар томонидан ўзлаштирилган қисми. Дастлаб юнон географи Милетлик Гекатей (мил. авв. V а.) томонидан юнонларга маълум бўлган ҳудудлар маъносида ишлатилган ва ўша даврда юнонлар томонидан ўзлаштирилган ҳудудлар тушунилган.

**ОЙХОНИМ** – *Салавкийлар* ва *Юнон-Бақтрия* подшолиги даврига оид қадимги шаҳар. Афғонистоннинг шимолий шарқида, Кўкча дарёсининг Амударёга қуйилиш қисмида жойлашган. Мил. авв. IV асрнинг охири – II асрнинг 2-ярмига мансуб. Тадқиқотчилар О.ни антик авторлар томонидан эслатиладиган Окс Александрияси (П.Бернар) ёки Евкратидия бўлиши мумкин деб ҳисоблайдилар. О.да археологик тадқиқотлар 1964-1978 йилларда дастлаб Д.Шлюмберже, кейинчалик П.Бернар раҳбарлигидаги француз экспедицияси томонидан ўтказилган. О. *Бақтрия*га келган колонист юнонлар томонидан юнон шаҳарсозлиги ва меъморчилиги аънаналари асосида бунёд этилган. О. юқори (қальа) ва қуйи (шаҳар), шунингдек, шаҳар атрофидан иборат. О.нинг дастлабки икки қисми қалин мудофаа деворлари билан ўраб олинган.

О.дан сарой, ибодатхона, гимнасий ёки палестра, шаҳарга асос солган шахс – Геройон мақбараси, театр, юнон эпиграфикаси ёдгорликлари, Гераклнинг бронза ҳайкали, турли давлатларнинг мис ва олтин тангалари, қимматбаҳо тошлар хазинаси каби ноёб ашёлар топилган.

**ОКЛАДНИКОВ АЛЕКСЕЙ ПАВЛОВИЧ** (3.10.1908. Иркутск губ. – 18.11.1981. Новосибирск) – машхур археолог, тарихчи, этнограф олим. Академик (1968). Иркутск педагогика институтида ўқиб юрган кезларида Г.Ф.Дебёз ва *М.М.Герасимовлар* билан биргаликда профессор Б.Э.Петри тўғарагида ундан сабоқлар олади. 1934-1937 йилларда Ленинград моддий маданият академияси аспирантурасида ўқийди ва 1938 йил “Ангара водийси неолит даври кабристонлари” мавзусида номзодлик ишини ёқлайди. 1947 йилда “Якутиянинг палеолит давридан Русь давлатига қўшиб олингунигача бўлган тарихи” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. *А.П.Окладниковнинг* асосий тадқиқот йўналиши Сибир, Узоқ Шарқ ва Ўрта Осиё ибтидоий маданияти тарихи, палеолит ва неолит ёдгорликлари масалаларига бағишланган бўлиб, 60 та монография, 1000 га яқин илмий мақолалар муаллифи. Олим 1938 йилдан Термез археологик экспедицияси таркибида Ўзбекистоннинг тош даври ёдгорликларини ўрганиш гуруҳига раҳбарлик қила бошлайди. У 1939-1940 йилларда Н.Синельков ва М.Гремяцкий билан биргаликда Сурхондарё вилояти *Тешиктош* ва Амир Темур ғорида қазималар олиб борди ва *неандертал одами* суяқларини топиб ўрганди. *А.П.Окладников* “Ўзбекистоннинг мустье даврига оид Тешиктош макони” (1939), “Ўзбекистондан топилган неандертал одами” (1939), “Амир Темур – Ўзбекистоннинг

Бойсун тоғларидан топилган тош даврига оид янги ёдгорлиги” (1940), “Термиз атрофларида тош даври излари” (1945), “Хўжакент ғори – Ўзбекистоннинг мустье даврига оид янги ёдгорлиги” (1961) каби асарларида Ўрта Осиё минтақаси ҳам ибтидоий одамлар қадимдан яшаган ҳудуд бўлганлигини исботлаб берди ва ўз навбатида Ўзбекистонда тош даврининг археологик жиҳатдан ўрганилиш ишига асос солди. Археология фани ривожига қўшган улкан ҳиссаси туфайли *А.П.Окладников* ундан ортиқ мамлакат ва хорижий давлат академияларининг фахрий унвонларига сазовор бўлган.

**ОКС,** Аракс, Акес – Амударёнинг юнон-рим манбаларидаги номи. Македониялик Александрнинг Ўрта Осиёга юришлари ёритилган тарихий асарларда эслатилади. Ёзма манбаларга кўра, О.нинг эни 6 стадий (тахминан 1100 метр) бўлган. Искандар бу дарёдан беш кунда кечиб ўтган. О. атамаси кўпроқ қадимги (антик) давр манбаларида ишлатилган. Илк ўрта асрларга келиб ёзма манбаларда бу сўз учратилмайди. О. сўзининг келиб чиқиши номаълум. Баъзи тадқиқотчилар Маҳмуд Қошғарий берган маълумотларга асосланиб О. сўзи туркийча Ўқуз ёки Оғуз – катта дарё маъносини берса керак, деб ҳисоблашади. Қадимда О.нинг бир тармоғи Каспий денгизига, ўрта асрлардан бошлаб эса тўлиқ Орол денгизига қуйила бошлаган. Осиёликлар Амударёни Омул, Жайхун, туркийлар Ўқуз деб аташган.



**ОКС АЛЕКСАНДРИЯСИ** – Македониялик Александр томонидан Ўрта Осиёга ҳарбий юришлар пайтида (мил. авв. 330-327) Амударёнинг юқори оқимида асос солинган ҳарбий маъмурий марказ, кейинчалик шаҳар. Тарихчи-географ Пталомей томонидан эслатилган ушбу шаҳарнинг ўрни тўлиқ аниқланмаган. Баъзи тадқиқотчилар (В.Тарн) Термиз (*Эски Термиз*), бошқалар (П.Бернар) Шимолий Афғонистондаги *Ойхонуми* О.А. деб ҳисоблайдилар.

**ОЛТИНТЕПА** – Ўрта Осиё худудидаги энг қадимги шаҳар ёдгорликларидан бири. Туркменистоннинг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган. Шаҳар маҳаллий ўтрок деҳқончилик маданиятининг ривожланиши асосида вужудга келган. Хом гиштдан қурилган мудофаа деворлари билан ўраб олинган шаҳар марказида Шумер типидagi ибодатхона (зиккурат) жойлашган. Ёдгорликдан лойдан ясалган аравача макети топилган бўлиб, ушбу топилма О. аҳолиси энеолит-бронза давридан бошлаб ғилдиракли аравалар билан таниш эканлигини кўрсатади. Мухрлар, фил суягидан ишланган буюмлар ва фаянс маржон мунчокларнинг топилиши О. ликлар Хараппа маданияти билан яқин алоқада бўлганлигидан далolatдир. Қазилмалар жараёнида О.дан шунингдек, протоэлам, протошумер *никтография*лари ва хараппа ёзувини эсалатадиган белгилар ҳам топилган. Шаҳарда ҳаёт мил. авв. 2300-1900 йиллар оралиғида мавжуд бўлиб, унда тахминан 5-10

минг аҳоли истиқомат қилган. Аҳолининг асосий машғулооти суғорма деҳқончилик ва уй чорвачилиги ҳамда, ривожланган хунармандчилик ҳисобланган. Кузатувларга қараганда шаҳарда ҳаёт ташки таъсирларсиз номаълум сабабларга кўра тўхтаб қолган.

**ОЛТИН ЎРДА, Жўжи улуси** – XIII асрнинг 40-йилларида Жўжининг ўғли Ботухон (1208-1255) томонидан босиб олинган Шарқий Европа худудлари Жўжи улусига қўшилгач, ташкил топган давлат. О.ўнинг пойтахти дастлаб Астрахан яқинидаги Сарой Боту, кейинчалик Волга бўйидаги Сарой Берка шаҳарлари бўлган. О.ў. хонлари қуйи Дунай ва Фин қўлтигидан Иртиш ҳавзаси ва Обгача, Қора, Каспий ва Орол денгизлари, ҳамда Балхаш кўлидан Новгород ерларигача бўлган худудларда ҳукмронлик қилишган. XV асрнинг 20-йилларида О.ўдан Сибир хонлиги, Қозон хонлиги (1438), Қрим хонлиги (1443), Нўғой хонлиги (1440), Астрахан хонликлари ва Рус ерлари (1480) ажралиб чиқади.

**ОМОНҚЎТОН ҒОРИ** – Палеолит даврининг ўрта босқичига оид ибтидоий макон. Самарқанд вилояти Ургут тумани худудидаги О. кишлоғидан 2 км шарқ томондаги Булбулзорсой бўйида жойлашган. Ғорда 1947-1957 йилларда археолог Д.Н.Лев тадқиқотлар ўтказган. Бу ердан иккита маданий катлам аниқланиб, жами 150 га яқин тош қурооллар топилган. Бундан ташқари маданий катламлардан архар, кўнғир айиқ ва бошқа ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари ҳам қайд қилинган.

Суяклар узунасига ёрилган ва уларда оловдан куйганлик излари борлиги аниқланган.

**ОРИЙЛАР, арийлар** – “эркин” деган маънода таржима қилинади. *Авестога* кўра, Олар ижтимоий ҳаётда жамоанинг эркин, озод, жанговар мулкдорлар табақаси бўлиб, мана шу табақа ва унинг оила аъзолари ўз уруғ-аймоқларидан фарқли ўларок “озодлар” яъни “орийлар” деб юритилган. Улар яшаган юрт орийлар ватани, орийлар кенглиги, яъни “Арьянам Вайгчах” деб номланган.

О. Марказий Осиё чорвадор қабилаларининг иктисодий юксалишидаги кўчманчилик ҳаёт босқичининг ижтимоий маҳсули, уларнинг ташаббускор ва тадбиркор ишбилармон қатлами, энди шаклланиб келаётган синфий жамиятнинг аслзодалар табақаси эди. Тарихий тилшунослик ва археологик тадқиқотларга кўра, улар келиб чиқиши жиҳатидан эроний тил соҳиблари бўлмайд, балки туркийда сўзлашганлар.

Мил. авв. II минг йилликнинг ўрталарида Евроосиё чўлларидаги О. ўз чорваларига янги яйловлар қидириб, жанубга томон, нафақат Ўрта Осиёнинг ички районларига, ҳатто Эрон ва Ҳиндистонгача кириб борадилар.

Чорвадор О.нинг шимолий минтақалардан келиб Эрон адирларига ўрнашиб қолган жойлар *Авестода* “Ариана” номини олган. Эрон “Ариана” сўзининг ўзгарган шакли.

*Авесто* ва Ригведага кўра, дастлаб О. Эрон ва Ҳиндистонга келганда маҳаллий аҳолига

нисбатан “бегона”, “келгинди”, “босқинчи” маъносини англатган. Кейинчалик эса “хўжайин”, “аслзода” маъносини касб этган. Аҳамоний подшолари Кир II ва Доро I лар қоятошларга битилган битикларида ўзларини “ҳақиқий орий” эканликларини алоҳида таъкидлаб кўрсатадилар.

“Орий” атамаси дастлаб ижтимоий маънода қўлланилган, кейинроқ эса улар маҳаллий аҳоли билан қоришиб кетгач, бу сўз янги этник маъно ва мазмун касб этди, улардан сон жиҳатдан бир неча марта кўп бўлган Эроннинг маҳаллий аҳолиси тил муҳити таъсирида О. аста-секин ўз тилларини йўқотиб, эронийлашиб кетадилар.

**ОРОМИЙ ЁЗУВИ** – жаҳон тарихида энг дастлабки ҳарfli ёзувлардан бири. Оромийлар мил. авв. II минг йилликнинг охири I минг йилликнинг бошларида Ғарбий Осиёда (Сурия, Фаластин, Месопотамиянинг шимолий-ғарбида) яшаган халқлар бўлиб, улар финикий алифбоси асосида ўз алифболарини яратганлар. Ҳарfli ёзув ўзлаштирилиши осон бўлганлиги сабабли бу ёзув бошқа ҳудудларга ҳам тарқала бошланган. Ана шу оромий ёзуви асосида қадимги Шарқ халқлари алифбоси шаклланган. О.Ёдан қадимги форс ёзуви, ундан эса қадимги бақтрия, хоразм ва суғд ёзувлари келиб чиққан. О.Ё. ва унга асосланган бошқа ёзувлар алфавити 22 та ундош ҳарф асосида қурилган.

Суғд ёзуви асосида қадимги турк, уйғур, мўғул ва манжур ёзувлари ўсиб чиққан. Уйғур ёзувидан бошлаб эса, сўз тузилишида унли ҳарфларни

ифодалаш ҳам бошланган. Бу тажрибадан муғул ва манжур ёзувлари фойдаланиб, ўз ёзувларига унли товушларни киритишган.

**ОССУАРИЙ, остадон** (лот. os – уруғ, ossis – суяк) – зардуштийларнинг дафн маросимига тегишли одам суяклари сақланадиган сопол, тош ёки ганчдан ясалган идиш, сандиқча. Мархум суягини О.га солиб кўмиш мил. авв. I минг йилликнинг иккинчи ярмида шаклланиб, VIII асргача давом этган. О. кўпинча жимжимадор, бўртма нақш ва ёзувлар билан безатилган.

**ОСТЕОЛОГИЯ** (юнон. osteon – суяк, logos - фан) – одамлар ва ҳайвонлар суяклари тузилишини ўрганувчи фан. Зоология ва антропология фанларининг бир йўналиши.

**ОСТРОУМОВ НИКОЛАЙ ПЕТРОВИЧ** (15.11.1946. Тамбов – 17.11.1930. Тошкент.) – Туркистон тарихини биринчилардан бўлиб ўрганган рус шарқшунос олими ва археологи. Қозон диний академиясида ўқиган (1866-1970). Миссионерлик билан шуғулланиш мақсадида турк ва араб тилларини, ислом тарихини ўрганган. Британия библия жамияти топшириғи билан 1885-1886 йилларда “*Инжил*”нинг тўртта китобини ўзбек тилига таржима қилади. 1877 йилдан бошлаб Тошкентда яшаган. 1879 йилдан ўқитувчилар семинарияси, 1889 йилдан Эрлар классик гимназияси директори, айни вақтда “Туркистон вилоятининг газети” муҳаррири (1883-1917) бўлиб ишлаган. Ўлкашуносликка оид кўплаб илмий асарлар муаллифи. 1895 йилда *Туркистон ҳаваскор-*

*археологлари тўғарагининг* ташкилотчиларидан ва фаол аъзоларидан бири бўлган. Тошкент худудидаги собиқ Никифоров ерларида, Шохнишинтепа ва бошқа ёдгорликларда археологик кузатишлар олиб борган.

**ОТАШКАДА** – зардуштийлик дини ибодатхонаси. Ривоятларга кўра биринчи О.лар подшо Гуштасп (мил. авв. VI аср) фармони билан қурила бошланган. О.лар турли табиий офатлардан муҳофаза қилиш мақсадида баландликка, тепа устига ёки харсанг тошлардан ясалган 3-4 м лик таққурси устига қурилган. Дастлаб О.лар диний маросим ва ибодатларни бажариш жойи бўлган. Йиллар ўтиб *Сосонийлар* даврига келиб жамоа йиғинлари ва бошқа тадбирлар ўтказиладиган жойга айланган. О.лар бир неча хужра, толор (зал)лардан иборат бўлган. Бино олдида доим олов ёниб турадиган О. майдони бунёд этилган. Исфажон, Язд (Эрон), Кома (Ҳиндистон) шаҳарларида О.лар ҳозиргача сақланган.

**ОШАНИН ЛЕВ ВАСИЛЬЕВИЧ** (1884-1962) – профессор, антрополог олим. Ўзбекистондаги биринчи олий ўқув юрти – Туркистон халқ университетининг ташкил этилиши (1918) ташаббускорларидан бири. 1925 йилдан мазкур университет доценти, 1931 йилдан профессори. 1939 йилда очилган Антропология кафедраси асосчиси. 1941 йилда Гўри Амир макбарасининг очилиши ва темурийлар антропологиясини ўрганиш ишида фаол иштирок этган. 1943 йилдан илмий педагогик фаолияти билан бирга ЎзФА *Тарих ва археология институти* катта

илмий ходими сифатида Ўрта Осиё халқлари антропологиясини ўрганиш ишига улкан хисса қўшади. Л.В.Ошаниннинг 1957-1959 йилларда нашр этилган 3 жилдлик “Ўрта Осиё аҳолисининг антропологик таркиби ва этногенези” номли фундаментал асари Ўрта Осиё халқлари антропологияси ва этногенези масалаларининг кейинги ўрганилишида катта аҳамиятга эга бўлди.

**ОҚ ХУН** – Ғарбий Хунлар. Хунлар давлатининг сўнгги даврида шимолий хунлар ҳукмдори Кутуш қабиласи билан ғарбга *Қанг давлати* (мил. авв. III - милодий III а.) томон чекинган. Мазкур давлатнинг хони Кут-ушга ва унинг одамларига ўз худудидан жой берган. Кўп ўтмай хунлар ҳозирги жанубий Қозоғистон худудларида Яйпан хонлигини ташкил этишган. Мил. авв. I асрнинг ўрталарида оқ хунларнинг бошлиғи Чжичжи хитойлар билан бўлган урушда мағлуб бўлиб, у ҳам Қанг давлатидан паноҳ топган. Қанг ҳукмдори уларга ҳозирги Жамбул (Авлиёота) вилоятдан жой беради. Яйпан давлати кейинчалик V аср ўрталарида ташкил топган Эфталийлар давлатига қўшилиб кетади. Умуман, Туркистонга чекиниб келган хунлар қадимги турк тилида “Оқ хун” яъни “Ғарбий хун” деб номланган.

**ОҚЧАҒЕЛИН** – мил. авв IV-II асрларга оид қалъа. Туркменистоннинг Тошҳовуз шаҳридан 90 км ғарбдаги Тузқир тўнглиги устида жойлашган. Ёдгорликни археологик жиҳатдан ўрганиш 1950 йилда бошланган ва

дастлабки изланишлар вақтидаёқ унинг антик даврга оидлиги аниқланган. Режаси ва ташқи кўриниши жиҳатидан *Жонбосқалъа*ни эслатади. Майдони 180×175 м (3,5 га). Ёдгорликнинг ички қисмида қадимги қурилишларнинг излари аниқ кўзга ташланади. Қалъага солинган шурф мудофаа деворининг ички қисмидаги хоналар 44×44,46×10 (12) см ўлчамдаги хом гиштдан қурилганлигини кўрсатган.

Шаҳристондан териб олинган сопол парчалари *Қуйқирилганқалъа* ва *Жонбосқалъа* сопол идишларига жуда ўхшаш. Антик даврда Тузқир ўрта Довдон ҳавзасидаги Тузлидарёдан чиқарилган суғориш каналлари тўри билан ўраб олинган деҳқончилик микровоҳаси ўртасида жойлашган эди. О. Қадимги Хоразм давлати таркибидаги воҳанинг кўчманчилар дунёсидан химоя килувчи истехкоми вазифасини бажарган.

**ОҚ ЎРДА** (рус манбаларида Кўк Ўрда) – *Олтин Ўрдани*нинг бир қисми. Жўжихоннинг ўғли Боту ва унинг авлодлари томонидан идора қилинган, иккинчи қисмини Жўжининг бошқа ўғли Ўрда-Ичен бошқарган. Бу ҳолат XIII-XIV асрлар давомида ўзгармай келган. Боту авлодларига номигагина қарам бўлган Ўрдахон авлодлари кейинчалик тўла мустақил бўлиб оладилар. *Олтин Ўрда* тушунчаси Ботухон давридан бошлаб бутун Жўжи улусига, XIV аср бошидан эса Оқ Ўрдага нисбатан қўлланилган. О.Ў. таркибига Сирдарё ҳавзасининг катта қисми ва Орол денгизининг шимолий-шарқидagi чўллардан Ишим ва

Сарисув дарёларигача бўлган худудлар кирган. Пойтахти куйи Сирдарё бўйида Сигноқ шаҳри бўлган.

## П

**ПАЙКОН** (ф. – найзанинг ўткир учи, камон ўқи) – камон ўқи учига металл (темир) бошоқ. П.лар илк бор *мезолит* даврида пайдо бўлиб, улар дастлаб майда чакмоқтош (микролит)лардан, энеолит-бронза даврида мис ва бронзадан, темир давридан бошлаб темирдан ясала бошланган.

**ПАЛАХМОН** (ф., ар. “фаллохун” – тошотар, сипкон) – қадимда ва ўрта асрларда тош ядроларини душман томон отадиган махсус уруш қуроли. Манжаникнинг кичик тури. П. аксарият мудофаа иншоотлари, хусусан, қалъа деворларини бузиш мақсадида қўлланилган. Ўт сочиш қуроллари, жумладан, тўпнинг қуролланишга кириб келиши П.дан фойдаланишга чек қўйган.

**ПАЛЕОАНТРОП** (юн. palaios – қадимги, anthropos – одам) – қадимги давр одамлари. П.лар асосан, *ўрта палеолит* даврида (100-40 минг йилликда) яшаганлар. *Неандертал* одамлари П.лар деб ҳам юритилади.

**ПАЛЕОАНТРОПОЛОГИЯ** (юн. palaios – қадимги, anthropos – одам, logos – фан) – *антропология*нинг казиб олинган ибтидоий одамлар (*питекантроп*, *синантроп*, *неандертал* ва бошқалар)нинг типларини ўрганувчи соҳаси.

**ПАЛЕОГРАФИЯ** (юн. palaios – қадимги, grapho – ёзаман) –

қадимий кўлёзма асарларнинг коғози, муқоваси, сиёҳи, ёзуви ва ёзиш усулларини ўрганувчи тарих фанининг ёрдамчи соҳаси. П. ёзув белгиларини, асосан, ҳарфлар ва уларнинг таркибий унсурларини, сатрусти ҳамда фарқловчи белгиларни, қисқартириб ёзиш усуллари ва бошқаларни ўрланади.

Ўрганилаётган алифболарнинг турига мувофиқ П. араб палеографияси, туркий палеография, ҳинд палеографияси, хитой палеографияси, юнон палеографияси, лотин палеографияси, славян палеографияси ва бошқа турларга бўлинади.

**ПАЛЕОДЕМОГРАФИЯ** – ибтидоий даврда инсон жамиятида содир бўлган демографик жараёнларни ўрганувчи тарихий *демография* фанининг бир бўлими. Археологик ва ёзма манбалар, *палеоантропология* ва этноархеология маълумотлари П.нинг асосий манбаи ҳисобланади. П.нинг тадқиқот объекти ёзув пайдо бўлгунигача бўлган даврлар тарихини камраб олади.

**ПАЛЕОЛИТ** (юн. palaios – қадимги, litos – тош) – қадимги тош даври. П. даври инсоният тарихида энг узок давом этган тарихий давр бўлиб тахминан 3-2,5 миллион йилдан 12 минг йилликкача бўлган даврни ўз ичига олади. П. даври ўз навбатида Илк палеолит (3-2,5 млн. – 100 минггача йилликлар), Ўрта палеолит (100-40 минг йилликлар) ва Сўнги (юқори) палеолит (40-12 минг йилликлар) босқичларига бўлинади.

П. даври шунингдек, шелль, ашель, мустье, ориньяк, солютре ва

мадлен каби археологик маданият боскичларга ҳам бўлинади.

Шель – П. даврининг илк боскич маданияти бўлиб, бу даврда *питекантроп* одам тури яшаган.

Ашель – П. даврининг иккинчи боскичи бўлиб, бу даврда асосан *синантроп* одамлари яшашган. Ашель даврининг охирига келиб ерда иқлим совий бошлаган ва *музлик даври* бошланган.

Мустье – П. даврининг ўрта боскичи маданияти бўлиб, 100-40 минг йилликларга тўғри келади. Бу даврда ер иқлими анча совук бўлиб, *Неандертал* туридаги одамлар кенг тарқалган.

Ориньяк, Мадлен, Солютре сўнгги палеолит даври маданияти боскичлари ҳисобланади.

П. тушунчаси фанга инглиз олими Ж.Леббок (1834-1913) томонидан киритилган (1865 й).

**ПАНДУС** (фр. *pente douse* – нишаб, қиялик) – меъморчиликка оид тушунча. Баланд тагкурси (фундамент) устига қурилган қадимги шаҳар-қалъаларга олиб чиқадиغان кўтарма текис йўл. Ўрта Осиё худудидаги қадимги шаҳар, қалъа ва кўшкларга П.лар орқали кўтарилган. П.ларнинг мудофаа функцияси ҳам бўлган. Ўрта Осиёнинг айрим истехкомларида шаҳар ёки қалъа дарвозасига яқинлашиш П. воситасида атайлаб қийинлаштирилган. П.да душман дарвоза томон ҳаракатланар экан, химоясиз қолган ён томонларини ўққа тутиб беришга мажбур бўлган.

Замонавий маъморчиликда жамоат, саноат бинолари, транспорт иншоотлари, гараж кабилар қурилишида П.лардан фойдаланилмоқда.

**ПАРАК** – Чирчиқ дарёсининг илк ўрта асрлардаги номи.

**ПАРФЕНОВ ГАВРИИЛЬ ВАСИЛЬЕВИЧ** (1893-1968) – машҳур ўлкашунос археолог. 1930-40-йилларда Сурхондарё округи ўлкашунослик музейи директори. Сурхондарё вилоятида жойлашган тош даври ёдгорликлари бўлган машҳур *Тешиктош*, *Мачай* манзилгоҳлари ва *Зараутсой* қоятош суратларини биринчилардан бўлиб ўрганиб фанга киритган олим. Г.В.Парфенов шуниҳдек, Тошкент вилоятидаги *Обираҳмат* маконини ўрганишда ҳам катта ишлар қилган.

**ПАРФИЯ** – қадимги тарихий-географик худуд. Буганги Туркманистоннинг жануби ва Шимолий-Шарқий Эрон ерларига тўғри келади.

**ПАРФИЯ ДАВЛАТИ** – қаранг: **АРШАКИЙЛАР СУЛОЛАСИ**.

**ПАРФИЯНЛАР**, **парфияликлар** – элат, мил. авв. I минг йиллик ва милоднинг бошларида Каспий денгизининг жанубий шарқида, ҳозирги жанубий Туркманистон ва Хуросонда яшаганлар (қадимги Партава – Парфия вилояти). П. қадимги эроний тилларнинг бирида сўзлашганлар. П.да деҳқончилик маданияти ва ирригация иншоотлари мил. авв. II минг йиллик бошларидаёқ маълум бўлган. П. қадимда Мидия (мил. авв. VIII-VII а.), *Аҳамонийлар* (мил. авв. VI-IV а.), юнонлар ва *Салавкийлар* давлатига тобе этилганлар. Улар мил. авв. III аср ўрталаридан милодий 224 йилга қадар ҳукмронлик қилган мустақил

Парфия давлатини барпо этганлар. П.нинг асосий дини *зардуштийлик* бўлган. Парфия ёзуви оромий алифбоси асосида вужудга келган.

**ПАСАРГАДА** – Қадимги Эрондаги шаҳар. Персеполдан 80 км шимолдаги қирларда бунёд этилган. Шаҳарнинг номи форс қабилалари пасаргадлардан олинган. *Аҳамонийлар* сулоласи ҳам шу қабиллага мансуб бўлганлар. П.да Кир II нинг саройи ва қабри, квадрат минора қуринишидаги *оташкада*, шунингдек, Кир II номи қайд этилган миҳхат ёзувлари сақланган. Кир II ўлиmidан сўнг П. аҳамоний подшолари тож киядиган муқаддас жойга айланган.

**ПАТРИАРХАТ** (юн. patriarches – уруғ бошлиғи) – ота уруги даври. Уруғчилик тузумининг *матриархат*дан кейинги иккинчи босқичи. Ибтидоий жамоа даврида меҳнат қуролларининг такомиллашуви нағижасида кундалик эҳтиёждан ортиқча маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши билан жамиятда оналар ўз ўрнини оталарга бўшатиб беришга мажбур бўлган. Мил. авв. III-II минг йилликлардан бошлаб П. даврига ўтила бошланган.

**ПЕРСЕПОЛЬ, Персиполис, Тахти Жамшид** – Эроннинг Шероз шаҳридан 50 км шимоллий-шарқда жойлашган қадимий шаҳар. *Аҳамонийлар* давлатининг пойтахтларидан бири. Мил. авв. VI аср охирида барпо этилган. Мил. авв. 330 йилда Македониялик Искандар томонидан босиб олиниб, ёндирилган ва шаҳар ташландик ҳолатга келган. Шаҳарда Доро I ва Ксерксларнинг тош рельефлар битилган саройлари, ҳарамхона

биноси, Жаҳон дарвозаси, Юз устунли Шоҳ зали харобалари сақланган. П.нинг гарб томонидан катта оташгоҳнинг қолдиқлари топилган.

**ПЕТРОГЛИФ** (юн. petra – тош, glyphe – ўйиш) – ибтидоий одамларга тегишли қоятош битиги ёки тасвири. Тош даврининг сўнгги босқичидан бошлаб ибтидоий одамлар қоя тошларга ҳар хил мазмундаги суратларни чиза бошлаганлар.

Ўзбекистонда 150 дан ортиқ қоятош суратлари ёдгорликлари аниқланган. *Зараутсой* (Сурхондарё), *Сармишсой* (Нурота тоғи, Навоий шаҳридан 35 км шимоллий-шарқда), Қорақиясой, *Ҳўжакент* (Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани), Суратисой, Охна (Фарғона, Сўх водийси), Сийпантош (Қашқадарё вилояти Китоб шаҳридан 25 км шимоллий-ғарбда), Варзик (Жанубий Чотқол тоғи, Чуст шаҳридан 30 км.), Сайхонсой, Такатош (Морғузар тоғи, Жиззах вилояти) шулардан энг машҳурларидир.

Ўрта Осиё минтақасида П.нинг ноёб наъмуналари Саймалитош, Чўлпон ота (Қирғизистон), Эчкиўлмас, Баян Журеқ, Кулжабаси, Арпаузен, Тошбулок, Тектурмас, Қасқабулок, Тамғали (Қозоғистон)дан ҳам топилган.

**ПЕШТОҚ** – (ф. “пеш” – олд, ар. “тоқ” – гумбаз, қубба, арка) – мадраса, масжид, мақбара, карвонсарой ва бошқа жамоат биноларининг олд томони – кириш қисми. П. бинонинг ҳашаматли баланд, безакдор меъморий бўлағи бўлиб, одатда бино девори сағхидан бироз бўрттириб чиқарилади.

Асосий ўрнини марказий равоқ, унинг икки ёнидаги даханаси ва тепасидаги икки учбурчак қанос ва китоба ташкил этади.

**ПИЛ ҚАЛЪА** – Хоразмнинг қадимги ва ўрта аср шаҳар ёдгорлиги. Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний шаҳридан 1 км шимолда, унча қатта бўлмаган кўл ўртасида жойлашган. 1937 йилда *А.И.Теренов* ва *Я.Ф.Фуломов*, 1939-1940, 1946 йилларда *Хоразм археологик экспедицияси*, 1963 йилда ЎзФА Қорақалпоғистон филиали Тарих, тил ва адабиёт институти археологик экспедицияси томонидан ўрганилган. Умумий майдони 230×227 м. Қалъага мил. авв. IV-II асрларда асос солинган бўлсада, қурилиши тугалланмай қолган. Ёдгорикда ҳаётнинг энг ривожланган босқичи VII-VIII, XII-XIV асрларга тўғри келади.

**ПИТЕКАНТРОП** (юн. pithekos – маймун, anthropos – одам) – маймун одам. 1890-1892 йилларда голланд олими Э.Дюбуа Индонезиянинг Ява оролидан топган ибтидоий одам тури. Улар бундан 1 млн йил олдин яшаганлар. Миясининг ҳажми 900 см<sup>3</sup>. П.нинг топилиши *антропология* фанида муҳим воқеа бўлди. П. кўлда мураккаб ҳаракатлар бажаришган ва пода-пода бўлиб яшашган. Бу эса, кейинчалик жамиятнинг илк қуртагига айланган.

**ПИШАКТЕПА** – Шимолий *Бақтрия*нинг илк темир даврига оид шаҳар ёдгорлиги. *Кучуктепа*дан 200 м ғарбда жойлашган. Тепаликнинг баландлиги 2,2 м, диаметри 44 м. 1973 йилда *А.Асқаров* томонидан ўрганилган ушбу ёдгорлик қурилиш

услугига кўра, хозирча *Бақтрия* тарихида ягона ҳисобланади. П. марказида йўлакисифат узун хоналар бўлиб, улар арқ усулида ёпилган. Шу йўлакисифат хоналар ташқи тарафида кенг зални эслатувчи иккита хона жойлашган. Кўламига кўра бу хоналар очик бўлганлиги тахмин қилинади. Йўлакисифат узун хонада ёнган одам суяклари алоҳида-алоҳида кўмилганлиги қайд қилинган. Бу эса П. мисолида илк темир даврида *Бақтрия*да *зардуштилик* билан бир қаторда *кремация* одати бўлганлигини кўрсатади. П. сопол материаларининг тахлилидан келиб чиқиб ёдгорлик мил. авв. VI-V асрларга оид деб белгиланган.

**ПЛАТФОРМА** – ўтроқ дехқончилик маданияти ёдгорликларида шаҳар-қалъалар ёки бошқа паҳса ва хом ғиштдан қурилган маҳобатли иншоотларнинг пастки қисми; табиий ёки сунъий яратилган супа, тақкурси, фундамент.

**ПЛЕЙСТОЦЕН** – қаранг: **МУЗЛИК ДАВРИ**

**ПЛИОЦЕН** – ер тарихининг инсоният пайдо бўлишидан олдинги геологик босқичи. П. даврининг бошланиш ва тугаш босқичлари олимлар ўртасида мунозарали бўлиб қолмоқда. П. тахминан 5-3 млн йилликларни ўз ичига олади.

**ПОЙКЕНТ, Пойканд, Бойканд** – Бухородан 44 км жанубий ғарбда жойлашган, мил. авв. IV-III – милодий XI асрларга оид қадимий шаҳар. Ўрта аср ёзма манбаларида Бойканд, Хитой солномаларида эса Би номлари билан тилга олинади. Шаҳар номи “Қуйи шаҳар” деган маънони



англатади. П.нинг ташқи деворлари ниҳоятда мустақамлигидан илк ўрта асрларда “Шахристони Рўин”, яъни “Жездан қурилган шаҳар” номи билан шуҳрат топган.

П.ни археологик жиҳатдан ўрганиш дастлаб 1903 йилда Р.Пампелли, 1913-1914 йилларда Л.А.Зиминлар томонидан амалга оширилган. 1980 йилда П.да кенг қўламли доимий археологик қазиш ишлари ўтказиш мақсадида Ўзбекистон ФА Археология институти ва Россия Давлат эрмитажининг А.Муҳаммаджонов раҳбарлигида махсус қўшма археологик экспедицияси ташкил этилди. Бу экспедиция аъзолари (Г.Л.Семенов, Ж.Мирзааҳмедов, Ш.Одиллов) режа асосида шаҳарнинг умумий тарихий топографиясини босқичма-босқич ўргана бошладилар.

П. қадимда 4 қисм: 1) арк (1 га); 2) шахристон (11 га); 3) ташқи шахристон (6 га); 4) работ (100 га)дан ташкил топган. Аркда подшоҳ саройи, қадимий ибодатхона, IX-X асрларда қурилган жоме масжиди, шахристонларда савдогар хунарамандларнинг турар жойлари, маҳаллалар, бозор, устахона, новвойхона, дорихоналар, шаҳарнинг робод қисмида 50 дан ортик наўслардан иборат оташпарастрларнинг қабристонини (*некрополь*), ташқи бозор ва бир неча қарвонсаройлар жойлашган. П.нинг шахристон қисмидан 4500 донга мис тангалар ҳазинасининг топилиши жуда катта тарихий-археологик қимматга эга бўлди.

Маълумотларга кўра П. қадимги Бухоро ҳукмдорларининг

қароргоҳи бўлган. Эфталлийлар ҳукмронлиги даврида (V асрнинг 2-ярми ва VI асрнинг бошлари) пойтахтга айлантирилган. Наршахийнинг ёзишича, шаҳар аҳолисининг аксарияти савдогар бўлиб, шу боисдан араб географлари П.ни “Мадинаг ат-тужжор” (“Савдогарлар шаҳри”) дея таърифлашган.

**ПОЛИГАМИЯ** (юн. *poly* – кўп, *gamos* – никоҳ) – кўп никоҳлилик; кўп хотинлилик; кўп эрлилик; бир эркакнинг бир неча хотин билан никоҳда ёки аксинча, бир хотиннинг бир неча эркак билан никоҳда бўлиб яшаши. П. ибтидоий жамоа тузуми даври (матриархат) га хос бўлиб, ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши ва синфий жамиятнинг шаклланиши билан бу никоҳ шаклига аста секин барҳам берилиб, моногам оилалар пайдо бўла бошлади.

**ПОЛИТЕИЗМ** (юн. *poly* – кўп, *theos* – худо) – кўпхудолик. П. ибтидоий давр одамларига хос бўлиб, унда ҳар бир қабила ёки уруғнинг ўз худоси ва эътиқод шакли мавжуд бўлган (*фетишизм*, *анимизм*, *шомонлик*, *тотемизм* ва бошқ.). Инсоният жамияти тараққий эта борган сари ибтидоий одамлар кўп худоликдан яккахудолик динларига ўта бошлаганлар. Бу ишлаб чиқарувчи хўжалик шакллариининг пайдо бўлиши натижасида ибтидоий жамоа тузумининг емирилиб, синфий жамият ва давлатчилик босқичига ўтиш жараёни билан бир вақтда содир бўлган.

**ПОЛИТИМЕТ** – *Зарафшон* дарёсининг қадимги юнон-рим тарихчилари асарларида

келтириладиган номи. Тилшунос олимлар фикрига кўра, Зарафшон сўзининг ўзи *Авесто* тилидан келиб чиққан бўлиб, “раошана” (ёруғ, равшан, ойдин) сўзи Зарафшонга айланган. Қаранг: **ЗАРАФШОН**.

**ПРОТЕЙХИЗМА** – қадимги шаҳар-қалъаларда учрайдиган мудофаа иншооти тури. Қўшимча девор. Девор ва хандакдан иборат бўлган бир қаторли мудофаа тизимлари ҳар доим ҳам мудофаа талабларига жавоб бермаган. Шунинг учун қадимги мудофаа иншооти қурувчилари хужум пайтида деворга қинлашиш қийин бўлиши учун қалъа деворларидан ташқарида 2-20 м масофада пахса ёки хом ғиштдан қўшимча тўсиқ-девор қуришган. Шаҳар мудофаа тизимини янада мустаҳкамлашга хизмат қилган П. Қадимги Хоразм шаҳар-қалъаларида (*Қўйқирилганқалъа, Хива Турроққалъаси, Говурқалъа, Катта Ойбуйирқалъа, Хива* Ичанқалъаси, *Қалажиқ, Бурлиқалъа, Катта Қирққизқалъа* ва бошқ.) кўплаб қайд этилган.

**ПРОТОШАҲАР** -- қадимги дехқончилик маданияти ривожланиб, жамоа аъзолари орасида мулкий табақаланиш содир бўлиши натижасида мудофаа деворлари билан ўраб олинган шаҳармонанд манзилгоҳ. Аммо мудофаа деворларининг ички қисмида *Арк* бўлмайди. Аркнинг мавжуд бўлиши эса илк шаҳардан далолатдир. Масалан, *Жанубий Ўзбекистон* худудидан топиб ўрганилган *Сополитена* ёдгорлиги ўз меъморий режасига кўра *протошаҳар* бўлса, *Жарқўтон* илк шаҳардир.

**ПУГАЧЕНКОВА ГАЛИНА АНАТОЛЬЕВНА** (07.02.1915 – 17.02.2007) – Ўрта Осиё моддий маданияти, архитектураси ва санъати тарихининг йирик тадқиқотчиси. Профессор (1962), ЎзФА академиги (1984), Франциянинг Страсбург университети фахрий доктори. Верний (Олма-Ота) шаҳрида туғилган Г.А.Пугаченкова Ўрта Осиё индустриал институтининг архитектура бўлимини тугатгач, 1937 йилда ушбу институт аспирантурасига ўқишга кириб, 1941 йилда “Навой даврида Ўрта Осиё архитектураси” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1942-1960 йилларда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги УзМУ) археология кафедраси доценти, 1960 йилдан умрининг охиригача Тошкент Санъатшунослик институти санъат ва архитектура бўлими мудури лавозимларида фаолият юритди. Ўтган асрнинг 40-йилларидан бошлаб Туркменистон, Ўзбекистон ва Афғонистонда ташкил этилган қатор археологик экспедицияларда иштирок этди. Олима 1946-1961 йилларда Жанубий Туркменистон комплекс археологик экспедицияси (ЮТАКЭ)нинг VII отряди раҳбари сифатида ишлаб, 1959 йилда “Қулдорлик ва феодализм даврида Жанубий Туркменистон меъморчилиги таракқиёт йўналишлари” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1959-1984 йилларда Ўзбекистон Санъатшунослик экспедициясига илмий раҳбарлик қилди ва жаҳонга машҳур *Холчаён, Далварзинтена, Кампиртена, Айртом* ва бошқа

кўплаб археологик ёдгорликларни фанга олиб кирди. 600 га яқин илмий мақола ва монографиялар муаллифи.

Олиманинг “Парфиянские ритоны Нисы” (-М., 1956.), “Пути развития архитектуры Южного Туркменистана” (-М., 1958.), “Искусство Афганистана” (-М., 1963.), “История искусств Узбекистана с древнейших времен до середины девятнадцатого века” (-М. 1965.), “Халчаян. К проблеме художественной культуры Северной Бактрии” (-Т., 1966.), “Искусство Туркменистана. Очерк с древнейших времен до 1917 г.” (-М. 1967.), “Скульптура Халчаяна” (-М. 1971.), “Очерки искусства Средней Азии: Древность и средневековье” (-М., 1982.), “Искусство Гандхары” (-М., 1982.), “Северная Бактрия – Тохаристан: Очерки истории и культуры: Древность и средневековье” (-Т., 1990.) каби фундаментал асарларида Ўрта Шарқнинг тарихий-маданий жараёнлари умумий таҳлили, қадимги ва ўрта асрлар бадий маданияти, архитектураси таракқиёти масалалари ёритиб берилган.

**ПУД** (рус.) – оғирлик ўлчов бирлиги. 1 пуд 16 килограммга тенг. Баъзан шеваларда пут деб ҳам ишлатилган.

## Р

**РАБОТ** (ар. – мусофирхона, карвонсарой) – ўрта асрларда арабларнинг мустаққамланган қароргоҳи. Тузилиши тўртбурчак шаклида, деворларида миноралари бўлган. Дастлаб ислом дини тарқала бошлаган даврда ғозийларга

мўлжаллаб қурилган махсус бино. Ўрта Осиёда VIII-X асрларда кўчманчи аҳоли яшайдиган худудлар чегарасида кўплаб Р.лар қурилган. Уларнинг энг машхури Работи Малиқдир. Кейинчалик Р. фақат кўрғон, истехком маъносидагина эмас, балки меҳмонхона (карвонсарой) мазмунида ҳам тушунилган. Зоҳидлар ҳам махсус Р.ларда яшаганлар. Р.лар XI-XII асрларда Ўрта Осиё шаҳарларининг мустаққам қисмига айланган. XIII аср бошларида мўғуллар истилоси натижасида кўплаб шаҳарларнинг арки ва шаҳристони харобага айланган бўлса-да, Р.ларда ҳаёт давом этган.

**РАВОҚ** (ар. – пешток, пешайвон, ёпик йўлак, безақдор чодир) – тоқнинг бир тури; бино деворларидаги дераза ва эшик ўринларининг юқори қисмига қўйиладиган меҳробий ёйсимон қурилма.

**РАЙ, Рей, Рага** – Эроннинг пойтахти Техрондан 8 км шимолий-шарқда жойлашган, қадимий шаҳар. Р. мўғуллар тарафидан 1220 йили вайрон этилган.

**РАСАДХОНА, обсерватория** – астрономик, геофизик, метеорологик ва бошқа тадқиқотлар учун махсус жиҳозланган илмий муассаса ва шу муассаса жойлашган бино. Ўрта асрларда шарқда кўплаб Р.лар қурилган бўлиб, улардан энг машхури Мирзо Улдуғбек томонидан Самарқандда бунёд этилган Р. эди. Ушбу Р. халқ орасида “Накши жаҳон” номи билан ҳам маълум.

**РЕГИСТОН** (ф. майда тош тўшалган жой) – Ўрта Шарқ мамлакатлари шаҳарларидаги

марказий майдон. Турли мақсадларда одамлар тўпланадиган жой бўлган Р. кўп ҳолларда шаҳар ёки ҳокимлар саройлари ёнида барпо этилган ҳамда улар маъмурий сиёсий аҳамиятга эга бўлган. Марказий майдон ёгингарчилик пайтида ботқоқликка айланмаслиги учун кумтош ётқизилган. Шу хусусияти билан бошқа очик жойлардан фарқ қилган. Кейинчалик даврлар ўтиши билан Р. атрофида маҳобатли жамоат бинолари қурилган, ҳовуз, дарахтлар билан ободонлаштирилиб ҳашаматли кўриниш олган.

**РЕКОГНОСЦИРОВКА** (лот. *recognosco* – кўздан кечирмоқ) – археологиянинг иш услубларидан биринчи босқичи. Моддий маданият ёдгорликлари мавжуд жойни археологик жиҳатдан кўздан кечириб чиқиш. Унда маълум жойда қайси турдаги ёдгорликлар (шаҳар хароблари, қадимги қабристонлар ва максанлар) борлиги, уларнинг тахминий даврлари белгилаб чиқилади.

**РЕНЕССАНС** (фр. *renaissance* – уйғониш) – айнан қадимий мумтоз юнон маданияти, фани, фалсафасининг тикланиши. Антик (қадимги) даврга хос ҳаётни ҳис этишга яқин, лекин ўрта асрлардаги каби моддийликни гуноҳ деб ҳисоблаб, ундан воз кечишнинг инкор этилиши. Янгича ҳиссиётларнинг, ҳаёт нашидасини сезишнинг пайдо бўлиши демакдир.

Шарқ ренессанси ва Ғарб ренессанси мавжуд. Шарқ ренессанси IX-XII ва XIV-XV асрларни ўз ичига олса, Ғарб ренессанси XIII асрдан бошланади. Ғарб ренессанси кўпинча уйғониш

даври деб ҳам юритилиб, унинг илк куртаклари Италияда пайдо бўлган. Томаззо Компанелли, Франческо Петрарка (1304-1374), Жованни Бокачолар (1313-1375) уйғониш даври маданиятининг асосчилари эдилар.

**РЕТУШ** – майда тош курулларнинг ишчи қисмини ясаш услуби.

**РИТОН** (юн. *rhyton* – оқаман) – ичимлик ичиладиган шохсимон қадимги идиш. Р. бир оз эгилган ва ичи ковак бўлиб, ҳайвонларнинг шохлари, металл, сопол, ёғоч ва бошқа буюмлардан ясалган. Қадимда Рим, Юнонистон, Кавказ, Эрон ва *Бақтрия*да кенг тарқалган. Парфиянинг қадимий пойтахти *Нисо* шаҳрини қазिश пайтида фил тишидан ясалган Р.лар топилган. Уларнинг пастки учига афсонавий ҳайвонлар, авлиёлар тасвири, оғиз томонига мифологик сюжетлар бўрттириб, юксак маҳорат ва дид билан ишланган. Кавказ халқларида ичимликларни Р.да ичиш ҳозир ҳам мавжуд.

**РИХТАГАРЛИК** (ф. -тож. – металл эритмоқ) – ҳунармандчиликнинг қадимий турларидан бири Рангли металл (асосан, мис, бронза, қалай)дан турли буюмлар қуйиш касби.

Археологлар томонидан Ўзбекистон ҳудудида мил. авв. III минг йилликка оид бронза болта қуйиладиган тош қолиплари топилган. Мўғуллар истилоси Ўрта Осиёда Р.нинг ривожига салбий таъсир кўрсатган. XIV асрдан металл конларининг қайта ишга солиниши муносабати билан бу касб яна тараккий эта бошлайди. 1399 йил Амир Темурнинг буйруғи

билан Аҳмад Ясавий мақбараси учун Абдулазиз ибн Шарафиддин томонидан бронзадан куйилган “назр-ниёз қозони” Р.нинг энг ноёб намунаси.

**РОМИШТЕПА** – Бухоро воҳасидаги қадимий шаҳар ёдгорлиги. Бугунги Бухоро шаҳридан 30 км шимолда жойлашган. Муҳаммад Наршахий “Бухоро тарихи” китобида Р. қишлоғи афсонавий қаҳрамон Кайхусрав томонидан бунёд этилганлиги ҳақида ёзиб қолдирган. Беруний ҳам суғд оташпарастрлари ҳақида ёзганида Р. оташпарастрлар ибодатхонасини тилга олади. Ёзма манбалардаги ёдгорликнинг қадимийлигига ишорат берувчи ана шу узук-юлук маълумотларни текшириб кўриш учун Р. ЎзФА *Археология институти*нинг *Р.Ҳ. Сулаймонов* раҳбарлигидаги Зарафшон археологик гуруҳи томонидан 1973-1974 йилларда ўрганиб чиқилди. Ромиш қишлоғидан шимолда 3 та тепалик мавжуд. Марказий қисмдаги тепалик “Шайхи-Калон” деб номланиб, у тўғри бурчакли тарҳга эга ва майдони 130x90 м. Ундан ғарбда жойлашган иккинчи тепалик (“Тули-Санг”) айлана шаклида бўлиб ҳажми 130x130 м. “Шайхи-Калон”дан 60-70 м жанубий-шарқда жойлашган “Хожа Ромиш” узунлиги 150 м, кенлиги 50-70 м ўлчамдаги тепалиқдан иборат. Р. ёдгорлигидан олинган сопол материаллар мажмуаси 5 та босқичдан иборатлиги аниқланган. Уларнинг энг қадимиси (Ромиш-I) мил. авв. IV-III асрларга, энг сўнггиси (Ромиш-V) IV-V асрларга оид.

**РТВЕЛАДЗЕ ЭДВАРД ВАСИЛЬЕВИЧ** (1942.14.05. Боржоми, Грузия) археолог, тарихчи олим. Ўзбекистон ФА академиги (1995), тарих фанлари доктори (1989), профессор (1992). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенатори. ТошДУни тугатган (1967). 1967 йилдан Ўзбекистон Республикаси санъатшунослик институти илмий ходими.

Илмий фаолияти Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар тарихи, археологияси, нумизматикаси, эпиграфикаси, санъати ва маданиятини ўрганишга бағишланган. Ўрта Осиё, Кавказ, Кипр, Япония ва Францияда олиб борилган 80 дан ортиқ илмий археологик экспедициялар иштирокчиси. “Средневековые памятники Сурхандарьи (ҳаммуаллифликда –Т. 1983.), “В стране золотого огня” (ҳаммуаллифликда –Т. 1985.), “Памятники минувших веков” (ҳаммуаллифликда –Т. 1986.), “Древние монеты Средней Азии” (–Т. 1987.), “Северная Бактрия – Тохаристан. Очерки истории и культуры” (ҳаммуаллифликда –Т. 1990.), “Великий шелковый путь” (–Т. 1999.), “Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар” (ҳаммуаллифликда –Т. 2001.), “Древние и раннесредневековые монеты историко-культурных областей Узбекистана” (–Т. 2003.) каби монографиялар муаллифи.

Э.В.Ртвеладзе раҳбарлигидаги Тохаристон экспедицияси томонидан *Кампиртепада* олиб борилган қазилар натижасида

археологик адабиётда биринчи марта *Кушонлар* даврига оид қадимги шаҳар харобаси тўлиқ очилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. Таникли олим раҳбарлигида коллектив монография ва альбомлар (“Амир Темур жаҳон тарихида”, “Хива минг гумбазли шаҳар”, “Шахрисабз”, “Термиз”, “Жалолиддин Мангуберди”) тайёрланган.

Э.В.Ртвеладзе Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1985). “Буюк хизматларн учун” (2001), “Меҳнат шухрати” (2003) ва Грузиянинг “Гирсебис” (“Рицарлик шарафи”) ордени билан мукофотланган (2001).

**РУМ** – Рим империясининг ўрта асрларда Шарқда кенг тарқалган номи. 395 йилда Рим империяси парчалангач, Шарқий Рим империяси – Византияга (395-1453) нисбатан қўлланилган. Тарихий-географик адабиётларда Кичик Осиё ярим ороли ва Юнонистонга нисбатан ҳам ушбу атама ишлатилган.

**РУСТОҚ** (ф. – кишлок) – Ўрта Осиё, Эрон ва қисман араб мамлакатларида қўлланилган тарихий-географик тушунча. Кишлоқ, шаҳар, овул, бозор, ўзлаштирилган ўлка, ўтроқ аҳоли яшайдиган жой, экин майдони, ободонлаштирилган шаҳар каби маъноларга эга. Ўрта Осиё ва Эрон мўғуллар томонидан истило этилгач, Р. ўрнига “туман” атамаси қўлланила бошланган.

## С

**САВРОМАТЛАР** – скифларга қардош бўлган чорвадор кўчманчи қабилалар. Мил. авв. VII-IV асрларда Волгабўйи ва Уралбўйи чўлларида яшаганлар. С. бошқа қабилалар билан аралашishi натижасида кейинчалик сарматлар деб атала бошланган.

**САГДУЛЛАЕВ АНАТОЛИЙ САГДУЛЛАЕВИЧ** (1951 йилда туғилган) – археолог, тарихчи, тарих фанлари доктори, профессор. Шимолий *Бактрия* ва *Кешдаги*, шу жумладан, *Қизилтепа*, *Бандихон* ва бошқа кўплаб археологик экспедициялар иштирокчиси ва раҳбари. “Памятники минувших веков” (Э.В.Ртвеладзе билан ҳамкорликда. –Т. 1985.), “Усадьбы древней Бактрии” (–Т. 1987.), “Огненные стрелы” (–Т. 1993.), “Ўрта Осиё археологияси” (хаммуаллифликда. –Т. 1990.), “Қадимги Кеш-Шахрисабз тарихидан лавҳалар” (хаммуаллифликда. –Т. 1998.) каби Ўрта Осиё қадимги тарихи ва археологиясига оид илмий асарлар ва дарсликлар муаллифи.

**САДОҚ** – камон ўқлари жойланиб, белга боғланадиган ёки елкага осиб юриладиган асбоб; тирдон, ўқдон.

**САЗАҒОН МАДАНИЯТИ** – неолит даври овчи қабилалар маданияти. Зарафшон дарёсининг ўрта ҳавзасида ёйилган. Аҳолиси асосан тоғли ҳудудларда яшаб ҳайвон ови билан шуғулланган. С.М. ёдгорликлари 1930-40-йилларда Б.Н.Кастальский, 1950-йилларда геолог Г.Полишук, 1966-1968 йилларда дастлаб Д.Н.Лев,

1969 йилдан ҳозирги кунга қадар Самарқанд давлат университети археологик экспедицияси томонидан (М.Жўракулов раҳбарлигида) ўрганиб келинмоқда. Тадқиқотлар натижасида ушбу маданиятнинг 30 дан ортиқ неолит ёдгорликлари аниқланган. Самарқанд вилояти ҳудудидаги Сазагон-1, 2, Жангал-1, Тепакўл-3, 4, 5, Оҳалик, Зомичатош (Севасой), Очилғор маконлари шулардан энг яхши ўрганилганлари ҳисобланади.

Сазагон макони Самарқанд шаҳридан 30 км жанубий-ғарбда жойлашган. Маконни казиш вақтида овчиликка мослашган меҳнат қуроллари билан бирга ёввойи ва уй ҳайвонларининг суяк қолдиқлари ҳам топилганига қараганда С.М. аҳолиси йирик шохли ҳайвонларни қўлга ўргатиб, минтақада илк чорвачилик хўжалигига асос солганлар.

**САЙХОНСОЙ** – қадимги ва ўрта асрларга оид қоятош суратлари топилган ноёб ёдгорликлардан бири. Жиззах шаҳридан 15-20 км жанубий-шарқда Морғузар тоғининг шимолий ёнбағрида жойлашган. Ёдгорлик 1956 йилда *А.Р.Мухаммаджонов* томонидан топиб, қисман ўрганилган. Шундан кейин бу ерда ЎзР ФА *Археология институти* ходимлари Ж.Кабиров ва М.Хўжаназаровлар иш олиб бордилар ва ҳар хил даврга оид мингдан ортиқ расмлар борлигини аниқладилар. С. *петроглиф*ларининг асосий қисми Ҳасанкапа қишлоғи харобаларидан Такатошгача бўлган 1,5-2 км масофада тарқалган. С. расмларининг энг қадимгиси мил. авв. III-II минг йилликларга,

кўпчилик қисми эса, мил. авв. VII-II асрлар сак-скиф даврига оид. *Петроглиф*лар орасида милодий I минг йиллик ва ўрта асрларда ишланган бир гуруҳ тасвирлар ҳам бор.

**САКЛАР, шаклар** – Осиёнинг тоғлик, чўл ва саҳроларида яшаган кўчманчи чорвадор қабилалар. *Аҳамоний* подшоларининг қоятош битикларида Ўрта Осиёнинг кўчманчи чорвадор аҳолиси шундай ном билан юритилган. Геродотнинг ёзишича, Евроосиё чўлларининг кўчманчилар дунёси шимолий ва шимолий шарқий Қора денгиз бўйи қабилаларидан бирининг номи билан скуда, кейинроқ сколотлар деб аталган. Юнонлар эса уларни скифлар деб юритганлар.

Археология фанида мил. авв. VIII-II асрларда Хитойнинг Хуанхэ дарёсидан ғарбда то Дунайгача бўлган ҳудудларда яшаган қабилаларнинг “ҳайвон тасвирлари услуги”да ишланган ноёб санъат асарлари скиф санъати, скиф маданияти номи билан машҳур. Геродот “Тарих” асарида “форслар барча скифларни саклар деб атайдилар”, - деб ёзади.

Антик давр тарихчиларининг асарларида С.нинг уч ижтимоий гуруҳи бўлганлиги эслатилади. Уларнинг кўпчилик қисмини сака-тиграхауда, яъни ўтқир учли кигиз калпоқ кийиб юрувчи С. ташкил этиб, улар ҳозирги Тошкент вилояти ва Жанубий Қозоғистон ерларида яшаганлар. Иккинчи гуруҳи сака тийай-тара-дарайя, яъни дарёнинг нариги томонида яшовчи С. Орол денгизи бўйларида, Сирдарё (*Яксарт*)нинг қуйи оқимида яшаганлар. Учинчи гуруҳ

саклар – сака-хаумоварка деб аталиб, уларнинг яшаган жойи турлича талқин этилади. Сака-хаомаварка (сак-амиргий)лар – *хаома* ясовчи С. ёки *хаомага* эътиқод қилувчи С. Мурғоб дарёси водийсида яшаганлар деган фикр устивор. Сака-хаомаваркалар Доро I ҳукмронлиги (мил. авв. 522-486 й.) охирида “даха”, “дая” деб атала бошланган. Амиргий саклари *Бақтрия* ва Ҳиндистон билан боғлиқ бўлган жанубий-шарқий сак қабилаларининг йирик бирлашмаларидан бўлган.

Умуман, Ўрта Осиё ва Қозоғистон чўлларида, асосан, чорвачилик билан шуғуланган даштликлар С. этносини ташкил этган. Ўз даврида сугдийларнинг аجدодлари Ўрта Осиё икки дарё оралиги С.и бўлган. *Массагетлар* эса хоразмийларнинг бобокалонлари эди. *Авестода* тилга олинган турлар Туронзамин сакларидир.

**САЛАВКИЙЛАР ДАВЛАТИ** – мил. авв. 312-64 йилларда Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Кавказорти, Месопотамия ва Яқин Шарқда ҳукмронлик қилган йирик давлат. Александр Македонский вафот этгач, тахт учун бошланган ўзаро курашларда, ғолиб чиққан лашкарбошилардан бири Салавка I Никатор томонидан асос солинади. Салавка ўз салтанатининг шарқий вилоятлари (*Бақтрия* ва *Сугдиёна*)га ўғли Антиохни ноиб қилиб тайинлайди. Антиох Салавканинг хотини, Спитаменнинг қизи Апамадан бўлган ўғли эди. Мил. авв. 280 йилда Салавка вафот этгач, Антиох улкан давлатнинг ҳукмдори бўлади. Салавкийларнинг

Ўрта Осиёдаги ҳукмронлиги узокка чўзилмайди. Ўрта Осиё ва Эронда мил. авв. III аср ўрталарида Салавкийлардан мустақил *Юнон-Бақтрия* ва *Парфия* давлатлари ташкил топади.

**САЛТАНАТ** (ар. – султонлик, ҳукмронлик) – 1) якка хон, амир ёки подшо ҳукмронлиги ҳамда уларнинг мавқеи; 2) мустамлакалари ёки тобе ўлкалари бўлган йирик давлатлар, империя.

**САЛЖУҚИЙЛАР** – 1038-1194 йилларда Яқин ва Ўрта Шарқда ҳукмронлик қилган сулола. Сулола номи кўчманчи турк-ўғиз қабиласи бошлиғи Салжук (922 йилда вафот этган) номидан олинган. XI аср бошларида Ғазнавийлар давлатидаги ижтимоий қарама-каршилиқлардан фойдаланган С. Хуросонни эгаллаб, С. давлатини барпо этадилар. С.ни Хуросон ва Эрон ҳудудларидан Хоразмшоҳ Такаш (1172-1200) 1194 йилда сиқиб чиқаргач, улар ғарбга чекиниб Кичик Осиёда (Туркия ҳудударида) яна бир асрдан кўпроқ ҳукмронлик қиладилар (хозирги Туркия Жумхурияти тилининг бизга тушунарли бўлиши сабаби ҳам шунда).

Хуросондаги С. сулоласининг вакиллари: Тўғрулбек (1038-1063), Алп Арслон (1063-1072), Маликшоҳ (1072-1092), Маҳмуд (1092-1094), Беркёрук (1094-1105), Муҳаммад (1105-1118), Султон Санжар (1118-1157).

**САМАРҚАНД** – қадимий шаҳарлардан бири. Узоқ ва буюк ўтмишга эга шаҳар бўлганлиги сабабли ўрта асрларда Шарқда оммалашиб кетган маколлардан бирида “Ғарбда Рим, Шарқда



Самарқанд” ибораси кенг тарқалган. Бу икки шаҳар инсоният тақдирдаги буюк хазматларини назарда тутиб “Боқий шаҳар” номини олганлар. Халқ ибораси “Самарқанд сайқали рўйи заминаст” бежиз айтилмаган.

С. сўзининг келиб чиқиши тўғрисида бир қанча тахминлар бор. Шарқ муаллифлари “Самарқанд” сўзининг биринчи қисми “Самар”ни шу шаҳарга асос солган кишининг номи деб ҳисоблаб, бир қанча ривоятларни келтирадилар. Бироқ тарихда бундай исмли киши тўғрисида маълумотлар аниқланмаган. Сўзнинг иккинчи қисми “кент”(қанд) – кишлок, шаҳар деган маънони беради. Баъзи европалик олимлар бу ном қадимги санскритча “Самария”га яқин, яъни “йиғилиш, йиғин” сўздан келиб чиққан деб изоҳлайдилар. Антик муаллифларнинг асарларида шаҳар Мароқанда деб аталган. Абу Райхон Беруний ва Махмуд Қошғарий шаҳар номининг келиб чиқишини “Семизкент”, яъни “семиз кишлок” сўзининг бузиб талаффуз қилиниши деб ёзадилар. С.нинг энг қадимги номи суғдча “Smarakansa”дир.

С. қадимий шаҳар сифатида 2750 йиллик тарихга эга. У мил. авв. IV асрдан милодий VI асрга қадар Суғднинг пойтахти бўлган. Кейинчалик *Сомонийлар* давлатининг (889 йилгача), Амир Темур ва *Темурийларнинг* ва дастлабки *Шайбонийлар сулоласининг*, 1925-1930 йилларда эса Ўзбекистон Республикасининг пойтахти бўлган.

1970 йилда С.нинг 2500 йиллик юбилей кенг нишонланган. Мустақиллик йилларида

Афросиёбнинг энг қуйи маданий қатламларини ўрганиш жараёнида мил. авв. IX-VII асрларга оид ашёлар топилди. Ушбу топилган намуналар Франция олимлари билан ҳамкорликда радиокарбон тадқиқот усулида ўрганилиб, уларнинг ёши 2750 йил эканлиги исботланди ва 2007 йил 25 августда шаҳарнинг 2750 йиллиги кенг нишонланди. Яна қаранг: **АФРОСИЁБ.**

**САМАРҚАНД МАКОНИ** – сўнги палеолит даври ёдгорлиги. Самарқанд шаҳри марказида, Чашмасиёб сойининг ўнг қирғоғида жойлашган. 1939 йилда Н.Г.Харламов томонидан очилган. Аммо иккинчи жаҳон уруши бошланиши туфайли ёдгорлик ўрганилмай қолган. 1958-1968 йилларда Д.Н.Лев томонидан ўрганилиб, фанга киритилган. Ёдгорликда кейинги йиллардаги тадқиқот ишларига М.Жўракулов раҳбарлик қилган. Макон 3 та маданий қатламдан иборат. 6 мингдан ортиқ ҳайвон суяқлари, жуда кўплаб тош қуроллари топилган. Манзилгоҳ ёввойи отлар, кийиклар, туялар, қўйларни овлайдиган овчилар макони бўлган. Ёдгорликдан кўплаб ўчоқ-гулханлар топилган. Маданий топилмалар мажмуасига қараганда аҳоли қуроллар ясаш, гўштларни майдалаш каби ишларни ана шу ўчоқлар атрофида амалга оширганлар. Тадқиқотчиларнинг қайд этишича, Самарқанд сўнги палеолит макони тош асри бўйича Ўрта Осиёнинг эталон ёдгорлигидир. Тошкент воҳасидаги *Қўзбулоқ* ёдгорлиги билан биргаликда моддий маданият

манбаларига бунчалик бой бошка ёдгорлик Ўрта Осиёда хозирча топиб ўрганилган эмас.

**САНГИРТЕПА** – Қашқадарё юқори окимидаги Шўробсой бўйида жойлашган ёдгорлик. Уни 1981-1982 йилларда биринчи бўлиб Н.И.Крашенинникова топиб ўрганган. Кейинроқ С.даги археологик изланишлар *А.С.Сагдуллаев* ва *О.Н.Лушпенко* томонидан олиб борилди. 1999 йилдан Шўробсой воҳасида Ўзбек-америка қўшма экспедицияси иш бошлади. Умумий майдони 3 га бўлган С.да 4 та қурилиш даври аниқланган. С.нинг илк шакланган даври мил. авв. IX-VIII асрлар ҳисобланади. Мил. авв. VII-VI асрларда ёдгорлик атрофи мудофаа девори билан ўралиб, мустақкам қалъа бунёд этилади. Қалъа ичидаги баланд иморат қолдиқлари ибодатхона ёки жамоа оксоқолларининг қароргоҳи эканлиги тўлиқ аниқланмаган.

**САРАЗМ ЁДГОРЛИГИ** – Зарафшон дарёсининг юқори окимида, Ўзбекистон билан Тожикистон чегарасида жойлашган энеолит-бронза даври ёдгорлиги. 1977 йилдан бошлаб тожикистонлик археолог *А.Исҳоқов*, 1982-1985 йилларда *АҚШ*лик олимлар *К.Ламберг-Карловский* ва *Ф.Коол*, сўнгра франциялик олимлар *Р.Безунвал* ва *Б.Лионелар* томонидан ўрганилган. Саразм қишлоғи 90 га майдонни эгаллаган 10 та тепалиқдан иборат. Саразм 4 та маданият босқичидан иборат бўлиб, 1 ва 2 босқичлари энеолит даври (3100-2280 йиллар)га оид. Хом ғиштдан кўп хонали уйлар, ибодатхона топилган. С.М.

аҳолисининг асосий машғулоти металл қазиб олиш бўлган.

**САРДОБА** (ф.-тож. – сард – совук, ва об – сув) – гумбаз шаклида ховуз ёки қудуқлар устида пишик ғиштдан қурилган иншоот бўлиб, унга зиналар орқали тушилган. С. ичида ҳаво айланиши яхши бўлгани учун жазирама иссиқда ҳам унинг ичи салқин, суви эса муздек бўлган. С.лар асосан қарвон йўллари ёқасида қурилган. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида жами 44 та С. мавжуд.

**САРИАНИДИ ВИКТОР ИВАНОВИЧ** (23.09.1929 – 22.12.2013) – археолог, Ўрта Осиё қадимги тарихи тадқиқотчиси, тарих фанлари доктори, Туркманистон Фанлар Академиясининг фахрий академиги. Тошкентдаги Ўрта Осиё давлат университети (САГУ)да тахсил олган (1947-1952). Академик *М.Е.Массон*нинг шогирди. Туркманистон, Ўзбекистон ва Шимолий Афғонистонда ташкил этилган кўплаб археологик экспедициялар иштирокчиси ва раҳбари. Жанубий Туркманистонинг Гуёқсур воҳасидаги энеолит даври ёдгорлиқларини ўрганиб, 1963 йил номзодлик ишини ёқлаган. В.И.Сарианиди 1969-1979 йилларда фаолият кўрсатган *Совет-Афғонистон археологик экспедициясининг* бир гуруҳига раҳбарлик қилади ва 1975 йилда “Бронза ва темир даврида Афғонистон” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлайди. *Марғиёна*даги (*Тузалоқ, Гунуртепа*) ва Шимолий Афғонистондаги (*Тиллатепа қабристон*)

ёдгорликларни очиб ўрганишда, умуман бронза даври маданияти ўчоқларидан бири *Бақтрия-Маргиёна* археологик комплекслари (БМАК)ни илмий муомалага киритилишида унинг хизматлари катта. Олим 30 дан ортиқ илмий асар ва 300 дан ортиқ илмий маколалар муаллифи.

### **САРИКАМИШБЎЙИ**

**ДЕЛЬТАСИ** – Қуйи Амударё хавзасидаги чап соhil Хоразмнинг қадимий суғорма деҳқончилик худуди. Бугунги Туркменистон Республикаси Тошховуз вилояти ўрнига тўғри келади. Шимолда Орол денгизи, шимолий-ғарбда *Устюрт*, жануб ва жанубий ғарб томонда Қоракум саҳроси билан туташган. Худуд ибтидоий даврдан бошлаб Амударёнинг чап соhilдаги иккита катта ўзани Довдон ва Дарёлик ҳамда, антик даврда улардан чиқарилган йирик сунъий суғориш каналлари (Чирмонёб, Қўхна Уаз, Шохмурод) орқали доимий рившда сув билан таъминланиб турган. Кўп йиллик археологик тадқиқотлар натижасида С.Ддан неолит давридан бошлаб тарихнинг барча даврларига тегишли манзилгоҳ-ёдгорликлар кайд этилган. С.Днинг сув таъминоти энг яхшиланган даври мил. авв. IX-VIII асрлардан то милодий V асрларгача бўлган даврни ўз ичига олади. Сувнинг кўп миқдорда бўлиши Сарикамиш ботиғи орқали Каспий денгизи томон *Ўзбўй* сув йўлининг жонланишига сабаб бўлган. Натижада ушбу худуд архаик ва антик даврда суғорма деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш учун энг қулай табиий-иқлим

шароитларига эга бўлган. Худудда шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши ва гуллаб яшнашида бундан 2 минг йил муқаддам барпо этилган йирик қадимий ирригация иншооти – Чирмонёб каналининг ўрни бекиёс бўлган. Қўзалиқир, Қалъалиқир-1, 2, Қўхна Уаз, Қанжақалъа, Гандумқалъа, Замахшар, Шоҳсанам, Ёрбакрқалъа, Манғирқалъа, *Қўхна Урганч*, *Говурқалъа-1, 2*, *Говур-3*, *Оқчагелин*, Оқчунгул, Бутентовқалъа-1, 2, Қуйисойқалъа, Қўнарлиқалъа, Турпоққалъа, Ўғлонлиқалъа, Булдумсозқалъа, Қўргонқалъа, Қўргончикқалъа қаби шаҳар-қалъалар жойлашган С.Д. бутун бир тарихий давр мобайнида қадимги Хоразм давлати ва маданиятининг ажралмас таркибий қисми бўлиб келган.

### **САРМАТ МАДАНИЯТИ**

– Жанубий Урал, Урал ва Дон дарёлари оралиғида яшаган кўчманчи чорвадор қабилаларнинг мил. авв. III асрдан милодий III аср оралиғига онд маданияти. *Савроматлар* маданиятининг бевосита давоми. Сарматлар Шимолий Қора денгиз бўйидан скифларни сиқиб чиқариб Кавказолдидан то Руминия-Венгрия худудларигача ёйилиб яшаганлар.

### **САРМИШСОЙ**

– қадимий қоятош суратлари билан машхур ёдгорлик. Навоий вилояти Навбахор тумани худудидаги Қоратоғнинг жанубий ёнбағрида жойлашган. С. Зарафшон дарёсининг ўнг ирмоқларидан бири ҳисобланади. С. ўзининг ажойиб табиати билан ажралиб туради. Ушбу худуддан 200 дан ортиқ археологик ёдгорликнинг топилиши бежиз

эмас. С. суратларини биринчи марта 1958 йили ЎзР ФА *Тарих ва археология институти* илмий ходими Х.Мухаммедов қисман ўрганиб, кенг жамоатчиликка эълон қилган эди. Кейинчалик Ж.Кабиров ва М.Хўжаназаров олиб борган ишлар натижасида 1976 йилда “Сармишсой қоятошларидаги расмлар” номли китоб эълон қилинди. Бугунги кунда С.да 5 мингдан ортиқ расм борлиги аниқланган. Бу расмларнинг энг қадимгилари мил. авв. VI-III минг йилликларда қизилган бўлса, кейингилари сўнгги ўрта асрларда уриб чўкичлаб ишланган. Қояларда алоҳида турган ва рақсга тушаётган одамларнинг, камондан ўқ отаётган мерган, чавандоз, узун шохли буқа, шер ва бошқа йиртқичлар, югуриб кетаётган тоғ такаси каби хилма хил ҳайвонларнинг тасвири бор.

2008 йилда С.ни муҳофаза қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг махсус қарори қабул қилинган.

**САРТ** (санскрит. – sarthavaha – қарвонбоши, савдогар) – 1) VI аср ўрталарида Турк хоқонлиги Ўрта Осиёни босиб олгач, шаҳарларда истиқомат қилаётган ўтроқ аҳолини шундай аташган; 2) XII-XIII асрларда мўғуллар юртига савдогарчилик билан келган, асосан аксарият мусулмон савдогарларига қўйилган умумий ном; 3) XVI асрда Дашти Қипчоқдан келиб, Темурийлар давлатини эгаллаган кўчманчи ўзбекларнинг маҳаллий шаҳарлик ва ўтроқ аҳолига берган умумий номи.

С. атамаси этник ном эмас. Бу ҳақда фанда турли қарашлар мавжуд, аммо унинг муайян бир

этносга тегишли эканлиги маълум эмас. Совет даври тарихшунослигида бу масалада *В.В.Бартольд* қарашлари эътиборда бўлиб келди. Унингча, С. атамаси тожик маъносини беради. Аммо у келиб чиқиши жиҳатдан туркийлашган сўғдийлар бўлиб, тожик ва ўзбекларга тегишли муқим яшовчи, савдо-сотик ва ҳунармандчилик аҳлининг йиғинди номи эканлиги тарихий ҳақиқатдир. Ўрта Осиёдан Шарқий ўлкаларга савдо қарвони билан борган савдогарлар келиб чиқиши қайси этносга тегишли бўлишидан катъий назар, улар С. деб аталган. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони лугати турк” асарида С. қадимги туркчада савдогар маъносида берилган. Дастлаб С.лар форсий ва туркийда сўзлашган бўлсалар, XVI-XVII асрлардан улар фақат туркийда, эски ўзбек тилида сўзлаша бошлаганлар. Энди бу атама кўпроқ Фарғона водийси, Тошкент воҳаси ва Хоразмда турғун яшовчи ўзбекларга нисбатан қўлланиладиган бўлди.

Россия империяси Туркистонни босиб олгач, рус олимлари ва тадқиқотчилари асарлари ва хроникаларида ҳам Туркистон ўтроқ аҳолиси шу ном билан юритилган.

**САФАВИЙЛАР** – *темурийлар* салтанатининг инкирози натижасида Эронда вужудга келиб, 1502-1736 йилларда ҳукмронлик қилган сулола. Асосчиси Исмоил Сафавий (1502-1524). Бу давлатнинг пойтахти дастлаб Табриз (Озарбайжон) шаҳри бўлган. Аббос I даврида пойтахт Исфажонга кўчирилган. Аббос I (1587-1629) ва

Сафи I (1629-1642)лар даврида С. давлати ўз қудратининг чуққисига кўтарилган. Бу давлатнинг таркибига Эрондан ташқари Озарбайжон, Арманистоннинг бир қисми, Афғонистон, Ироқ ва бошқа туташ ҳудудлар кирган.

С. сулоласига 1736 йил Нодиршоҳ Афшор (1736-1747) барҳам беради.

С. сулоласининг вакиллари: Исмоил I (1502-1524), Тахмосп (1524-1576), Исмоил II (1576-1577), Муҳаммад (1578-1587), Аббос I (1587-1629), Сафи I (1629-1642), Аббос II (1642-1666), Сулаймон (1666-1694), Султон Ҳусайн (1694-1722), Тахмосп II (1722-1732), Аббос III (1732-1736).

**САФФОРИЙЛАР** – 873-900 йилларда Эрон ва Хуросонда ҳукмронлик қилган сулола. Сулола вакиллари ака-ука Ёқуб ибн Лайс (873-879) ва Амир ибн Лайслар (879-900) касби мисгарлик (саффорий) бўлгани учун шундай номланган. Улар Хуросонда *Тоҳирийлар* давлатини ағдариб ҳокимиятни эгалаганлар. 900 йилда *Сомонийлар* амири Исмоил Сомоний билан жангда Амир ибн Лайс енгилгач, бу сулолага барҳам берилади.

**САҒАНА, соғона** (ф.) – Ўрта Осиё халқларида мархумларни дафн этиш билан боғлиқ дафн иншооти; 1) ер ости сувлари ер бетига яқин, тошлок жойларда ер устига пишиқ гишт ёки тошдан ишланган, шакли бешикка ўхшаш, ичига жасад қўйилган қабр; 2) қабр устига ўрнатиладиган ёдгорлик тури. С.лар пишиқ гиштдан, тошдан, қора ёки қулранг мармардан ишланиб, баъзан

усти сиркори кошин, ўйма нақшлар билан безатилган.

**СЕЙИСТОН, Сакистон** – Эроннинг Афғонистон билан чегарадош шарқий вилояти. Мил. авв. II асрда кўчманчи сак қабилалари шимолдан Херируд ва Гилманд дарёлари ораллигидаги вилоятларга келиб жойлашишган ва шундан бошлаб бу ҳудудлар Сакистон (Сейистон) деб юритиладиган бўлган.

**СЕКСТАНТ** (лот. sextans – олтинчи) – осмон ёриткичларининг баландлигини белгилаш ёки кузатувчи жойи координаталарини аниқлаш, шунингдек, кўринадиган жисмлар орасидаги бурчакларни ўлчаш учун мўлжалланган кўзгу-қайтаргичли асбоб.

**СЕЛУНГУР** – Фарғона шаҳридан тахминан 100 км жанубий-ғарбда, Ўзбекистон ва Қирғизистон чегарасидаги Ҳайдарконнинг ғарбий чеккасида жойлашган палеолит даври макони. Бу улкан ғорнинг узунлиги 120 м, кенлиги 34 м ва баландлиги 25 м. 1980-йилларда С.да *Ў.Исломов* раҳбарлигида тадқиқотлар олиб борилган. Маконда 13 та маданий қатлам аниқланган бўлиб, ибтидоий одамлар мазкур ғорда 13 марта яшаганлар ва вақти-вақти билан ўз масканларини узоқ муддатга тарк этганлар. С. маданий қатламларидан 32 турдаги сут эмизувчи хайвонларга мансуб 5 мингдан зиёд суяк парчалари, 10 та одам тиши ва елка суяги бўлаклари топилган. Топилган археологик материалларнинг таҳлилидан келиб чиқиб С. макони одамларининг яшаган даври 1,5 млн – 37 минг йилликлар билан белгиланган.

**СЕМУРҒ** – шарқ халқлари оғзаки поэтик ижодидаги афсонавий куш образи. Дастлаб Эрон мифологиясида пайдо бўлган. *Авестода* “сенемурғ” шаклида келтирилган.

Туркий халқларда С.нинг Хумо, Анко, Давлат куши, Бахт куши, Маркумомо, Булбулигўё каби вариантлари бор. С.нинг Хумо варианты Ўзбекистон Республикаси Давлат гербига асос қилиб олинган. Тошкент шаҳридаги “Туркистон” санъат саройи олдида унинг рамзий монументи ўрнатилган.

**СИНАНТРОП** (лот. *sina* – хитой, юнон. *antropos* – одам) – энг қадимги одам (*архантроп*лар)га мансуб ибтидоий одам тури. 1929 йил Пекин яқинидаги Чжоукотьян ғоридан топилган. 600-500 минг йил олдин яшаган. Миясининг ҳажми 1100-1200 см<sup>3</sup>. С.лар *питекантроп*ларга яқин С.ларнинг суяк қолдиклари билан бирга улар фойдаланган, илк палеолит даврига мансуб содда тош қуроллари, уларнинг табиий оловдан фойдаланганлигига гувоҳлик берувчи кул ва ҳайвонларнинг куйган суяк қолдиклари топилган.

**СИҒНОҚ, Суноқ кўрғон** – Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган қадимий шаҳар. Ўтроқ маданий вилоятлар билан дашт ўртасидаги чегарада мил. авв. III асрда бино этилган. Мил. II-V асрлардаги хитой манбаларида теле деб номланган 44 та турк қабиласидан бирининг номи ҳам шундай аталган. X асрда С. ўғузларга тегишли бўлган. XIV-XV асрларда *Оқ ўрда* ва *Кучманчи ўзбеклар давлати*нинг пойтахти. XVIII асрдан кейин С. ҳақида

манбаларда маълумот учрамайди. Харобалари Туманарик темир йўл бекатининг шимолида 18 км масофада жойлашган.

**СКИФЛАР** – Қора денгизнинг шимолий-шарқий соҳилларида, Дунай, Дон, Днепр ва Днестр дарёлари куйи хавзаларидан то Волгага қадар ҳудудларда мил. авв. VII – милодий III асрларда яшаган чорвадор аҳоли. Юнон муаллифлари Ўрта Осиё ва Дашти Қипчоқда яшовчи *саклар*ни С. деб аташган. Тарихчи Геродотнинг ёзишича, *саклар* скифларнинг ўзгинаси бўлиб, “форслар барча скифларни *саклар* деб атайдилар” дейди. *Саклар*ни суғдийлардан Сирдарё ажратиб турган. *Массагетлар*, дербиклар, осийлар, дахлар, пасианлар, тохарлар, усунлар, сакаравакалар ва яна бошқа номларда аталувчи қабилаларнинг барчаси сак-скиф қабилалари иттифоқига кирган Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолисиدير.

## СОВЕТ-АФҒОН

### АРХЕОЛОГИК ЭКСПЕДИЦИЯСИ

Афғонистоннинг қадимий ёдгорликларини ўрганиш учун икки давлат олимлари ҳамкорлигида ташкил этилган экспедиция. 1969-1979 йилларда фаолият кўрсатган ушбу экспедицияга *В.И.Сарианиди* ва И.Т.Кругликовалар биргаликда раҳбарлик қилишган. Экспедиция асосан, Афғонистоннинг шимолий ҳудудларида қадимги тош ва энеолит-бронза, ҳамда темир даври ёдгорликларини очиб ўрганди. 1978 йилда *В.И.Сарианиди* томонидан мил. авв. I асрга оид Тиллатепадан еттида қушон аслзодаларига тегишли қабр топиб ўрганилди.

Бандан ташкари Тиллатепадан 20 мингдан ортик тилла буюмлар (“Бактрия олтинлари”)нинг топилиши жаҳон археологиясида кўлами ва аҳамияти жиҳатидан Г.Шлиман (Троя шоҳи Приам ҳазинасининг топилиши) ва Г.Картер (Тутанхамон макбарасининг очилиши) кашфиётлари билан тенглаштирилган эди.

**СОЛНОМА** (ф. “сол” – йил, “нома” – хат) – йилнома, таквим. Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, маданий, иқтисодий ҳаётида рўй берган муҳим воқеалар тадрижий равишда баён этилиб борилган ёзма ёдгорлик. С.лар одатда, тарихий воқеаларнинг бевосита иштирокчиси томонидан ёзилган.

**СОМОНИЙЛАР** – Ўрта Осиёда 875-999 йилларда ҳукм сурган марказлашган феодал давлат сулоласи. С. сулоласи келиб чиқиши жиҳатидан *Сосонийлар* давлатининг (224-651) машхур саркардаси турк Баҳром Чубинга бориб тақалади. Баҳром Чубинга давлат олдидаги катта хизматлари учун Балх ва Термиз оралиғидаги ерлар иқто сифатида берилган, у эса бу жойларга ўз яқинларини жойлаштирган. Сомонхудоёт аслида қадимги Фарғона (Парғана) ўғиз туркларидан бўлган. Сомонхудоёт Балх атрофининг йирик мулк эгаси – аслзодаларидан бири бўлади. Унинг набиралари халифа Хорун ар-Рашид (785-809)нинг Хуросондаги ноиб ўғли Маъмунга садокат билан хизмат қилганлар. Маъмун 813 йилда халифалик тахтини эгаллаб, 819 йилда Сомонхудоётнинг набираларига Мовароуннаҳр вилоятларини

бошқаришни топширади. С.дан Нух ибн Асаддан бошланган мамлакатни мустақил бошқаришга интилиш Исмоил Сомоний даврида ниҳоясига етади. Бухоро шаҳри давлат пойтахтига айлантирилади. X асрнинг биринчи ярми С. давлатининг гуллаган давридир. Мовароуннаҳр, Хуросон, Шимолий ва Жанубий Эронни ўз ичига олган ҳамда Хоразм, Сейстон, Жужон ва Табаристон (Мозондарон) бу давлатга итоат этган. С. даврида *Бухоро, Самарқанд, Марв*, Нишопур *Урганч*, Хирот, Балх савдо-хунармандчилик тараққий этган йирик шаҳарларга айланган.

992 йили *қорахонийлар* Бухорони босиб олади, 996 йили С.нинг Зарафшон ҳавзаси шимолидаги ерларнинг ҳаммаси *қорахонийлар* қўлига ўтади, 999 йили улар Бухорони ишғол этиб, С. давлатини бутунлай тугатадилар ва ҳокимиятни тўлиқ қўлга оладилар.

Сомоний ҳукмдорлари: Нух ибн Асад (819-842), Аҳмад ибн Нух (842-865), Наср ибн Аҳмад (865-888), Исмоил ибн Аҳмад (888-907), Аҳмад ибн Исмоил (907-914), Наср II ибн Аҳмад (914-943), Нух ибн Наср (943-954), Абдумалик ибн Нух (954-961), Мансур ибн Нух (961-976), Нух II ибн Мансур (976-997), Мансур (997-998), Исмоил II (998-1005).

**СОПОЛЛИ МАДАНИЯТИ** – Ўзбекистоннинг жанубий худудларида мил. авв. 2 минг йилликда дехқончилик билан шуғулланувчи бронза даври кабилалари маданияти. Келиб чиқиши жиҳатидан қадимги Шарқ цивилизациялари билан боғлиқ С.М. ёдгорликлари Сурхондарё

вилояти ва Тожикистоннинг жанубий ҳудудларидан топиб ўрганилган (*Сополлитепа, Жарқўтон, Мўлалитепа, Бўстон, Бўйрачи, Нурек, Тандирйўл*). С.М.нинг энг қадимги ва биринчи бор топиб ўрганилган ёдгорлиги *Сополлитепа* бўлиб, археологик маданият номи ҳам шундан олинган.

С.М. босқичлари:

1. Сополли босқичи – мил. авв. 2150-1900 йиллар.

2. Жарқўтон босқичи – мил. авв. 1900-1600 йиллар.

3. Кўзали босқичи – мил. авв. 1600-1450 йиллар.

4. Мўлали босқичи – мил. авв. 1450-1250 йиллар.

5. Бўстон босқичи – мил. авв. 1250-1000 йиллар.

С.М. учун хом ғишдан қурилган маҳобатли архитектура, суғорма дехкончилик, юксак даражада ривожланган ҳунармандчилик хосдир. Хунармандчиликнинг кулолчилик, металлургия, заргарлик, тўқимачилик ва терига ишлов бериш соҳалари яхши ривожланган. Диний эътиқод заминида оловга сиғиниш муҳим роль ўйнаган.

**СОПОЛЛИТЕПА** – Жанубий Ўзбекистон ҳудудидаги бронза даврининг мукамал ўрганилган ёдгорлиги. Ёдгорлик Сурхондарё вилоятининг Шеробод чўлини ўзлаштириш жараёнида 1968 йил *Л.И.Альбаум* томонидан илк бор рўйхатга олинган. 1969-1974 йилларда ЎзФА *Археология институтининг* Шеробод археологик отряди раҳбари *А.Асқаров* томонидан батафсил ўрганилган. Умумий майдони 3

гектарга яқин. Унинг 1 гектарга яқин марказий қисми мудофаа деворлари билан ўраб олинган. С. мудофаа деворлари тўлғама тузук усулида ишланиб, аниқ ўлчамли коридорсимон блокларга, уй-жойлар 8 та кварталга бўлинган. С.да шаҳар мақомига хос қатор омиллар мавжуд бўлсада, аммо монументал ибодатхона ва *арк* (цитадель) қад кўтармаганлиги боис, ёдгорликни ўрганган *А.Асқаров* уни илк шаҳар эмас, балки протошаҳар деб атайди. С. катта патриархал уруғ жамоаларининг 8 тасини бирлаштирган қишлоқ жамоаси эди. Сополлар чархда ясалган ва 2 каватли хумдонларда пиширилган. Улар нафис, рангсиз ва жарангдор. С.дан 158 та қабр очиб ўрганилган бўлиб, топилган ашёларга қараб уларнинг касби ва ижтимоий аҳволини айтиш мумкин. С. манзилгоҳида уруғ жамоа аъзолари оламдан ўтса, уни ўзи яшаган хонанинг поли остига, эшик ёки ўчоқ олдида ёки хона деворлари остига қўмиш одати бўлган.

С. жамоаси ушбу манзилгоҳда мил. авв. 2 минг йилликнинг бошларида (150-200 йил атрофида) яшашган ва сув танқислигидан Шеробод дарёсининг қадимги ўзани Бўстонсой соҳилларига кўчиб кетадилар. С.ликлар бу ерда Ўзбекистон ҳудудидаги энг дастлабки шаҳар – *Жарқўтон* шаҳрига асос соладилар.

**СОРОРАТ** (лот. *sorog* – сингил) – никоҳ одатларидан бўлиб оилавий муносабатларнинг ибтидоий кўринишлардан бири. Эрақнинг опа-сингилга уйланиши. С. баъзи халқларда хотини вафот этган



эркакнинг ўз кайин синглисига уйланиши тарзида сақланган. Кўпинча бу одатни етим болалар тарбияси учун гамхўрлик билан боғлайдилар. Ўзбекларда ҳам никоҳнинг бу тури сақланган бўлиб, унинг туб илдизи мулк билан боғлиқ эди. Чунки аёл вафот этганидан сўнг эркак қайта уйланиши учун яна қалин тўлаши лозим бўлган. Мархуманинг синглисига уйланганда эса, деярли қалин тўламаган ва фақат тўй харажатлари берилган, холос. Шунингдек, мархуманинг фарзандлари етимлик азоб-уқубатларини тортмаслигига ҳам эътибор берилган.

**СОСОНИЙЛАР** – милодий 224-651 йилларда Эронда ҳукмронлик қилган сулола ва давлат. Форсларнинг Сосон уруғидан бўлган Бобак бу сулоланинг асосчиси дир. Унинг ўғли Ардашер I 224 йилда бўлиб ўтган жангда Парфия шоҳи Артабан V кўшинларини енгади ва давлат чегараларини кенгайтириш сиёсатини бошлайди. Шопур I давридан бошлаб, С. тахтига чиққан сулола вакиллари “шоҳаншоҳ” унвонига эга бўлганлар. III асрнинг иккинчи ярми ва IV асрларда С. Эрони Шарқдаги энг қудратли давлатга айланган. Унинг сарҳадлари шарқда Ҳинд дарёсигача, шимолда Амударёгача, ғарбда Византия империясигача ёйилган. V аср ўрталаридан бошлаб, С. давлати Ўрта Осиё ҳудудидан бостириб кирган кўчманчи қабилалар – кидарийлар ва эфталийлар зарбаси натижасида кучсизланиб, ҳатто эфталийларга ўлпон ҳам тўлашга мажбур бўлади.

С. давлатига узил-кесил зарбани 651 йилда араб боқинчилари бериб, бу давлат барҳам топади.

С. давлатининг энг машҳур ҳукмдорлари: Ардашер I (224-239), Шопур I (239-272), Шопур II (309-379), Хурмузд III (458-459), Перўз (459-484), Балаш (484-488), Кубод (488-531), Хусрав I Анушервон (531-579), Яздигирд III (629-651).

**СТАВИСКИЙ БОРИС ЯКОВЛЕВИЧ** (25.11.1926 – 8.01.2006) – археолог, санъатшунос, Ўрта Осиё қадимги тарихи тадқиқотчиси, тарих фанлари доктори (1979), профессор. Ўрта Осиёда ташкил этилган кўплаб археологик экспедициялар иштирокчиси ва раҳбари. 1961-1991 йилларда *Қоратеп* ва *Эски Термиз*ни ўрганиш экспедициясига раҳбарлик қилган. 400 дан ортиқ илмий мақола ва асарлар муаллифи. “Искусство Средней Азии. Древний период” (-М. 1974.), “Кушанская Бактрия: проблемы истории и культуры” (-М. 1977.), “Судьба буддизма в Средней Азии” (-М. 1988.) каби асарлар муаллифи.

**СТРАТИГРАФИЯ** (лот. stratum – тўшама, қатлам, grapho - ёзаман) – археологик ёдгорликлардаги маданий қатламлар кетма-кетлиги. Кўп қатламли манзилгоҳларнинг нисбий санасини белгилаш ҳамда археологик комплекс таркибидаги бошқа топилмаларнинг ёшини бир биридан фарқлашда С. муҳим аҳамиятга эга. Тупроқ қатлами унинг таркибидаги жинслар ҳажмига қараб бир биридан фарқланади. Масалан, агар тупроқ қатлами ҳажми 3 мм дан кичик бўлмаган жинслардан таркиб топган

бўлса тошлок, 1-3 мм ҳажмда бўлса шағал (гравий), 0,5-1 мм ҳажмда бўлса кум, 0,5 мм дан кичик ҳажмда бўлса кумок ёки гил (тупроқ) деб юритилади.

**СТУПА** (санскритча – чўққи) – буддавийлик динига хос меъморий иншоот. Диний маросимларга мўлжаллаб думалок ёки тўртбурчак шаклида қурилган. Тарихий манбаларда қайд қилинишича, Будданинг жасади кўйдирилиб, кули 8 бўлакка бўлиниб, махсус қурилган С.ларга қўйилган. Улар Ҳиндистоннинг 8 та шаҳрида бор. Кейинчалик С.га ёдгорлик сифатида Будданинг муқаддас деб саналган аъзолари (сочи, тиши ва б.) солинган кутчалар жойлаштирилган. С.нинг ичи бўшлиқ эмас, яхлит тош, оҳақтош, хом гишт, пахсадан тикланган. Шақли минорасимон ёки шарсимон бўлади. Ўрта Осиёда ҳам *Қушонлар* салтанати даври (милодий I-IV-асрлар)да будда дини кенг ёйилиши муносабати билан Ўзбекистоннинг жанубий худудларидаги ёдгорликлар (*Фаёзтепа*)дан ҳам С.лар топилган.

**СУВЁРГАН МАДАНИЯТИ** – Қадимги Хоразмнинг мил. авв. II минг йиллик (бронза даври)га оид археологик маданияти. Бу маданиятга тегишли ёдгорликлар гуруҳи асосан, Амударёнинг ўнг қирғоқ дельтасида, чўл ичига ёриб қирган Сувёрган ўзани ўрнида қазилган шу номдаги канал бўйлаб тарқалган. 1945-1946 йилларда С.М.нинг типик ёдгорлиги Макон №6 да *Я.Ф.Ғуломов* кенг қўламли казишмалар олиб бориб, топилган материаллар таҳлили асосида сувёрганликларнинг этномаданий

ривожланишида жанубий Анов маданияти таъсири бўлса-да, аммо унинг келиб чиқиши илдиэлари сўнгги *Калтаминор маданияти*га бориб тақалади, деган хулосага келади. *С.П.Толстов* эса Ўрта Осиёнинг жанубий-ғарбий вилоятларидан Хоразмга янги этник гуруҳлар кириб келган, уларнинг моддий маданияти таъсирида С.М. шаклланган, деган ғояни илгари сурган. Ҳақиқат бу масала ҳали ўз ечимини топмаган.

**СУЛАЙМОНОВ РУСТАМ ҲАМИДОВИЧ** – тарихчи, археолог олим. “Беруний” номидаги давлат мукофоти (1985) ва “Дўстлик” ордени лауреати (1997). 1939 йил 30 майда таваллуд топган. 1962 йил ТошДУ Тарих факультетини битирган. 1963-1966 йилларда ЎзФА *Тарих ва археология институти* аспиранти. 1967 йилда “Грот Обирахмат и статистическая изучение обирахматской культуры” мавзусида номзодлик, 1998 йилда “История материальной культуры Южного Согда” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1970 йилдан ЎзФА *Археология институти*да меҳнат фаолиятини давом эттириш билан бирга турли йилларда ташкил этилган ўндан ортиқ археологик экспедицияларда иштирок этди. 1987-1993 йилларда ушбу институт директори лавозимида ишлади. 100 дан ортиқ илмий ишлари АҚШ, Англия, Франция, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистонда чоп этилган. Олимнинг “Қадимги Нахшаб” (Древний Нахшаб. - Ташкент-Самарқанд. 2000.) номли фундаментал асарида Қашқадарё воҳасида шаҳарсозлик

маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши масалалари батафсил ёритилган бўлиб, кенг илмий жамоатчилик эътирофига сазовор бўлган.

**СУЛОЛА** (ар. – насл, зот, зурриёт, болалар; уруғ, оила) – бир авлоддан тарқалиб ворислик, валиаҳдлик ҳуқуқига, асосан, бирин-кетин тахтга ўтирган подшоҳлар, амирлар, хонлар ва шу кабилар насли. Одатда С.нинг номи шу сулолага асос солган оила ёки уруғ, шунингдек, уруғ асосчиси номидан олинади. Масалан, *аҳамонийлар*, *аббосийлар*, *сомонийлар*, *темурийлар*, *шайбонийлар* ва б.

**СУҒД, СҒҒД, СУҒУД** – Ўрта Осиёдаги қадимги тарихий-маданий вилоят. Илк бор *аҳамонийлар* сулоласи вакилларининг қоятош битикларида Суғуда, юнон манбаларида – Согдианоё номи билан қайд этилган. *Авестонинг Видевдат* китобида *Ахурамазда* яратган эзгу юртлардан бири *Гавада* суғдийлар яшайди деб кўрсатилади.

С. сўзининг келиб чиқиши фанда турлича талкин қилинади. Баъзи олимлар бу сўзни “Муқаддас илоҳий олов билан покланган ер” деб таърифласалар, иккинчи гуруҳ олимлар “сернам, унумдор ер” деб изоҳлайдилар.

С. тарихий-маданий вилояти Қашқадарё ва Зарафшон дарёлари ҳавзаси, ҳозирги Ўзбекистоннинг Самарқанд, Навоий, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари, Тожикистоннинг Панжикент тумани ўрнига тўғри келади. С.нинг пойтахти *Самарқанд* шаҳри бўлган.

С. мил. авв. VI асрдан бошлаб *аҳамонийлар*, македониялик

Искандар салтанати, *салавкийлар*, *Юнон-Бақтрия давлати* таркибида, эрамининг I-IV асрларида *Кушонлар*, кейинчалик *хионийлар*, *эфталлийлар* ва *Турк ҳоқонлиги* тасарруфида бўлиб, ўзининг нисбий мустақиллигини сақлаб келган. С. конфедерацияси VI аср ўрталари – VIII аср бошларида сиёсий жиҳатдан кучайган ва араб истилочиларига қаршилиқ харакатининг маркази бўлган. С. подшоси Тургар (738-759)дан кейин *ихшидлик* сиёсий ҳокимияти тугаб, мамлакат *араб халифалиги* таркибига киритилган.

С. худудида қадимги ва ўрта асрлар даврига оид кўплаб археологик ёдгорликлар жойлашган. Ўзбекистон худудидаги *Куктепа*, *Самарқанд (Афросиёб)*, *Сангиртепа*, *Қарши*, *Кеш*, *Ерқўрғон*, *Узунқир*, *Қалъаи Заҳхоки Морон*, *Шуллуктепа*, *Базда* (Кўҳна Фазли), *Қосимқўрғон*, *Дунётепа*, *Таллисортепа*, *Кофиртепа*, *Олтинтепа*, *Косонттепа*, *Киндиктепа*, *Варахша*, *Пойкенд*, *Бухоро*, *Кофирқалъа*, *Талибарзу*, Тожикистон худудидаги *Муғтепа*, *Муё қалъаси*, *Гардани Ҳисор*, *Қалаъ-Мирон*, *Филмандар*, *Батуртепа*, *Панжикент*, *Чухқўрғон*, *Чимқўрғон*, *Тали Адай* ёдгорликлари шулар жумласидандир.

**СУҒД ЁЗУВИ** – қадимги *Сугдиёна* аҳолиси томонидан яратилган ёзув бўлиб, у оромий алифбоси асосида мил. авв. III-II асрларда пайдо бўлган. Милодий I-IV асрлардан бошлаб, суғд ёзувлари *Сугд* худудларидан ташқари, *Фарғона* водийсида, *Тошкент* воҳасида ва *Еттисува*да кенг тарқалган. Бу жараён

суғдийларнинг янги ерларни ўзлаштириш фаолияти ва савдогарларнинг *Буюк Инак йўли*даги ҳаракатлари билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам суғд тилидаги ёзма ёдгорликлар Марказий Осиё, Қозоғистон, Шарқий Туркистон, Покистон ва Мўғилистон худудларидан топилган. Эрамиз бошларидан то XI асрнинг биринчи чорагига қадар ёзилган кўплаб ноёб ёзма ёдгорликлар суғд ёзуви орқали бизга етиб келган.

С.Ё. қадимги уйғур, муғул, манжур ва қадимги турк ёзувларининг пайдо бўлишига асос бўлди.

Араблар истилоси натижасида Ўрта Осиёга араб тили ва ёзувининг кириб келиши суғд тили ва ёзувини аста-секин муомаладан чиқарди. Ҳозирда суғд тили ўлик тилга айланган бўлса-да, ўзбек тилида қадимги суғдча сўз ва иборалар сақланиб қолган.

**СФРАГИСТИКА** (юн. sphragis – муҳр) – қадимий муҳрлар (подшо, хонлар, амирлар ва қозиларнинг муҳрлари) ва уларда акс этган белгиларни ўрганувчи фан.

## Т

**ТАБАРЗИН** (ф. – “табар” – болта) – қадимги ҳарбий қурол тури. Дастаси оддий болтага нисбатан узунроқ бўлган ойболта. Ўрта асрларда отлик аскарларнинг асосий қуролларидан ҳисобланиб, от эгарининг олд томонига осиб қўйилган.

**ТАБЛ** – ўрта асрларда кўшиннинг ҳарбий юришлари ва жанг пайтида кенг қўлланилган ноғора.

**ТАГИСКЕН** – сўнгги бронза даврига оид қадимги *саклар*нинг мазор-қўрғонлари мажмуаси. Қизил Ўрда шаҳридан жанубий-ғарб томонда, Сирдарёнинг қадимги ўзани Инкар дарёси ўнг соҳилида жойлашган. 1959 йилда топилиб, 1960-1963 йилларда *С.П.Толстов* раҳбарлигидаги *Хоразм археологик экспедицияси* томонидан ўрганилган ва мил. авв. X-VIII асрлар билан саналаган. Т.дан 70 дан зиёд ҳар хил катталикдаги мазор-қўрғонлар аниқланган. Мазор қўрғонларнинг аксарияти ҳар хил даврларда “қароқчи археологлар” томонидан ноқонуний қавлаб очилиб ўғирланган ва талон-тарож қилинган. Қазилма ҳарафонида 100 дан ортиқ бронза миҳлар, бир неча олтиндан ясалган безаклар, тошмунчоқ, олтин сирғалар ва бронза камон ўқи учлари топилган. Тадқиқотлар Т. мазор-қўрғонлари кўчманчи қабилалар қабила-уруғ бошликлари ва зодагонларининг мавзолейлари эканлигини кўрсатган.

**ТАЛАНТ** – қадимги Юнонистон, Миср, Месопотамия, Сурия ва Эронда ишлатилган оғирлик ва йирик пул ўлчов бирлиги. 1 талант 6 000 *дирҳамга* тенг бўлган. Оғирлик ўлчов бирлиги сифатида Т.нинг миқдори турли мамлакатларда турлича бўлган. Масалан, қадимги Юнонистонда 1 талант 26,2 кг бўлса, Эронда 1 талант 33,655 кг га тўғри келган.

**ТАЛЛАШҚОНТЕПА** – Сурхондарё вилояти Шеробод шаҳридан 15 км жанубий-ғарб томонда жойлашган қадимий ҳарбий истехком-қалъа. Мил. авв. VI-IV асрларга оид. Доира

шаклидаги бу ёдгорлик диаметри 135 м. Майдони 16 га дан ошиқроқ бўлиб, хом ғиштдан терилган қалъа деворлари калинлиги 5 м. Қалъа деворига ташқи тарафдан 15 та бурж тақаб қурилганлиги туфайли Т. фортификацияси жуда мустаҳкам.

**ТАНАИС** – 1) Мил. авв. III аср – милодий V асрларда Дон дарёсининг қуйи оқимида Боспор подшолиги таркибида бўлган антик шаҳар; 2) юнон тарихчилари Дон ва баъзан Сирдарёни шу ном билан атаганлар.

**ТАНГРИ** (мўғ. – “тэнгэр” – осмон, худо) – 1) Худо, Оллох, тангричилик динида худонинг номи. Т. атамаси Осиё халқларининг энг қадимги мифологик фондида киради. Тадкикотчилар Т.ни кенгроқ талқинда шумерча – тенгир – “коинот”, “денгиз” билан боғлайдилар. Т. ҳақидаги тасаввур осмон руҳи эгаси ҳақидаги анимистик диний эътиқодлар асосида шаклланган бўлиб, унда осмон ҳам бевосита ўзининг кўринишида, ҳам Т. яшайдиган фазо сифатида тасаввур этилган; 2) ислом динини оммавий равишда қабул қилган туркий халқларда, жумладан, ўзбекларда Оллохнинг номларидан бири сифатида ишлатилади.

**ТАНОБ** (ар. – чилвир, аркон) – ер ўлчаш, узунлик ўлчаш, чизик тортиш ва шу кабиларда ишлатиладиган узун ип; 1) Ўрта Осиёда қўлланилган узунлик ўлчов бирлиги. XVII асрда қиймати 39,9 м га тенг бўлган; 2) Ўрта Осиё хонлиқларида экин майдонини ўлчаш учун қўлланиладиган юза

бирлиги. Томонлари 60 газ дан иборат бўлган майдонга тенг. 1 таноб-3600 метр кв. 12 таноб – 1 га ер майдонини ташкил этади.

## **ТАХТИ САНГИН** –

Тожикистон Республикаси Қўбадиён туманида, Амударёнинг ўнг соҳилида, Вахш ва Панж дарёларининг қўшилиш ерида жойлашган қадимги шаҳар. Тожиқчадан “Тош тахт” теган маънони англатади. Мил. авв. III – милодий III асрларга оид. Шаҳарнинг ички қисмида тош девор билан ўралган цитадель-арк (275×165 м) жойлашган. Т.С.дан Окс худосига қурилган ибодатхона мажмуаси (51×51 м) топилган. Ибодатхона ички қисмидан 12 та *оташқада* ва йирик тош блокларидан қурилган 4 та монументал алтарь, 5 мингдан ортиқ вотив (овоз берувчи) предметлар, шунингдек, мил. авв. V – милодий III асрларга оид эллинистик ҳайкаллар, фил суягидан ишланган буюмлар, ханжар-*акинаклар*, юзлаб *юнон-бақтрия*, *кушон*, *парфия* ва ҳинд тангалари топилган.

**ТЕМИР ДАВРИ** – археологик даврлаштиришда бронза асрдан кейин келувчи давр. Т.Д.нинг бошланиши турли мамлакатларда турлича. Баъзи бир ҳудудларда, масалан, Африкада темир биринчи ихтиро қилинган металл бўлиб, бу ерда бронза даври деярли бўлмаган. Америка китъасида эса темир бу ерга европаликлар келгач пайдо бўлади. Европада Т.Д. мил. авв. II минг йиллик охиридан бошланади. Энг қадимги темир буюмлари мил. авв. II минг йиллик бошларига оид

бўлиб, улар Кичик Осиёлик хеттларга тегишлидир.

Ўрта Осиёда темирнинг пайдо бўлган даврини олимлар турлича саналайдилар. *В.М.Массон* буни мил. авв. X-VII, *Ю.А.Заднепровский* мил. авв. X-VIII, *А.С.Сагдуллаев* Марказий Осиё худудидан топилган темирдан ясалган барча топилмалар рўйхати ва хронологик даври асосида мил. авв. X-VIII асрларни бронза даврдан илк темир даврига ўтиш, мил. авв. VII-IV асрларни эса илк темир даври, деб белгиланган. Аммо, кейинги йилларда Жанубий Туркменистоннинг сўнги бронза даврига оид *Тугалоқ-21*, *Гонур*, *Жанубий Ўзбекистондаги Жарқўтон* ёдгорликларидан мил. авв. XV-X асрларга оид темирдан ясалган энг қадимги буюмлар топилмоқда.

Ўзбекистон худудида илк темир даврига оид бир қатор маданиятлар мавжуд. Булар Фарғона воҳисидаги *Чуст*, Тошкент воҳисидаги *Бурзулук*, Сурхон воҳисидаги *Кучуктепа* ва Хоразм воҳисидаги *Куйисой* маданиятларидир.

**ТЕМУРИЙЛАР** – Амир Темур вафотидан сўнг 1405-1507 йилларда *Мовароуннаҳр*, Афғонистон, Эрон, Озарбайжон худудларида ҳукмронлик қилган сулола. Амир Темур салтанати унинг ўғиллари ва набиралари томонидан икки қисмга бўлиб идора қилинган. Самарқанд ва Ҳирот шаҳарлари темурийлар давлатининг пойтахтлари бўлган. Амир Темурнинг тўртта ўғлидан бир неча неvara ва эвара бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзини олий ҳокимият вориси деб ҳисоблаганлар. Бу эса мамлакатда

ўзаро тахт учун курашни келтириб чиқариб, кейинчалик давлатчилик асосларининг емирилишига замин бўлган. Сўнги Т. давридаги сиёсий тарқоқликдан фойдаланган Муҳаммад Шайбонийхон (1451-1510) бирин-кетин Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарларини эгаллаб, Т. сулоласига барҳам беради.

Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган темурийлар: Халил Султон (1405-1409), Мирзо Улуғбек (1409-1447), Абдуллатиф (1449-1450), Абдуллох Мирзо (1450-1451), Абу Саид (1451-1469), Султон Аҳмад (1469-1494), Султон Маҳмуд (1494-1496), Бойсункур (1496-1497), Султон Али (1497-1500).

Хуросонда ҳукмронлик қилган темурийлар: Шоҳрух (1409-1447), Мирзо Улуғбек (1447-1449), Абулқосим Бобур (1449-1457), Султон Маҳмуд (1457-1459), Хусайин Бойқаро (1469-1506), Бадуиззамон (1506-1507).

**ТЕРМИЗ АРХЕОЛОГИК КОМПЛЕКС ЭКСПЕДИЦИЯСИ (ТАКЭ)** – 1936-1938 йилларда Термиз шаҳри ва унинг атрофларини ўрганиш мақсадида профессор *М.Е.Массон* раҳбарлигида ташкил этилган Ўрта Осиё худудидаги дастлабки йирик археологик илмий экспедиция. Кўхна шаҳар тарихини ҳар томонлама, чуқур ўрганиш учун Тошкент, Москва, Санкт-Петербургниң юқори малакали мутахассислари – археолог, санъатшунос, архитектор, геолог, ирригатор ва бошқалар жалб этилди. Тадқиқотлар натижасида Термиз шаҳрининг юзага келишидан бошлаб то XIV асрнинг бошларигача бўлган тарихи илк бор

даврлаштириб чиқилди, тарихий топографияси тузилди. Кушонлар даврига тегишли Чингизтепа, *Айритом* ва *Қоратепа* каби ёдгорликлар тадқиқ қилиниб, *Кушон давлати* тарихини ўрганиш ишига катта кадамлар қўйилди. *Айритомдан* дунёга машхур машшоқлар тасвири солинган *фриз* бўлақлари топилди. Термиз ҳукмдорлари саройида (XI-XII а.) кенг қўламли қазимиша ишлари олиб борилди. Бошқа меъморий ёдгорликлар, шаҳар ва унинг атрофи суғориш иншоотлари тарихи тадқиқ қилинди. Экспедиция якунлари 1940 ва 1945 йилларда икки жилдли китобда, кўплаб мақолаларда эълон қилинган.

**ТЕРАКОТА** (ит. terra – ер, cotta – пиширилган) – пиширилган соф лойдан ясалган, сирланмаган бадий санъат буюмлари, сопол ҳайкалчалар. Т. сопол буюмлари *неолит* давридан маълум.

**ТЕТИС** – Евроосиё материгида 500-25 млн йил олдин мавжуд бўлган улкан денгиз (океан). Бугунги Орол, Каспий ва Қора денгизлари Т. денгизининг қолдиқлари ҳисобланади.

**ТЕШИКТОШ** – палеолит даврнинг ўрта босқичи (*мустье* даври)га оид манзилгоҳ. Сурхондарё вилоятининг Бойсун тоғида жойлашган. Макон 1938 йилда топилган бўлиб, *А.П.Окладников* томонидан тўлиқ ўрганилган. Ёдгорлик *неандертал* боланинг қабри топилганлиги билан дунёга машхур. Ғорнинг кенглиги олд қисмида 20 м, узунлиги 21 м ва баландлиги 9 м ни ташкил қилади. Ёдгорликда 5 та маданий қатлам аниқланган. Қатламлардан ўчоқ

қолдиқлари, 3000 дан ортик тош қуроллари ва ёввойи ҳайвон суяклари топилган.

**ТИГЕЛ** – металл эритиладиган махсус сопол қозон.

**ТИЛЛА-ТЕПА** – Афғонистон худудида жойлашган бронза даврига оид қишлоқ ва кушонлар даврига оид қабристон. 1970-йилларда археолог *В.И.Сарианиди* томонидан очиб ўрганилган. Антик даврга оид мазорлардан 20 мингга яқин олтин ва ноёб тошлардан ясалган қимматбаҳо тақинчок-буюмлар топилган. Хорижий матбуот бу топилмаларни Тутанхамон макбарасидан топилган асори-атикалар билан тенглаштирган эди.

**ТИМ, ТОҚ** – ўрта асрларда усти ёпиқ бозор, савдо растасининг баланд томи, гумбази. Тимлар қадимда, асосан, йирик шаҳар марказларида, қўчалар кесишган чорраха, чорсу, гузар майдонида, қарвонсаройлар яқинида жойлашган. Усти улкан гумбаз билан қопланиб, бир неча хунармандчилик дўконлари ва савдо расталарини ўз ичига олган.

**ТОЗАБОҒЁБ МАДАНИЯТИ** – Қадимги Хоразмнинг мил. авв. II минг йиллик ўрталари ва иккинчи ярмига оид бронза даври археологик маданияти. *С.П.Толстов* 1938 йилда бу маданиятга тегишли биринчи манзилгоҳни Тозабоғёб канали яқинидан топганлиги боис шундай номланган. Т.М. Жанубий Оролбўйи худудининг маҳаллий *Сувёран маданияти* ва Евроосиё даштларининг Сруб (ёғочбанд) ва *Андроново* маданиятлари қабилалари қоришувидан шаклланган. Асосий машғулотлари

эса халқнинг этник тарихи бошланади. Масалан, Ўзбек халқининг этник шаклланиши – этногенези XI–XII асрларга келиб, ўз ниҳоясига етган. Шундан кейин эса Ўзбек халқининг этник тарихи бошланган. Этник тарихнинг тугал босқичи миллатнинг шаклланиши ҳисобланади.

**ЭТНОГЕОГРАФИЯ** (юн. *ethnos* – халқ, *geo* – ер, *grapho* – ёзаман) – *этнография* фанининг бир бўлими. Алоҳида мамлакат ёки минтақалар аҳолисининг таркиби ва жойлашиш тарихини ўрганади.

**ЭТНОГРАФИЯ** (юн. *ethnos* – халқ, *grapho* – ёзаман) – тарихнинг ёрдамчи фан соҳаси бўлиб, халқларнинг урф-одатлари, ҳўжалиги ва маданиятини, халқлар, этник бирликнинг турли типлари, уларнинг келиб чиқиши (*этногенези*), турмуши, тарихий ва маданий муносабатларини ўрганадиган ижтимоий фан. Э. фани асосий эътиборни ҳозирги халқларга қаратган ҳолда ўтмишда мавжуд бўлган барча этник бирликларни илмий ўрганишни ҳам камраб олади.

**ЭТНОЛОГИЯ** (юн. *ethnos* – халқ, *logos* – фан) – XIX асрнинг биринчи ярмида фанга киритилган атама бўлиб, ер юзидаги халқлар ва маданиятлар тараққиётининг умумий қонуниятларини ўрганади.

**ЭТНОНИМ** (юн. *ethnos* – халқ, *onoma* – исм, *nomos*) – *уруғ*, *қабил*, *элат*, *халқ*, *миллат* ва бошқа хил этник уюшмаларнинг номи.

**ЭФТАЛИЙЛАР** – Ўрта Осиё халқларининг тарихи ва *этногенези*да муҳим роль ўйнаган манбаларда эфталитлар, эфталлар, хайталлар, абдаллар тарзида

эслатилган йирик қабилалар уюшмаси. Э.нинг келиб чиқиши хусусида фанда яқдил фикр йўқ. Аммо уларнинг туркий этносга тааллуқли эканлиги шубҳасиз. Э. V асрнинг ўрталарида Ўрта Осиёнинг аксарият қисмини ўз тасарруфига киритадилар. *Хуросон* ерлари учун Э. Эрон *Сосонийлар* давлати (224–651) билан қаттиқ урушлар олиб бориб, бу давлатнинг шимолдаги энг хавфли рақибига айланадилар. VI асрнинг охирларида Э.нинг Ўрта Осиёдаги ҳукмронлигига *Турк хоқонлиги* барҳам беради.

Э. давлатининг ҳукмдорлари: Оқ Сивар (420–470), Эфталон (470–496), Тўраман (496–510), Меҳрикор (510–540), Гатфар (540–565), Фаганиш (565), Ахшунвар (565–579).

## Ю

### ЮНОН-БАКТРИЯ

**ПОДШОЛИГИ** – мил. авв. 250 йилдан 140–130 йиллар орасида мавжуд бўлган давлат. Салавкийлар давлатида ака-ука Селевк II ва Антиох Гиераклар ўртасида ҳокимият учун ўзаро кураш авжига чиққан бир пайтда Салавкийларнинг Бактриядаги ноиб Диодот ўзини мустақил деб эълон қилади. Янги ташкил топган давлатнинг ҳудуди Бактрия ерларига тўғри келса-да, уни бошқарган подшолар асли келиб чиқиши юнонлардан эди. Шунинг учун ҳам бу давлатнинг номи Юнон-Бактрия деб юритилади. Юнон-Бактрия давлати тарихан қиска вақт 120 йил яшаган бўлса-да, ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим ўрин қолдирди. Ҳунармандчилик,



савдо-сотик, шаҳарсозлик маданияти гуллаб яшнади. Маҳаллий ва юнон маданиятининг қўшилиб кетишидан ўзига хос эллинизм маданияти таркиб топди.

Юнон-Бақтрия давлатига мил. авв. 140-130-йилларда шимолий-шарқдан Ўрта Осиё ҳудудларига кириб келган кўчманчи юэчжи қабилалари барҳам беради.

Юнон-Бақтрия ҳукмдорлари: Диодот I (250-), Диодот II (-230), Евтидем (230-199), Деметрий (199-167), Евкратид (167-155), Глиокол (155-140).

**ЮЭЧЖИЛАР** – қадимги хитой манбаларига кўра юэчжи қабилалари мил. авв. IV-III асрлар чегарасида Монголия ҳудудида яшовчи хунларнинг қўшнилари бўлишган. Мил. авв. III асрнинг иккинчи ярмига келиб Ю. жуда катта кучга айланганлар ва хунларнинг бошлиғи уларга ўлпон тўлашга мажбур бўлган. Аммо бир оз вақт ўтгач, хунлар сардори Маодун хунларни кучли ҳокимият остида бирлаштириб, бу кўчманчи қабилаларни қудратли кучга айлантирди. Мил. авв. 176 йилда хун лашкарбошиларида бири юэчжиларни жангда мағлубиятга учратади. Маодуннинг ўғли Лаошин мил. авв. 174 йилда Ю.ни яна тормор келтиради ва ҳукмдорини ҳам ўлдириб бош чаноғидан май қадахи ясаптиради. Мағлубиятга учраган кўчманчи Ю. ғарбга-Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиё ҳудудларига кириб кела бошлайдилар. Аммо бу ҳудудларида Ю. хитой манбаларидан “усун” деб аталувчи кўчманчи чорвадор қабилалар билан тўқнаш келадилар. Ўзаро урушларда охир-оқибат усун

қабилаларининг қўли банд келиб, юэчжи қабилалари Тяньшань, Фарғона ва Помир тоғлари оша шимолий-ғарбий Ҳиндистон ва Бақтрия ерларига кириб келадилар.

Юэчжи қабилалари ҳақида маълумотлар фақат қадимги ва ўрта аср хитой манбаларида сақланган. Қадимги юнон-рим тарихчилари (Страбон, Помпей Трог) асарларида эса бу ном умуман учратилмайди. Афтидан, улар Ю.ни бошқа номда атаган бўлсалар керак. Улар *Юнон-Бақтрия давлатининг* қулаши ҳақида берган маълумотларида эса асианлар, пасианлар, тохарлар, сакарауллар ҳақида ёзадилар.

Ю.нинг келиб чиқиши ҳақида тадқиқотчилар ўртасида яқдил фикр йўқ. Баъзи олимлар Ю.ни *массагетларнинг* авлоди деб ҳисобласалар (*С.П.Толстов*), баъзи олимлар уларни тохарларнинг авлоди деб ҳисоблайдилар (*И.Маркварт*, *Э.Пуллейбленк*). Таникли ўзбек олими академик *А.Асқаров* фикрига кўра, Ю. скиф-сак қабилалари иттифокига кирувчи тохарларнинг хитойча номланишидир. Ю.нинг географик жойлашуви, моддий ва маданий ҳаёт даражасига қараб туркий қабилалардан деб ҳисоблаш мумкин. Жумладан, япон олими К.Еноки “мил. авв. III асрлардаги юэчжилар жойлашган ўрни ва хўжалик ҳаётига кўра VI асрдаги турклар билан жуда ўхшаш” - деб кайд қилади.

Мил. авв. II-I асрларда Бақтрияни эгаллаган Ю. *Юнон-Бақтрия давлатини қулатиб*, бу ерни 5 та ябғулик (Сюми, Шуанми, Гуйшуан, Сидун, Думи)ка бўлиб, идора этишган. Шулар орасида

Гуйшуан ябғулари қолганларини ҳам ўзига бўйсундириб, кейинчалик тарихда машҳур *Кушон подшолигига* асос соладилар.

## Я

**ЯГОДИН ВАДИМ НИКОЛЯЕВИЧ** (1932 – 01.06.2016) – археолог олим. Қорақалпоғистон, Жанубий Оролбўйи минтақаси тарихи ва археологиясининг машҳур тадқиқотчиси. У 1932 йилда Оренбург вилоятининг Бузулуқ шаҳрида зиёли оиласида дунёга келди. Ёшлигида бўлажак археологнинг отаси Тўртқўл шаҳридаги мактаблардан бирига мусиқа ўқитувчиси қилиб ишга юборилганди. Дастлабки таълимни шу ерда олган В.Н.Ягодин Н.Г.Чернишевский номидаги Иваново-Вознесенск Давлат университети Тарих факультетида таҳсил олади. 1955 йилдан кейинчалик таниқли рассом И.В.Савицкий номи берилган Нухусдаги Республика ўлкашунослик музейида меҳнат фаолиятини бошлайди. 1963 йил Москвада номзодлик, 1991 йил “Ўрта асрларда Орол-Каспий денгизлари оралигида яшаган чорвадор-овчилар” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. Олим 1964-1968 йилларда ЎзФА Қорақалпоғистон филиали Тарих, тил ва адабиёт институти катта илмий ходими, 1969-1991 йилларда ушбу институт Археология бўлими мудири, 1992 йилдан то вафотига қадар ЎзФА Қорақалпоғистон филиали Тарих, тил ва адабиёт институти директори

лавозимида фаолият кўрсатди. Амударё дельтасида жойлашган Кердер маданиятининг очиб фанга киритилишида В.Н.Ягодиннинг хизмати катта. 20 йил давомида (1970-1991) Орол ва Каспий денгизлари орасидаги саҳрони археологик жиҳатдан ўрганиш экспедициясининг фаолияти бевосита В.Н.Ягодин номи билан боғлиқ. Бундан ташқари олим турли йилларда Хоразм вилояти, Туркменистон, Қозоғистон, Россия, Афғонистон, Иордания мамлакатларида ўтказилган археологик экспедицияларда фаол иштирок этган. Мустақиллик йилларида Австралия ва Франция олимлари билан ҳамкорликда Қадимги Хоразм давлатининг пойтахти деб эътироф этилган янги археологик ёдгорлик *Ақчахонқалъа* (Қозоклиётган)нинг қазиб ўрганилишида олимнинг хизмати айниқса катта. Сермаҳсул ижодкор сифатида 150 дан ортик илмий ишларни ёзди ва нашр эттирди. У “Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” (1977) ва “Фан арбоби” унвони (1983), “Меҳнат шухрати” орденларига сазовор бўлди. Россия, Австралия, Иордания археологлар жамиятларининг тан олинган фаол аъзоси бўлди.

**ЯЗ МАДАНИЯТИ** – илк темир даврига оид маданият. Я.М. ёдгорликлари мил. авв. 1500-1100 йиллар оралигида *Бақтрия* ва *Маргиёна* худудларида ёйилган. Тадқиқотлар жараёнида ушбу маданият ёдгорликларидан қабрлар топилмаган. Шунинг учун ҳам олимлар Я.М.ни зардуштийлик таълимоти (*Авесто*) шаклланган

кабилалар маданияти қаторига киритадилар. Маълумки, зардуштийликда жасад ерга қўмилмаган ва олов муқаддас ҳисобланганлиги учун мурда ўтда ёқилмаган.

**ЯКСАРТ**, Танаис, Инжу-ўқуз – Сирдарёнинг юнон-рим тарихчилари асарларида ва Ўрта аср Ғарбий Европа манбаларида учрайдиган қадимги номи. Плинийнинг маълумотларига кўра, дарёни Бактрияликлар Лаксарт (Яксарт), скифлар Силис деб аташган. Клавдий Птоломейнинг (мил. II аср) “Географиядан қўлланма” асарида ёзилишича, Я. дарёси соҳиллари яқинида яксартлар деган қатта қабила яшаган.

Янинг паҳлавийча Йахшарт шаклидаги номини шарқшунос И.Маркварт Йахша арта – ҳақиқий, тоза, гавҳар деб изоҳлайди. Янинг хитойча таржимаси Яоша, Юша, Йоша. Исломият даврига оид араб (Берунийнинг “Қонуни Масъудий”) ва форс (“Худуд ул-олам”) манбаларида Хашарт шаклида учрайди.

### **ЯКУБОВСКИЙ**

**АЛЕКСАНДР ЮРЬЕВИЧ** (20.01.1886. Санкт-Петербург. – 21.03.1954. Ленинград.) – тарихчи, шарқшунос, археолог олим. СССР ФА мухбир аъзоси (1943), Тожикистон ФА ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон ва Тожикистонда хизмат кўрсатган фан арбоби. “Ислом энциклопедияси”нинг биринчи нашри муаллифларидан бири. 1913 йил Петербург Университетининг тарих-филология, 1924 йилда Шарк факультетларида ўқиб,

*В.В.Бартольд, И.Ю.Карчаковский, А.А.Ромаскевичлардан таълим олади. 1934 йил Бухоро воҳаси, 1939 йил Зарафшон экспедицияси, 1945 йилдан суғд-тожик археологик экспедицияларига раҳбарлик қилади. Суғд цивилизациясининг эталон ёдгорлиги бўлган Панжикентнинг очиб ўрганилиши А.Ю.Якубовский номи билан боғлиқ. Б.Д.Греков билан ҳаммуаллифликда ёзилган “Золотая Орда” (-Л. 1937., -Ташкент-Самарқанд. 1940., -Л. 1941.) ва “Золотая Орда и её падение” (-М.-Л., 1950.) асарлари, шунингдек, К.В.Треввер, М.Э.Воронецлар билан ҳамкорликда яратилган 2 томлик “История народов Узбекистана” (-Т. 1950.), “Древний Пянджикент” (-М., 1951.) китоблари муаллифи. А.Ю.Якубовскийнинг “К вопросу об этногенезе узбекского народа” (-Т. 1941.) деб номланган асари бугунги ўзбек халқининг келиб чиқиши юзасидан эълон қилинган илк фундаментал асар бўлиб, унда илгари сурилган ғоя ва концепциялар шу мавзудаги кейинги тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилди.*

**ЯЛАНГҲҶШТЕПА** – антик ва илк ўрта асрлар даврига оид шаҳар ёдгорлиги. Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги Ўргулсой дарёсининг қуруқ ўзани бўйида жойлашган. 1973 йилда Э.В.Ртвеладзе томонидан аниқланиб ўрганилган. Умумий майдони 30 га бўлиб, 3 қисмдан иборат: *қўрғон, шаҳристон* ва *кабристон*. Қўрғон тўғри тўртбурчак режали (110×100 м), девор ва хандак билан ўраб олинган. Ёдгорликдан *қушон*

даврига оид сопол идишлар, *терракот*дан ясалган маъбуданинг боши, арфа чалаётган қиз хайкалчаси топилган.

**ЯСНА** – *Авесто* китобининг бизгача етиб келган қадимги қисмларидан бири. Я. китоби 72 бобдан иборат бўлиб, улардан 17 таси “Готлар” – пайғамбар Заратуштранинг “мукаддас мадҳиялари”дан иборат.

**ЯССИ** – ҳозирги Қозоғистон Республикасидаги Туркистон шаҳрининг ўрта асрлардаги номи. Маҳмуд ибн Вали (XVII а) “Баҳр ул-асрор” (“Сирлар денгизи”) асарида “Ҳозирги Туркистон бу Сакси шаҳри, авом халқ уни Ясси деб атайти” – деб ёзади. Араб географларининг ёзишича, Я. ўрнида X асрда Шавғар шаҳри бўлган. XI-XII асрларда Я. номи тарихий манбаларда учрай бошлайди.

**ЯШТ** – *Авесто* китобининг бизга етиб келган энг қадимги қисмларидан бири. Яшт китоби 21 бобдан иборат бўлиб, унда ёзувсиз замонлардаги эроний қабилаларнинг диний тасавурлари, афсонавий қаҳрамонлар ва худоларга бағишланган мадҳиялар тўпланган. У қадимги қабилаларнинг оғзаки ижоди асосида пайдо бўлган.

## Ў

**ЎЗАН** – дарё водийсининг энг паст, сув доим оқадиган, ҳатто сув қайтиш даврида ҳам оқим бўладиган қисми. Ўрта Осиёда энг катта Ў.га эга бўлган дарёлар Амударё ва Сирдарёдир.

**ЎЗБЕКЛАР** – жаҳон халқлари орасида биринчилардан бўлиб, туркий халқлар орасида биринчи бўлиб ўтроқ ҳаётга ўтган, қадимий давлатчилик, шаҳарсозлик, юксак хунарамандчилик, ноёб моддий ва маънавий маданият яратган, жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган халқ.

“Ўзбек” атамасининг келиб чиқиши хусусида фанда икки хил ёндашув мавжуд: биринчи гуруҳ тадқиқотчилар “Ўзбек” атамасининг келиб чиқишини Олтин Ўрда хони Ўзбекхон (1312-1342) билан боғласалар, иккинчи гуруҳ олимлар “Ўзбек” атамаси ўрта асрларда Дашти Қипчоқда яшовчи қўчманчи халқларнинг бошқаларга тобе бўлмаган, “Ўзига бек”, “Ўз-Ўзига бек”, талқинидан келиб чиққан деб ҳисоблашади.

Юқоридаги тахминлардан иккинчиси тарихий ҳақиқатга яқинроқ. Чунки “Ўзбек” атамаси қабилалар уюшмаси ва шу қабилаларга қарашли ерларнинг номи сифатида Ўзбекхонга қадар ҳам қўлланилган. Жумладан, Мирзо Улуғбек ўзининг “Тарихи арбаъ улус” асарида “Ўзбек улуси Ўзбекхонга берилди” деб қайд қилади. Бундан ташқари, Ўзбекхондан олдин ҳам шу номда бир неча тарихий шахслар ўтган. Жумладан, XIII аср бошларидаги Озарбайжон ҳукмдорининг исми ҳам Ўзбек Отабек бўлган.

XIV-XV асрларда ҳам Мовароуннаҳр ерларида яшовчи аҳоли хали “Ўзбек” номи билан юритилмай тарихий манбаларда умумий ном билан “туркийлар” деб юритилар эди. “Ўзбек” атамасининг пайдо бўлиши тарихан олиб

каралганда, Мовароуннаҳр худудларидан четда, шимолда, Дашти Қипчоқ ерларида пайдо бўлган эди. Дашти Қипчоқ ерларида ўрта асрларда кўчманчи чорвадор ўзбек қабилалари кенг майдонда истиқомат қилишар эди. XV асрда Дашти Қипчоқда (ҳозирги Қозоғистон ва Ғарбий Сибир чўлларига тўғри келади) Абулхайрхон (1428-1468) томонидан Кўчманчи ўзбеклар давлатига асос солинади. Абулхайрхоннинг невараси Муҳаммад Шайбонийхон (1451-1510) даврида ўзбекларнинг инкирозга учраётган *темурийлар* давлатига тазйиқи янада кучаяди. Оқибатда Мовароуннаҳрдаги темурийларнинг сиёсий тарқоқлигидан унумли фойдаланган Шайбонийхон бошлик кўчманчи ўзбеклар бу ерларни истило этиб, сиёсий ҳокимиятни қўлга оладилар. Энди тарихий манбаларда Мовароуннаҳрни кўчманчи ўзбеклар эгаллаб олганлиги учун мазкур ерларни ўзбеклар юрти, шу ерда азалдан яшаётган туркий аҳолини ҳам умумий ном билан ўзбеклар деб юритила бошланди. Бундан шундай хулосага келиш керакки, Мовароуннаҳрда яшаётган халққа ўзбек номи XVI асрдан бошлаб берилди.

Тарихий-археологик маълумотларга кўра, бугунги ўзбек халқининг этник асосини ташкил этган туркий ва форсий тилли қабилла-элатларнинг ўзаро аралашув жараёни бронза давридан бошланиб, бу жараён илк темир, антик ва илк ўрта асрлар даврида ҳам узлуксиз давом этади. XI-XII асрларга келганда Мовароуннаҳр

заминида яшаётган аҳоли ўзининг ягона антропологик-этник хусусиятини олиб бўлади. Тушунарли тил билан айтганда тили, дини, моддий ва маънавий маданияти, анъана ва кадриятлари бир хил бўлган халқ шаклланади. Фан тили билан айтганда халқ шаклланишининг этногенез босқичи яқунланади. Ана шу туркий тилли халқ ўзининг “ўзбек” номини XVI асрга келганда олади. “Ўзбекистон” сиёсий атамаси 1924-1925 йилларда Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-худудий давлат чегараланишидан сўнг пайдо бўлган

**ЎЗБЕК УЛУСИ** – *Олтин Ўрда* ва *Дашти Қипчоқ*нинг шарқий қисми (Жанубий-Ғарбий Сибир)да Абулхайрхон асос солган (1428) давлат ва унинг аҳолиси. Илгари бу худудлар Шайбон улуси деб аталган. Пойтахти Тура шаҳри бўлган. Ўзбек улуси *темурийлар* давлатига шимолдан доимо хавф солиб, *Мовароуннаҳр*даги сиёсий жараёнларга аралашиб турган. Абулхайрхон вафоти (1468)дан сўнг Ўзбек улуси инкирозга юз тутган.

**ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНИК ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ** – ўзбек халқи икки хил тил (туркий ва қадимги эроний)да сўзлашувчи қабилла ва элатларнинг аралашishi ва қоришувидан таркиб топган бўлиб, бу икки тилда сўзлашувчи жамоаларнинг этник жиҳатдан дастлабки аралашуви сўнгги бронза даври (мил. авв. II - минг йилликнинг охири)да юз берди. Бу даврни ўзбек халқи этногенезининг бошланиши, яъни **биринчи босқич** деб ҳисоблашимиз

мумкин. Сўнги бронза давридан бошланган ассимиляция жараёни антик даврга келиб (мил. авв. IV-II асрлар). Ўзбек халқига хос иктисодий хўжалик, этномаданий ва антропологик тип бирликларини ўзида мужассамлаштирувчи, ўтроқ ҳаётга мослашган туркий ҳудудий майдон таркиб топди, Ўзбек халқига хос антропологик типнинг макон ва замони аниқланди. Оқибат натижада, милоддан олдинги II милодий I асрлар давомида туркий тилли элат таркиб топди. Бу даврга **Ўзбек халқи этногенезининг иккинчи босқичи** сифатида қараш мумкин.

Ўзбек халқи этногенезининг **учинчи босқичи** илк ўрта асрлар даврини ўз ичига олади (Милодий IV-VII асрлар). Илк ўрта асрлар даври кушонлар империяси ва Қанг давлатининг инкирозидан бошланади. Ўрта Осиё ҳудудларига туркий ўй хионийлар, кидарийлар, эфталийлар ва Турк ҳоконлиги кириб келди ва улар билан бирга кириб келган қабилалар таркибида қарлук, чигил, тухси, аргун, турк, қалтатой, мусабозори қаби туркий-забон қабилалар кўп эди. *Ю.А. Якубовский*нинг таъкидлашича, бу даврда Ўрта Осиёнинг бирор жойи қолмадики, у ерларга туркий қабилалар кириб бормаган бўлса.

Мовароуннаҳр ерларини араблар эгаллагач, улар бу заминга туркий қабилаларининг мунтазам кириб келишини тўхтатиш йўлини кидирдилар. Бу заминга олдинроқ кириб келиб, ўрнашиб қолган **туркийларнинг ўтроқлашиши жадаллашди.** Натижада, бутун VIII аср давомида Мовароуннаҳр

ҳудудларида яхлит туркий этник қатлам, жонли туркий тил муҳити вужудга келди. Маҳаллий сугдий-забон аҳоли орасида туркийлашиш жараёни жадаллашди. IX-X асрларда Мовароуннаҳрда гарчи сиёсий ҳокимият сомонийлар қўлида бўлса-да, Мовароуннаҳр ва Хоразмда туркий этник қатлам кучли этник асосга эга бўлди. Бу кучли этник асосни ўтроқлашган тургун турклар ташкил этарди. Бу даврга **Ўзбек халқи этногенезининг тўртинчи босқичи** сифатида қараш мумкин. *Қорахонийлар* даврида *Мовароуннаҳр* ва Хоразмда сиёсий ҳокимият туркий сулолалар қўлига ўтиши муносабати билан **Ўзбек халқи этногенезининг якунлови бешинчи босқичи** бошланди. Ўзбекка хос туркий этнос минтақада қарор топди. Элатга хос барча этник омиллар рўёбга чиқади. Демак, ўзбек элати халқ сифатида XI-XII асрнинг биринчи ярмида узил-кесил шаклланди.

Ўзбек халқининг шаклланиши билан унинг этник тарихи бошланади. Ўзбек халқининг этник тарихи ҳам узок давом этадиган тарихий жараён бўлиб, бу жараён минтақада капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг қарор топа бошлаган давргача, яъни XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларигача давом этди. XX аср бошларидан ўзбек миллатининг шаклланиш жараёни бошланди. Бу тарихий жараён ҳозиргача давом этмоқда.

**ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНИК АСОСИНИ ТАШКИЛ ЭТГАН ҚАДИМГИ ҚАБИЛА-ЭЛАТЛАР** – бугунги ўзбек халқининг шаклланишига асос

бўлган туб аҳоли – ўтрок зироаткор хоразмийлар, суғдийлар, бактрияликлар ва кўчманчи чорвадор сак-массагетлар. Мазкур қабила-элатлар худудий жиҳатдан қўйидагича жойлашган: Қадимги хоразмийлар Амударёнинг куйи окимида, ҳозирги Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси худудларида яшаганлар. Суғдийлар (Суғдиёналиклар) Зарафшон дарёси ҳавзаси (ҳозирги Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятлари) ва Қашқадарё воҳаларида яшашган. Бактрияликлар ҳозирги Тожикистоннинг жанубий-ғарби, Афғонистоннинг шимоли ва Сурхондарё вилояти ўрнида яшашган. Чоч (Шош)ликлар Сирдарёнинг ўрта ҳавзаси, ҳозирги Тошкент вилояти ва Қозоғистоннинг жанубий худудларида истиқомат қилишган. Марғиёналиклар ва парфиёнлар ҳозирги Туркменистон ва Эрон худудларида истиқомат қилишган.

Юқорида номлари келтирилган қабила-элатлар Ўрта Осиёдаги ўтрок-зироаткор аҳоли бўлиб, дарё воҳаларида деҳқончилик, хунармандчилик билан шуғулланиб, бир-бирлари билан ўзаро кизгин савдо-иқтисодий ҳамда маданий алоқада бўлишган. Мазкур ўтрок аҳолининг кўчманчи чорвадор аҳоли билан ҳам алоқалари теран бўлиб, кўчманчи аҳолидан энг кўп сонлиси саклар, массагетлар ва парн-дахлар эди. Улар, асосан, Амударё ва Сирдарёнинг ўнг ва сўл сохилларидаги саҳроларда чорвачилик билан шуғулланишган.

Юқорида номлари келтирилган қабила-элатлар нафақат бугунги ўзбек халқининг, балки унга қон-

қардош бўлган туркман, тожик, кирғиз, қорақалпоқ ва қозоқ халқларининг ҳам умумий аجدодлари ҳисобланади.

**ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНИК АСОСINI ТАШКИЛ ЭТГАН ТУРКИЙ ҚАБИЛА-ЭЛАТЛАР** – ўзбек халқининг этник шаклланишида туркий қавмларнинг ўрни ниҳоятда катта ҳисобланади. Турк этносининг илк Вагани жанубий-шарқий Урал тоғидан то Жанубий Сибирнинг шарқий чегарасигача бўлган худудлар ҳисобланиб, бу этник қатламнинг Ўрта Осиёга кириб келиши бронза даври (мил. авв. II минг йиллик) дан бошланиб, то милодимизнинг XI-XII асрларига қадар давом этган. Ушбу даврлар оралиғида Мовароуннаҳр ва Хоразм худудларига кетма-кет бир неча туркий қабилаларнинг кириб келиши кузатилади. Даврий жиҳатдан уларни қуйидаги тарзда қайд қилишимиз мумкин: юэчжилар (мил. авв. II-I а.лар), хионийлар (милодий IV а.), кидарийлар (IV-V а.лар), эфталийлар (V а.), туркийлар (VI-VII а.лар), қарлуқ, жикил, яғмолар (IX-X а.лар), ўзузлар, қорахитойлар (XI-XII а.лар).

Бир неча асрлар мобайнида Мовароуннаҳрда туркий тил устунлиги ўрнатилиб, ағъанавий хоразмий, суғдий ва бахтарий тиллар сиқиб чиқарилди ва X-XI асрларга келиб маҳаллий аҳоли тили туркийлашиб кетди.

**ЎЗБЕКИСТОНДА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР** (ЎАТ, Археологические исследования в Узбекистане, АИУ) – Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 10 йиллиги

муносабати билан 2001 йилдан бошлаб ЎзР ФА Я.Ф.Фуломов номидаги Археология институти томонидан республикамізда олиб борилаётган илмий қазув ишлари натижаларини илмий жамоатчиликка тезкор етказиб бориш мақсадида ташкил этилган нашр. Ушбу тўплам мамлакатимизда олиб борилаётган археологик қазилмалар тўғрисида энг янги ва сўнгги маълумотларни бериб боришни ўз олдига мақсад қилган. Ҳар йилда бир марта чиқадиغان мазкур илмий тўпламда мақолалар ўзбек ва рус тилларида эълон қилиб борилади.

### ЎЗБЕКИСТОНДА

**ИЖТИМОЙ ФАНЛАР** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг нашри. 1961 йилдан бошлаб ҳар ойда бир марта 1957-1960 йилларда чиққан “ЎзФА Хабарлари” (“Известия” АН РУз) ўрнига нашр этила бошланган. Мазкур илмий журналда Ўзбекистон фани ва маданиятидаги янгиликлар билан бирга, тарих ва археология йўналишида республикамізда олиб борилаётган тадқиқотлар узлуксиз равишда эълон қилиб борилади.

### ЎЗБЕКИСТОННИНГ

**МОДДИЙ МАДАНИЯТИ ТАРИХИ (ЎММТ** (История материальной культуры Узбекистана ИМКУ) – Ўзбекистон Фанлар Академияси *Тарих ва археология институти* (1943-1970), 1970 йилдан ЎзФА *Археология институти*нинг илмий нашри. 1959 йилдан чиқа бошлаган. Мазкур илмий тўпламда Ўзбекистон ва Ўрта Осиё халқлари моддий маданиятининг турли даврларига

оид илмий мақолалар, археологик экспедициялар ҳисоботи, археолог олимлар биографияси ва юбилей саналари даврий равишда эълон қилиб борилади. Илмий тўпламга Ўзбекистон археологияси ривожига катта ҳисса қўшган олимлардан *В.А.Шиликин* (1959, 1961, 1962, 1963, 1964, 1966, ) *Б.В.Лунин* (1965, 1969), *А.Асқаров* (1972, 1973, 1974, 1975, 1977, 1978, 1979, 1981, 1982, 1986, 1987, 1988, 1990, 1991, 1992), *А.Р.Муҳаммаджоновлар* (1983, 1984) муҳаррирлик қилишган. Мустақиллик йилларида мазкур илмий тўплам *Т.Ш.Ширинов* (1996, 1997, 1999, 2000, 2001, 2004), *Ш.Р.Пиддаев* (2006, 2008), *А.Э.Бердимуродовлар* тахрири остида эълон қилиб келинмоқда.

### ЎЗБЕКИСТОН

**САНЪАТШУНОСЛИК ЭКСПЕДИЦИЯСИ** – 1960 йилда Санъатшунослик институтининг Санъат ва архитектура бўлими қошида *Г.А.Пуғаченкова* раҳбарлигида ташкил этилган илмий экспедиция. Экспедициянинг асосий тадқиқот ҳудуди *Шимолӣ Бактрия* (Сурхондарё вилояти)нинг қадимги ва ўрта аср ёдгорликлари бўлиб қолади. *Б.А.Турғунов* (дастлаб ўринбосар, кейинчалик экспедиция раҳбари), *Э.В.Ртвеладзе*, *З.А.Ҳақимов*, *Х.Х.Хусниддинхўжаев*, *В.А.Луневлар* экспедициянинг доимий аъзолари бўлган. Экспедиция ишида шунингдек, ҳар хил йилларда *Т.Б.Беляева*, *В.Г.Долинская*, *М.И.Исҳоқова*, *С.В.Левушкина*, *Е.Г.Некрасова*, *Н.Б.Немцева*, *Л.И.Ремпель*, *Д.Р.Рўзибоев*, *А.С.Сағдуллаев*, *Д.Г.Сидорова*, *Н.П.Сотникова*,



Ш.С.Тошхўжаевлар фаол иштирок этишган. Мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмига оид *Бандихон* 1,2, *Таллаиқонтепа*, антик даврнинг жаҳонга машхур *Айритом*, *Холчаён*, *Далварзинтепа*, *Камтиртепа*, қадимги ва ўрта асрларга оид *Будрач* каби 400 дан ортик археологик ёдгорликларни очиб ўрганишда мазкур экспедициянинг ҳиссаси ниҳоятда катта бўлган.

### **ЎЗБЕКИСТОН ФА ТАРИХ ВА АРХЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

– СССР ФА Ўзбекистон филиалининг Тил, адабиёт ва тарих институти негизда, 1943 йил 4 ноябрда ташкил этилган институт. Ушбу институтга Зариф Ражабов (1943-1945), *Василий Шишкин* (1946-1949), Рашид Набиев (1949-1952), Ҳабиб Турсунов (1952-1955), Иброҳим Мўминов (1955-1956), *Яҳё Ғуломов* (1956-1959), Абдусамат Бобохўжаев (1959-1964), Мелихол Охунова (1964-1970), 1970 йилда ЎзФА Тарих институтига ўзгартирилгач Мелихол Охунова (1970-1986), Раъно Ражапова (1986-1991), *Аҳмадали Асқаров* (1991-1995), *Абдулаҳад Муҳаммаджонов* (1996-1998), Мирсодиқ Исоқов (1998-2000), Дилором Алимова (2000-2010) ва Равшан Абдуллаевлар (2010 йилдан) раҳбарлик қилишган. Мазкур институт негизда 1970 йилда Самарқанд шаҳрида ЎзФА *Археология институти* ташкил этилади.

**ЎЗБЎЙ** – ҳозирги Туркменистон Республикасининг шимолий-ғарбидаги чўлда жойлашган қадимий дарё ўзани. Сарикамиш ботиғининг жанубий

чеккасидан бошланиб Каспий денгизининг Болхон қўлтиғигача чўзилган. Антик (Геродот) ва ўрта аср муаллифлари (Муқадасий, Ҳамдуллоҳ Қазвиний, Ҳофиз Абру, Абулғози Баҳодирхон) Ў.ни Амударёнинг Каспийга қўйилган тармоғи деб ҳисоблаганлар. Ў. дастлаб *В.В.Бартольд*, XX аср ўрталарида *А.С.Кесъ*, *Я.Ф.Ғуломов* ва *С.П.Толстоелар* томонидан ўрганилган. Мил. авв. IV минг йилликдан мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмигача қиска узилишлар билан Ў. бўйлаб Сарикамиш қўли орқали Каспий денгизига сув окканлиги аниқланган. Археологик тадқиқотлар натижасида Ў. водийсида кўплаб неолит манзилгоҳлари, бронза даврига оид сопол идишлар (*Тумек Кичиджик қабристони*), шунингдек, мил. авв. VII-V асрларга оид манзилгоҳлар (*Қуйисой маданияти*) топилган. Мил. авв. I минг йиллик ўрталаридан бошлаб Ў.да сув окмай қўйган. Археологик ва тарихий маълумотларга кўра ўрта асрларда қиска муддат Ў.да сув оқими бўлган. X-XIII аср ўрталарида Ў.да Хоразмдан Хуросонга ўтган карвон йўли бўйлаб карвонсаройлар, *сардобалар* ва кудуқлар бўлган.

### **ЎЗЛАШТИРУВЧИ**

**ХЎЖАЛИК** – табиат инъом этган нарсалардан фойдаланиб ҳаёт кечириш. Кишиларнинг энг қадимги машғулоти бўлган термачилик ва овчилик Ў.Х. деб юритилади. Ў.Х. тарзи одам пайдо бўлганидан то мезолит-неолит даврига қадар давом этган.

**ЎРДА**, ўрду – 1) туркий ва мўғул халқларида ҳукмдор, хон

қароргоҳи, қалъа. Ушбу атама илк маротаба Ўрхун-Энасой битиги “Ирк битиги”да қайд этилган. Ўрда турли тарихий даврларда қалъа (V-VI а.ларгача), диз (VI-VIII а.ларда), *арк* (IX-XVII а.лар) деб ҳам аталган. Ўрда, асосан, баландликда бунёд этилган, унга қия узун йўлак (*пандус*) орқали кирилган; 2) қўшин қароргоҳи, лашкаргоҳ. Ҳарбий ҳаракатлар вақтида ўрда атрофи хандақ билан ўралган. Шох-шаббалар билан ихота қилинган, соқчилар назорати ўрнатилган; 3) чингизийлар салтанатида фавкуллодда тантаналар пайтида бир неча юз кишини ўз бағрига сиғдира оладиган улкан чодир, ўтов. *Остонаси* ва *устунлари олтин* билан копланганлиги боис бундай ўтов *Олтин Ўрда* деб аталган.

**ЎРТА АСРЛАР** – тарих фанида жаҳон тарихининг қадимги дунё тарихи билан янги тарих оралигидаги даврини ифодалаш учун қабул қилинган атама. Ўрта асрлар тушунчаси XV-XVI асрларда италян тарихчилари асарларида вужудга келган. Жаҳон тарихида ўрта асрлар даври Ғарбий Рим империясининг кулаши (476 йил)дан Буюк географик кашфиётлар ва инглиз буржуа инқилоби (1640 йил)гача бўлган давр оралигини, Ватанимиз тарихида V-XIX асрларни ўз ичига олади.

**ЎҒУЗЛАР ДАВЛАТИ** – VI асрнинг биринчи ярмида Хитойдан то Қора денгизгача чўзилган кенг майдонда кўчманчи тўқузўғузларнинг ҳарбий иттифоқи вужудга келади. VI асрнинг иккинчи ярми ва VII асрда улар Турк хоқонлиги таркибида бўлиб,

хоқонлик емирилгач, уларнинг катта қисми ғуз ёки ўғуз номи остида Сирдарё ҳавзаси ҳамда Орол денгизи бўйларида муқим ўрнашиб, бу ҳудудда IX аср охири ва X аср бошларида Ў.Д.га асос соладилар. Бу давлатнинг шимолий чегараси Иртиш дарёсидан Урал тоғининг жанубий-шарқий этакларигача чўзилган эди. Бу давлат ғарбда Хазарлар ва Булғорлар давлати билан, шарқда Қарлуқлар давлати билан жанубда эса *Мовароуннаҳр* ва Хоразм билан чегарадош эди. Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган Янгикент шаҳри Ў.Д.нинг пойтахти бўлган. Ў.Д. X асрнинг биринчи чорагида шимолий-шарқдан кўзгалган кипчоқ қабилаларининг зарбаси остида парчаланиб кетади. Уларнинг бир қисми *Мовароуннаҳр* ва *Хуросонга* кириб боради ва XI аср бошларида *Салжуқийлар* давлатига асос соладилар.

## Қ

**ҚАБИЛА** (ар. – авлод, насл; уруғ) – этник бирлик. Уруғ ва қабила атамалари кўпинча бир маънода ишлатилиб кетилса-да, тарихий нуқтаи назардан бу унчалик тўғри эмас. Қ қон-қариндош, тилдош ва диндош бир неча уруғнинг уюшмасидир, шунингдек, бир уруғ табиий равишда кўпайиб, атрофидаги уруғларни бўйсундириб, ўз таркибига сингдириб юбориши оқибатида қабила тарзида шаклланган бўлиши мумкин.

Қ. уруғларга бўлинишидан ташқари ўз ҳудудига, яғона қабилавий (шева) тилига, қабила

кенгашига ва ҳарбий бошлиғига эга бўлади. Қ. кишилиқ жамияти ишлаб чиқаришнинг бирмунча илғорроқ формаларига яъни, ибтидоий термачилиқ ва овчиликдан деҳқончилик, чорвачилиқ ва хунармандчиликка ўтган пайтда вужудга кела бошлайди.

Шу ўринда, тарихий ва бадиий адабиётларда тез-тез такрорланиб турадиган “ўзбек халқи 92 уруғ (қабил)дан ташкил топган” деган фикрни ҳам ҳолисона талкин қиладиган бўлсак, бу фикрларга XVIII асрда тузилган “Тарихий Муқимхоний” китоби ва шоир Турди шеърларида келтирилган 92 рақами асос қилиб олинади. Маълумки, “Тарихий Муқимхоний”да фақат, Бухоро хонлиги ҳудудда яшовчи қабилалар тилга олинади. Турди Фароғий ҳам шу диёрдаги туркий қабилаларни назарда тутди. Ваҳоланки, Бухоро хонлигининг ҳудуди Зарафшон воҳаси ва Туркистоннинг бир бўлагини ташкил этарди, ундан ташқари, Хива хонлигида, Фарғона водийси, Тошкент воҳаси, Дашти Қипчоқ, Етгисув, Шарқий Туркистон, Олтой, Кавказда ҳам туркий қабилалар яшарди. Булар “Тарихи Муқимхоний”га кирмай қолган, Турди Фароғий эса буларни назарда тутмаган. Қозоқлар ўтмишда 300 дан, қорақалпоқлар 130 дан, туркманлар 100 дан ортиқ қабилла уруғлардан ташкил топган экан, узоқ этник тараққиёт йўлини босиб ўтган ўзбек халқининг 92 қабилла-уруғдан таркиб топган, деб ҳулоса чиқариш мунозаралидир.

**ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ**  
**ДАВЛАТИ** – антик давр

тарихчилари (Милетлик Гекатей, Геродот, Ктесий, Диодор) асарларида эслатиладиган, Ватанимиз ҳудудда вужудга келган энг дастлабки давлат бирлашмаларидан бири. Илк шаҳар ва вилоят ҳокимликларининг конфедератив тавлати уюшмаси. Ёзма манбалардаги келтирилган маълумотлар ва кейинги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган ашъвий далилларга асосланиб, Қ.Б.Д. мил. авв. VII-VI асрларда мавжуд бўлган деб ҳулоса чиқариш мумкин. Книдлик Ктесий (V-IV а.лар) китобида Оссурия подшоси Ниннинг *Бақтрия*га қилган ҳарбий юришлари баён этилиб, шунингдек, у *Бақтрия* аҳолисининг қўплиги ва катта шаҳарларга бойлигини таъкидлаб ўтади. Тарих отаси Геродот *аҳмонийлар* подшоси Кир II нинг ҳарбий юришлари ҳақида ёзиб, - “Кир II Лидияни ўзига тобе этгач, унинг олдида Бобил, *Бақтрия* халқи, сақлар ва мисрликлар турар эди”, деб маълумот келтиради. Бундан шуни ҳулоса қилишимиз мумкинки, Геродот *Бақтрия*ликларни ўша пайтнинг қудратли давлатлари Миср ва Бобил билан бир қаторга қўяди. Тарихчи В.Гейдер эса Қадимги *Бақтрия* ўзининг куч-қудрати жиҳатидан бошқа ён қўшниларидан анча устун туриб, улар орасида алоҳида мавкени эгаллаган дейди.

Тарихчи олимларнинг фикрига қўра *Бақтрия* подшолиги қадимги *Бақтрия* ўлкасига қараганда бирмунча катгароқ ҳудудни эгаллаган. Археологик ва ёзма манбаларга қараганда, *Бақтрия*

– кўлтик деҳқончилиги ва яйлов чорвачилиги. Академик *А.Аскаронинг* хулосасига кўра, Т.М. асосчиларининг этник келиб чикиши прототурк кабилаларга бориб тақалади.

Т.М. даврий жиҳатдан 3 босқичга бўлинади: I.Қамишли (мил. авв. II минг йиллик бошлари); 2.Бозорқалъа (мил. авв. II минг йиллик ўрталари); 3. Қоунди (мил. авв. XI-IX асрлар). Ушбу маданиятнинг яхши ўрганилган ёдгорликлари Жанубий Оқчадарё ҳавзасидаги Кўкча-3, Қоунди-14, Жонбос-6, 4А, Бозор-1, Бозор-2, Дингилжа-8, Қум-1, 3, Қўрғошин Б, Куролли-1, Қамишли, Шимолий Оқчадарё ҳавзасида эса Бароктом 16, Болжон-2, Бўзғул- 1, 3 маконлари ҳисобланади.

**ТОЛСТОВ ЁДГОРЛИГИ** – неолит даври макони. Оқчадарё ҳавзаси *Жонбосқалъа* ён тақрири жанубий қисмида (Жонбос 4 ёдгорлигининг паст қисмида) жойлашган. 1976 йилдан А.В.Виноградов томонидан ўрганилган ва устози *С.П.Толстов* хотираси учун шундай ном берган. Маданий қатлами яхши сақланган. Т.Ё.дан 12 мингдан ортиқ ашё топилган. Учта уй-жой қолдиги ҳамда, хўжалик участкаларининг топилиши ёдгорлик моддий маданияти хусусиятини аниқлашда улкан аҳамиятга эга бўлди.

**ТОЛСТОВ СЕРГЕЙ ПАВЛОВИЧ** (25.01.1907 – 28.12.1976) – тарихчи, этнограф, археолог олим. Ўрта Осиё халқлари, хусусан, коракалпок халқи тарихи, этногенези ва моддий маданияти ҳамда, қадимги Хоразм цивилизациясининг кашфиётчиси.

Москва давлат университети профессори, этнография кафедраси мудири, Тарих факультети декани (1943-1945). 1942 йилдан СССР ФА Этнография институти директори. 1937-1991 йилларда фаолият юритган кўлами жиҳатидан собик иттифокдаги энг йирик *Хоразм археологик-этнографик экспедициясининг* ташкилотчиси ва раҳбари. “По следам древнехорезмийской цивилизации” (–М.-Л.: 1948.), “Древний Хорезм” (–М.: 1948.), “По древним дельтам Окса и Яксарта (–М.: 1962.), “Қадимги Хоразм маданиятини излаб” (–Т.: 1964.) каби монография ва 300 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи.

**ТОПОГРАФИЯ** (юн. *topos* – жой, *grapho* – ёзаман) – ер юзидagi маълум бир географик объект ёки тарихий ёдгорликни ер устида, ҳавода ёки космосдан туриб харитага тушириш билан шуғулланувчи картографиянинг алоҳида бўлими.

**ТОПОНИМИКА** (юн. *topos* – жой, *онома* – ном) – географик номлар (шаҳар, дарё, кўл, тоғ ва ҳоказо)нинг келиб чикиш этимологиясини ўрганувчи тарих фанининг ёрдамчи соҳаси.

**ТОТЕМИЗМ** – бирор уруғ ёки қабила ибтидоси. Уруғ асосчиси, аجدод, уруғ жамоалари топиниб, уни муқаддас тутган ҳайвон. Тотем сўзи Шимолий Америкада яшайдиган *Ожибва* қабиласи тилида “унинг уруғи” деган маънони англатади. Унинг моҳияти “одамларнинг ҳайвон ва ўсимликнинг муайян турларига қариндошлик алоқалари бор” деб эътиқод қилишдир.

Т. эътиқод шакли маълум бир жамоанинг аввалда асосий озуқа манбаини ташкил қилган хайвон ёки ўсимликка нисбатан эътибор кейинчалик вужудга келган қабиланинг диний тасаввурларининг асосий шакллари билан бирига айланган.

**ТОШ** – ўрта асрлардаги масофа ўлчов бирлиги. 8 чақиримга яқин, яъни 8,5 километр атрофидаги масофа.

**ТОШКЕНТ** – Марказий Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири. Т. шаҳрининг қадимий ўтмиши Чоч (Шош) ўлкаси тарихи билан узвий боғлиқ. Чочнинг энг қадимги шаҳри *Авестода* “Қанха” номи билан эслатилади. Мил. авв. II асрдан милодий V асргача бўлган хитой манбаларида Т. вилояти Лоюени, Юни, сўнгра Чжеше, Чжечжи, Чжеси ва Ши деб номланган. Бу атамалар (аввалги иккитасидан ташқари) “Чоч” сўзининг хитойча талаффуз қилиниши натижасида ҳосил бўлиб, ҳатто охириги “Ши” топоними хитойчада “тош” маъносини аниқлаган. Қадимги тохар тилида “қанг” сўзи ҳам “тош” маъносини билдиради.

Ёзма манбаларда келтирилишича, Т.нинг қадимги номи “Чоч” (Чочкат) бўлган. Т. араблар тасарруфига ўтгач, араб алифбосида “ч” ҳарфи йўқлиги боис арабий асарларда “Шош” деб юритила бошланган. Ўрта асрларда Т. “Шошкент”, “Мадинаг аш-Шош”, “Бинкат”, “Таркан” деб ҳам номланган. Шаҳар бугунги “Тошкент” номи билан манбаларда XI асрдан бошлаб тилга олина бошлайди.

Чирчиқ дарёсидан сув оладиган Бўзсув, Қорасув, Салор ва Жўн ариқлари Тошкент воҳаси ва Т. шаҳри атрофларида ибтидоий деҳқончилик маданиятининг таркиб топишида муҳим роль ўйнаган. Мил. авв. IX-IV асрларда бу ариқларнинг ёқаларида дастлабки кишлоқлар вужудга кела бошлаган (*Бурғулук маданияти*). Шулардан бири Т.нинг жанубий қисмида, Жўн ариғи бўйида жойлашган *Шоштена* кишлоғи бўлиб, мил. авв. II-I асрларда *Шоштена*да қадимги шаҳар белгилари пайдо бўлади. Қадимги кишлоқ харобалари ўрнида атрофи қалин мудофаа деворлари билан ўралган доира шаклидаги қалъа-қўрғон қад кўтаради. *Шоштена*ни ўрганиш натижасида Т. худудидан шаҳар маданияти тарихи ҳудди шу даврдан бошланган деган хулосага келинди ва Т. шаҳрининг ёши археологлар томонидан 2200 йил қилиб белгиланди. Т.да шаҳар маданиятининг кейинги тарихий даврлардаги ривожига бевосита *Шоштена*, *Мингўрик*, *Бинкат* каби шаҳарлар билан боғлиқ. Батафсил қаранг: **ШОШТЕПА, МИНГЎРИК, БИНКАТ.**

**ТОШКЕНТ АРХЕОЛОГИЯ ЭКСПЕДИЦИЯСИ** – Ўзбекистон ФА *Археология институтининг* Тошкент шаҳри худудидан археологик казишмалар ва кузатувлар олиб боровчи илмий ходимлар жамоаси. 1967 йилда академик *Я.Ф.Ғуломов* ташаббуси билан ташкил этилган. Экспедицияга 1967-1968, 1971-1974 йилларда *В.А.Булатова*, 1969-1970 йилларда *М.Т.Аминҷонова*, 1974 йилдан *М.И.Филанович* раҳбарлик қилиб келмоқда. Археологик

тадқиқотлар билан бирга Чочдаги *нумизматика*, палеоантропология ва этногенетик жараёнларга оид тадқиқотлар Тошкент атрофларидаги археологик объектлар билан бирга қўшиб олиб борилди. Т.А.Энинг фаолияти натижасида Тошкент шаҳри ривожининг қадимги босқичлари ва унинг ёши аниқланди. Тошкент вилояти ва унга туташ ҳудудлардаги *Бурганли* ва *Қовунчи маданиятларининг* аниқ даврлари, Чоч ва Илоқнинг қадимги ва ўрта асрлар давридаги пойтахтлари аниқланиб, ҳудуднинг тарихий топографиясига оид бой материаллар тўпланди.

Тошкент воҳаси (Чоч-Илок ўлкаси)да аниқланган қадимги ва ўрта асрларга оид йирик шаҳар ёдгорликлари: *Канқа* (Шарқия, 160 га), *Тункат* (120 га), *Кавардон* (75 га), *Минғўрик* (35 га), *Хонободтепа* (34 га), *Қовунчитепа* (25 га), *Киндиктепа* (25 га), *Банокат (Шохруҳия)* (22 га), *Югайтепа* (20 га), *Улкан Тўйтепа* (20 га), *Оқотатепа* (18 га), *Имлок* (17 га), *Бинкат* (16 га), *Тўрткултепа* (16 га), *Кулота* (15 га), *Қирқжангчи* (15 га), *Кулоқлитепа* (14 га), *Чинозтепа* (13 га), *Мичурин савхозидаги тепа* (12 га), *Шаматепа* (12 га), *Ангрёндаги номсиз тепа* (12 га), *Савилтепа (Мунчоктепа)* (11,2 га), *Нўғойтепа* (11 га), *Ошхонатепа* (11 га), *Тўғайтепа* (9,5 га), *Майтепа* (9,5 га), *Оққўрғон* (7 га), *Тошкент Юнусобод Оқтепаси* (6,5 га), *Шаушукумтепа* (6,2 га), *Мозортепа 2* (4 га).

**ТОҚ** (ар.) – 1) бионинг ярим шар шаклида ишланган эшик, дарвоза тепаси ва пештоғидаги равоқ; 2) бино ва иншоотларнинг ярим шарсимон қилиб ишланган томи, гумбаз остидаги раста.

Асосий савдо зали, қатор савдо расталари ҳамда хунармандлар устахонасидан иборат бўлиб, шаҳар маркази, чорраха ва чорсуларда бунёд этилган.

**ТОҲАРИСТОН** – ҳозирги Шимоли Афғонистон, Жанубий Ўзбекистон ва Жанубий-Ғарбий Тожикистон ҳудудларининг илк ўрта асрлардаги номи. Қадимда *Бахтрия* деб юритилган ушбу ҳудудлар милодий V аср бошларида кўчманчи туркий қабила тоҳарлар томонидан эгалланганлиги туфайли ўрта аср форс ва араб манбаларида тоҳарлар юрти – *Тоҳаристон* деб юритила бошланган.

Шимолий Т.дан ўрта асрлар даврига оид қатор археологик ёдгорликлар очиб ўрганилган. Жанубий-ғарбий Тожикистон ҳудудидаги *Хиштепа*, *Ажинатепа*, Қалъаи Кофирниҳон будда ибодатхоналари, Шуртурмулла будда *ступаси*, Қўргонтепа шаҳристони, Ўртабоз, Кофирқалъа, Қалъаи Шодмон, Қалъаимир, Шишихона, Мунчоктепа, Жанубий Ўзбекистон (Сурхондарё вилояти) ҳудудидаги *Будрач*, *Чаёнтепа*, *Яхшимбойтепа*, *Лайлагон*, *Боботепа*, *Кучуктепа*, *Ҳайрабодтепа*, *Болатиктепа*, *Зангтепа* каби шаҳар-қалъалар шулар жумласидандир.

**ТОҲИРИЙЛАР** – Хуросон ва қисман Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган сулола. Халифа Хорун ар-Рашид (785-809) вафот этгач, ўғиллари Амин ва Маъмунлар ўртасида тахт учун кураш (809-813) бошланади. Маъмун (813-833) нинг халифалик тахтини эгаллашида лашкарбошиси Тоҳир ибн Ҳусайннинг хизматлари

катта бўлади. Миннатдорчилик белгиси сифатида Тоҳир Хуросонга ноиб (хоким) қилинади. Тоҳир вафот этгач, 821 йилдан бошлаб унинг ўғиллари Хуросонни халифалиқдан мустақил деб эълон қиладилар. Мустақил гоҳирийлар давлати 821-873 йилларда мавжуд бўлади. Т. давлатининг пойтахти дастлаб *Марв*, кейинчалик Нишопур бўлган. Т. сулоласи 873 йилда кўтарилган “ғозийлар” кўзғолони натижасида ағдариб ташланади ва хоқимиятни *соффорийлар* сулоласи эгаллайди.

Сулола вакиллари: Тоҳир ибн Хусайн (821), Талҳа ибн Тоҳир (822-830), Абдуллоҳ ибн Тоҳир (830-844), Тоҳир ибн Абдуллоҳ (844-862), Муҳаммад ибн Тоҳир (863-873), Хусайн ибн Тоҳир (873-874).

### **ТУМЕК-КИЧИДЖИК,**

**Даштлибурун** – неолит даврининг энг ноёб қабристон-ёдгорликларидан бири. Амударёнинг *Сариқамтибуйи* дельтасидаги ўрта асрларга оид *Шоҳсанам* калъасидан 14 км ғарб томонда жойлашган (ҳозирги Туркменистон Республикасининг Тошҳовуз вилояти). Мил. авв. V-IV минг йилликларга оид ушбу қабристон 400 кв м майдондан иборат. Чуқур ўра шаклидаги қабрлардан антропологик материаллардан ташқари, қизил оҳра билан бўялган сополдан ясалган хўжалик буюмлари, такинчоклар, маржонлар ва диний ибодат маросимлар билан боғлиқ ашёларнинг қолдиқлари топилган. 1972 йилда *Хоразм археологик экспедицияси* томонидан очилиб, археолог А.В.Виноградов

томонидан ўрганилган. Т.К. қабристони материаллари қадимги хоразмликларнинг нафақат моддий ва маънавий маданияти, балки неолит даври куйи амударё ҳавзасида яшовчи аҳолининг антропологик-этноик кифасини тиклашда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

**ТУНКАТ** – Ўрта аср шаҳар харобаси. Оҳангарон дарёсининг чап қирғоғида, Олмалик шаҳридан 12 км шимолӣ-шарқда жойлашган. Т. харобалари маҳаллий аҳоли орасида Илоқ номи билан маълум. Бу ерда шаҳар мавжуд бўлганлиги хақидаги биринчи тахминни геолог С.Ф.Машковцев айтган (1926). 1926 ва 1934 йилларда *М.Е.Массон*, 1959-1962 йилларда *Ю.Ф.Буряковлар* томонидан ўрганилган. Т. ўрнидаги қишлоқ V аср бошларида чорвадор қабилаларнинг ўтроқлашуви туфайли вужудга келган. VI асрга келиб қишлоқ шаҳарга, VI аср охирида эса *Илоқ* тарихий вилоятининг пойтахтига айланган. Шаҳар уч қисм арк (5 га), шаҳристон (112 га) ва рабат (150 га)дан иборат бўлиб, мудофаа деворлари билан ўралган. Қорамозор тоғларида олтин ва қумуш қонлари мавжудлиги шаҳарнинг тез тараққий этишига имкон берган. XII асрда Т. қимсасиз ташландиқ ҳолатга келиб қолади. Чочнинг пойтахтидан Фарғонага боровчи савдо йўлида жойлашган Нукет шаҳри Илоқнинг пойтахтига айланади.

**ТУПРОҚҚАЛЪА** – Ватанимиз тарихи ва маданиятининг ноёб ёдгорлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа гуманида жойлашган. Т. майдони 17,5 га

бўлиб, мудофаа деворларининг узунлиги 500 м, кенлиги 350 м ни ташкил этади. Шаҳарнинг мустаҳкамланган лабиринтли дарвозаси жанубий деворнинг ўртасида бўлиб, ундан шимолга шаҳарнинг ички қисми томон марказий кўча кетган. Марказий кўча билан кесишадиган кичик кўчалар шаҳристонни бир неча маҳаллаларга ажратади. Шаҳарнинг шимолий-ғарбий бурчагида жойлашган Арк (сарой) баландлиги 14,3 м, майдони 180×180 м (томонлари 90 м) ни ташкил этувчи платформа устида жойлашган бўлиб, мустаҳкам девор билан ўраб олинган. Сарой шаҳарнинг қолган қисмидан 25 м баландда жойлашган. Саройга шарқ томондан туташган ўзига хос маҳобатли бинони *С.П.Толстов* олов ибодатхонаси деб атайди. Унинг марказида 40×30 м ҳажмдаги иншоот бўлиб, у ҳам икки қатор девор билан ўраб олинган. Т. тарихи археологик жихатдан 3 та асосий даврга бўлинади. Биринчи боскич милодий II аср охири ва III асрни ўз ичига олиб, бу даврда шаҳар Хоразм ҳукмдорларининг сарой-қароргоҳи вазифасини ўтаган. Шаҳар тарихининг иккинчи боскичида саройда ҳаёт бир оз сўнгган ва у одамсиз қолган. Бу сарой эгаларининг бошқа жойни қароргоҳ қилиб олишлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шаҳар тарихининг учинчи даври IV-VI асрларга тўғри келиб, бу даврда саройда маълум даражада қурилишлар амалга оширилган бўлсада, бироқ у олдинги даврлардаги каби кенг қўламли бўлмаган.

Т. Қадимги Хоразм давлатининг маъмурий-ҳўжалик ишлари бошқариб туриладиган подшоҳ қароргоҳи бўлган ва айни вақтда диний ибодат маркази вазифасини ҳам ўтаган. Қадимги Хоразмнинг энг ноёб тарихий ёдгорлиги сифатида Т. ЮНЕСКО ташкилоти томонидан жаҳон маданий мероси рўйхатиغا киритилган.

Эллиққалъа Тупроққалъасидан ташқари Қадимги Хоразм ҳудудларида яна бир неча қадимий шаҳар-қалъалар мавжудки, маҳаллий аҳоли уларни ҳам “Тупроққалъа” деб атайди. Булар қуйидагилар: биринчиси, Шовот Тупроққалъаси (Хоразм вилояти Шовот туманида жойлашган, мил. авв. IV-III асрларга мансуб); иккинчиси, Хива Тупроққалъаси (Хоразм вилояти Хива туманида жойлашган, мил. авв. IV-III асрларга мансуб); учинчиси, Янгариқ Тупроққалъаси (Хоразм вилояти Янгариқ туманида жойлашган, мил. авв. IV-III асрларга мансуб); тўртинчиси, Хазорасп Тупроққалъаси (Хоразм вилояти Хазорасп туманида жойлашган, мил. авв. IV-III асрларга мансуб); бешинчи ва олтинчилари мил. авв. V-IV-III асрларга мансуб Туркменистон Республикаси Тошҳовуз вилояти ҳудудида жойлашган Тупроққалъалардир.

**ТУРК, ТУРКИЙЛАР** – жаҳондаги энг қадимги ва йирик этнослардан бирининг номи. Сўнгги йилларда жаҳон олимлари томонидан, жумладан, ўзбек олимлари томонидан амалга оширилган тадқиқотларга кўра,



кадимги хитой манбаларида ушбу атама бундан 3,5-4 минг йил муқаддам расмсимон иероглифлар билан ёзилган битикларда “тиек” ва “тиаук” шаклида учрайди. Турк сўзи бақувваг, баркамол, одиллик каби маъноларни англатади.

Бир неча минг йил мобайнида туркий кабилалар кўп маротаба бирлашган ва парчаланганлиги туфайли уларнинг кабилавий таркиби ўзгариб турган.

Мил. авв. II асрдан милодий III асргача бўлган даврда турклар Хун хоқонлиги таркибида бўлганлиги сабабли хитой манбаларида сюнну, хунну деб ҳам аталганлар. Мазкур хоқонлик емирилгач, кейинги 300 йил давомида хитойликлар туркларни тиеклэ (теле) деб атаганлар.

VI асрда туркийларнинг Ашина авлоди кучайиб, Турк хоқонлигига асос соладилар.

Бугунги кунда туркий халклар кўйидагича таснифланади:

<b>Қипчоқлар (ғарбий турклар)</b>	Волга-Урал турклари	<i>Чувашлар, Татарлар, Бошқирлар, Караимлар, Қримлар</i>
	Қирғиз-татарлар	<i>Қозоқлар, Қорақалтоқлар, Қирғизлар</i>
	Кавказ турклари	<i>Нўғойлар, Қулшқлар, Болқорлар, Қорачойлар, Урумлар, Меҳмети турклари, Аджарлар</i>
<b>Туркистон</b>	Чигатой	<i>Ўзбеклар,</i>

<b>турклар и (шарқий турклар)</b>	турклар	<i>Уйғурлар, Или уйғурлари, Сарик уйғурлар</i>
<b>Сибир турклар и (шимолий турклар)</b>	Олтой турклари	<i>Олтойликлар, Олтой татарлари, Шорлар</i>
	Саян-Олтойликлар	<i>Тувалар, Дувалар, Тоғоларлар</i>
	Енисей турклари	<i>Енисей татарлари, Хакаслар, Енисей турклари,</i>
	Ёқутлар	<i>Саха, Долганлар</i>
<b>Ўғузлар (жанубий турклар)</b>	Эрон турклари	<i>Туркманлар, Трухменлар, Хуросон турклари, Афшорлар, Хожарлар, Халажлар, Озарбайжонлар, Қорақултоқлар</i>
	Салжукий турклар	<i>Турклар, Кипр турклари, Ироқ турклари, Сурия турклари, Болқон турклари</i>
	Молдавия турклари	<i>Гагаузлар</i>
	Канзу турклар	<i>Саларлар</i>

**ТУРКИСТОН** – туркий халклар тарихан таркиб топган ва кенг ёйилган тарихий-географик худуд. Баъзи олимлар Туркистонни Туроннинг исломий вориси, деб ҳисоблайдилар. 639 йилда Турфонда тузилган сугд хужжатига Ўрта Осиё минтақасининг номи сифатида илк бор ишлатилган. “Туркистон” атамаси “Ўрта Осиё” ва “Мовароуннаҳр” номларидан фаркли равишда нафақат географик, балки этно-географик тушунча ҳисобланади. VIII асрдаги араблар истилосидан сўнг Т. атамаси ўзининг сиёсий-ҳуқуқий маъносини йўқотмаган. Унинг сарҳадлари тарихий-анъанавий жиҳатдан кенг маънода куйидаги қисмлардан иборат: а) Марказий Туркистон (ҳозирги Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон, қисман Тожикистон); б) Шарқий Туркистон (Ички Мўғулистон, Хитойнинг Синцзян-Уйғур Мухтор вилояти, Қорақурум); в) Жанубий Туркистон (Тоғли Бадахшон, Кўксув, Шимолий Ҳиндистон-Жамму-Кашмир вилоятлари, Шимолий-шарқий Афғонистон); г) Ғарбий Туркистон (Эроннинг шимоли, қисман Кавказ, Хазар-Каспий ҳавзаси); Шимолий Туркистон (Шимолий Қозоғистон, Урал-Волгабўйи, Обь, Енисей, Лена дарёлари ва Сибир).

Тор маънода Туркистон деб асосан, Марказий Туркистон тушунилади.

**ТУРКИСТОН ХАВАСҚОР-АРХЕОЛОГЛАР ТЎГАРАГИ** – Россия империясининг мустамлака Туркистон ўлкаси тарихий ёдгорликларини илмий жиҳатдан ўрганиш мақсадида ташкил этган

жамоат ташкилоти. Тўғарак 1895 йил Тошкентда, шарқшунос олим *В.В.Бартольд*, Тошкент эркаклар гимназияси директори *Н.П.Остроумов* ва барон *А.Б.Вревский*лар ташаббуси билан ташкил этилади. 1896 йил бошларида тўғарак аъзолари сони 47 нафарни ташкил этган бўлса, шу йил охирига келиб улар сони 100 дан ортикни ташкил этган. *В.А.Каллаур*, *Л.И.Зимин*, *Н.С.Ликошин*, *Н.И.Веселовский*, *Д.М.Грамениций*, *Н.Г.Маллицкий*, *В.Н.Наливкин*, *Н.Ф.Петровский*, *Е.Т.Смирнов*, *И.А.Беляев*, *И.А.Кастанье*, *В.Л.Вяткин*, *А.А.Семенов*, *Н.Н.Пантусов*, *П.А.Комаров*, *А.А.Диваев*, *И.В.Аничков*, *И.И.Гейер*, *В.А.Мустафин*,

*А.И.Добросмыслов*лар ушбу тўғаракнинг энг фаол аъзолари эди.

XIX аср охиридан тўғарак ишида маҳаллий мусулмон зиёлилар вакиллари *Абубақр Аҳмаджонович Диваев*, *Шерали Лапин*, *Мирза Абдулла Исомухаммедов*, *Мулла Олим Абулқосимов*, *Муҳиддин Хўжа Ҳаким Хўжа Эшонов*лар ҳам фаол иштирок эта бошладилар.

Тўғарак аъзолари Самарқанддаги *Афросиё*бни кўп асрлар ҳазинаси деб қараб, унда кенг кўламли археологик қазишмалар олиб борадилар. *В.Л.Вяткин*, *Н.И.Веселовский*лар ўтказган қазишмалар натижасида 1908 йилда Улуғбек расадхонаси очиб ўрганилади.

1917 йил охиригача бўлган деярли 20 йиллик фаолияти мобайнида ушбу тўғарак Марказий Осиё моддий маданият

ёдгорликларини археологик жиҳатдан ўрганиш ва муҳофаза қилиш ишлари билан шуғулланиб, юздан ортиқ илмий мақолалар, брошюралар ҳамда қўлланмаларни эълон қилади.

### **ТУРКОМСТАРИС**

(Туркестанский комитет по делам музеев и охраны памятников старины искусство и природы) – Музейлар, санъат ва табиий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ишлари бўйича Туркистон комитети. 1921 йил 22 майда музейлар ишини ривожлантириш, санъат ва табиий ёдгорликларни ўрганиш ва химоя қилиш мақсадида Туркистон Автоном Совет Республикаси (ТАСР) Халк маорифи комиссарлиги (Наркомпрос) таркибида ташкил этилган махсус қўмита. Қўмита таркибидаги тарихчи-археологларнинг бош мақсади ўлкадаги тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ишида давлат ташкилотларига ёрдам беришга қаратилган бўлсада, 1921 йилдан бошлаб улар томонидан қадимий обидаларни тизимли равишда ўрганиш ишлари ҳам бошлаб юборилган эди. 1921 йил *М.Е.Массон* Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларининг тарихий топографиясини ўрганишни бошлайди. 1923 йил А.А.Семенов, А.И.Шмидт ва бошқалар Туркистон ўлкасидаги, 1924 йил Д.А.Морозов, И.И.Умняковлар Бухородаги тарихий архитектура ёдгорликларини ўрганиш экспедицияларини ташкил қиладилар. 1924-1925 йилларда миллий давлат чегараланиши

ўтказилиши муносабати билан Т. ўз фаолиятини тўхтатган.

**ТУРК ҲОҚОНЛИГИ** (551-603) - туркий ашина қабиласи сардорлари Бумин ва Истеми ҳоқонлар томонидан VI асрнинг ўрталарида асос солинган давлат. Турклар қисқа муддатда Олтой, *Еттисуя*, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё ва Урал-Волга бўйини ўз ичига олган улкан давлатга асос соладилар.

Турк ҳоқонлари: Бумин ҳоқон (542-553), Қора Иссиқхон (553-554), Мукон ҳоқон (572-581), Амрак (581), Баға Ишбархон (581-587), Чоллиғ Жабғу-Бағахон (587-588), Юн-Улуғ (588-599), Қора Чўрун Турк (599-603).

603-йилда Турк ҳоқонлиги Ғарбий (603-704) ва Шарқий Турк ҳоқонлигига (603-745) бўлиниб кетади. Ғарбий турк ҳоқонлиги (603-704) таркибига Ўрта Осиё, Шимолий Кавказ, Волгабўйидан Қримгача бўлган худудлар кирган. Ҳоқонликнинг пойтахти Суёб (ҳозирги Тўқмоқ, Қирғизистон), ҳоқоннинг ёзги қароргоҳи Мингбулок (Қозғоғистоннинг Туркистон шаҳри яқини)да жойлашган эди.

Ғарбий турк ҳоқонлари: Ниши хон (603-604), Басил Тегин (604), Таман хон (604-612), Шегуй хон (612-618), Тўнябғухон (618-630), Қуллуқ Сибирхон (630-631), Си Ябғухон (631-633), Нишу Дулухон (633-634), Ишбара Толишодхон (634-639), Халлиқ Ишбара Ябғухон (634-639), Ашина Дучжихон (676-679), Ашина Хушелло шод (693-704).

Турк ҳоқонлари ва зодагонлари кўчманчи турмуш тарзида қолишган. Ўрта Осиёнинг ўтроқ

маданий дехкончилик воҳаларини бошқаришни маҳаллий ўлка ҳукмдорларига топшириб улардан ҳар йил божу-ясоқлар йиғиб олганлар. Ана шу маҳаллий ҳукмдорлар *Сугд* ва *Фарғонада* “*ихшид*”, *Тоҳаристонда* “*маликшоҳ*”, Чочда “*тудун*”, Илоқда “*деҳкон*”, Дабусияда “*дабусшоҳ*”, Усрушонада “*афшин*”, Хоразмда “*хоразмшоҳ*” деб юритилган.

705-715-йилларда арабларнинг Ўрта Осиёга ҳарбий юришлари оқибатида Турк ҳоконлигининг ҳукмронлигига барҳам берилади.

**ТУРОН** (ф. “*турон*” – туркийлар) – туркий халқлар яшайдиган ҳудудларни билдирувчи ижтимоий, тарихий-этник атама.

“Турон” атамаси бундан 3000-2500 йиллар муқаддам қўлланила бошланган. Сугдча – ер, тупрок, дала ва дашт каби маъноларни билдирган. *Авестода* чорвачилик билан шуғулланувчи кабилалар турлар деб, турлар юрти эса Турон деб аталган. “Турон” атамаси ёнида, у билан бирга, унинг маънодошлари сифатида “Турк юрт”, “Турк эли”, VII асрдан бошлаб эса “Туркистон” атамалари ёзма битикларда учрайди. Турон туркий халқларнинг жаҳоний ҳамда ижтимоий-этник бирлигини ифодаловчи асосий тушунча ва ном сифатида XXI асргача етиб келган.

Туронни географик-тарихий таърифлаганда, унинг ҳудудлари Тинч океанидан Ўрта ер денгизидagi Эгей-Адриатикагача, Шимолий Муз океанидан Тибет, Химолай тоғларигача, Шимолий Ҳиндистондан Анадўли (ҳозирги Туркия) гача бўлган ҳудудларни ўз ичига олиб, мазкур ҳудудда яшовчи

туркий халқлар Ватанини билдиради.

**ТУТҚОВУЛ** – Тожикистон ҳудудидаги *мезолит* даврига оид кўпкатламли макон. Куйи маданий қатламларидан геометрик шаклдаги *нуклеуслар* топилган.

**ТҮРТЛАМЧИ ДАВР** – ер геологик тарихининг инсон пайдо бўлган даврига тўғри келувчи босқичи (*Антропоген давр*). Дастлаб олимлар ернинг пайдо бўлишини бирламчи, ерда тирик организмлар пайдо бўлган даврни иккиламчи, сут эмизувчи жонзотлар пайдо бўлган даврни учламчи ва ерда одам пайдо бўлган даврни тўртламчи даврга бўлиб ўрганишган. Учламчи ва Тўртламчи даврлар *Кайназой* эрасини ташкил этган. *Кайназой* ер шарининг энг юқори қатламлари бўлиб геологлар уни куйидан юқорига қараб *палеоген*, *неоген* ва *антропоген* (тўртламчи) даврларига бўладилар.

**ТУҒАЛОҚ** (туркман тилида думалок, айлана демакдир) – жанубий Туркманистон ҳудудидаги *Марғиёна* тарихий вилоятининг сўнги бронза даврига оид дехкончилик воҳаси. Мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярми – I минг йиллик бошларига тааллуқли. Воҳа таркибида 30 дан ортиқ қишлоқ мавжуд. Улар орасида энг катта (майdonи 12 га) Тўғалоқ I шу воҳанинг маркази бўлган. Тўғалоқ I ва Тўғалоқ 21 дан дунё археологиясида камдан кам учратиладиган оташпаратлик ибодатхонаси харобалари ва муқаддас *хаома* ичимлиги тайёрлашда ишлатиладиган эфедра ва наша ўсимлиги қолдиқлари топилган. Археологларнинг

хулосасига кўра, Тўғалоқ *Марғиёна* тарихий вилоятининг *Гонурдан* кейинги маркази бўлган.

## У

**УАЗ, Вас** – Амударёнинг қуйи оқимидаги иккита катта ўзани *Дарёлиқ* ва *Довдон* орасидаги қадимий деҳқончилик воҳаси. У. воҳаси Сарикамиш кўлига қадар давом этади. Воҳада *Кўзалиқир*, *Қальалиқир-1*, *2*, *Оқчагелин*, *Давдонқалъа*, *Ёрбакрқалъа*, *Говурқалъа*, *Шохсанам*, *Кўхна Уаз* каби қадимий ва ўрта асрлар даврига оид шаҳар-қалъалар жойлашган.

### УЗКОМСТАРИС

(Узбекистанский комитет по охране памятников старины и искусства) – Ўзбекистон қадимий санъат ёдгорликларини муҳофаза қилиш кўмитаси. 1927 йилда ташкил этилади. Кўмига 1920-йилларнинг иккинчи ярми ва 1930-1940-йилларда тарихий ёдгорликларни ўрганиш ва тадқиқ этиш ишини мувофиқлаштириб турди. *В.Л.Вяткин*нинг *Афросиёбда* (1925, 1929-1930), *Б.П.Денике* экспедициясининг *Термизда* (1926-1927), *М.Е.Массон* археологик гуруҳининг *Ангрен* (1925-1928), *Тўйтепа* (1928), *Термиз* ва *Айритомда* (1933), *А.А.Потапов*нинг *Ангрен* воҳасидаги мазор кўрғонларини ўрганиш ишларида (1929-1930), *Б.А.Латинин*нинг *Фарғона* водийсидаги экспедициясини (1930, 1932-1933) ташкил этишда У. ўрни катта бўлди.

1930-йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон олимлари билан

Ленинград ва Москва археолог-олимлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб қатор экспедициялар ташкил этилди. У. ва Эрмитаж ҳамкорлигида ташкил этилган *Зарафшон* (1934, 1939), *А.Ю.Якубовский* раҳбарлигидаги *Термиз* (1936-1938) археологик экспедициялари шулар жумласидандир. Бундан ташқари шу йилларда *М.Е.Массон* ва *Г.В.Григорьевлар* *Қовунчтепада* (1934-1937), *А.И.Тереножкин* *Тошкент Октепасида* (1940-1941) ва *Талибарзу шаҳрида* (*Самарканд*, 1936-1939), *В.А.Шишкин* *Варахшда* (1937-1939) қазималар олиб бордилар. 1937 йилда ташкил этилган *С.П.Толстов* раҳбарлигидаги *Хоразм археологик экспедицияси* ўзининг ярим асрлик фаолияти давомида қуйи Амударё хавзаларининг бутун бир ибтидоий даврдан то сўнгги ўрта асрларгача бўлган тарихини очишга мавафқак бўлди.

**УЗУНҚИР** – қадимги шаҳар харобаси. *Зарафшон* тоғларидан бошланадиган *Шўробсой* бўйида, *Қашқадарё* вилоятининг *Китоб* тумани худудида жойлашган. 1981 йилда *ТошДУ* *Ўрта Осиё* археологияси кафедраси экспедицияси ходимлари томонидан ўрганилган. У. ўрнида мил. авв. VIII-VII асрларда қишлоқ манзилгоҳи бўлган. Мил. авв. VII-VI асрларда манзилгоҳ муҳофаза девори билан ўраб олинган. Майдони 70 га ни ташкил этган У. *Авестодаги Гава* (*Сузд*) вилояти (*Навтака*), бугунги *Китоб-Шаҳрисабз* воҳасининг қадимги *Бактрия-Мароқанда* қарвон йўлидаги муҳим иқтисодий,

маъмурий ва савдо-хунармандчилик марказига айланган. У. Қашқадарё воҳасида шаҳарсозлик маданияти шаклланишининг намунаси ҳисобланади.

**УЛУС** (мўғ. – давлат, халқ, одамлар) – 1) Мўғул давлати шаклланиш даври (XIII аср боши)да муайян бир нўёнга тобе бўлиб, унга қарашли ерларда кўчманчилик билан ҳаёт кечирувчи қатта-кичик оилалар гуруҳи; 2) мўғуллар истилоси даврида босиб олинган ҳудудлардан Чингизхон фарзандларига бўлиб берилган мулк (удел)лар. Масалан, Жўжи улуси, Чиғатой улуси ва б. . XIII асрнинг 2-ярмида бу улуслар мустақил давлатларга айланиб, номигагина улўғ коонга бўйсунганлар. XV-XVII асрларда улус – Мўғулистондаги йирик ер мулки ва мусулмон адабиётида Чингизийлар давлатларининг аталиши. Вақт ўтиши билан “улус” атамаси мулк маъносидан қўлланилмайдиган бўлган ва аста-секин “халқ” маъносини англага бошлаган. Ҳозирги вақтда “улус” атамаси “давлат” атамасининг синоними сифатида ҳам ишлатилади.

**УММАВИЙЛАР** – араб халифалигини Сахиҳ халифалар (632-661) дан сўнг 661-750 йилларда бошқарган сулола. Сулоланинг биринчи вакили Абу Сўфиённинг ўғли Муовиядир. Абу Сўфиён Муҳаммад Пайғамбарнинг бобоси Абу Муталлибнинг амакаси Абу Шамснинг ўғли Умайя авлодидан бўлган. Абу Сўфиённинг ўғли Муовия халифа Али замонидан (656-661) халифаликнинг Суриядаги ноиби бўлиб, унга бўйсунмаслик сиёсатини бошлайди ва араб

зодагонларининг ёрдамида халифалик тахтини эгаллайди. Халифалик пойтахтини Дамашкка кўчиради. Шунинг учун ҳам тарихий адабиётларда У. даври Дамашк халифалиги деб ҳам юритилади. 747-750 йилларда Абу Муслим раҳбарлигидаги кўзғолон натижасида охириги У. вакили Марвон II (744-750) тахтдан туширилади ва ҳокимият *Аббосийлар* қўлига ўтади.

Уммавийлар сулоласи вакиллари: Муовия (661-680), Язид (680-683), Марвон I (683-685), Абдумалик (685-705), Волид (705-715), Сулаймон (715-717), Умар II (717-720), Язид II (720-724), Ҳишом (724-743), Волид II (743-744), Марвон II (744-750)

**УРБАНИЗАЦИЯ** (лот. urbanus шаҳарга оид) – шаҳарлашиш. Аҳоли ва саноатнинг йирик шаҳарларда тўпланиш жараёнида мамлакат умумий аҳолиси ҳисобида шаҳар аҳолиси салмоғининг ортиб бориши. У. тушунчаси кўпроқ индустриал (саноатлашган) давр тарихи учун хос тушунча бўлсада, тарихий-археологик адабиётларда суғорма деҳқончилик маданияти юксалган тарихий маданий ўлкаларда илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёнлари билан боглиқ масалаларда ушбу атама кенг ишлатилади.

**УРУҒ** – бир аجدоддан тарқалган қон-қариндошларнинг жамоа бўлиб бирлашуви натижасида шаклланган кишилар уюшмаси. Тирикчилик ташвишида ташқи душманлардан сақланиш истаги кишиларнинг қон-қариндошликка асосланган

бирлашувини тақозо этган. Шу йўл билан кишиларнинг тенг ҳуқуқчилиги, асосий ишлаб чиқариш курулларининг умумий мулкчилиги, жамоа меҳнати ва истеъмол қилишининг умумийлиги таъминланган, никоҳ ва диний маросимлар тартибга сояиб турилган. Кишиларнинг уруғ-уруғ бўлиб яшаш тарзига ўтишлари бундан 40-35 минг йил илгари содир бўла бошлаган.

#### **УРУҒ ЖАМОАСИ** –

биргалиқда яшаган ва ҳамкорликда меҳнат қилган, умумий меҳнат куруллари ва курул-ярокка эга бўлган кон-қариндошлар жамоаси. Уруғ жамоаси сўнгги палеолит даврига келиб (40-35 минг йилликларда) пайдо бўлган.

#### **УРХУН-ЕНИСЕЙ**

**ЎЗУВЛАРИ** – қадимги турк-руник ўзувлари, тош, металл, ёғоч ва бошқа буюмларга ўйиб битилган қадимги туркий ўзувлар. Бу ўзувлар V-VIII асрларга (баъзи манбаларда VIII-X асрларга) мансуб деб ҳисобланади. Урхун ва Енисей дарёлари ҳавзасидан топилганлиги сабабли шу ном билан юритилади. Ташқи кўринишидан гот (қадимги герман қабиласи) ўзувига ўхшаш бўлганлиги учун руник ўзув деб ҳам аталади.

Урхун-Енисей ўзувларининг туркий халқларга мансуб эканлигини биринчи марта француз олими Ж.П. Абель Ремюза (1820), сўнгра рус олими Н.М. Ядринцев (1889) исботлаган эдилар.

Урхун-Енисей ўзувларининг келиб чиқиши ҳақида мутахассислар ўртасида тан олинган ягона фикр йўқ. Бу ҳақдаги нисбатан кенг тарқалган

мулоҳазаларга қараганда, мазкур ўзув ўзининг келиб чиқишига қўра суғд ва пайлавий ўзувлари орқали оромий ўзувига бориб тақалади. Урхун-Енисей ўзувларининг пайдо бўлиш жойи ва вақти ҳам ҳозирча узиқ-кесил ҳал қилинмаган.

#### **УСТРУШОНА**

*Сугдиёна*нинг шарқий томонида жойлашган тарихий-географик ҳудуд. Ушбу вилоятнинг ғарбий қисмини Ўзбекистоннинг Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ташкил этади. Унинг шарқий қисми эса Тожикистоннинг Суғд вилояти ҳудудларига тўғри келади. У. ҳудудидан қадимги ва ўрта асрлар даврига оид 50 дан ортиқ археологик ёдгорлик топиб ўрганилган. Бунжикат, Қўрғонча шаҳар-қалъалари, Қалъаи Дахкат, Қалъаи Дахкаха, Чилхужра, Ўртақўрғон, Қоравултепа, Баёртепа, Қўрғонтепа, Чилпактепа, Ахмадбектепа, Вахмтепа, Эскипашатепа, Муғтепа, Ширин, Оқтепа, Дунгчатепа каби қалъа-қўрғонлар шулар жумласидандир. Илк ўрта асрларда У. вилояти 18 та туман (рустак)дан ташкил топган бўлиб, улар тепасида турган хукмдорлар “афшинлар” деб аталган. Дастлаб У. номи илк ўрта аср Хитой манбаларида учрайди. Уларда У. IV-V асрлардаёқ мустақил ҳокимлик сифатида тилга олинади. Араб географларининг хабарларига қараганда, У.нинг бош шаҳри Бунжикат (ҳозирги Шахристон) бўлган. У. дастлаб *эфталилар*, сўнгра VI асрнинг иккинчи ярмидан *Турк ҳоқонлиги* тасарруфига киритилган.

**УСТУРЛАБ** – қаранг:  
**АСТРОЛЯБИЯ.**

**УСТЮРТ** – тарихий-географик худуд. Ўзбекистоннинг шимолий-ғарби (Қорақалпоғистон) ва Қозоғистон худудларидаги плато. Умумий майдони 200 минг км. кв. бўлиб, унинг атрофи 60-150 м баландликдаги тик жарлик (чинк)лардан иборат. Кескин континентал иқлимли У да доимий оқар сувлар йўқ. Баҳорги ёмғирлар мавсумида тақирларда сув йиғилиб, вақтинчалик қўллар пайдо бўлади. Ҳайвонот дунёси чўлга хос бўлиб, қадимдан жайрон, сайғоқ ва қушларнинг ҳар хил турларига бой. Бу эса У.нинг ибтидоий даврдан бошлаб одамлар томонидан ўзлаштирилишига бош омил бўлиб хизмат қилган. У. тарихи бўйича дастлабки археологик маълумотларни XX аср бошларида М.В.Баярунас эълон қилган. Кейинчалик 1950-1960-йилларда Е.Бижанов, А.В.Винградов, В.Шолохов, мустақиллик йилларида В.Н.Ягодин томонидан худуднинг жанубий-шарқий қисмидаги йирик ҳавзасимон чўкмалар, ҳамда ўзансимон воҳалар ён қирғоклари бўйлаб жойлашган ибтидоий маконлар аниқланиб ўрганилди. Уларнинг сони бугунги кунга келиб 100 дан ортиқни ташкил этади.

У даги Борсакелмас ботиғи ёнидан топилган Есен 3 ва Чурук 12 манзилгоҳи, худди шу ботикнинг энг чекка шимолий қисмидан топилган Қорақудук манзилгоҳлари гуруҳи, Асаковдон ботиғидан 18-20 км шимолда жойлашган Шахпахта манзилгоҳлари сўнгги палеолит даврига тегишлилиги аниқланган. Археолог Е.Бижанов У дан топилган тош даврига оид археологик материалларни таҳлил

қилиб, уларни уч тараққиёт босқичга ажратди: 1. Мезолит сўнгги босқичлари ва ишк неолит даврига мансуб ёдгорликлар Ойтайлоқ-1, Чурук-2,7, Сулама ва бошқалар бўлиб, улар мил. авв. VI-V минг йилликлар биринчи ярмига оид. 2. Ривожланган неолит даври ёдгорликлари Оқтайлоқ-4, 5, Қўшхотин, Даҳли, Сумбетимер ва бошқалар (мил. авв. V-IV минг йилликлар бошлари). 3. Неолит сўнгги босқичи маконлари Чурук гуруҳи, Сам-1, 4, Қўшбулоқ, Каскажўл, Оқтумшук ва бошқалар бўлиб, улар мил. авв. IV минг йиллик – III минг йиллик бошларига тааллуқлидир.

У. неолит маконлари тош буюмлари парақали, микролитли индустриядир. Сопол буюмларига горизонтал ўйма нақшлар солинган. Маконлардан чиганоқлардан ясалган тақинчоклар кўплаб топилган. У. неолит жамоаларининг хўжалик асоси овчилик, термачилик, яъни ўзлаштирама хўжалиқдан иборат бўлган. Улар Жанубий Урал, Ғарбий Қозоғистон, Оролбўйи, Қизилкум ва Шарқий Каспийбўйи худудлари аҳолиси билан яқин алоқада бўлиб, улар ўртасидаги боғловчи бўғин ролини ўтаганлар.

**УЧТУТ ЁДГОРЛИГИ** – ўрта палеолит (*мустье*) давридан то бронза даврига қадар Зарафшон водийси ва унинг атрофида яшаган кабилаларни чақмоқтош билан таъминлаган устахона ва шахта. Ёдгорлик Навоий вилояти Навбаҳор тумани Нурота тоғларидаги Қорағоғ тизмасининг жанубий ёнбағрида жойлашган. 1958 йилда археолог Х.Муҳаммедов томонидан



аниклаган. *М.Р.Қосимов* ва Т.М.Мирсоатовлар раҳбарлигида тадқиқот ишлари олиб борилган. Тош асрининг дастлабки босқичларида чакмоктошлар ер усти тош ётқизиклари орасидан очик усулда олинган. Неолит даврига келганда учтутликлар меҳнат қуроллари яшаш учун хом ашёни ер остидаги сифатли чакмоктош она жинсидан синдириб олишни ўрганганлар ва ер остига бир неча метр чуқур шахталар казиб тушганлар. У.Ё. майдони 8 минг м кв ни ташкил этади. У.Ё.да 260-270 га яқин шахта бўлган ва улардан асрлар давомида узлуксиз фойдаланишган.

## Ф

**ФАЁЗТЕПА** – қадимги Бактриянинг будда ибодатхонаси мажмуаси. *Эски Термиз* шаҳридан шимолий-ғарб томонда, шаҳар мудофаа деворлари ташқарисида жойлашган. Ёдгорлик 1968-1976-йилларда археолог *Л.И.Альбаум* томонидан ўрганилган. Ибодатхона (вихара) милодий I асрда бунёд этилган бўлиб, тархи тўғри тўртбурчак шаклида. Унинг узунлиги 114, эни эса 34 м га тенг. Ф. 3 қисмдан иборат. Марказий қисмида жойлашган ибодатхона ҳовлисининг тўрт девори бўйлаб айвон қурилган. Деворлар буддавийлик мазмунидаги рангли монументал расмлар, лой, ганч ва оқ оҳақтошдан ясалган хайкаллар билан безатилган. Унда Будда, Бодхисатва, гулчамбарларни кўтариб юрган одам сиймолари тасвирланган. Девор ости бўйлаб ўз вақтида баландлиги 4 м келадиган

будда хайкаллари қўйилган. Муқаддас саждагоҳдан топилган яхлит оппоқ маргелий тошидан ясалган санъат асари – триада айникса ноёб топилма ҳисобланади. Триада марказида ипак мантияга ўралган Будда арка ва муқаддас бодха дарахти шохлари остида ўтирибди. Икки ёнида тик турган роҳиблар унга илтижо қилиб турган ҳолатда тасвирланган. Ушбу ноёб санъат асари ҳозир Ўзбекистон халқлари тарихи музейида сақланмоқда. Ф. мажмуасининг деворлари, асосан, пахса ва ғиштдан қурилган. Монастир ва ибодатхона деворлари айникса баланд бўлиб, 3 м гача қисми сақланиб қолган. Барча деворлар сомонли лой билан сувалган бўлиб, кўп ҳолларда сувоқ устига оқ рангда жишо берилиб, унинг усти рангли расмлар билан безатилган. Ибодатхонанинг шимолий-ғарбида монастир, жанубий-шарқий қисмида ошхона ва *ступа* жойлашган. Ф. IV асрда сосонийлар томонидан вайрон қилинган ва давр ўтиши билан ёдгорлик қум-тупроқ аралаш тепалик кўринишига келиб қолган.

**ФАРСАҲ** – ўрта асрлар даврида кенг ишлатилган масофа ўлчов бирлиги. Бир фарсаҳ 9-12 минг қадамга ёки 6-8 км га тенг бўлган.

**ФАРҒОНА** – *Уструшона* вилоятининг шимолий-шарқида, Сирдарёнинг юқори ҳавзасида жойлашган тарихий вилоят. Ҳозирги Ўзбекистоннинг Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари ва Қирғизистоннинг Ўш вилояти ҳудудларига тўғри келади. Ф. дастлаб тарихчи Геродотнинг

“Тарих” асарида “париканийлар юрти” номи остида эслатилади. Помир тилларида “Паркана” топоним-сўзи бугунги кунда ҳам мавжуд бўлиб, у тоғлар билан ўралган ва бир томондан кириш мумкин бўлган ҳудуд маъносини беради. Қадимги суғд тилида ҳам “пар” – девор, тоғлар орасидаги ҳудуд, “кан” – фойдали қазилмаларга бой макон мазмунини англатган. Хитойликлар қадимда маҳаллий Паркана-Фарғана (Фарғона) сўзини хитойчага таржима қилиб “Дайюан” деб талаффуз қилганлар. Дайюан ҳам “тоғлар орасидаги водий” маъносини беради ва у ҳозирги Хитой адабий тилида “Даван” деб юритилади.

Ф. ибтидоий даврдан инсонлар яшаб келаётган тарихий ҳудуддир (*Селунгур зори*). Мил. авв. I минг йилликда бу ерда ўтроқ деҳқончилик хўжалигага асосланган *Чуст* ва ундан сўнг *Эйлатан маданиятлари* таркиб топади. Ф. тарихий ҳудудда ташкил топган илк давлат бирлашмаси *Даван давлати* (мил. авв. IV асрдан - миллодий II асргача) ҳисобланади.

Ф. водийсининг Қирғизистон Республикаси ҳудудидан Ўзган, *Шўрабашиат*, Анақизил, Қорасадок, Ўш, Қўрғошинтепа, Мади, Оқ Бура, Янгибозор, Эски Аравон, Ўзбекистоннинг Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари ҳудудларидан *Эйлатон*, *Андижон*, *Қува*, *Мингтепа* (*Марҳамат*), *Далварзинтепа*, Чўнтактепа, Майдаттепа, Миқтикўрғон, *Марилон*, *Мунчоқтепа* (*Баланоттепа*), *Ахсикат*, *Косон* (*Косонсой*), *Музтепа*, Учқўрғон,

КайнавоТ, Октепа, Тожикистон Республикаси ҳудудидан Қалъаиболо, Кофирқалъа, Сурх қалъаси, Тепакўрғон, Бишкент, Андархон, Қорабулоқ, *Хўжанд* каби қадимги ва ўрта асрлар даврига оид шаҳар ёдгорликлари очиб ўрганилган.

**ФЕОДАЛИЗМ** (қад. нем. “fuhu”, “fehu” – ер-мулк, чорва, мол-мулк, “od” эгалик қилмоқ) ер эгаси – феодал ва қарам деҳқонлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга асосланган тузум. Феод – меросий ер-мулк бўлиб, унинг эвазига ер эгаси феодал хукмдор (кирол, шоҳ, султон, император)га ҳарбий хизмат ўташи лозим бўлган. Ф. даври “ўрта асрлар” атамаси билан бир маънода ишлатилади. Ғарб (Европа) мамлакатларида ўрта асрлар V асрдан XVII асргача, Шарқ (Осиё) мамлакатларида эса XIX аср охиригача давом этган.

**ФЕТИШИЗМ** (фр. “fetiche” бут, санам; тумор) – табиатдаги жонсиз предметларга сифиниш. Унга кўра, алоҳида буюмлар кишиларнинг ўз мақсадига эриштириш, маълум воқеа-ходисаларни ўзгартириш кучига эга деб ҳисобланган. Фетиш ҳам ижобий ҳам салбий таъсир кучига эга деб қаралган. Ф. ёғоч, лой ва бошқа материаллардан ясалган буюмлар пайдо бўлиши билан бир пайтда ибтидоий жамоа тузумининг уруғчилик босқичида пайдо бўлган. Ибтидоий одамлар бу бутлар ва туморларда уруғ жамоалар ғайритабиий дунёдан келадиган илоҳий қудратининг тимсолини кўрганлар. Ф. белгилари баъзи бир ҳозирги замонавий халқларнинг

диний расм-русумлари ва этиқод-анъаналарида ҳам сақланиб қолган.

**ФИЛАНОВИЧ МАРГАРИТА ИВАНОВНА** (16.06.1937.) – археолог, тарихчи олима. 1959 йилда Ўрта Осиё давлат Университети (ҳозирги ЎзМУ)ни тугатган Маргарита Ивановна илмий фаолиятини устози *М.Е.Массон*нинг маслаҳати билан қадимги Марв воҳасидаги Гююрқалъа археологик ёдгорликларини ўрганиш ишидан бошлади. 1970 йилгача *ЎзФА Тарих ва археология институти*да ишлаб, 1970 йилда Самарқандда *Археология институти* ташкил этилгач, 1973 йилдан бошлаб 15 йил мобайнида ушбу институтнинг илмий котиби бўлиб ишлади. 1974 йилда “Гююрқалъа стратиграфияси мисолида қадимги Марв тарихи масалалари” мавзусида номзодлик диссертациясини ёклади. 1966 йилда Тошкент зилзиласидан сўнг шаҳар тарихини ўрганиш мақсадида *В.А.Булатова* раҳбарлигида *Тошкент археология гуруҳи* ташкил этилади. 1975 йилда *В.А.Булатова* нафақага чиққач *М.И.Филанович* ушбу гуруҳ ишига раҳбарлик қила бошлайди. 1979 йилдан мазкур гуруҳ доимий ишловчи *Тошкент археологик экспедициясига* айлантирилади. Экспедициянинг раҳбари сифатидаги самарали фаолияти учун *М.И.Филанович* 1985 йилда Беруний номидаги давлат мукофотига сазовор бўлади. Қадимий *Шоштена* ёдгорлигининг ўрганилиши ва бугунги Тошкент шаҳрининг ёшини белгилашда *М.И.Филанович*нинг хизматлари катта. *Шоштена* ва *Мингўрик* материаллари асосида 2009 йилда

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги нишонланди. Олиманинг Ўрта Осиё шаҳарлари тарихий топографияси, қадимги ва ўрта асрлар даври археологияси ва диний этиқодлари масалаларига оид 200 дан ортиқ илмий мақола ва 20 га яқин монографияси эълон қилинган. “Тошкент. Зарождение и развитие города и городской культуры. (-Т. 1983.), “Тошкент на перекрёстке истории (очерки древней и средневековой истории города)” (ҳаммуаллифликда. –Т. 2001.), “Древняя средневековая история Ташкента в археологических источниках” (-Т. 2010.), “Тошкент тарихи (қадим давлардан бугунги кунгача)” (-Т. 2009.) китоблари олиманинг фундаментал асарларидир.

**ФОРТИФИКАЦИЯ** (лот. fortificatio – истехком, қўрғон) – ҳарбий-муҳандислик санъати соҳаси. Мудофаа иншоотлари куриш ва улардан ҳарбий мақсадларда фойдаланиш масалаларини қамраб олади. Қадимда ва ўрта асрларда қурилган ҳар бир иншоот ўзига яраша ҳарбий-мудофаа тизими (фортификацияси)га эга бўлган.

**ФРИЗ** (фр. frise – безак) – мезморчиликда бино деворининг тепа қисмига ҳайкалтарошлик, рангтасвир, кўпинча наққошлик усулида ишланган горизонтал безак хошия.

**ФУЛУС** – ўрта асрларда муомалада бўлган майда мис чака.

**ФУТ** (инг. fut – кадам, юриш) – инглиз узунлик ўлчов бирлиги. Бир кадам тахминан 30,479 сантиметрга тенг.

## Х

**ХАЗОРАСП** – Хоразм воҳасининг бошланиш жойидаги энг қадимги ва муҳим археологик ёдгорликларидан бири. Хоразм вилояти Хазорасп тумани марказида жойлашган. Х. кўп асрлар давомида ҳаёт узлуксиз давом этган ва ўз тарихий номини бугунги кунгача сақлаб келган қадимий шаҳарлардан биридир. Ўрта аср тарихчи ва географларининг асарларида ушбу шаҳар Хоразмнинг катта ва эгаллаб бўлмас мустаҳкам қалъалардан бири эканлиги кўп бор тилга олинади. 1958 йилга қадар шаҳарда археологик казишмалар ўтказилмаган бўлсада, ёдгорликни кўздан кечирган *Я.Ф.Ғуломов* унинг антик даврга оидлигини қайд қилган эди. Х.да археологик қазилмалар илк бор 1958-1960 йилларда *Хоразм археологик экспедицияси* ходимлари томонидан ўтказилади (М.Г.Воробьева, М.С.Лапиров-Скобло, Е.Е.Неразик).

Х. қалъасининг майдони 10 га дан ошиқроқ (340×320 м). Х.нинг ёшини аниқлаш мақсадида 1996 йилда ЎзР ФА *Археология институтининг* Хоразм археологик бўлими қазилмалар ўтказди. Олинган сопол материаллар мил. авв. IV-II асрларга, унинг атрофларидан олинган керамика ашёлари эса мил. авв. I минг йилликнинг ўрталарига оидлигини кўрсатди. Шаҳар илгари мавжуд бўлган қишлоқ ўрнида мил. авв. VI-V асрлар чегарасида пайдо бўлган, деган хулосага келинди. 2002-2003 йилларда Ўзбекистон ФА *Археология институтининг* археологлари Хоразм Маъмун

Академияси билан ҳамкорликда Х. ва унинг ички қалъасида стационар археологик казишмалар олиб борди. Қазилмалар натижасида мил. авв. V-IV асрларгача бўлган маданий қатламгача етиб борилди. Ер ости сувларининг чиқиши куйроқ маданий қатламларга тушиб бориш имконини бермади. Олинган материаллар Х. шаҳар қалъаси антик даврдан қадимийроқ маданий қатламларга эга эканлигини тасдиқлади. Х. мил. авв. V асрдан то сўнгги ўрта асрларгача ҳаёт узлуксиз давом этган қадимий шаҳар ҳисобланади.

**ХАЙРАБОДТЕПА** – Термиз шаҳридан 30 км шимолда, Ангор туманида жойлашган қадимги шаҳар ёдгорлиги. Тўғри бурчакли режага эга ушбу шаҳар (150×100 м) мудофа деворлари ва *хандак* билан ўралган. Жанубий шарқий бурчагида яхши мудофааланган *арк* жойлашган. Х. ҳаёт асосан мил. авв. I – милодий III-IV асрларда ривож топган. Илк ўрта асрлар ва ўрта асрларда шаҳарнинг бир қисмида ҳаёт бир муддат жонланиб турган. Археологик тадқиқотлар давомида Х.дан *терракота* ҳайкалчалар, *Бақтрия* ёзуви намуналари ёзилган хумлар, Сападбиз, Нерон, Кадфиз 2, Канишка, Васудева тангалари топилган.

**ХАНДАҚ** – қалъа мудофаа деворлари ташқи томонидан унинг периметри бўйлаб қазилган ва сув тўлатилган чуқурлик. Махсус мудофаа иншооти.

**ХАРА, Харати, Хукар, Хоро** – *зардуштийлик*да оламдаги энг юксак тоғ номи. Х.нинг айнан қайси тоғ эканлиги аниқланмаган. Баъзи бир тадқиқотчилар Х.ни Элбурс

тоғининг чўкиси деб, бошқалар Помир деб ҳисоблайдилар.

**ХАРАШКАТ** – Тошкент вилоятининг Окқўрғон туманида жойлашган қадимги *Қанқа* шаҳрининг ўрта аср ёзма манбаларидаги номи. Қаранг: **КАНҚА**.

**ХАТТОТЛИК** – ўрта асрларда китоб ва рисоаларни, шунингдек, давлат расмий ёзишмаларини нафис безаклар ва ҳусниҳат билан кўчириб ёзиш санъати.

**ХИВА** – Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларидан бири. Шаҳарнинг қадимий қисми Ичанқалъа бўлиб, ҳозирги Х. шаҳрининг ички қисми ҳисобланади. Ўтган асрнинг ўрталарига қадар фан Х. шаҳрининг тарихи бўйича фақат ўрта аср ёзма манбалари орқали маълумотга эга эди. Х.нинг пайдо бўлиши ва энг қадимий маданий қатламлари хронологияси хусусидаги дастлабки фикрлар *Я.Ф.Фуломов* томонидан берилган. Олим ер юзасидан топилган сопол парчаларига асосланиб, шаҳарнинг пайдо бўлишини I-IV асрлар билан белгиллаган. 1957-1960 йилларда *В.А.Булатова* Х.да илк бор археологик казишмалар ўтказди ва шаҳарнинг бир қатор жойларига *шурф* солади. Олима ёдгорликнинг ўрта асрга оид маданий қатламларига дуч келиб Х.нинг пайдо бўлишини Х асрлар билан белгилайди. 1976-1979 йилларда Х.да археологик тадқиқотлар олиб борган *З.С.Нюкина* Уч Авлиё мавзеси яқинида қазилган шурфдан илк қангуй комплексига оид керамика намуналарини топишга муваффақ бўлади. Х. шаҳрининг

қадимги фортификациясини археологик жиҳатдан ўрганиш мақсадида 1984-1985, 1988 ва 1990 йилларда ЎзФА Н.Давкараев номидаги Қорақалпоғистон филиали Тарих, тил ва адабиёт институтининг археология бўлими ходимлари (Н.Ю.Юсупов, М.М.Мамбетуллаев, В.Н.Ягодин) Х.нинг 941 кв м майдонида археологик казишмалар ўтказди. Мустақиллик йилларида ҳам Х. шаҳрини археологик жиҳатдан ўрганиш давом эттирилди. Тадқиқотлар шаҳар тарихи ўнга қурилиш давридан иборатлигини кўрсатган. Шаҳар қурилишининг биринчи босқичи мил. авв. VI-V асрларга тўғри келиб, унда ҳаёт узлуксиз равишда шу бугунги кунга қадар давом этган. Х. XVII аср бошларидан 1920 йилгача Хива хонлигининг пойтахти бўлади.

Ер қуррасида машҳур бўлган Афина, Рим, Қоҳира шаҳарларига тенгдош бўлган Х.нинг Ичанқалъа қисми 26 га майдонни эгаллаб унда 54 та тарихий-меъморий обида жойлашган. Ичанқалъа 1961 йилда музей-қўриқхонага айлантирилган. 1990 йилда ЮНЕСКО томонидан Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. 1997 йилда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида ушбу қадимий шаҳарнинг 2500 йиллик юбилеи кенг нишонланди.

**ХИВА ХОНЛИГИ** – Хоразм худудларини Шайбонийхон 1505 йилда эгаллашга муваффақ бўлган эди. Шайбонийхон вафот этгач (1510), Хоразмнинг муътабар зотлари мамлакат тахтига Чингизхоннинг набираси Шайбон авлодларидан бўлган Берка

Султоннинг ўгли Элбарсхонни ўтказишга қарор қиладилар. Берка Султон Муҳаммад Шайбонийхон хонадонига қариндош ҳисобланар эди. Кўчманчи ўзбеклар сулоласининг биринчи вакили Элбарсхон даврида (1511-1516) пойтахт Вазир шаҳридан Урганч (*Кўҳна Урганч*) шаҳрига кўчирилади. Амударё ўз ўзанини ўзгартириб шимолга – Орол денгизига қараб оқа бошлагач, Араб Муҳаммадхон (1602-1621) пойтахтни *Кўҳна Урганчдан Хива* шаҳрига кўчиради. Пойтахт Хива шаҳри қилиб белгиланиши муносабати билан давлатнинг расмий номи тарихий адабиётларда Хива хонлиги деб юритила бошланади.

Х.Х. 1511 йилдан 1920 йилгача мавжуд бўлиб, унда иккита сулола алмашди. Булар Кўчманчи Ўзбеклар сулоласи (1511-1770) ва Кўнғиротлар сулоласи (1770-1920).

Кўнғиротлар сулоласининг вакиллари: Муҳаммад Амин (1770-1790), Аваз (1790-1804), Элтузар (1804-1806), Муҳаммад Раҳимхон (1806-1825), Оллоқулихон (1825-1843), Раҳимқулихон (1843-1846), Муҳаммад Аминхон (1846-1855), Абдуллахон (1855-1856), Кутлугмуродхон (1856), Саид Муҳаммадхон (1856-1864), Муҳаммад Раҳимхон II (1864-1910), Асфандиёрхон (1910-1918), Саид Абдуллахон (1918-1920).

**ХИОНИЙЛАР** – туркий қабила. Баъзи тадқиқотчилар фикрига кўра, хионийлар дастлаб Олтой тоғлари атрофида яшашган ва IV асрнинг I ярмида жанубий-ғарбга силжиб, Амударё ва Сирдарё оралиғига кириб келишган. Бошқа

бир гуруҳ тадқиқотчилар эса Х.нинг Орол денгизи шимолида яшаган йирик массагет қабилалар иттифокига мансуб бўлиб, хунлар билан аралашганлигини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, юнон ва латин тилидаги асарларда хунлар “оқ хунлар” деб аталган.

X. IV аср ўрталарида Зарафшон воҳасини эгаллаб, жанубга ҳаракат қилишган ва анча заифлашиб, *сосонийларга* қарам бўлиб қолган *Кушон* подшолиги ўрнини эгаллаганлар. Шу асрда Х. маркази *Тоҳаристон* бўлган Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон, Хуросоннинг бир қисмини ўз ичига олган ўз давлатини барпо этадилар. IV асрнинг 70-йилларида Х. *сосонийлар* эронига қарши ҳужум уюштириб, қатор муваффақиятларга эришганлар. Х.нинг Ўрта Осиёдаги хукмронлиги узокка чўзилмайди. V асрнинг бошларида Олтой ва Шарқий Туркистондан силжиб келган *кидарийлар* Х. хукмронлигига барҳам берадилар.

**ХОДЖАЙОВ ТЕЛЬМАН КАСИМОВИЧ** (8.03.1938.) – Марказий Осиё халқлари тарихи ва этнографияси тадқиқотчиси, антрополог олим. Тадқиқот йўналиши асосан, *кронеология, этногенез, этник тарих, остеология*, Ўрта Осиё халқлари *палеодемографияси* масалаларига қаратилган. Т.Ходжайов Тошкент давлат университетини тамомлагач (1957-1963), СССР ФА Ленинград филиали Антропология бўлими аспирантурасида ўқиб (1964-1966), кичик илмий ходим бўлиб ишлади ва 1969 йил “Формирование антропологического типа населения

Южного Приаралья (Миздахкан) мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилди. 1969-1971 йилларда ЎзФА Қорақалпоғистон филиалида, 1972-1982 йилларда ЎзФА *Археология институти* антик археология бўлимида катта илмий ходим, этник антропология бўлими мудири (1982-1988) лавозимида ишлаб, 1982 йил Москвада “Палеоантропология Средней Азии и этногенетические проблемы” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади 1993-1996 йилларда ТошДУ Тарих факультети этнография, қадимги ва ўрта асрлар тарихи кафедраси мудири, 1998-1999 йилларда Россия ФА этнология ва антропология институти Ўрта Осиё ва Қозоғистон бўлими мудири, 2000 йилдан ушбу институт физик антропология бўлимида фаолият юритиб келмоқда. Т.Ходжайов 200 га яқин археологик экспедицияларда иштирок этиб қазималар жараёнида олинган антропологик материаллар асосида жуда кўп илмий асарлар ёзди. “Некрополь древнего Миздахкана” (ҳаммуаллифликда. –Т. 1970.), “Антропологический состав населения эпохи бронзы Сапаллитепа” (–Т. 1977.), “К палеоантропологии древнего Узбекистана” (–Т. 1980.), “Антропология Средней Азии” (ҳаммуаллифликда. –Самарқанд. 1984.), “Этнические процессы в Средней Азии в эпоху средневековья” (антропологические исследования), –Т. 1987.), “Население верховьев Амударьи по данным антропологии”

(ҳаммуаллифликда, –Т. 1984.), “Историческая антропология Средней Азии (палеолит-эпоха античности)” (В.П.Алексеев, А.Аскарлар билан ҳамкорликда), –Т. 1990.), “Антропология и этническая история узбекского народа” (Г.К.Ходжайова билан ҳамкорликда), –Т. 1995.), “Обычай преднамеренной деформации головы в Средней Азии” // Антропологические и этнографические сведения о населении Средней Азии. (–М. 2004.) шулар жумласидандир.

**ХОЛЧАЁН** – *Юнон-Бахтрия* ва *Кулионлар* даврига оид шаҳар. Сурхондарё вилояти Денов шаҳридан шимолӣ-шарқда жойлашган. Мил. авв. IV-III асрдан милодий V асрларга оид. Бир неча тепалик (Хонақоҳтепа, Қоработтепа, Маслаҳаттепа ва бошқ.)дан иборат. 1960-1963 йилларда *Г.А.Пуғаченкова* раҳбарлигидаги *Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси* томонидан ўрганилган. Хонақоҳтепадан мил. авв. II-I асрларга оид ҳукмдор саройи топилган. *Г.А.Пуғаченкованинг* таҳминига кўра, сарой юзчи қабилаларидан бирининг жабғуси Герайга тегишли бўлган. Сарой хоналаридан кўплаб пайконлар, олтиндан ишланган йирик кўкрак нишонаси, олтин тақинчоқлар, қимматбаҳо тош мунчок, *гемма* парчалари, от минган чавандоз ҳайкалчалари, 50 дан ортиқ турли асрларга тегишли тангалар, шунингдек, ноёб деворий суратлар топилган.

**ХОНАҚОҲ** – ўрта асрларда шайх, дарвешлар ва зиёратчилар учун тунаш жойи сифатида масжид,

мақбаларнинг бир қисми тарзида қурилган хона, хужра.

**ХОНБАЛИК** (мўғ. “хон шаҳри”) – Хитойнинг мўғуллар ҳукмронлиги, яъни Юань сулоласи (1260-1368) давридаги пойтахти (Пекин).

**ХОРАЗМ** – тарихий-этногеографик ҳудуд. Тарихий Х. бугунги Хоразм вилоятидан ташқари Қорақалпоғистон Республикаси ва Туркменистоннинг Тошхөвүз вилоятларини ўз ичига олади.

“Хоразм” атамаси манбаларда, жумладан: Бобилча – Humariza, эламча – Marazmish, қадимги форсчадан – Uvarazmish, *Авестода* – Hvarizam, юнон манбаларида – Хоразмиа, VII асрдан бошлаб, Хоразм тангаларида – Хwrgzm, VII асрга оид араб манбаларида – Хwarizm шаклида учратилади. Х асрга келиб, бу сўзнинг маъносини, афтидан, хоразмликларнинг ўзлари ҳам унутиб юборишган. Чунки Хоразм сўзининг келиб чиқиши ҳақида Беруний ҳам ҳеч нарса ёзиб қолдирмаган.

Тадкикотчиларнинг аксарияти “Хоразм” сўзнинг иккинчи қисми zm, zem хинд-европа тилларига мансуб zem – ер. ўлка сўзи асосидан олинган деб ҳисоблайдилар. Биринчи бўғин хагі, хwaгі га келганда эса тилшунослар талқинларидаги яқдиллик йўқолади.

Бир гуруҳ олимлар бу сўзни “Шарқий замин” ёки “Кун чиқар мамлакат” (“ховар” – шарқ, “зим” – замин, ер) деб таржима қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар. Савельев Хоразмни “Куёш ўлкаси” сифатидаги талқин этади (*Авесто* тилида Хвар,

форсчада Хurr, Хorsed – куёш демақдир).

М.И.Боголюбов манбалардаги hu-warazam, huvarazmi (қадимги форсчада), хvaigizam (*Авестода*) сўзларидаги “вар” сўзининг – “девор”, “истехком” тарзида таржима қилинишидан келиб чиқиб, Хоразмни “чорва учун яхши мустаҳкамланган мамлакат”, “кишлоқлари истехкомланган ўлка”, “деворлари мустаҳкам юрт” маъносида талқин қилади. Демак, “Хоразм” атамаси қандай шаклда кайд этилмасин, у “яхши қўрали ер”, “ажойиб қалъали ўлка”, “мустаҳкам қалъалари бор диёр” деган маънони англатган.

Х. ҳудудида қадимги ва ўрта асрлар даврига оид юзлаб шаҳар-қалъалар топиб ўрганилган. Амударёнинг чап соҳилида жойлашган *Кўзалиқир, Қалъалиқир 1, 2, Хива* (Ичан қалъа), *Девкесканқалъа, Воянган, Қўхна Уз, Қанхақалъа, Хазорасп, Хумбузтепа, Ойбуширқалъа, Катқалъа, Кандумқалъа, Миздахқон, Говурқалъаси, Миздахқон, Замахшар, Шоҳсанам, Ёрбакқалъа, Манғирқалъа, Янгиариқ Тупроққалъаси, Шовот Тупроққалъаси, Хива Тупроққалъаси, Олмаотишқан, Қўхна Урганч, Қалажиқ (Довудқалъа), Говурқалъа 1, 2, Окчагелин, Окчунгул, Бутентовқалъа 1, 2, Қуйисойқалъа, Қўнарлиқалъа, Манғирқалъа, Турпоққалъа, Ўғлонлиқалъа, Булдумсоз қалъа, Қўрғонқалъа, Қўрғончиққалъа, Капарас, Садвар, Жигарбанд, ўнг соҳил Х да жойлашган Ақчохонқалъа, Бозорқалъа, Эллиқалъа*



*Тупроққалъаси, Думанқалъа, Эрес қалъа, Катта Гулдурсун, Катта ва Кичик Қирққиз, Аёзқалъа 1-3, Пилқалъа, Тошхирмонтепа, Шўраҳон, Султон Увайс Говурқалъаси, Кўрғошинқалъа, Тўққалъа, Жонбосқалъа, Жилдикқалъа, Кичик Қирққиз, Буриқалъа, Қўйқирилганқалъа, Кузиқирилганқалъа, Анқоқалъа, Қизил қалъа, Кўрғонқалъа, Одамлиқалъа, Қумбосканқалъа, Якка Порсон, Бургутқалъа, Тешиққалъа, Ҳайвонқалъа, Куюққалъа, Кўрғончақалъа, Бароқтом шаҳар-қалъалари шулар жумласидандир.*

### **ХОРАЗМ АРХЕОЛОГИК-ЭТНОГРАФИК**

**ЭКСПЕДИЦИЯСИ** – Хоразмнинг қадимги давр моддий маданиятини археологик тадқиқотлар асосида ўрганиш мақсадида *С.П.Толстов* раҳбарлигида ташкил этилган экспедиция. Кўлами жиҳатидан собиқ Иттифок миқёсидаги энг катта экспедиция. 1937 йилдан ўз фаолиятини бошлаган мазкур экспедиция 1945 йилгача *Хоразм археологик экспедицияси*, 1945 йилдан эса Хоразм археология-этнографик экспедицияси деб юритила бошланган. Экспедиция расман 1991 йилгача фаолият кўрсатган.

Экспедициянинг элик йилдан зиёд вақт мобайнида олиб борган илмий тадқиқот натижалари 16 та жилддан иборат *Хоразм Археологик-Этнографик экспедициясининг* ишларида (Труды ХАЭЭ) ва 1959-1975 йилларда чоп этилган 10 та китоб (выпуск)дан иборат Хоразм экспедициясининг Материалларида (Материалы Хорезмской

Экспедиции (МХЭ) ёритиб берилди. Бундан ташқари экспедиция ходимлари томонидан эллиқдан ортиқ монография ва юзлаб мақолалар эълон қилинган.

### **ХОРАЗМИЙЛАР,**

**хорасмийлар** – қадимги Хоразмда яшаб, хоразмий тилида сўзлашган халқ. Х.нинг келиб чиқиш географияси узил-кесил ўз ечимини топмаган. Бир гуруҳ олимлар Х.лар куйи Амударё ҳавзаларида азал-азалдан яшаб келаётган қадимий сак-массагетлар конфедерацияси таркибидаги аҳоли деб ҳисобласалар, иккинчи гуруҳ олимлар Х. Ҳилманд водийси (Хирот атрофи)дан Амударёнинг куйи оқимидаги ерларга мил. авв. I минг йиллик ўрталарида кўчиб келганлар ва маҳаллий массагет кабилалари билан аралашиб, ушбу худудга ҳам ўз номларини берганлар деган фикрни илғари сурадилар.

Х. этник номи илк бор Беҳистун ёзувларида, шунингдек, Скилак, Милетлик Гекатей ва Геродот асарларида қайд этилган. Қадимги хоразм тили шарқий эрон тилларига мансуб бўлиб, бу тил милодий VIII-IX асрларга қадар кенг ишлатилган. Шимолдан туркий, жанубдан форсий ва араб тилларининг ёйилиши жараёнида ўлик тилга айланган. Қадимги Хоразм тилининг ёзма ёдгорлиқлари *Ойбуйирқалъа, Қўйқирилганқалъа, Тупроққалъа, Тўққалъа, Миздахқондан* топилган сопол, хум, тери парчалари, останаолар ва хоразмшоҳларнинг тангаларида сақланиб қолган.

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ** – 1004 йилда

Хоразмнинг қадимий пойтахти Гурганжда Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун гомонидан ташкил этилган академия. Бу академия (“Маъмун академияси”)нинг асосини Абу Наср ибн Ироқ (X а.-1034), Абулхайр ибн Ҳаммор (991-1048), Абу Саҳл Масижий (970-1011), Абу Райхон Беруний (973-1048), Абу Али ибн Сино ва бошқалар ташкил этган. 1017 йилда Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни босиб олгач, “Маъмун академияси” ўз фаолиятини тўхтатган. Олимларнинг кўпчилиги Ғазна шаҳрига мажбуран олиб кетилган.

Хоразмнинг қадимги пойтахти Гурганч, ҳозирда *Кўҳна Урганч* деб номланиб, у Туркменистоннинг Тошховуз вилоятида, бугунги *Хива* шаҳридан тахминан 100 км. масофада жойлашган. Маҳаллий халқ *Кўҳна Урганч*ни кўпроқ “360” деб атайдди. Ривоятларга қараганда бу шаҳарда ўтмишда 360 та шайх, мутафаккир ва олиму-фузало ўтган экан. Уларнинг орасида шу даражада етуқлари бўлган эканки, ҳатто улар Амударё сувини орқасига оқишиш қобилиятига эга бўлишган. Мазкур 360 та аллома “Маъмун академияси” довуғининг халқ хотирасида ривоят шаклидаги кўриниши бўлса ажаб эмас.

1997 йил 11 ноябрда Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг “Хоразм Маъмун академиясини тиклаш тўғрисида”ги Фармони эълон қилиниб, мазкур фармонга биноан, бу академия ўз таркибида археология, тил ва адабиёт, биология бўлимлари ташкил қилинди ва аждодларимизнинг исми ва руҳига

лойиқ иш олиб бориш каби хайрли ишларни бошлади.

БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти Ўзбекистон Республикасининг таклифи билан 2005 йилда Маъмун академиясининг 1000 йиллиги анжуманини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди ва бу юртимизда тантанали равишда кенг нишонланди.

### ХОРАЗМШОҲЛАР

Хоразмда исломдан олдин ва исломдан кейин ҳукмронлик қилган сулола. Тарихда тўртта Х. сулоласи алмашган: *Афригийлар* (305-995), *Маъмунийлар* (995-1017), *Олтинтош сулоласи* (1017-1034) ва *Ануштегинлар* сулоласи (1077-1231).

996 йилгача Хоразм икки қисмга – Шимолий Хоразм (пойтахти Урганч) ва Жанубий Хоразм (пойтахти *Кат*)га бўлинган эди. Шимолий Хоразмдаги Маъмунийлар сулоласи вакили Маъмун ибн Муҳаммад 995 йилда хар иккала Хоразмни бирлаштириб, “хоразмшоҳ” унвони билан идора қила бошлади. Унинг вориси Маъмун ибн Маъмун даврида Хоразмнинг қудрати янада ошди. Урганчда “Маъмун академияси” фаолият юрита бошлади. 1017 йилда Хоразмни Маҳмуд Ғазнавий босиб олиб, ўзининг бош хожиби Олтинтошни Х. унвони билан Хоразм ҳокими этиб тайинлади.

1044 йилда Хоразм *Салжуқийлар* давлатига қўшиб олинди. *Салжуқийлар*нинг Хоразмдаги ноиб Ануштегин (1077-1097) *Салжуқийларга* итоаттўйлик билан хизмат қилди. Лекин унинг вориси Кутбиддин Муҳаммад (1097-1127) ўзига

“хоразмшоҳ” унвонини олиб Салжукийлардан мустакил ҳолда юртни идора қила бошлайди. Отсиз (1127-1156), Эл Арслон (1156-1172), Такаш (1172-1200) ва Муҳаммадлар даврида (1200-1221) Хоразмшоҳлар давлати Шарқнинг энг йирик ва қудратли давлатига айланади.

1221 йилда Чингизхон бошлиқ мўғул босқинчилари Х.нинг йирик шаҳарлари каторида пойтахт Урганчи ҳам босиб оладилар. Муҳаммад Хоразмшоҳ юртни ўз ҳолига ташлаб қочишдан бошқа чора топа олмайди. Сўнгги хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди (1221-1231) мўғул босқинчиларига қарши деярли ўн йил курашган бўлса-да, бироқ унинг уринишлари муваффақиятсиз чиқади. Жалолиддиннинг вафоти билан Х. сулоласи ҳам барҳам топади.

**ХОҚОН**, каган, коон – Марказий Осиёлик айрим халқларда, шу жумладан, туркий халқларда ҳукмдорларнинг энг олий унвони. Ушбу унвон ғарб мамлакатларидаги император, Эрондаги шоҳаншоҳ унвонлари билан тенг маънони билдирган.

Хокон атамаси биринчи мартаба 312 йилга оид бўлган Хитой йилномаларида учрайди. Дастлаб жужан қабилалари бошлиқлари хокон деб аталган. Мил. авв. I асрдан то сўнгги ўрта асрларгача Марказий Осиё (Хунлар, Сянбилар давлати, Турк хоқонлиги), Шимолий Хитой (Шимолий Вей сулоласи), Шимолий Кавказ (Хазар хоқонлиги), Жанубий Россия, Шарқий Европа (Авар хоқонлиги), Эрон, Ҳиндистон ва бошқа ўлкаларда ҳукм сурган туркий

сулолаларнинг аксариятида ҳукмдорлар унвони сифатида қўлланилган.

**ХРОНОЛОГИЯ** (юн. *chronos* – вақт, *logos* – фан) – 1) тарихий воқеаларнинг даврий тадрижийлиги; 2) вақт ўлчови ҳақидаги фан. Тарихий Х. – ёрдамчи тарих фани; турли халқлар ва давлатлар йил ҳисоби тизими ва таквимларини ўрганати, тарихий воқеалар содир бўлган саналарни ва тарихий манбалар яратилган вақтни аниқлашга ёрдам беради. Х. таракқиёт босқичларининг вақтини аниқлаш демакдир.

**ХУББИ** – *зардуштийлик*да сув тангриси (муаққили) номи. Этнографик манбаларга кўра, Ўрта Осиёда Х. (Хоразм ва Оҳангарон водийси), Эр-хубби (Фарғона водийсида) номлари билан қайд этилади. У кемачи ва балиқчиларнинг “ҳомийси ва мададкори” ҳамда дарёда ғарқ бўлаётганларнинг “халоскори” ҳисобланган. Шифобахш чашмалар, дашту биёбонлардаги қудуқларнинг зилол сувлари хуббининг мўжизаси деб тушунилган. Афсоналарда у навқирон балиқчи киёфасида тасвирланган. Қадимда деҳқонлар ибодат вақтларида “дарё ўз канорида оқсин!”, “тошқинлар сохилларни ўпириб кетмасин!”, “пайкалларни сув босмасин!”, - дея хуббига илтижо қилиб, фотиҳага кўл очиб, дуо қилганлар. Ҳатто хоразмликлар ва қорақалпоқлар фарзандларини Хуббиниёз ёки Уббиниёз, Хуббиқул ёки Уббиқул каби исмлар билан атаб, уларни шарафлаганлар.

**ХУМБУЗТЕПА** – Хоразмнинг архаик ва антик даврларга оид ноёб

археологик ёдгорлиги. Амударёнинг чап соҳилида, Хоразм вилояти *Хазораси* шаҳридан 16 км жанубий-шарқда, Тошсақа платосининг Қоратош даҳасида жойлашган. X, ёдгорлигининг hozirги вақтда 4,6 га қисми сақланган бўлиб, уни доимий равишда Амударё сувлари ювиб бормоқда. Манзилгоҳ кенглиги 65-82 м ни ташкил этиб, шимолий-ғарбдан жанубий-шарққа қараб 520 м га чўзилган. 1973 йилги казишмалар жараёнида X да ҳаёт узок давом этганлиги ва у жанубий Хоразмнинг мил. авв. VI – милодий IV асрлар мобайнидаги сопол ишлаб чиқаришининг йирик маркази бўлганлигини кўрсатган. Қуйи Амударё хавзаларида жанубий ўлкалар *Бақтрия* ва *Маргиёна* типидagi кулолчилик чарҳида ишланган сополларнинг энг қадимийлари X дан топишган.

**ХУРОСОН** – hozirги Афғонистоннинг шимолий, Эроннинг шимолий-шарқий ва Жанубий Туркманистондан то Амударёгача бўлган худудларнинг ўрта асрлардаги номи. Қадимда *Парфия* подшолиги (мил. авв. 250-мил. 224 й.й.)нинг маркази. Хуросон номи *Сосонийлар* даври (мил. 224-651 й.) дан маълум. VII аср ўрталарида X ни араблар эгаллаганлар. Дастлаб Марв, кейинроқ Хирот шаҳри X маркази бўлган. Машҳад, Нишопур, Балх, Тус, Сарахс, Обивард, Нисо ва Сабзавор ўрта асрларда X нинг муҳим шаҳарлари бўлган.

**ХҲЖАКЕНТ** 1-2 **ЁДГОРЛИКЛАРИ** – ўрта палеолит даври ёдгорлиги. Тошкент шаҳридан 75 км шимолий-шарқда Угом ва Пском дарёларининг

қўшилган ерида жойлашган. X.1 ғори 1958-1959 йилларда *А.П.Окладников* томонидан, унга бирлашган X.2 ғори эса 1959 йили *С.К.Насриддинов* томонидан ўрганишган. Иккала ёдгорлик ҳам бир қатламли бўлиб, даврий санаси 70 минг йиллик билан белгиланган. Тош қурошлар асосан оҳақтош ва кремний, чакмоқтошдан тайёрланган. Қурошлари пайқошлар, тош пичоқлар ва ретушланган пластиналардан иборат.

**ХҲЖАКЕНТ РАСМЛАРИ** – тош даврига оид қоятош суратлари ёдгорлиги. Тошкент шаҳридан 70 км шимолий-шарқда, Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғида, “Чинор” чойхонаси яқинида жойлашган. 1950-1960-йилларда козоғистонлик археолог X.Алписбаев ўрганиб улар мил. авв. I минг йилликларга тегишли деган хулосага келади. 1980-йилларда X.Р. М.Хўжаназаров томонидан қайта ўрганилиб, бу ерда 90 дан ортик ҳайвон, одам ва тушунарсиз нарсаларнинг расмларини аниқлайди. Расмларнинг турига, уларда ифода этишган манзаралар, ишланиш услуби, куёш нурида қорайганига қараб олим ушбу суратларнинг бир қисми скиф-сак даври (мил. авв. I минг йилликлар)га оид бўлиши билан бирга уларнинг энг қадимгиси мил. авв. IV минг йилликларда чизилган деган тўхтамга келади.

**ХҲЖАНД** – Тожикистон Республикаси, Хўжанд вилоятида Сирдарёнинг Хўжабақирган қуйилиши яқинида жойлашган қадимги ва ўрта аср шаҳри 1970-80-йилларда тожикистонлик археолог Н.Н.Негматов ва Т.В.Беляевалар

томонидан ўрганилган. Шаҳарнинг номи қадимги форсий *kanra* – “қуёшли шаҳар” сўзидан келиб чиққан дейилади. Шаҳарга мил. авв. VI асрда асос солинган. Мил. авв. VI-IV асрларда мудофаа деворлари билан ўраб олинган *шахристон* ва арқдан иборат шаҳарнинг умумий майдони 16 га ни ташкил этган. Мил. авв. 329 йилда шаҳар Македониялик Александр томонидан эгалланиб янги девор билан ўраб олинган. X. юнонлар томонидан *Александрия Эсхата* деб номланган деган тахминлар ҳам бор. Мил. авв. IV – милодий I асрларда шаҳар худуди бирмунча кенгайган. V-VIII асрда шаҳарнинг ривожланиши янги босқичга кўтарилган. VII-VIII асрларга оид ёзма манбаларда илк бор X. номи пайдо бўлади. VIII асрда араблар томонидан эгалланиб “Тирози Жаҳон” номи билан шарафланган.

## Ц

**ЦЕЛЛА** – қадимги (антик) давр ибодатхоналаридаги марказий хона (саждагоҳ). Одатда бу жойда муқаддас худоларнинг ҳайкаллари қўйилган.

**ЦИВИЛИЗАЦИЯ** (лот. *civilis* – фуқаро жамияти, ҳарбийларсиз ва черковсиз ҳаёт) – жамият эришган моддий ва маънавий тараққиёт даражаси. Фақат инсонга хос сунъий оламни моддий ва маънавий жиҳатдан такомиллашувидаги муваффақиятлари кўрсаткичи. Инсоният жамиятининг ҳайвонот олаmidан асосий фарқи шундан иборатки, инсон ўз меҳнат фаолияти билан яратган сунъий дунёда яшайди. Табиатда уй-жой,

нон, машина, китоб ва шу каби моддий ва маънавий неъматлар тайёр ҳолда учрамайди, уларни табиат яратмайди. Уларни одам ўз меҳнати ва ақл-заковати билан вужудга келтиради. Жамиятнинг тараққиёт даражаси ана шу сунъий нарсаларнинг сони ва сифати билан белгиланади. Тарих фани шу маънода цивилизация – тарихий тараққиётни ўрганувчи фандир.

Инсоният тарихи доимо бир текисда ривожланмаган. Тарихда юз берган даврий маданий юксаклишлар цивилизациялар тарихини ташкил этган. Таникли олим, академик *А.Асқаров* кишилик тарихи ўз тараққиёт йўлида 5 марта цивилизацион юксалишларни бошидан кечирди деб, уларни қуйидагича кўрсатади: Биринчи Ц. дастлаб, мил. авв. 3-минг йилликда Ефрат ва Дажла, Нил ва Ҳинд дарёлари хавзаларида юз берди. Шунинг учун у тарихга “Қадимги шарқ цивилизацияси” номи билан кирди. Унинг таъсир доираси мил. авв. 3-минг йилликнинг охириларида Хуросонга ва 2-минг йиллик бошларида эса Мовароуннаҳрга ёйилди. Иккинчи жаҳон Ц.си мил. авв. 1-минг йилликнинг ўрталарида Греция ва Римда юз берди. У тарихда “Антик давр цивилизацияси” номи остида маълум. Унинг таъсир доираси Македониялик Искандарнинг қадимги Шарққа томон ҳарбий юришларидан сўнг Ўрта Осиёга кириб келди ва у “Осиё-Европа эллинизм цивилизацияси”нинг шаклланишига олиб келди. Учинчи Ц. ўчоғи *Мовароуннаҳр* ва *Хуросон* бўлиб, ушбу худудларида милодий IX-XIII аср бошларида юз берди ва

унинг таъсирида Европа уйғонди. Тўртинчи Ц. XIV-XV асрларда Европа ва Осиёда юз берган уйғониш даври билан боғлиқ ва ниҳоят бешинчи Ц. жамият ривожланишининг барча жабҳаларини қамраб олган XX аср Ц. сидир. Ц.лар оралиғида нотекис ривожланишлар, узоқ йиллар давом этган турғунликлар ва тез-тез даврий инкирозлар юз бериб турган.

## Ч

**ЧАҒОНИЁН** – тарихий-маданий вилоят. Ҳозирги Сурхондарё вилояти ўрнига тўғри келади. Ёзма манбаларда дастлаб Сюань Цзянь томонидан (VI аср) қайд этилган. Ч. форс манбаларида шундай аталган бўлса, араб манбаларида Соғониён деб юритилган. Сўзнинг ўзаги Чағон, чунки ўрта асрларда Сурхондарё Чағонруд (Чағон вилояти дарёси) деб юритилган. Тилшунос олимлар Чағ–Сағ–Сак сўзининг ўзгарган варианты деб ҳисоблаб, бу этногеографик атагани саклар вилояти, саклар юрти тарзида изоҳлайдилар.

**ЧИЛПИК** – Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё тумани ҳудудида, Нукус шаҳридан 43 км жанубий-шарқ томонда жойлашган ёдгорлик. Ёдгорликни илмий жиҳатдан ўрганиш 1940 йилда бошланган бўлиб, шу йили унинг меъморий ўлчамлари олинади. 1968-1971 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ўлкашунослик музейи илмий ходимлари Ч.да археологик қазилмалар ўтказдилар. Ёдгорлик 35-40 м баландликдаги тепалик

устида жойлашган бўлиб, ғарбдан шарққа 79 м, шимолдан жанубга 65 м. га чўзилган ясси доирасимон тарҳга эга. Иншоотнинг девори пахса блокларидан кўтарилган. Деворнинг умумий баландлиги 15 м. га етади. Девор асосининг қалинлиги 4,8-5,5 м. ни, юқори қисмида 2-3 м ни ташкил этади.

Иншоотни ўрганган *С.П.Толстов* унинг даврий санасини илк *афригийлар* даври билан, *Я.Ф.Фулумов* эса V-VI асрлар билан белгиланган эдилар. Ю.П.Манилов эса ёдгорликнинг қурилган вақтини милодий I аср бошларига қадар қадимийлаштиради. Иншоотнинг бажарган функциясига келганда *С.П.Толстов* ушбу ёдгорликни *зардуштийлик* анъанасига биноан мурдаларни қушлар томонидан тозалаш учун қўйиладиган *дахма* деб ҳисоблаган. Ҳақиқатдан ҳам ёдгорликда маданий қатлам, турар жой излари учратилмайд. Қалъа фортификацияси ва дарвозаси ҳам кучли мудофаага мўлжалланмаган. Жанг миноралари йўқ.

Чилпик баланд тепалик устида қурилган ва у ўнлаб километр масофадан ҳам кўриниб туради. Унинг яқинида қабристоннинг мавжудлиги ёдгорликнинг диний маросимга мўлжалланган *дахма* эканлигини кўрсатади. Мазкур ёдгорлик Қорақалпоғистон Республикасининг давлат гербида акс этирилган.

## ЧИҒАТОЙ УЛУСИ

Чингизхон томонидан 1227 йилда иккинчи ўғли Чиғатоёй ва унинг авлодларига мерос қилиб берилган вилоятлар. Ҳудуди *Мовароуннаҳр*, *Еттисув* ва Шарқий Туркистондан иборат бўлган. Кўчманчи тарзда

хаёт кечирувчи муғуллар ўтроқ аҳолини бошқариш учун тажрибага эга эмас эдилар. Шунинг учун ҳам Ч.У.ни бошқариш хоразмлик Маҳмуд Ялавоч (1225-1238) ва унинг ўғли Масъудбекка (1238-1289) топширилган. Ўзлари эса улусдан келадиган даромадларнинг асосий қисмини олиш билан қаноатланганлар. Ч.У.нинг ҳукмронлигига Амир Темур ҳокимиятга келгач, барҳам берилган.

Чигатой улуси хонлари: Чигатой (1224-1242), Хара Жулагу (1242-1247), Есу Мункэ (1247-1252), Хара Жулагу (1252 иккинчи марта), Оркина Хотун (1252-1261), Олғуйхон (1261-1266), Муборак (1266), Барок (1266-1271), Никпай (1271-1272), Туға Темур (1272-1291), Дувахон (1291-1306), Кунчек (1306-1308), Талику (1308-1309), Кебекхон (1309), Эсонбуко (1309-1318), Кебекхон (1318-1326 иккинчи марта), Дува Темур (1326), Тармаширин (1326-1334), Чангши (1334), Бузан (1334-1338), Есун Темур (1338-1346), Донишмандча (1346-1348), Боёнкули (1348-1359), Шох Темур (1359), Туглуқ Темур (1359-1370).

**ЧОППЕР** (инг. *chopper* – зарба) – ибтидоий одамларнинг тош қуроллари. Улар қўпол дарё тошлари бўлиб, бир томони ўткирлаштирилган бўлади. Ч. қуролларидан асосан *палеолит* даврида кенг фойдаланилган.

**ЧОРБОҒ** – шарк мамлакатларида барпо этилган, атрофи девор билан ўраб олинган қўшқ, айвон, қўрғонли боғ. Ч.лар мурабба ёки тўртбурчак шаклда бўлиб, унга кириш одатда, ҳар тўрт

тарафнинг ўрта қисмида бўлади. Ч.нинг марказида бино (қўрғон, қўшқ) қурилган. Баланч бўйли дарахтлар деворга яқин, қўрғон томонга қараб мевали дарахтлар ва гуллар тартиб билан экилган. Ч.лар қадимдан яратиб келинган. *Темурийлар* ва *бобурийлар* даврида Ч.лар барпо этиш айниқса тараққий этган. Ўзбекистонда энг сўнгги Ч.лар XIX асрнинг 2-ярми XX асрнинг бошларида бунёд этилган (Бухородаги Ситоран Моҳи Хоса, Хивадаги Нуриллобой чорбоғлари ва б.).

**ЧОРСУ** – ўрта аср Шарқи, жумладан, Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарлари марказий қисмида одатда катта бир неча қўчалар кесишадиган аҳоли гавжум қисми. Шаҳарнинг ушбу қисмида хунармандчилик устахоналари ва савдо расталари жойлашган бўлиб, шаҳар хаётининг энг жўшқин қисми бўлган.

**ЧОЧ** – тарихий географик худуд. Сирдарёнинг ўрта ҳавзаси, ҳозирги Тошкент вилояти ва Жанубий Қозоғистон ерларига тўғри келади. Чоч атамаси қадимги ёзма манбаларда мил. авв. I минг йилликнинг 2-ярмидан бошлаб учрайди. Бу ўлкада қадимдан *Авестода* номи келтирилган турлар ва қадимги Форсий тилдаги қоятош битикларига кўра, қўчманчи саклар яшаганлар. Араблар бу худудларни Шох деб аташган.

**ЧУСТ** **ЁДГОРЛИГИ** (**МАДАНИЯТИ**) – қадимги Фарғона водийсидаги илк деҳқончилик маданияти. Чуст шаҳридан 2 км шимолдаги Буванамозор (Бибионамозор) деб аталган булоқ ёнида жойлашган.

Ч.Ё. 1950 йили М.Э.Воронец ва В.И.Спришевскийлар томонидан аниқланган. Унда 1953-1961 йилларда В.И.Спришевский, 1974 йили Ю.А.Заднепровский, 1982-1983 йилларда Б.Матбобоев қазिशмалар ўтказган. Ч.Ё. майдони 4 га. ёдгорликнинг бир қисми – шимолий-ғарбий бўлаги мудофаа деворлари билан ўралган (деворнинг умумий узунлиги 286 м). Ёдгорликнинг қолган қисми табиий жиҳатдан “қўриқланган”. Мудофаа деворлари қалинлиги 2,7-3 м. Ч.Ё.дан топилган археологик материаллар типичай ёйилган ёдгорликлар умумлашган ҳолда фанда Чуст маданияти деб юритилади. Ю.А.Заднепровский Чуст маданиятининг иккита даврини аниқланган. Биринчи даври сўнгги бронза даври бўлиб, мил. ав. II минг йилликнинг охиридан то мил. ав. VIII асргача давом этган. Иккинчи даври илк темир даври бўлиб, мил. ав. VIII-VII асрларни ўз ичига олади. Чуст маданиятида металл хунармандчилиги яхши ривожланган, куйи маданий қатламларидан доира шаклидаги кўплаб дон ўралари топилган. Чуст маданияти аҳолиси марҳумларни ўзлари яшаб турган жойга (уй ичига ва *остадонларга*) дафн этишган. Алоҳида ажратилган қабристонлар бўлмаган. Сопол идишлар қўлда ясалган.

Чуст маданияти ёдгорликлари асосан, Фарғона водийсининг шимолий-шарқий туманларида учрайди ва уларнинг сони ҳозир 80 дан ортди. Яхши ўрганилган ёдгорликлар *Далварзин* (25 га. *протошаҳар*), Ашқолтепа (13 га,

*протошаҳар*), Чуст (4 га, *протошаҳар*), Буванамозор (шаҳар), Хўжамбоғ, Қорақўрғон, Тўрақўрғон, Терговчи, Гўрмирон, Ғайраттепа, Чимбой.

Фарғона водийсида Чуст маданиятидан сўнг *Эйлатон маданияти* шаклланади.

### Ш

**ШАЙБОНИЙЛАР** – Бухоро хонлигини идора қилган учта сулоланинг биринчиси. Асосчиси Мухаммад Шайбонийхон (1451-1510). Шайбонийхон *темурийлар* давлатидаги инкироздан фойдаланиб, қисқа муддат ичида ҳокимиятни ўз қўлига олишга эришади. Насаби жиҳатдан Ш. Чингизхонга бориб такаладилар. Шунинг учун ҳам сулола вакиллари ўзларини “хон” деб атаганлар ва давлат ҳам тарихий адабиётларда пойтахт Бухородан нисбат олиниб, XVI асрнинг 60-йилларидан Бухоро хонлиги деб юритила бошланган. Ш. *Мовароуннаҳр*да деярли бир аср (1500-1599) ҳукмронлик қиладилар. Кейин ҳокимият *Аштархонийлар* сулоласи қўлига ўтади.

Ш. сулоласининг вакиллари: Шайбонийхон (1500-1510), Кўчкунчиҳон (1510-1530), Абу Саид (1530-1533), Убайдуллаҳон (1533-1539), Абдулло (1539-1540), Абдулатиф (1540-1550), Наврўз Аҳмадхон (1551-1556), Пирмуҳаммад (1556-1561), Искандархон (1561-1583), Абдуллаҳон II (1583-1598), Абдулмўмин (1598-1599), Пирмуҳаммад (1599-1601).

**ШАРАФА** – биноларнинг девор билан шифти ораллиғи,



шунингдек, *мехроб* ёки минораларнинг тепа қисмини безашда ишлатиладиган меъморий безак услуби. III. ганч ва мармардан (ҳозирда гипс, бетон ва б)дан ишланади. Меъморчиликнинг бу услуби қадимдан мавжуд бўлиб, Шарқ (Ўрта Осиё, айниқса, теурийлар даври) меъморчилигида юксак тараккий этган.

**ШАҲАР** – йирик аҳоли манзилгоҳи. III. аҳолиси одатда бевосита кишлок хўжалиги ишлаб чиқариши билан банд бўлмаган соҳалар билан шуғулланувчи кишилардан таркиб топади. Тарихан III.лар ибтидоий жамоа давридан синфий жамиятга ўтиш босқичида, чорвачилик, дехқончиликнинг илғор шакллари ва айниқса, ихтисослашган хунармандчиликнинг вужудга келиши натижасида савдо-сотиқ ҳамда ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши жараёнида пайдо бўлади. Қадимда илк шаҳарлар хунармандлар ва савдогарлар муқим истиқомат қиладиган жойларнинг гавжумлашиши оқибатида таркиб топа бошлаган. Тарих ва археология фанида аҳоли манзилгоҳига III. макomini бериш учун катор мезонлар мавжуд. Машхур шарқшунос Г.Чайлд ўзининг “Шаҳар инқилоби” асарида (1950) III.нинг 10 та археологик ва ижтимоий белгисини санаб ўтган. Худуднинг мудофаа деворлари билан ўраб олинishi, унинг ички қисмида юқори шаҳар (арк-цитадель), ибодатхона, қаср (сарой) каби монументал жамоат иншоотларининг мавжудлиги, ихтисослашган хунармандчилик,

сопол идишлар, умуман ишлаб чиқарилган махсулотнинг товар хусусиятига эғалиги (бозорда сотиш учун мўлжалланганлиги), танга-пул муносабатлари, ёзув, муҳр каби археологик белгиларнинг мавжудлиги шулардан энг муқимидир. III.лар эғаллаган майдони ва аҳолисининг сони жиҳатидан бир биридан фарк қилади. Кўпчилик олимлар майдони 6 га дан ошиқ, аҳолиси 7 мингдан кўп бўлган аҳоли манзилгоҳини III. деб аташни таклиф қилсаларда, қадимги Фаластин ва Кичик Осиё минтақаларида майдони 0,4-1,4 га келадиган шаҳарлар фанга маълум. Илк III.лар мил. авв. IV-III минг йилликлар чегарасида қадимги Шумер ва Элам худудларида пайдо бўлган. Ватанимиз худудида илк шаҳарсозлик маданиятининг вужудга келиши бронза даврига бориб тақалади. Сурхондарё вилояти худудида жойлашган *Жарқутон* Ўзбекистон худудидаги илк шаҳар ёдгорлиги ҳисобланади. Баъзи минтақаларда (асосан, Қорақалпоғистон, Хоразм, Туркменистон) катта ва кичик шаҳарлар умумий ном билан “қалъа” деб ҳам юритилади.

**ШАҲРИ ГУЛГУЛА** – Жанубий Сурхон сув омборининг гарбий соҳили бўйида, Қумқўрғон шаҳридан шимолда жойлашган қадимги шаҳар ёдгорлиги. Мил. авв. I – милодий IV-V асрларга оид. Қадимги шаҳар ўрнини сув ювиб кетганлиги туфайли III.нинг аниқ ўлчамлари номаълум. Тадқиқотлар жараёнида 4 м лик маданий қатлам аниқланган бўлиб, *қушонлар* даврига оид сопол буюмлар ва келиб чиқиши римга бориб

такалувчи маскароннинг мармар боши топилган.

**ШАҲРИСАБЗ** – Қашқадарё воҳасида жойлашган қадимий шаҳарлардан бири. Археологик маълумотларга кўра шаҳарга мил. авв. I минг йилликнинг иккинчи чорағида асос солинган. Қадимда ва ўрта аср манбаларида шаҳар турли номлар билан (кўпроқ *Кеш*) аталган. XIII асрдан бошлаб, III. номи ҳам ишлатила бошланган. Шарофиддин Али Яздий III.ни туркийлар Кеш деб аташларини ёзади. Амир Темурининг Ватани бўлган бу шаҳар ўша даврларда “Қуббат ул-илм вал-адаб” номи билан улуғланган. 1996 йилда Амир Темурининг 660 йиллик юбилейи муносабати билан шаҳарда Амир Темури хайкали очилди. 2002 йил 1 ноябрда III.нинг 2700 йиллик юбилейи кенг нишонланди.

**ШАҲРИСТОН** – ўрта аср Шарқи шаҳарларнинг мудофаа деворлари билан мустақкамланган марказий қисми. Шаҳарнинг ушбу қисмида асосан, жоме масжиди, бозор, бош майдон – регистон, муҳим маъмурий бинолар, ҳукмдор ва унинг яқинларининг қўрғонлари, шунингдек, оддий аҳоли хонадонлари, хунармандчилик устахоналари жойлашган.

**ШЕЛЛЬ** – қадимги тош даври (*палеолит*)нинг биринчи илк босқичи. Франциядаги ибтидоий манзилгоҳ номидан олинган. Бу даврда *питекантроп* одамлари яшаганлар.

**ШИ** – Тошкентнинг қадимги хитой манбаларидаги номларидан бири.

**ШИБИРҒОН, Шапурхон** – Қадим Афғонистонда Жузжон вилоятининг марказий шаҳари. X

асрдан катта шаҳар бўлган, XVI-XVIII асрнинг биринчи ярмида Балх хонлигига қараган ва шу номли вилоятнинг маъмурий-сиёсий маркази бўлган.

**ШИНАК** – шаҳар, қалъа, қўрғон каби мудофаа иншоотлари деворидан душманни кузатиш, ундан сакланиш ва ҳужумни кайтариш мақсадида ўқ отиш учун мўлжалланган деворнинг махсус туйнукчаси. III.лар қалъа деворида, одатда, тахминан 1 м дан 2 м гача бўлган ораликда жойлаштирилган. III. тешиги қалъа деворининг ташқи томонига қараб торайиб борган. III.ларнинг бундай қурилиши туфайли душман томоннинг нишонга олинмайдиган қисми деярли қолмаган.

**ШИРИНОВ ТИМУР ШИРИНОВИЧ** – ўзбек археолог олими. 1950 йил Самарқанд вилоятининг Фориш туманида туғилган. Ўрта Шарқ бронза ва илк темир даври тарихи ва археологиясининг йирик мутахассисларидан бири. Академик *А.Асқаров* шогирди. 1993-2004 йилларда *Я.Ф.Ғуломов* номидаги ЎзФА *Археология институти* директори ва “*Ўзбекистон моддий маданияти тарихи*” илмий журнали муҳаррири (1996-2004). 40 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи. Ўзбекистонда хизмат қўрсатган фан арбоби (2009). “Ўрта Осиё Икки дарё оралиғи бронза даври ишлаб чиқариш ва меҳнат қуроллари” (-Т., 1986.) ва *А.Асқаров* билан ҳаммуаллифликда ёзилган “Ўрта Осиё жанубида бронза даври илк шаҳарсозлик маданияти” (-Самарқанд. 1993.) монографияларида Ўзбекистон

худудида илк шаҳарсозлик маданияти ва илк давлатчилик муносабатларининг вужудга келиши масалалари тадқиқ этилган. Т.Ш.Ширинов Жаҳон археологлари конгрессининг аъзоси ҳисобланади.

**ШИШКИН ВАСИЛИЙ АФАНАСЬЕВИЧ** (1893 й. Вятка губернияси, Талицк қишлоғи – 17.10.1966. Самарқанд) – Ўрта Осиё археологиясининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган шарқшунос олим, тарихчи ва археолог. Ҳарбий билим юртида ўқиб, Биринчи жаҳон уруши фронтларида ҳарбий хизматда бўлган. 1921-1926 йилларда Ўрта Осиё Давлат университетининг Шарқ факультети форс гуруҳида ўқиди ва М.А.Андреев, Н.Г.Маллицкий, Е.Д.Поливанов, А.А.Семенов, И.И.Умняков, В.В.Бартольд каби олимлардан таҳсил олди. 1923 йилда саломатлиги ёмонлашгани туфайли ҳарбий хизматдан озод этилади. *В.А.Шишкин* 1928-1936 йилларда Бухоронинг қадимий ёдгорликларини сақлаш, ўрганиш ва қайта тиклаш ишларига раҳбарлик қилади. “*Кампирдевор*”, *Варахша*, Жарқўрғон минораси, Мағоки Агтор комплексларини ўрганишда олимнинг хизмати катта бўлди. 1941 йил Гури Амир мақбарасини очиб ўрганиш давлат комиссиясида иштирок этди. 1943 йилда “Бухоро воҳасининг қадимги маданияти масалалари” мавзусида номзодлик ишини ёқлади. 1943-1960 йилларда Ўз ФА *Тарих ва археология институти* археология бўлими мудирлиги бўлиб ишлаш билан бирга, 1944-1952 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида

ўқитувчилик қилди. 1948 йилда ўрганилиши чала бўлиб қолган Улуғбек расадхонасини батафсил ўрганди. 1949-1953 йилларда яна *Варахша*да қазишмалар ўтказиб, 1961 йилда “Варахша” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади.

1958 йилдан Ўз фаолиятини бошлаган *Афросиёб археологик комплекс экспедициясининг* раҳбари сифатида 1965 йилда *Афросиёб* деворий суратларининг топилиши ва уни сақлаб қолишда жонбозлик кўрсатди. 1959-1964 йилларда “*Ўзбекистон моддий маданияти тарихи*” журнали муҳаррири бўлиб ишлади.

**ШОМ** – Сурия давлати ва Дамашк шаҳрининг ўрта аср Шарқ кўлэмаларида учрайдиган тарихий номи.

**ШОШТЕПА** – қўпқатламли археологик ёдгорлик. Тошкент шаҳри худудида қад кўтарган энг қадимги қишлоқ ва илк қўрғон – Чочқат харобалари. Кўҳна шаҳар ҳозирги Тошкентнинг жанубий қисмида, Солор билан Бўрижарнинг қўшилиш жойи яқинида Солордан сув олиб Бўзсувга қуйилувчи Жўнарикнинг ўнг ва чап соҳилида жойлашган тепаликлардан иборат. Умумий майдони 25 га. Дастлаб *Туркистон ҳаваскор-археологлари тўғараги* аъзоси Н.С.Ликошин томонидан қайд этилган, *Н.П.Остроумов* археологик қазишмалар ўтказган (1896). Кейинги йилларда Г.В.Григорьев (1934), Н.И.Крашенинникова (1956), Ғ.Дадабоев (1970) кузатишлар олиб боришган. 1978-1988, 2000-2002 йилларда Тошкент археология экспедицияси (*М.И.Филанович*, В.И.Спришевский, А.А.Грицина)га

О.А.Папахристу, С.Р.Илёсова, Л.С.Баратова, П.Валиев, Х.И.Дуке, Г.Богомолв, Ш.Т.Одилв, Қ.Алимов) томонидан мунтазам археологик қазилмалар ўтказилган. Ш. ўрнида мил. авв. VI-IV асрларда истеҳкомли илк қишлоқ харобаси бўлган. Мил. авв. III асрда шимолдан келган қўчманчи қабилалар томонидан Чочкат вайрон этилган. Мил. авв. II-I асрларда Ш.да қадимги қишлоқ харобалари ўрнида қалин айланма девор билан ўраб олинган кальмақурғон қад қўтарган. Ушбу даврга оид маданий қатламлардан топилган энг ноёб топилма фил суягидан ясалган қадах бўлаги ва суякдан ишланган қалам шоптепалликлар қарвон йўли орқали Шарк мамлакатлари билан алоқада бўлганлигини қўрсатади. Истеҳкомли қишлоқ сифатида қад қўтарган Ш. мил. авв. II-I асрларда илк шаҳар қиёфасига кириб, *Қане давлатининг* дашт қабилалари билан ўтрок деҳқонлар ўртасида ўзаро савдо бозори вазифасини ўтаган. V аср ўрталарида қўчманчилар ҳужуми оқибатида Ш.да таназзул кузатилади. Қадимдан ўтпарастилик ибодатхонаси бўлган хоч шаклидаги марказий бино қабристонга айлантирилади. Шаҳарда VI-VIII асрларда ҳаёт яна юксалади. Араб истилоси даврида вайрон бўлган Ш. XI-XII асрларда яна жонланади. XVI асрга келиб Ш.да ҳаёт бутунлай сўнади.

**ШОҲ ЙЎЛИ** – Эрон *Аҳамонийлари* сулоласи даври (мил. авв. VI-IV асрлар)да мавжуд бўлган муҳим савдо йўлларида бири. У Эрон пойтахти Суза шаҳрини

Месопотамия, Яқин Шарк ва Кичик Осиё мамлакатлари билан боғлаган. Подшо Доро I буйруғи билан йўлларда ҳар 24-25 км масофада бекатлар, қарвонсаройлар, қудуқлар қурилиб, савдогарларни отлик соқчилар томонидан қўриқлаб бориш хизмати жорий қилинган. Македониялик Искандарнинг Шарққа юришлари натижасида (мил. авв. 334-325 й.й.) Ш.Й. ўз фаолиятини тўхтатган.

**ШОҲРУҲИЯ** – Оҳангарон сойи Сирдарёга келиб қуйиладиган ерда жойлашган ўрта аср шаҳари. Қадимги *Банокат*. Қаранг: **БАНОКАТ**.

**ШОҲСАНАМ**, Сувбурни – Хоразмнинг ўрта асрлар даври шаҳар ёдгорлиги. *Қўҳна Урганч* шаҳридан 90 км жанубий-ғарб томонда жойлашган (ҳозирги Туркменистоннинг Тошҳовуз вилояти). 9 м баландликдаги тепаликда ўрта асрларга оид шаҳар муҳофаа деворлари яхши сақланиб қолган. Ёдгорликни батафсил ўрганган *С.П.Толстов*нинг берган хулосасига қўра, унда ҳаёт мил. авв. IV-III асрлардан бошлаб то мўғуллар истилоси давригача узлуқсиз давом этган. Ш. маҳаллий аҳоли орасида Сувбурни номи билан маълум. Чунки шаҳар қатта бир воҳани сув билан таъминловчи суғориш тизимининг бошида жойлашган ва ушбу воҳанинг муҳим ҳарбий стратегик ҳамда, савдо-иқтисодий маркази вазифасини ўтаган. Ш. *Хоразмишоҳлар* (1097-1221) даврида айниқса гуллаб-яшнаган. Мўғуллар истилосидан сўнг шаҳар бир оз тикланган бўлсада, ўзининг илгариги таракқиети даражасига

чиқа олмаган. Сўнги ўрта асрлар даврига келиб харобага айланган шаҳар ҳақида хоразмликлар Шохсанам ва Ғариб тўғрисидаги кўплаб афсона ва ривоятларни яратишган.

**ШУЛЛУКТЕПА** – қадимги *Нахшаб*, ўрта аср Қашқадарё воҳасининг йирик шаҳарларидан бири. Харобалари қадимий *Ерқўрғон* шаҳридан 5-6 км жанубда, Қашқадарёнинг иккига ажралган қисмида жойлашган. III. ёдгорлигини дастлаб 1916 йилда шарқшунос Л.А.Зимин, 1930-50-йилларда *М.Е.Массон* ва С.К.Кабановлар ўрганишган. Асосий археологик қазималар 1970-80-йилларда *Қашқадарё экспедицияси* ходимлари Б.Д.Кочнев, В.А.Пирин ва М.Х.Исоматовлар томонидан ўтказилган. Аниқланишича, III-IV асрларда воҳанинг суғориб деҳқончилик қилинадиган худудлари кенг ўзлаштирилиши натижасида бу ерда кучли химояланган қалъа пайдо бўлади. VI-VI асрларда унинг атрофида *шаҳристон*, IX-XII мудоффа деворлари билан ўралган қатта *работ* шаклланади. VII-VIII асрлардан бошлаб араб истилоси ва унга қарши кўзғолонлар муносабати билан араб тилидаги ёзма манбаларда *Насаф* номи пайдо бўлади. *Насаф* IX-XII асрларда Мовароуннаҳрнинг энг йирик ва гуллаган шаҳарлари қаторида тилга олинади. Мўғуллар даврида вайрон қилинган *Насаф*нинг харобалари эса халқ орасида Шуллуктепа номини олади.

**ШУРФ** – немисча сўз бўлиб, ўзбек тилида “қазийман” деган

маънони билдиради. III. солиш деганда ёдгорликлардаги дастлабки қазилма ишлари ўтказилиб, маданий қатламни аниқлаш ва ёдгорликлар ҳақида дастлабки маълумотларни олиш тушунилади. Шурф кўпинча квадрат ва тўғри тўртбурчак шаклларида бўлиб, чуқурлиги ва кенглиги маданий қатламга қараб ҳар хил бўлиши мумкин. Кенг кўламдаги қазилма натижасида маданий қатлам тўла очирилиб, инсон фаолиятининг излари бўлмаган ергача қавлаб тушилади. Археологияда у “*материк*” (безовта қилинмаган ер) деб аталади.

**ШҶРАБАШАТ** – шарқий Фарғонадаги марказ шаҳарлардан бири. Қирғизистон Республикасининг Ўзган шаҳридан 10 км шимолий-ғарбда, Ясси дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган. 70 га майдонни эгаллаган мазкур ёдгорлик мил. авв. IV – милодий I асрларга оид. У 3 қисмдан иборат: *арк*, *шаҳристон* ва уруш пайтида теварак-атроф аҳолиси яширинадиган истехком. Ҳар бир қисм алоҳида мудоффа деворлари билан ўраб олинган. Ёдгорлик 1954-1955 йилларда *Ю.А.Заднепровский* томонидан ўрганилган. Ундан топилган *терракота* ҳайкаллари антик давр Фарғона аҳолисининг антропологик қиёфаси тўғрисида маълумот берувчи биринчи ишончли манба ҳисобланади. III. қадимги *Даван* подшолигининг хитой манбаларида Ючен номи билан эслатилган энг йирик савдо-иқтисодий марказ шаҳарларидан бири ҳисобланган.

**ШҶРТЕПА** – ўрта асрлар даврига оид қишлоқ кишлоқ ёдгорлиги. Тошкентнинг шимолий-

шаркий қисмида, Қорасув ариғидан Товкат ариғи бош олган ерда жойлашган. Ёдгорлик баландлиги 7 м лик қўшқ ва унга туташ қишлоқ харобасидан иборат. 1887 йилда Н.П.Остроумов томонидан қайд этилиб, казишмалар ўтказилган. 1949 йилда И.Баишев ва В.М.Массон кузатишлар олиб борган. 1968 йилда Тошкент археология экспедицияси унда археологик казишмалар ўтказган. Олинган материаллар Ш.да ҳаёт узилишлар билан VII-VIII, X-XII ва XV асларда давом этганлигини кўрсатган.

## Э

**ЭВОЛЮЦИЯ** (лот. *evolutio* – очилиш, ёзилиш, такомиллашиш) – гадрижий ривожланиш. Табиат, жамият ва рухий-маънавий ривожланиш концепцияларини умумлаштириб ифода этишга хизмат қилувчи тушунча. Э. тушунчаси кенг маънода ривожланиш тушунчасининг синоними сифатида ишлатилади.

**ЭКЗОГАМИЯ** (юн. *exo* – ташқи, *gamos* – никоҳ) – ибтидоий жамиятдаги оила шаклларида бири. Бир уруғ ёки жамоа аъзолари орасида оила-никоҳ муносабатларнинг чекланиши, уруғ доирасидан ташқари, қўшни уруғ вакиллари билан тузилган никоҳ. Оиланинг ибтидоий кўринишларидан бўлган *полигамия* (кўп никоҳлилиқ), *эндогамия* (ички никоҳ)дан кейинги босқичи. Э. уруғчилик жамиятининг ривожланиши натижаси ҳисобланади.

**ЭКОФАКТ** – инсонларни куршаб турган табиий муҳит омиллари. Инсон яшаш учун курашиб, табиий муҳитга мослашади ва ўз ҳаёт тарзи учун зарур нарсаларни мавжуд табиатдан ундиради ва ўзига хос маданий изларни қолдиради.

**ЭЛ** – энг қадимги туркий сўзлардан бири. Атама кенг ва тор маънода ишлатилиши мумкин. Эл, аввало, бир жойнинг одамлари маъносини билдиради; Хоразм эли, Қошқар эли. Бир қабилага мансуб кишиларга нисбатан қўлланилади; қипчоқ эли, манғит эли. Эл сўзи баъзан *халқ*, *миллат* маъноларида ҳам ишлатилади. XX аср бошларида “Эл байроғи” газетаси ҳам чиққан.

Юрт, мамлакат маъноларида ҳам қўлланилади. Масалан, қозоқ эли деганда қозоқ халқини ҳам, Қозоғистон Республикасини ҳам тушунишимиз мумкин. Ёки бўлмаса, чет эллар деганда, хорижий халқларни ҳам, хорижий мамлактларни ҳам англаш мумкин.

Эл иборасида, шунингдек, иттифоқ, тотувлик, аҳиллик маънолари ҳам бор. Эл ёвнинг зиддидир. “Эл бўлди”, деганда дўстлашди, бирлашди маъноси англашилади. Элнинг ана шу маъносидан “элат” атамаси келиб чиққан.

**ЭЛАТ** – халқнинг *миллат* бўлиб шаклланишидан олдинги босқичи. Кишиларнинг тил, худуд, иқтисодий ва маданий жиҳатдан тарихан таркиб топган бирлиги. Э.нинг келиб чиқишига бир-бирига яқин бир неча қабилаларнинг уюшуви асос бўлган. Э. баъзан халқ тушунчаси билан тенг маънода

ишлатилиши ҳам мумкин. Масалан, киргиз эли, ўзбек эли ва ҳ.к.

Э. ўз кифасини сақлаб қолиши учун ҳамда равнақ эта бориб, *халқ* ва *миллат* даражасига етиши учун ҳам ўз давлатига эга бўлиши шарт. Ўз давлатисиз Э. йўқ. Бўлса-да, Э. шаклида узоқ яшай олмайди, ҳукмрон Э. уни ўзига “ютиб” юборди. Илмий тарихий адабиётларда кўчманчи ҳаёт тарзида яшовчи аҳолига нисбатан кўпроқ Э., ўтроқ турмуш тарзидаги аҳолига нисбатан *халқ* тушунчаси қўлланилади.

**ЭЙЛАТОН**, Шаҳри Ҳайбар – илк темир даврига оид археологик ёдгорлик (мил. авв. VI-III асрлар). Андижон вилояти Избоскан туманидаги шу номдаги қишлоқ ҳудудида жойлашган. Ёдгорлик 1932 йил аниқланган бўлиб, Б.А.Латинин (1933-1934), Ю.А.Заднепровский (1952), Т.Г.Ободдуева, С.Кудратовлар томонидан ўрганилган. Э. майдони 200 га бўлиб, ташқи мудофаа деворлари билан ўраб олинган. 20 га майдонни эгаллаган шаҳар *арки* ҳам мудофаа деворлари билан ўралган. Археологик маълумотларга кўра Э.да мил. авв. I асрга келиб ҳаёт узил-кесил тўхтади. Археолог А.Анорбоев хитой йилномаларида эслатилган Даван давлатининг пойтахти Юан (Эрши)дан кейинги иккинчи шаҳри Ючень бу Э. деган хулосага келади. Хунармандлар шаҳри ҳисобланган Э.да кулолчилик, тўқимачилик ва қисман темирчилик ривожланган. Сопол идишлар тайёрлашда кулолчилик чархидан фойдаланилган. Э. маълум режа асосида мукамал қурилган

илк шаҳар ва замонасининг йирик меъморий обидасидир.

**ЭЙЛАТОН МАДАНИЯТИ** – қадимги Фарғона водийсида *Ҷуст маданияти* ўрнига келган қадимги давр маданияти. Ушбу атама 1950-йилларда археолог Ю.А.Заднепровский томонидан илмий муомалага киритилган. Мил. авв. VII-III асрларга оид. Манзилгоҳлар қурилишида паҳса, хом ғишт ва гуваладан фойдаланилган. Сопол идишлар қўлда ва кулолчилик чархида ишланган.

Э.М. ёдгорликлари *Эйлатон* (Шаҳри-Ҳайбар, шаҳар, мил. авв. VI-III а.), *Андижон* (шаҳар, мил. авв. V-IV а.), *Қува* (шаҳар, мил. авв. IV-III а.), *Шўрабашиат* (шаҳар, 70 га. мил. авв. IV-II а.), Симтепа, Суфантепа, Қорақўрғон, Тўрақўрғон, Пиллалитепа.

**ЭЛЛИНЛАШТИРИШ** – юнонлаштириш. Қадимги юнонлар ўзларини эллинлар, юртини эса эллада деб аташган. Э. деганда юнон-македон истилосидан сўнг Шарққа юнон маданиятининг ёйилиши ва аралаш юнон ва маҳаллий шарқ маданиятининг ташкил топиш жараёни тушунилади.

**ЭНДОГАМИЯ** (юн. endon – ичкари, ички, gamos – никоҳ) бир уруғ, қабила ёки ижтимоий гуруҳ доирасида тузилган оила, никоҳ. Ибтидоий жамиятда уруғдошлар орасида экзогам (ташқи никоҳ), қабиладошлар орасида эса эндогам (ички никоҳ) мавжуд бўлган. Эндогам оила қурилишидан мақсад яқин қон-қариндошлар ичида мол-мулк ёки бирон бир ижтимоий гуруҳнинг ўз мавқеини сақлаб

қолиши бўлган. Замоनावий шароитда оилавий муносабатларда Э. ҳолати кузатилса-да, медицина жиҳатидан ва қонунчилик томонидан тақиқланади.

**ЭНЕОЛИТ** (лот. aeneus – мис, юн. litos – тош) – мис даври. Меҳнат қуроллари ишлаб чиқаришда биринчи марта мис маъдани қўлланила бошлангани учун шундай ном берилган. Э. даври 4-3 минг йилликларни ўз ичига олади.

Э. давридан ибтидоий жамоа тузумининг инқирози, синфий жамиятнинг шаклланиш жараёни бошланган. Шарқда (Олд Осиё ва Месопотамияда) дастлабки давлат бирлашмалари вужудга кела бошлади, Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудлари (Туркменистон)да эса сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик маданияти ва паҳса, хом ғиштдан қўп хонала уйлар қуриш бошланди.

Э. даврининг қўплаб ёдгорликлари Туркменистон ҳудудларидан топиб ўрганилган (*Анов, Номозсоҳ* ва *Олтинтепа*).

**ЭПИГРАФИКА** (юн. ері – устида, тепасида grapho – ёзаман) – қаттиқ жисмлар – тош, металл, сопол ва бошқалардаги, асосан, қадимги ва ўрта асрларга оид ёзувлар (битиклар)ни тўплаш, нашр этиш ва шарҳлаш билан шуғулланувчи ёрдамчи тарих фани соҳаси.

**ЭРА** (лот. aera – бошланғич берилган сон, сана) – йил ҳисоби бошланадиган вақт. Масалан, қадимги римликларда Рим шаҳрига асос солинган пайтдан, христианларда Исо пайғамбарнинг туғилишидан (милодий эра), мусулмонларда Мухаммад

пайғамбарнинг Маккадан Мадинага кўчишидан (ҳижрий эра) бошланган. Ҳозирда Ўзбекистонда барча тарихий воқеалар христиан эрасига қараб саналаштирилган. Шундан келиб чиқиб, Рим эрасига Рим шаҳри барпо этилган милодий эрадан олдинги 776 йилда, ҳижрий эрага эса милодий 622 йилда асос солинган, деб ҳисоблаш мумкин.

**ЭРҚАЛЪА** – Эски Марв ҳудудида (жанубий Туркменистон) мил. авв. VII асрда вужудга келган биринчи шаҳар. Майдони 20 га. Паҳса блокларидан тикланган 25 м баландликдаги мудофаа деворлари билан ўралган. Э. ички қисмидан ибодатхона, ҳукмдор саройи, харбийлар турар жойлари ва бошқа бинолар очиб ўрганилган. Э. мил. авв. I минг йиллик ўрталари ва иккинчи ярмида *Марғиёна* тарихий вилоятининг маркази бўлган. Ўрта аср халқ ривоятларида Э.нинг бунёд этилиши подшо Тахмур билан боғланади. Ривоятларга қўра, Тахмур шаҳар қурилишида мингта қурувчини ишлатиб, ҳар куни уларга бир дирҳамдан маош берган. Ишчилар эса ҳар куни шу дирҳамга шаҳар бозоридан озиқ-овқат сотиб олишган. Натижада минг дирҳам ҳар куни бозор орқали давлат ҳазинасига тушиб турган. Бир неча йил аҳоли шу тарзда шаҳар қурилишида меҳнат қилишган. Охириги иш куни ишчилар олган маошини уйларига олиб кетишган ва шу тариқа Э. қурилиши подшо Тахмурга минг дирҳамга тушган ҳалос.

**ЭРОН** – Амударёдан жануб томон ёйилган ҳудудлар. *Авестода* Эрон ҳақида гап кетганда, кўчманчи чорвадор аҳоли турларга қарши



ўларок, деҳқончилик билан шуғулланувчи уруғ ва қабилалар юрти тушунилган. Унинг туб маъноси *Авестода*ги “азат-арий” сўзига бориб тақалади, яъни Эрон арийлар мамлакати демакдир. Эроннинг шимолий-шарқий Амударёгача бўлган худудлари қадимги даврда *Маргиёна* ва *Бақтрия*, ўрта асрларда эса *Хуросон* деб аталган.

**ЭРШИ** – мил. авв. III милодий II асрларда мавжуд бўлган *Даван* (Фарғона) давлати пойтахтининг хитой манбаларидаги номи. Тадқиқотчилар (*А.Н Бернштам, Ю.А. Заднепровский, Б.Матбобоев*) Э. бу Фарғона водийсидаги мил. авв. III-II – мил. I асрга оид *Мингтепа* харобалари деб ҳисоблайдилар. Қаранг: **МИНГТЕПА**.

**ЭСКИ ТЕРМИЗ** – Термиз шаҳридан 5 км шимолий-ғарбда Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган қадимги шаҳар харобаси. Майдони 350 га. Ёдгорликда 1991 йилдан бошлаб ЎзФА *Археология институти* ва Франциянинг Илмий тадқиқотлар миллий маркази олимлари билан ҳамкорликда археологик тадқиқотлар олиб борилмоқда (лойиҳа раҳбарлари Т.Аннаев, П.Лериш). Э.Т. тўрт қисмдан ташкил топган: цитадел-арк, иккита *шаҳристон* ва *работ*. Маданий қатламларининг калинлиги 2 м дан 19 метргача боради. Мил. авв. IV-III асрларда вужудга келган манзилгоҳ ўрнида мил. авв. III-II асрларда қалъа билан *шаҳристон* шакллانган. Ўша пайтда бу шаҳар *Деметрия* деб номланган бўлиши тахмин қилинади. *Кушонлар*

даврида Э.Т. Шимолий *Бақтрия*нинг йирик маъмурий ва диний маркази бўлган. Э.Т.нинг энг ривожланган даври IX-XII асрларга тўғри келади. 1220 йилда шаҳар мўғуллар томонидан вайрон этилади. XVI-XVII асрларда шаҳарда ҳаёт қисман жонланади. Археологик тадқиқотлар давомида Э.Т.дан будда ибодатхоналари, термизшоҳлар саройи, масжид, темирчилар ва кулоллар маҳалласи, турар-жойлар топилган. Э.Т. худудида Ҳаким ағ-Термизий макбараси жойлашган.

**ЭТИМОЛОГИЯ** (юн. *etymon* – ҳақиқат, чин *logos* – фан) – бирон-бир сўз ёки атаманинг келиб чиқиши, унинг бошқа сўзлар билан ўзаро яқинлик алоқаларини ўрганувчи фан соҳаси.

**ЭТНИК ЖАРАЁН** – келиб чиқиши бир-бирига яқин бўлган турли қабил ва *элат*ларнинг асрлар давомида қўшилиб, аралшиб бориш жараёни.

**ЭТНОГЕНЕЗ** (юн. *ethnos* – халқ, *genesis* – туғилиш) – бирон-бир халқнинг келиб чиқиш жараёни. Тарих фанидаги мавжуд илмий методологик ишланмага қўра, Э. деб илгаридан мавжуд бўлган бир неча этник компонентлар асосида янги этнос (*элат*)нинг вужудга келишига айтилади. Ушбу тушунча фанга илк бор XX асрнинг 20-йилларида Н.Я.Марр томонидан киритилган.

Ҳар бир халқнинг тарихи унинг Э.и ва этник тарихи билан узвий боғлиқ. Э. бир этноснинг *элат*, *халқ* бўлиб шаклланишига қадар бўлган даврда давом этадиган тарихий этномаданий жараёндир. Жалқ шакллангани (этногенез)дан кейин

таркибига гарчи ҳар доим бўлмаса ҳам бир муддат *Марғиёна* ва *Сувдиёна* ҳудудлари ҳам кирган. *Бақтрия*нинг табиий бойликлари унинг қўшиларига ҳам маълум бўлган. Жумладан, қадимги муаллиф Диодор *Бақтрия* подшоси Оксартнинг жуда бой хазинаси ҳақида маълумот беради. Шунингдек, Бадахшон лаъли шарқда жуда қадрланиб, Миср фиръавнлари ва Бобил подшоларининг саройларини безашда кенг фойдаланилган.

Қадимги *Бақтрия* подшолиги *аҳмонийлар* давлати томонидан тугатилади. Олимлар буни кўпроқ Кир II нинг мил. авв. 545-540 йиллардаги Ўрта Осиё ҳудудларига юришлари билан боғлайдилар.

**ҚАДИМГИ ДУНЁ ТАРИХИ** – жаҳон тарихини даврлаштиришда, асосан, тарих фанида энг қадимги даврлардан то милоднинг V асрларига қадар, яъни Рим империясининг қулаши (476 йил)гача бўлган даврнинг номланиши. Ўзбекистон тарихининг қадимги дунё тарихи ҳам, тахминан шу даврларни ўз ичига олади. Қадимги дунё тарихидан кейин ўрта асрлар даври бошланади.

**ҚАДИМГИ ХОРАЗМ ДАВЛАТИ** – Ватанимиз ҳудудидagi илк давлат бирлашмаларидан бири. Амударёнинг қуйи хавзаларида, хорасмийларнинг бу ҳудудларга келиб ўрнашиб, мил. авв. V-IV асрларда барпо этган давлати.

Тарихий ёзма манбалар (*Авесто*) ва антик давр тарихчилари асарларида келтирган географик жой номларини солиштирган ҳолда

олимларнинг аксарияти Қадимги Хоразм давлати ҳозирги замонавий Хоразм воҳасидан анча катта ҳудудни ўз ичига олишини қайд қиладилар. Бу давлат бирлашмаси унга қадар шимолий-шарқий Хуросонда, Амударёнинг ўрта оқимига қадар чўзилган ҳудудларда мавжуд бўлган (“Катта Хоразм”). И.Маркварт, *С.Л.Толстов* каби олимларнинг фикрича, *Авесто*даги Арьянам-Вайчах (Арийлар ўлкаси) бу “Катта Хоразм” билан бир нарса, Ванҳви Даити дарёси эса бу Амударёдир. Сўнгги йилларда амалга оширилган тадқиқотлар И.Маркварт томонидан XX асрнинг 30-йилларида фанга киритилган “Катта Хоразм” концепцияси тарихий воқеликка тўғри келмаслигини кўрсатмоқда.

Фанда мил. авв. I минг йилликнинг иккинчи чорагида Хоразмда *Аҳмонийлар*га қадар илк давлат бирлашмаси мавжуд бўлган деган мунозарали тахминлар мавжуд. Кам сонли ёзма манбалар шунга ишорат беради. Кейинги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар қуйи Амударё хавзаларида сунъий суғоришга асосланган ўтроқ деҳқончилик маданияти мил. авв. VI аср охири – V аср бошларидан юксала бошланганини кўрсатади. Айнан шу даврдан бошлаб Хоразмда дастлабки кенг қўламли суғориш иншоотлари бунёд этилиб, ана шу суғориш тармоқлари бўйлаб деҳқончилик воҳалари ва илк шаҳарлар (*Қўзалиқир*, *Қалъалиқир*, *Хазорасп*) пайдо бўлади. Мазкур ашёвий далиллар қадимги Хоразмда давлатчилик юқоридида кўрсатилган

саналар атрофида шакллана бошланганини кўрсатади.

Мил. авв. VI-V асрларда Хоразм *Аҳамонийлар* Эрони таркибига киритилган. Аммо мил. авв. V-IV асрнинг бошларида Хоразм ўз мустақиллигини қайта тиклаган ва Хоразмда маҳаллий давлатчилик анъанаси, хоразмшоҳлар сулоласининг узлуксиз давомийлиги милодий эранинг XI асри бошларига қадар давом этган.

**ҚАДОҚ** – қадимги оғирлик ўлчов бирлиги. Қиймат жиҳатидан 1 фунтга тенг бўлган: 1 қадоқ = 1 фунт = 409,512 г.

**ҚАЗНОҚ** – қадимий туркий тилида “хазина” демакдир. Ўрта асрларда омборхонани ҳам қазноқ дейишган.

**ҚАЙИР** – дарё тошган пайтда водий тубининг сув босадиган қисми. Текисликдан оқиб ўтувчи дарёларнинг Қ.и одагта кенг бўлиб, у бир неча км га етиши мумкин. Қ.да тупрок унумдорлиги жуда юкори бўлади. Шунинг учун ҳам қадимги дунё халқлари айнан намгарчилик етарли ва суғоришга эҳтиёж бўлмаган дарё Қ.ларида илк бор дехқончилик маданиятига асос солганлар.

### **ҚАЙРОҚҚУМ**

**МАДАНИЯТИ** – Фарғона водийсининг ғарбий қисмида шаклланган бронза даври археологик маданияти. Мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярми – I минг йилликнинг бошларига оид. Унинг номи *Хўжанд* яқинидаги Қайроққум мавзеи номидан олинган. Қ.М. материаллари *Андроново* ва *Тозабогёб маданияти* ёдгорликлари материаллари билан

жуда ўхшаш. Улар Фарғона водийсининг *Чуст маданияти* аҳолиси билан иқтисодий ва маданий алоқада бўлган. Аҳолисининг асосий машғулоти яйлов чорвачилиги ва металлургия. Қ.М.га оид 100 га яқин аҳоли яшаш маконлари ва бир неча қабристонлар (Қайроққум, Япаги, Водил, Қашқарчи, Дахана) топилган.

**ҚАЙКУБОД ШОХ** – қадимий шаҳар харобаси. Тожикистоннинг Хутталон вилояти, Носир Ҳисрав туманида жойлашган. Шаҳарда археологик тадқиқотлар 1950-1951 ва 1952-1953 йилларда Кофирниҳон отряди (М.М.Дьяконов, А.М.Мандельштам, И.Б.Певзнер) томонидан ўтказилган. Шаҳарга *Юнон-Бақтрия подиолиги* даврида асос солинган бўлиб, у мил. авв. II асрдан милодий II-III асрларга қадар мавжуд бўлган. Қазималар жараёнида 400×300 м майдон калинлиги 4 м, баландлиги 6 м лик мудофаа деворлари ва тўғри бурчакли буржлар билан мустаҳкамланганлиги аниқланган. Ёдгорликдан шунингдек қадимги бақтрия анъаналарига хос сопол буюмлар, кўплаб тангалар, эллинистик типдаги санъат асарлари ва *терракота* хайкалчалари топилган.

**ҚАЛИАТЕПА** – Жиззах вилояти худудидаги энг қадимги ва кўлами жиҳатидан энг катта шаҳар ёдгорлиги. Вилоят маркази Жиззах шаҳри яқинида, катта автомобил йўли ёқасида жойлашган. Қадимда 100 гектар майдонни эгаллаган ушбу шаҳар ёдгорлигининг ҳозирда 50 гектарга яқин қисми сақланиб қолган. Арк, шаҳристон ва рабоддан

ташқил топган. Ёдгорликнинг арк қисмида илк бор *Я.Я.Фулмо*в 1966 йилда археологик тадқиқотлар ўтказган.

Тадқиқотлар ёдгорликнинг энг қуйи маданий қатламлари мил. авв. III-II асрларга оидлигини кўрсатган. Шаҳарда ҳаётнинг энг ривожланган босқичи XI-XII асрларга тўғри келади. *Буюк така йўли*да жойлашган мазкур шаҳарда ҳаёт мўғуллар давридаги қисқа таназзулдан сўнг *темурийлар* ва *шайбонийлар* даврида яна гуллаб-яшнаган. Хусусан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асарида Қ.ни обод ва фаровон шаҳар сифатида таърифлайди.

Қ. бугунги Жиззах шаҳрининг қадимги ўрни ҳисобланади.

**ҚАЛЪА** (ар. – девор билан ўралган кўргон, шаҳар) – қадимда ва ўрта асрларда бино қилинган мустаҳкам муҳофаа истехкоми. Ёзма манбаларда қалъа *қўргон*, истехком, ҳисор ва шаҳар маъноларида тилга олинади. Кўпинча Қ. асоси ер сатҳидан баландроқ кўтарилган бўлади. Қ. девори паҳса ва йирик хом гиштлардан барпо этилган. Девор бўйлаб мўлалар, айниқса, унинг бурчак қисмларида доира ёки тўртбурчак шаклидаги *буржлар* қад кўтариб, уларнинг бир ёки кўп қаторлик нишон туйнуқлари – *шинаклар*и бўлган.

Қ.лар асосида кейинчалик шаҳарлар юзага келиб, унинг майдони кенгайган. Қ.лар шаҳар ёки вилоят ҳукмдорининг қароргоҳига айлантирилиб, қаср қад кўтарган. Қ.нинг бу қисми *қўхандиз* ёки *арк* атамалари билан юритилган олий даргоҳ шаклланган. Қ.лар аввало, аҳоли яшайдиган турар жой,

муҳофаа иншооти, ёвгарчилик даврида қамалдаги ҳарбийлар қароргоҳи, озик-овқат ва қуро-яроғ омбори каби вазифаларни ўтаган.

**ҚАЛЪАНИ ЗАХҲОКИ МОРОН** – Қашқадарё воҳасидаги қадимги ва ўрта асрларга оид ноёб шаҳар-қалъа ёдгорлиги. Бугунги *Қарши* шаҳри темир йўл вокзали ёнида жойлашган. Шаҳар илк бор *Туркистон ҳаваскор-археологлари тўғараги* аъзолари И.А.Қастанье ва 1916 йилда Л.А.Зиминлар томонидан ўрганилиб, *темурийлар* даврига оид деб белгиланади. 1942 йилда ёдгорликни текширган *М.Е.Массон* Қ.З.М. қадимги (қулдорлик) даврига оид деган хулосага келади. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ёдгорликда С.К.Қабанов қазишмалар ўтказиб, шаҳарга таҳминан мил. авв. I асрларда асос солиниб, III-IV асрлар давомида кенгайтирилган, илк ўрта асрларда худуднинг энг катта феодал қасрига айланади, деган тўхтамга келади. Илк ўрта асрлар даврида Захҳоки Мороннинг умумий майдони 16 га ни ташқил қилиб, йириклиги жиҳатидан *Ерқўргон*дан кейинги иккинчи ўринда турган. 1977-1988 йилларда *Қашқадарё археологик экспедицияси* томонидан олиб борилган тадқиқотлар (*М.Турабеков*, *М.Х.Исамиддинов*, *Ш.А.Раҳмонов*, *А.А.Раимқулов*) ёдгорлик тарихи учта қурилиш босқичидан иборат бўлганлиги ва унда ҳаёт X-XII асрларга қадар давом этганлигини кўрсатган.

**ҚАЛЪАЛИКИР 1** Хоразм архаик даврининг Кўзалиқирдан кейинги иккинчи энг йирик ёдгорлигидир (70 га). Кўзалиқирдан

20 км шарқда, Чирмонёб каналининг ўрта қисмидаги қир устида жойлашган. Қ. мудофаа деворлари тизими мукамал. Деворлари *буржлар* билан кучайтирилган бўлиб, шаҳарга тўртта дарвоза орқали кирилган. Дарвозалар пешдарвоза адаштира йўл ва буржлар билан ҳимояланган. Шаҳарнинг шимолий-ғарбий бурчагидан 200 м масофада ғарбий деворга туташтириб сарой биноси қурилган. Мазкур сарой биноси шаҳар қалъаси (630 минг м<sup>2</sup>) худудидаги ягона қурилишдир. Ю.А. Рапопорт ва М.С. Лапиров-Скоблларнинг қайд қилишларича, сарой бинолари мил. авв. V-IV асрлар чегарасида қурилган. Аммо айти пайтда сарой қурилиши тўхтаб қолади. Бу Хоразмнинг Аҳамонийлар ҳукми остидан чиқиши билан боғлиқ бўлса керак деб тахмин қилинади. Қ. Аҳамонийларнинг Хоразмдаги ноиб учун қароргоҳ вазифасини ўтаган. Қисқа муддат давом этган шаҳар ҳаётидаги турғунлик дан сўнг шаҳарда ҳаёт қайта жонланган. Афтидан бу мил. авв. V-IV аср чегарасида Хоразмнинг давлат мустақиллигини қўлга киритиши билан боғлиқ бўлса керак. Мазкур даврда Қалъалиқир I Хоразм давлатининг ҳарбий аскарлари жойлаштирилган чегара қалъаси вазифасини ўтаган. Мил. авв. II асрга келиб шаҳарда ҳаёт батамом тўхтаган. Кейинчалик II-IV асрларда қалъа зардуштийларнинг остодонлар қабристонига айлантирилган.

#### **ҚАЛЪАЛИҚИР 2 -**

Қалъалиқир I дан 10 км ғарбда, Кўзалиқирдан 6 км шимолий-

шарқда жойлашган қадимги Хоразм шаҳар ёдгорлиги. Қ. 2 режаси тўғри учбурчак шаклида бўлиб, ён деворларининг узунлиги 195 м. Қалъанинг ички қисмида диаметри 24 м айлана шаклидаги бино ибодатхона бор. Қ. 2 душман томонидан аёвсиз вайрон қилиниши оқибатида харобага айланганлиги ёдгорликнинг барча жойларида сезилиб туради. Қалъанинг қурилиши айнан қачон бошланганлиги номаълум. Аҳамонийлар давридами ёки Хоразм мустақилликка эришганидан кейинми, бу ҳам аниқланмаган. Археологик материаллардан келиб чиқиб, ёдгорлик мил. авв. IV-II асрларга оид деган хулосага келинган. Қ. 2 Хоразм давлатининг Довдон ҳавзасидаги диний ибодатхона маркази бўлган. Чунки Қалъалиқир I билан деярли бир давр мобайнида ушбу қалъанинг ҳам мавжуд бўлиши, унинг марказий қисмида сақланиб қолган айлана шаклидаги монументал бино қолдиқлари Қ. 2 нинг сиёсий марказдан кўра кўпроқ диний марказ бўлганлигини кўрсатади. Ёдгорликдан топилган предметларнинг аксарияти диний маросимларда, хусусан ҳосилдорлик маъбудаси *Анахита* шарафига ўтказиладиган диний байрамларда ишлатиладиган буюмлардан иборат.

#### **ҚАНХАҚАЛЪА 1 -**

Хоразмнинг антик даврга оид қалъаси. Тошқовуз шаҳридан 150 км жанубий-ғарб томонда, Қанхақирнинг шимолий-шарқий бурнида жойлашган. У 1951 йилдан ўрганила бошланган. *Хоразм археологик экспедицияси* 1953-1954

ва 1955 йилларда қўшимча рекогносцировка қазилмалари ўтказилган.

Қалъанинг майдони катта бўлмай, режаси бешбурчак шаклда (233×200 м) бўлиб, антик стандартдаги хом ғиштдан кўтарилган икки қатор девор билан ўраб олинган. Деворлар орасидаги отиш йўлаклари кенлиги 2,4 м ни ташкил этади. Қалъанинг ички қисмида ҳар хил қурилишларнинг харобалари, ғарбий девор яқинида катта монументал бино қолдиқлари сақланиб қолган. 1955 йилги қазилмалар вақтида фақат илк Қанғуй даврига (IV-III а.) оид маданий қатламгача етиб борилади. Теварак атрофлардан ва шаҳристондан йиғилган материаллар хронологияси мил. авв. I минг йиллик ўрталаридан милодий IV асргача бўлган даврни қамраб олади.

## ҚАНХАҚАЛЪА 2 –

Қанхақалъа 1 дан жанубий-ғарб томонда, қуйи Довдон ирмоқларидан биридаги тор Юришлижа дўнглиги бурнида жойлашган мустаҳкамланган қишлоқ. 1970 йилда очиб ўрганилган. Қишлоқнинг умумий майдони 10 га, қишлоқ-қўргонининг майдони 100×60 м. Қанхақалъа 2 Қанхақалъа 1 дан қадимийроқ. Энг сўнгги тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда Туркменистонлик олимлар Қанха 2 ни сўл соҳил Хоразмнинг илк темир даври (мил. авв. IX-VI асрлар) га оид энг қадимги археологик ёдгорлиги деган хулосага келмоқдалар. Ёнғин изларига қараганда, мил. авв. VI аср ўрталарида ушбу манзилгоҳ

аҳамонийлар босқинлари оқибатида вайронага айланган.

**ҚАНҚА, Қанғез, Харашкат, Канка, Қанқатепа** – мил. авв. III асрдан милодий XII асрларга қадар мавжуд бўлган шаҳар. Харобалари Тошкент шаҳридан 70 км масофада, Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида жойлашган. 1868 йилда бу ёдгорликни В.В.Верешчагин биринчи бўлиб аниқлаган. 1896 йилда *Туркистон ҳаваскор-археологлари тўғараги* аъзолари Е.Т.Смирнов, И.А.Беляев, И.Кастанье кичик тажриба қазими ишларини олиб борганлар. 1934 йилда *М.Е.Массон* томонидан тадқиқ қилиниб, ёдгорликнинг топоплани олинди ва унинг ўрта аср манбаларида эслатилган *Харашикат* шаҳри эканлигини аниқлади. 1966 йили ЎзФАнинг Чотқол-Қурама отряди томонидан Қ. Тошкент вилоятининг археологик харитасига киритилди, 1969 йилдан ёдгорликда археолог қазими ишлари бошланди. 1974 йилдан бошлаб Қ. кенг миқёсда ўрганилиб (*Ю.Ф.Буряков* раҳбарлигида), ЎзФА *Археология институтининг* асосий тадқиқот объектларидан бирига айланди. Қ.нинг мудофааланган ҳудуд қисми 160 га ва унинг атрофини ўраб турган ҳудуд билан эса 400 га дан ошиқ майдонни эгаллайди. Тошкент воҳасида аниқланган қадимги ва ўрта асрлар даврига оид археологик ёдгорликлар ичида ҳудудий жиҳатдан энг каттаси Қ. шаҳри ҳисобланади. Шаҳар *Қанг давлатининг* пойтахти бўлган. *Авестода* тур қабилаларининг сиёсий ва диний маркази “Қанқа” ҳақида маълумотлар бор. Ўрта

асрларда *Харашикат* номи билан юритилган мазкур шаҳар Хитой манбаларида *Битъян* деб аталган. Баъзи тадқиқотчилар *Александрия Эсхатани* Қ.га киёслайдилар. *Харашикат* IX-XI асрларда Чоч вилоятида *Бинкат* (Тошкент)дан кейинги иккинчи шаҳар хисобланган. XII асрда Оҳангарон дарёси ўзанининг ўзгариши туфайли Қ. сувсиз қолиб харобазорга айланган. Қазималар жараёнида шаҳар стратиграфияси, муҳофаа деворлари, ички бинолар, ибодатхона, оссуарийлар қабристонлари, карвонсарой ва бошқа объектлар очиб ўрганилган.

**ҚАНҒУЙ** – хитойликлар тушунчасида Даван (Фарғона)дан ғарбда жойлашган юрт. Ҳозирги Тошкент воҳаси, Чимкент вилояти ва Сирдарёнинг қуйи ҳавзасидаги ерлар. Мил. авв. III аср ўрталарида бу ҳудудларда Қанғуй (Қанғ) давлати ташкил топади. Унга кўчманчи сак қабилалари асос соладилар. Мил. авв. II асрдан бошлаб, Қанғуй давлати қудратли давлатга айланади ва кўшни юртларга нисбатан мустақил сиёсат юргиза бошлайди. Бу давлат бирлашмаси милодий III асрларга келиб парчаланиб кетади.

**ҚАРЛУҚЛАР ДАВЛАТИ** – Қарлуқлар қадимда Олтойнинг ғарбида, сўнгра Иртиш дарёсининг ўрта оқимида яшаган кўчманчи туркий қабилалардан биридир. VII аср ўрталарида улар Етгисув ўлкасига келиб жойлашиб, Толос ва Чу дарёлари ҳавзасидан Иссыкқўлгача бўлган ҳудудларда яшашган. Қарлуқлар давлати ушбу ҳудудларда VIII аср охирида ташкил топади. Пойтахти Чу

дарёсидан шимолроқда жойлашган Суёб шаҳри бўган. Подшоҳлари “ябғу” ёки “жабғу” деб юритилган. Қарлуқлар жабғуси VIII асрда ислом динини қабул қилган. X аср ўрталарига келиб, қарлуқлар икки томондан: жанубдан яғмолар, ғарбдан ўғузларнинг қучли таъйикига учрайдилар ва Шарқий Туркистон ва Етгисувда ташкил топган Қорахонийлар давлати таркибига кириб кетадилар.

**ҚАРШИ** – Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларидан бири. У турли даврларда Боло, Нашеболо, *Нахшаб*, *Насаф* номлари билан юритилган. Тарихий манбаларга кўра шаҳарнинг номи мўғулча “қарши” яъни “сарой” сўзидан келиб чиққан. Мил. авв. ва милодий эрнинг дастлабки асрларида бу шаҳар “Нахшаб” (сув обод қилган, сув нақш берган манзил) деб аталган. VIII асрда араблар Қашқадарё воҳасини эгаллагач, *Нахшаб* арабча талаффузда “*Насаф*” деб юритила бошланган. Мўғуллар истилоси оқибатида вайрон бўлган *Насаф*дан 12-14 км масофада Чигатой улуси хони Кебекхон (1318-1326) янги шаҳар барпо этиб, уни “Қарши” деб номлайди.

2006 йил 27 октябрда бу қадимий шаҳарнинг 2700 йиллиги Республикамызда кенг нишонланди.

**ҚАШҚАДАРЁ**  
**ЭКСПЕДИЦИЯСИ** – 1970-йилларда Қарши чўлини ўзлаштириш ишлари бошланиши муносабати билан, 1973 йилда ЎзФА *Археология институти* томонидан *Р.Ҳ.Сулаймонов* раҳбарлигида ташкил этилган археологик экспедиция. Экспедиция

ишида турли йилларда ушбу институтнинг А. А. Абдураззоқов, А. Анорбоев, В. Рузанов, М. А. Реутова, Ж. Сукасьян, Т. И. Лебедева, О. Папахристу, М. М. Исоқов, Г. И. Богомолов, Ш. Рахмонов каби етакчи олимлари иштирок этишган. Қ.Э. Ўзининг йигирма йилдан ошқ фаолияти давомида Қашқадарё воҳасидаги қадимги Жанубий Суғднинг антик ва ўрта асрлар даврига оид *Ерқўрғон*, *Узунқир*, *Қалъаи Заҳхоки Морон*, *Шулдуктепа*, *Базда* (Кўҳна Фазли), Таллисортепа, Кофиртепа, Олтинтепа, Косонттепа, *Қариш* (*Насаф*), *Кеш* (Шаҳрисабз) каби ўнлаб шаҳар ёдгорликларини батафсил ўрганиб фанга киритди.

**ҚАЮМАРС** – туркий ва форсий халқлар оғзаки ижоди ва ёзма адабиётида кенг тарқалган афсонавий образ. Зардўштиларнинг олам яратилиши ҳақидаги афсоналарига қараганда биринчи одам. *Авестода* Гайа Маретан (Мартан) деб юритилган. Шоир Абулқосим Фирдавсий (934-1025)нинг “Шоҳнома”сига кўра биринчи подшоҳ

*С.П. Толстов*нинг фикрича, Қаюмарс – “Тавомард” сўзидан келиб чиқиб, “Буқа одам”, маъносини англатган ва Хоразмда яшаган. Қаюмарс қадимги Шарқ асотирларига кўра ерда пайдо бўлган биринчи одам. Эзгулик, ишонч, ғалаба маъбуд. Қадимги юнон мифологиясида бу образ Минотавр деб аталган.

**КИЗИЛТЕПА** – илк темир даврига оид шаҳар ёдгорлиги. Сухондарё вилояти Шўрчи тумани, Миршоди қишлоғида жойлашган. Умумий майдони 30 га атрофида.

Шаҳар 1971 йилдан бошлаб Ўзбекистон *Санъатишунослик экспедицияси* ходимлари (Т.В.Беляева, З.А.Ҳакимов, А.С.Сағдуллаев) томонидан ўрганилган. Шаҳар мудофаа деворлари билан ўраб олинган икки қисм – *арк* ва *шаҳристон*дан иборат. Қ. маданий қатламининг қалинлиги 6,5 м гача боради. Ёдгорликнинг хронологик даври *Кучуктепа* билан бир даврга – мил. авв. X-V асрларга тўғри келади. Қ. ушбу даврда Шимолий *Бақтрия*даги Миршоди деҳқончилик воҳасининг маркази ҳисобланган.

**КИЗИЛҚИР МАДАНИЯТИ** – *Қовунчи маданияти*нинг Бухоро воҳаси шимолий-ғарбий қисмида шаклланган варианты. 1953-1960-йилларда Ўзбекистон ФА *Тарих ва Археология институтининг Моҳандарё археологик экспедицияси* томонидан ўрганилган археологик ёдгорликлар мажмуаси. Қ.М. ёдгорликлари комплексида кўй култи, айникса, кўчкор образи кенг кўламда тасвирланган. Сополларда, тош туморларда туркий илохий оламга хос чизги-белгилар учрайди. Сопол махсулотларига хос бу белгилар илк ўрта асрларга келганда бутун Ўрта Осиё бўйлаб кенг тарқалади. Қ.М.нинг шаклланиши хионий қабилаларининг Ўрта Осиёга кириб келиши билан боғлиқлиги тахмин қилинади

**ҚИПЧОҚЛАР** (рус манбаларида – половецлар, Византия манбаларида – куманлар) – туркий халқларнинг энг йирик қабилаларидан бири. Қ. бир қатор туркий халқлар шаклланишида



муҳим роль ўйнаган. Қ. мил. авв. III – милодий IV асрларда Шимолий-Ғарбий Олтойда яшаганлар. Уларнинг бир қисми VI асрда Ғарбий Олтойдан чиқиб, Мўғулистон ва Тува ерларига, иккинчи қисми Иртиш дарёси яқинидаги даштларга ёйилдилар. XI асрда ғарбдаги Қ. Урал ва Волга дарёларининг ўрта оқимида йирик этносиёсий уюшмага айландилар. XIII-XIV асрларда Қ. *Олтин Ўрда* давлатининг асосий аҳолисини ташкил этганлар. Улар маданий тараққиёти даражасига кўра ўзларининг ҳукмдорлари ҳисобланган мўғуллардан юқори босқичда бўлганлар.

Қ.нинг *Мовароуннахр*нинг маданий минтақаларига ялпи кўчиб келиши Шайбонийхон даври (1451-1510 йиллар) ва кейинчалик *Аштархонийлар* даври (1601-1753)да юз берган. XVII-XIX асрлар давомида Қ. ўзбек, козоқ ва қирғиз халқлари таркибига сингиб кетганлар.

**ҚОВУНЧИ МАДАНИЯТИ** – Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларида шаклланган мил. авв. II – милодий VI асрларга оид археологик маданият. Илк бор археолог Г.В.Григорьев томонидан 1934-1937 йилларда Тошкент вилояти Янгийўл шаҳри ҳудудида жойлашган Қовунчитепа ёдгорлигидан топиб ўрганган. Олим ушбу маданият Тошкент воҳасининг чорвадор ва ўтрок аҳолиси қоришувидан ҳосил бўлган маданият, деган хулосага келган. 1940 йилда Бурғулуксой атрофларида казишмалар ўтказган А.И.Тереножкин Қ.М.нинг мустақил маданият эканлиги алоҳида қайд этади. Милодий

эранинг II-III асрларидан бошлаб Қ.М. шимолий *Фарғона* ва унинг ички туманларига, *Қадимги Хоразм* ва *Зарафшон* водийсига, IV-V асрларда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларигача кириб боради.

Қ.М. керамика комплексида чилимдон, зооморф дастали кадахлар, қўшқулоқли, қорни чиққан, сферик шаклли сопол қозонлар; чарҳда ясалган қоринли, бир дастали, бўғзи тор, тиниқ ангобли кўзалар, хурмачалар кўп учратилади. Умуман ушбу маданият сополлари *Бақтрия*, *Сугдиёна* ва *Қадимги Хоразм*нинг антик даврига хос тиниқ, оч-кизил ангобли, юпқа, жарангдор керамика комплексларидан бирмунча дағал, кўполроқ ишланиши билан фарқ қилади.

**ҚОРАТЕПА** – будда ғор-ибодатхоналар мажмуаси. *Эски Термиз*нинг шимолий-шарқий қисмида жойлашган. 1926-1928 йилларда Москвадаги Шарқ халқлари маданияти давлат музейи экспедицияси томонидан очиб ўрганила бошланган. 1937 йилда *М.Е.Массон*, 1961-1981 йилларда Б.Я.Ставиский қазииш ишлари олиб борган. Ҳозирда Ўзбекистон-Япония қўшма археология экспедицияси тадқиқотлар олиб бормоқда.

I-III асрларга оид мазкур ёдорлик 3 та табиий дўнглиқдан иборат. Умумий майдони 8 га дан зиёд. Қ.нинг гуллаган даври II-III асрларга тўғри келади. Қ.ни қазииш пайтида *Кушон подшолиги* даврига оид сопол идишлар, тангалар, оҳақтошдан ясалган меъморчилик деталлари, плиталар, сопол чирокдонлар, сопол идишларга

битилган кхарошти ва брахма ёзувлари, ибодатхона деворларида кушон-Бактрия, форс-пахлавий ёзув намуналари, турли мавзудаги ва нақшинкор безаклар, лой-ганч, лой хайкаллар топилган. Қ, кушонлар даврининг энг йирик шаҳарларидан бири – *Эски Термиз*нинг (майдони 350 га) диний ибодат маркази ҳисобланади.

### **ҚОРАХИТОЙЛАР,**

**КИДАНЛАР** – XII асрнинг 30-40 йилларида *Мовароуннаҳр*нинг ўтроқ деҳқончилик воҳаларига бир неча маротаба босқинчилик юришлари уюштирган кўчманчи туркий қабилалар. Қ,нинг келиб чиқиши ҳақида фанда ягона фикр мавжуд эмас. Баъзи тадқиқотчилар уларни Сибирнинг тунгус аҳолисига, бошқалари эса мўғулларга мансуб деб ҳисоблайдилар. XII аср бошларида улар *Еттисув* вилоятини ишғол этиб то Енисей дарёсигача бўлган ерларни ўз ичига олган каттагина давлатни барпо этадилар. Боласоғун бу давлатнинг пойтахтига айлантирилган. Хонлари “гўрхон” деб юритилган. Қ, давлати XIII асрда бошларида Мўғул истилочилари томонидан тугатилади.

**ҚОРАХОНИЙЛАР** – Ўрта Осиёда, асосан, *Мовароуннаҳр* ва Шарқий Туркистон ҳудудларида *Сомонийлардан* кейин 999-1212 йилларда ҳукмронлик қилган мусулмон туркий сулола. Уни барпо этишда қатор туркий қабилалар иштирок этиб, булардан қарлук, чигил ва яғмо қабилалари етакчи бўлган. Асосчиси яғмо қабиласидан чиққан Абдулқарим Сотук Бугрохон (Қорахон). Яғмолар X аср ўрталарида ислом динини қабул

қилганлар. 992 йилда Хорун ибн Мусо Сотук Бухорони, 996-999 йилларда унинг вориси Наср I *Мовароуннаҳр*ни бутунлай босиб олади. Қ, давлати пойтахти дастлаб Қошғар, кейин Боласоғун, Ўзган шаҳарлари бўлиб, кейинчалик яна Қошғарга кўчирилган. XI асрнинг 60-70 йилларида Қ, ички сиёсий кураш ва *Салжуқийлар* тазйиқи остида заифлашиб, кучсиз давлатга айланиб қолади. 1212 йили Қ,нинг сўнгги вакили Қилич Арслон Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан ўлдирилган.

**ҚОРАҚУРУМ** – Ўрхун дарёси (Мўғулистон) бўйидаги шаҳар. Чингизхон ва 1230-1260 йилларда Ўғадайхон, Гуюкхон ва Мангухон даврида мўғуллар империясининг пойтахти. 1380 йилда шаҳар Хитой кўшинлари томонидан вайрон қилинган.

**ҚОСИМОВ МИРВОҲИД РОЗИҚОВИЧ** (1926-1991) – таниқли археолог олим. Палеолит даври муаммолари билан шугулланган биринчи ўзбек мутахассиси. 1926 йил Тошкент шаҳрида туғилган. 1954 йилда Ўрта Осиё Давлат университетининг Шарқ факультети тарих бўлимини тугатган. 1957 йилдан *Я.Ф.Фулмов* раҳбарлигидаги *Моҳандарё археологик экспедицияси*да лаборант сифатида ўзининг илмий-меҳнат фаолиятини бошлайди. Санкт-Петербург (Ленинград) шаҳрида аспирантурада ўқиб, *А.П.Окладников*, *П.И.Борисковский*, *В.М.Массон*, *С.А.Семенов* каби машҳур шарқшунос, археолог олимлардан таълим олади. 1962 йилда “Ўрта Осиёнинг тош асри чакмоқтош ишлаб чиқариш

устахоналари ва шахталари” мавзусида номзодлик ишини, 1990 йилда “Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистон палеолити муаммолари (Қўлбулоқ материаллари мисолида)” мавзусида докторлик диссертациясини ёклаган. Зарафшон воҳасидаги *Учтўт*, Қопчиғай, *Ижонт* тош конлари, Қораунгурсой ва *Сармишсой* қоятош суратларининг ўрганилишида олимнинг хизматлари катта. Олим 1963-1987 йилларда Оҳангарон комплекс экспедициясига раҳбарлик қилиб *палеолит* даврининг эталон ёдгорлиги *Қўлбулоқни* жаҳон фанига олиб кирди. М.Р.Қосимов Ўрта Осиё палеолит даври археологиясининг турли масалаларига бағишланган 6 та монография ва 100 дан ортик илмий мақолалар муаллифи.

**ҚУВА** – *Фарғона* водийсининг энг қадимги шаҳарларидан бири. *Фарғона* вилоятининг шу номдаги тумани ҳудудида жойлашган. Қ. арки ва шаҳристонида 1956-1959-йилларда *Я.Ғ.Фуломов* раҳбарлигидаги экспедиция (В.Жуков, И.Ахроров, *А.Мухаммаджонов*, Ҳ.Мухамедов, М.Аминжонов) томонидан археологик қазималар олиб борилган. 1965-1970-йилларда *В.А.Булатова* ёдгорликда тадқиқотларни давом эттирган. Қ.нинг энг қуйи маданий қатламлари мил авв. IV-III асрларга тегишли. Маълумотларга кўра, мил. авв. II-I асрларда *арк*, *шаҳристон* ва *работдан* иборат Қ.нинг умумий майдони 12 га ни ташкил қилган. Шаҳар атрофи икки қатор баланд мудофаа девори билан ўраб

олинган. Ўрта асрларда шаҳар майдони 100-120 га гача кенгайган. VII асрда рабодда баланд (3,6 м) яхлит тагкурси устида будда ибодатхонаси қад кўтарган. Мазкур ибодатхона VIII аср бошларида араблар томонидан вайрон этилган. IX-XII асрларда Қ. *Фарғона* водийсининг йирик ва обод шаҳарларидан бирига айланган. Истахрийнинг ёзишича у *Фарғона* водийсида *Ахсиқатдан* кейинги иккинчи шаҳар ҳисобланган. Қ. мўғуллар истилоси оқибатида вайрон этилиб, XIV-XVI асрларда қасаба шаклидаги масканга айланади.

Шаҳарнинг вужудга келиши ва номи ҳақида турли хил ривоятлар мавжуд. Исҳоқхон Ибраг “*Фарғона тарихи*” асарида ёзишича, Қ. дастлаб Қайқубод (ёки Қубо) деб аталиб, кейинчалик Қ. шаклини олган. Тарихчи олим *А.Мухаммаджонов*нинг фикрича, шаҳар номи “Қавийбод”, “Қавабод” ёки “Қайбод” шаклларида талаффуз этилган ва қавийларнинг қароргоҳи, тождор ҳукмдорнинг каёний тахти ўрнатилган қаср ва мамлакатнинг бош шаҳри, пойтахт маъносини аниқлаган. Кейинчалик Қ. шаклини олган.

**ҚУЙИСОЙ МАДАНИЯТИ** – Қадимги Хоразмнинг сўнгги бронза ва илк темир даври кўчманчи чорвадор қабилалари маданияти. Мил. авв. VII аср бошларидан Амударёнинг *Сариқалмишбўйи дельтаси* тўлиқ равишда сув билан таъминлана бошлайди. Бу эса мазкур ҳудудларга янги қабилаларнинг ёйилишига сабаб бўлади. 1970-80-йилларда ушбу ҳудудларда мил. авв. VII-VI

асрларга оид *Куйисой* 2 кишлоғи, *Тумек-Кичижик*, *Таримқоя*, *Сакар Чаға* (Куйисой кир), *Шохсанам* каби дўнглик ва қирларида кабристонлар топиб ўрганилди ва улар фанга “Куйисой маданияти” номи билан киритилди. Қ.М. сохиблари йирик шохли чорва ва от боқувчи ўтроқ манзилларга эга бўлган чорвадор қабилалар бўлишган. Манзилгоҳларда маҳаллий хунармандчилик ишлаб чиқариши (металлургия, ганчкорлик, суякка ва феруза тошига ишлов бериш) қайд қилинган. Ҳимояланмаган қишлоқ манзилгоҳлари дарё ирмоқлари бўйлаб жойлашган. Аммо манзилгоҳнинг атрофларида суғориш иншоотлари излари қайд қилинмаган.

**КУЛЗУМ ДЕНГИЗИ** – Каспий денгизининг ўрта асрлардаги номи.

**КҮЙҚИРИЛГАНҚАЛЪА** – қадимги Хоразмнинг мил. авв. IV-III – мил. I асрларга оид энг мукамал ўрганилган ёдгорлиги. Тўрткул шахридан 22 км шимолий-шарқда, қадимги *Бозорқалъа* воҳасида, Калтаминор каналининг охириги қисмида жойлашган. *С.П.Толстов* томонидан 1938, 1951-1957 йилларда очиб ўрганилган. Қ. буржга ўхшаш катта цилиндрсимон шаклда бўлиб, диаметри 42 м. Ташқаридан қалин қўшдевор уни халқа каби ўраб турган (диаметри 86 м). Қўшдевор ва марказий иморат деворининг ташқи қаторида найзасимон қатор *шинаклар* жойлаштирилган. Ташқи девор бўйлаб бир-биридан 18-20 м масофада тўққизта *бурж* жойлашган. Ташқи халқа девори билан *арк* ўртасидаги масофа 15 м ни ташкил қилади. Марказий

минорасимон икки қаватли монументал бино маълум режа асосида қурилган бўлиб, у диний ибодат маросимлари ва астрономик кузатувлар олиб бориш учун мўлжалланган бир неча хоналардан иборат. Қ. *Қадимги Хоразм* подшоларининг сулолавий ва муҳим сиёсий марказидир. У кенг деҳқончилик воҳасининг маркази бўлиши билан бирга астрономик кузатишлар олиб бориладиган расадхона ва дафн маросимлари ҳамда афсонавий кахрамон Сиёвуш ва сув, ҳосилдорлик илоҳаси *Анахитага* бағишланган диний маросимлар ўтказиладиган ибодатхона вазифасини ҳам бажарган. Қ. эрамиз бошларида юз берган ўзаро сулолавий урушлар жараёнида вайрон этилган.

**КҮЛ ЧҮҚМОРИ** – *илк палеолит* даври меҳнат қуроли бўлиб, ясси тухумсимон, бодомсимон, найзасимон қилиб қилиб ишланиб, учи учли қарама-қарши томони эса йўғонроқ тухумсимон бўлган.

**КҮРҒОН** – қадимги ва ўрта асрлар даврига тегишли археологик объект. Қ.ларнинг икки тури фаркланади. Биринчиси кўчманчи чорвадор қабилаларга оид мазор-кўрғонлар. Уларнинг катта-кичиклиги унинг остига кўмилган шахснинг ҳаётлик давридаги мавқеи ва даражасига боғлиқ бўлган (қаранг: **МОЗОР-КҮРҒОН**). Иккинчиси, *илк ўрта асрлардан* бошлаб катта мулк эгаларига тегишли бир дарвозали қалъа-кўрғон. Унинг атрофи қалин ва баланд мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Қ.нинг ички қисмида кўрғон эгасига тегишли

қурилишлар, боғу-роғлар, экин майдонлари бўлган.

### **ҚЎТИБУЛОҚ ЁДГОРЛИГИ**

– мустъе даврига оид ёдгорлик. Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги Зирабулоқ тоғлари ёнбағрида Чархин қишлоғи яқинида жойлашган очик типдаги макон. У 1971 йилда Ю. Ф. Буряков томонидан очилган ва Н. Тошкенбоев ҳамда Р. Ҳ. Сулаймонов томонидан ўрганилган. Қда 5 та маданий қатлам бўлиб, 2- ва 3- қатламларда ўчоқ излари ва кул қолдиқлари топилган. Ҳаммаси бўлиб 10 мингга яқин тош қуроқлар ва уларнинг парчалари топилган. Қ. тош қуроқлари *Тешиктош* қуроқларига анча яқинлиги аниқланган.

**ҚЎҚОН** – Фарғона водийсининг қадимий шаҳарларидан бири. Сўх дарёсининг қуйи оқимида жойлашган. Маҳаллий тарихчи ва археологлар орасида шаҳарнинг ёши 2 минг йилдан ошиқ деган тахмин мавжуд. Ёзма манбаларда Қ.га оид маълумотлар X асрдан бошлаб учрайди. Шаҳар номининг келиб чиқиши ҳақида турли тахминлар мавжуд. Истахрий ва Ибн Хавқал асарларида “Ҳавоканд” (Ҳўқанд) – “тўзал”, “ёқимли”, ёки “шамол шаҳри” маъносида келади. Бундан ташқари “баландликдаги шаҳар”, “ху қабилиси шаҳри” каби фаразлар ҳам бор. Баъзи тадқиқотчилар тарихчи Бан Гунинг мил. авв. 138 – милодий 23 йиллар воқеалари ёзилган “Ханшу” хроникасида тилга олинган Гуйшуан шаҳрини Қ. деб ҳисоблайдилар. Лекин Фарғонанинг қадимги пойтахтларидан бири

Гуйшуаннинг ўрни узил-кесил аниқланмаган.

Ўрта асрларда Қ. Хитой ва Ҳиндистонга борадиган савдо йўли бўйида жойлашган муҳим стратегик шаҳарлардан бири бўлган. Шаҳар XIII аср бошларида мўғуллар томонидан вайрон этилган ва XVIII асргача кичик аҳоли манзилгоҳи сифатида мавжуд бўлган. 1732 йилда Қўқон хони Абдурахимбий хонлик пойтахтини Тепакўрғондан Қ. шаҳрига кўчирди ва шаҳар 1876 йилга қадар хонликнинг пойтахти бўлиб қолади.

### **ҚЎХНА УРГАНЧ**

Хоразмнинг қадимий пойтахт шаҳарларидан бири. Туркменистон Республикасининг Тошқовуз вилояти ҳудудида жойлашган. Шаҳарнинг умумий майдони 640 га. Қ.У.ни илмий жиҳатдан ўрганиш 1928 йилдан (*А.Ю. Якубовский*) бошланган. 1938 йил шаҳар архитектор В.И. Пилиевский, 1940 йил Н.М. Бачинский, 1948 ва 1950 йилларда *Хоразм археологик экспедицияси* томонидан ўрганилади. 1952 йилда ўтказилган стационар қазималар асосан Қ.У.нинг ўрта аср ёдгорлиги Тошқалъада олиб борилган. Шундан сўнг Қ.У.ни ўрганиш XX асрнинг 80-йилларига қадар тўхтаб қолади. 1979-1985 йилларда шаҳристонда археологик қазималар ўтказилади. 1988-1993 йилларда Туркменистон ФАнинг Ш. Батиров номидаги Тарих Институти Қ.У. археологик экспедицияси Х. Юсупов раҳбарлигида шаҳарда археологик қазималар олиб борди.

Қ.У.нинг аксарият ёдгорликлари ўрта асрларга тегишли бўлсада, унга асос

солинган вақт хусусида тадқиқотчилар томонидан ҳар хил фикр билдирилган. *В.В.Бартольд* ва *А.Ю.Якубовский*лар Қ.У.ни мил. авв. II-I аср хитой манбаларида эслатиладиган Юегянь билан киёслаб, шаҳарга милодий эранинг бошларида асос солинган деб ҳисоблаганлар.

*С.П.Толстов* *Авестода* учрайдиган Урвани Қ.У. деб изоҳлаб шаҳарнинг жуда қадимийлигига ишорат берган. 1990-йилларда ўтказилган казишмаларга кўра, Қ.У.нинг ядросини Қирқмулла қальаси ташкил этган. У 7 м калинликдаги *бурж* ва минораларга эга мустақкам мудофаа девори билан ўралган. Деворнинг ташқи томони бўйлаб чуқур *хандак* бўлганлиги аниқланган.

Қирқмулла сополларининг энг қадимгиси мил. авв. V асрларга оид. Маданий қатлам жуда чуқур бўлиб, грунт сувларининг чиқиб қолиши унинг охиригача тушиб боришга имкон бермаган. Демак, шаҳарга асос солиниши Хоразмнинг *Аҳамонийлардан* мустақилликни қўлга киритган вақтига тўғри келади. Мил. авв. V-IV асрлар чегарасида барпо қилинган бу шаҳар антик даврда ва ундан кейинги даврларда сўл сохил Хоразмнинг энг йирик шаҳарларидан бирига айланади.

Қ.У. араб манбаларида Хангирд-Хамжирд (Ханджирд), X асрдан узил кесил Гурганж, арабчада Журжония номини олади. Шаҳар X-XIII асрларда *Хоразмшоҳлар* давлатининг пойтахти бўлади. 1221 йилда шаҳарни Чингизхон қўшинлари вайрон этадилар. Халқ

ривоятларида Қ.У. 7 марта бузилиб, 7 марта қайта тикланганлиги айтилади. Буни археологик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. XVI аср охирида Амударё ўзанини шимол томонга ўзгартиргач, Қ.У. сув таминотида муаммолар юзага келади. 1646 йилда Хива хони Абулғозихон Янги Урганч шаҳрини куришга фармон беради ва аҳолининг катта қисми Янги Урганчга кўчирилади. Шундан кейин қадимги шаҳар Қўхна Урганч номини олади ва унда ҳаёт узил кесил тўхтади. Бугунги кунда Қ.У.да XII-XIV аср ёдгорликлари Фахриддин Розий, Султон Такаш, Нажмиддин Кубро макбаралари, жоме масжиди, Қутлуғ Тимур минораси ҳамда карвонсарой харобалари сақланиб қолган.

**ҚЎШИЛИШ МАКОНИ** – мезолит даврига оид Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги ёдгорлик (10-9 минг йилликлар). 1966 йилда Тошкент шаҳрининг ғарбида қадимги Бўзсув анхори чап сохилидан топилган. Археолог *Ў.Исломов* томонидан ўрганилган. Тош қуроқлар сўнги тош даври қуроқларига нисбатан ўзининг анча ихчамлиги ва қуроқ турларининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Топилган *нуклеус*лар ва қирғичлар Фарғонадаги *Обишир I, V, Аччиқўл* ва *Мачай*дан топилган нуклеуслар ва қирғичларга ўхшаб кетади. Лекин Қ.М.даги қуроқлар анча қадимий архаик хусусиятга эгадир. Қ.М. топилмаларининг баъзилари Яқин ва Ўрта Шарқдаги Шанидавр, Палигавр, Гари-Камарбанд материалларига ўхшашлиги аниқланган.

## Ғ

**ҒАЗНАВИЙЛАР** – 977-1187 йилларда Ўрта Шарқ (Шимолий шарқий Эрон, Афғонистон ва Ғарбий Ҳиндистон)да мавжуд бўлган давлат ва уни бошқарган сулоланинг номи. Ғ. давлатида туркий сулола ҳукмронлик қилган. Асосчиси сомонийларнинг лашкарбошиси Алптакин. У 962 йил қўл остидаги ғулмларига таяниб, Ғазна вилоятида ўз ҳокимиятини ўрнатди. Унинг вориси Сабуктегин (977-997) ва Маҳмуд Ғазнавийлар даврида (998-1030) Ўрта Шарқнинг энг қудратли давлатига айланган.

Ғ. давлати равнақ топган даврда саройда ва шаҳарларда буюк олимлар яшаб, ижод этганлар (Беруний, Утбий, Абулфазл Байхакӣ, Гардизий, Фирдавсий ва бошқ.) Масъуд I даври (1030-1041)да Хоразм қўлдан кетди, *Мовароуннахр*нинг қатта қисмини *Қорахонийлар* тортиб олди. XII асрнинг 70-йилларида ғурийлар Ғ.ни Шимолий Ҳиндистонга сиқиб чиқардилар, Лаҳор уларнинг кейинги пойтахти бўлди. 1187 йилда ғурийлар Лаҳорни ҳам босиб олиб, бу давлатга барҳам бердилар.

Ғ. сулоласининг вакиллари: Алптегин (962-977), Собиктегин (977-997), Исмоил (997-998), Маҳмуд Ғазнавий (998-1030), Масъуд (1030-1041), Мавдид (1041-1048), Масъуд II (1049), Али Абуҳасан (1049-1051), Абдурашид (1051-1099), Масъуд III (1099-1115), Шерзод (1115-1116), Баҳромхон (1117-1153), Ҳусравшоҳ (1153-1160), Ҳусрав Малик (1160-1187).

**ҒИЛДИРАК** – ибтидоий даврнинг энг муҳим янгилик-

ихтироларидан бири. Энг қадимги Ғ. тасвири қадимги Месопотамиянинг Ур шаҳридан топилган бўлиб у мил. авв. 3400 йилга тегишли. Ғлар дастлаб яхлит шаклда бўлган. Худди шу даврда кулолчилик чархи ҳам ихтиро қилинади. Ўрта Осиё худудидан ҳам бронза даврига оид манзилгоҳлардан ғилдиракли арвалар макети топилган (жанубий Туркманистон, *Олтинтепа*). Икки ғилдиракли жанг арвалари мил. авв. III минг йилликда Сурияда пайдо бўлади. Америка қитъаси халқлари эса Колумбгача Ғ.ни билишмаган.

**ҒОЗИМУЛЛАТЕПА** – илк темир даврига оид ёдгорлик. Сурхондарё вилояти Бағдихон туманида жойлашган. *А.С.Сағдуллаев* тамонидан ўрганилган. Майдони 50×25 м. Ғдан топилган археологик ашёлар ёдгорликнинг *Аҳамонийлар* даври (мил. авв. 558-330 йиллар)га оидлигини кўрсатган. Шимолий *Бақтрия* ёдгорликлари орасида шу давр моддий маданияти энг узоқ давом этган ёдгорлик Ғ. ҳисобланади. Э.В. Ртвеладзенинг ёзишича, унда учта қурилиш даври бўлган.

**ҒУЛОМГАРДИШ** – ичкаридан ташқарини ажратиб турувчи тўсиқ, ҳовли ёки кўрғоннинг дарвоза олдидаги усти берк йўлаксимон бостирма, далон. Қадимда қалъа ёки кўрғондагиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қурилган, дарвоза олдидаги мураккаб мудофаа иншооти ҳисобланган. Қадимги Юнонистон меъморчилигида лабиринт деб аталган.

**ҒУЛОМОВ ЯХЁ ҒУЛОМОВИЧ** (1908.1.5 – 1977.10.1) – тарихчи-археолог олим. Биринчи ўзбек археологи. Ўзбекистон ФА академиги (1966), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1958), тарих фанлари доктори (1950), профессор (1955). Тошкентдаги Ўзбекистон эрлар билим юрти (инпрос)ни (1926), Самарқанддаги Ўзбекистон Педагогика академиясини тугатган (1930). Тошкент педагогика техникумида ўқитувчи (1931-1932). Илмий фаолияти 1933 йилдан бошланган. Ўзбекистоннинг қадимги ва санъат ёдгорликларини муҳофаза қилиш комитети (*Ўзкомстарис*)да илмий ходим, илмий котиб (1933-1940). СССР ФА Ўзбекистон филиали, Тарих, тил ва адабиёт институти археология бўлими мудири (1940-1943). 1943 йилдан Ўзбекистон ФА *Тарих ва археология институти* қадимги ва ўрта асрлар тарихи бўлими мудири, айни вақтда институт директори вазифасини ҳам бажарган.

1938-1950 йилларда *Хоразм археология-этнография экспедицияси* бошлигининг ўринбосари сифатида қатнашиб, Хоразмнинг суғорилиш, деҳқончилик ва шаҳар маданиятининг шаклланиши ҳамда ривожланиш тарихи бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борган. *Я.Ғ.Ғуломов* Ўзбекистонда тарих ва археология соҳалари бўйича ўзига хос байналмилал илмий мактаб яратган. Унинг Зарафшон ва Фарғона водийларида, шунингдек, Тошкент воҳасида олиб борган илмий тадқиқотлари Ўзбекистонда, тош, энеолит ва жез даври, унинг моддий маданият ёдгорликларини

ўрганишга катта ҳисса бўлди. У, айниқса, Тошкент тарихи ва унинг ёдгорликларини тадқиқ этишга алоҳида аҳамият берган. Тошкент канали бўйлаб, Тўйтепада махсус археологик тадқиқотлар ўтказган. 1966 йилдаги Тошкент zilzilаси оқибатларини тугатиш бўйича шаҳарда бошланган улкан қурилишлар муносабати билан Тошкентнинг археологик обидаларини қайд этиш ва ўрганиш мақсадида махсус *Тошкент археология экспедициясини* ташкил этган. Тарих ва археологиянинг турли масалаларига бағишланган 135 дан ортиқ монография ва илмий мақолалар муаллифи. “Хива шаҳрининг ёдгорликлари” (рус тилида, 1941 й), “Хоразмнинг суғориш тарихи, қадимги замонлардан ҳозиргача (1957 й рус, 1959 й. ўзбек тилида), “Қуйи Зарафшон водийсида ибтидоий маданият ва суғорма деҳқончиликнинг пайдо бўлиши” (рус тилида) каби асарлар ёзган. “Ўзбекистон тарихи” (4 жилдд), “Самарқанд тарихи” (2 жилдд), “Бухоро тарихи” каби фундаментал асарларнинг ҳаммуаллифи. Олим вафотидан сўнг “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланган (2002). Республикамизда Яхё Ғуломов хотирасига бағишланган “Академик Яхё Ғуломов ўқишлари”ни ўтказиш илмий анъанага айланган. Тошкентдаги кўчалардан бири, ҳамда ЎзФА *Археология институтига* Яхё Ғуломов номи қўйилган. Олим бошлаган буюк ишлар унинг муносиб шоғирдлари, академиклар *А.Асқаров,* *А.Мухаммаджонов,*



Ў.Исломовлар томонидан давом эттирилди.

## Х

**ҲАРБИЙ ДЕМОКРАТИЯ ДАВРИ** – уруғчилик жамоасининг сўнгги босқичида жамоани бошқаришда ҳарбий руҳнинг кучайган даври. Бу даврда жамоа қабила ва уруғ бошликлари таркибидан ташкил топган ҳарбий, диний ва дунёвий кенгаш томонидан бошқарилган. Уруғчиликдан синфий жамиятга ўтиш давридаги бошқарув шакли ҳисобланади.

**ҲАРҚОН (ЖУРЖОН)** – Каспий денгизининг ўрта асрлардаги номи. Денгизнинг жанубий соҳилбўйи худудлари Гургон ёки Журжония деб юритилган.

**ҲИЖРИЙ ЙИЛ ХИСОБИ** (ар. “ҳижрат” – кўчмоқ) – Муҳаммад Пайғамбарнинг милодий 622 йил 16 июлда Маккадан Мадинага кўчиши билан боғлиқ ва шу санадан бошланадиган йил ҳисоби. Милодий йил эса христианлик дини пайғамбари Исо Масихнинг туғилишидан бошланади.

Ҳижрий йилни милодий йилга ўтказиш учун уни 0,97 га кўпайтириб яхлитлаш ва 622 ни кўшиш керак. Масалан, Абу Райхон Беруний ҳижрий 362 йилда туғилган.  $362 \times 0,97 = 351,14$ ;  $351 + 622 = 973$ . Демак, Беруний таваллуди милодий 973 йил.

Милодий йилни ҳижрий йилга ўтказиш учун ундан 621 ни айириш ва чиққан сонни 1,03 га кўпайтириш ва яхлитлаш лозим. Масалан: Алишер Навоий таваллуд топган

1441 йилни ҳижрийга ўтказиш учун куйидаги амал бажарилади:

$1441 - 621 = 820$ .  $820 \times 1,03 = 844,6$ .

Барча натижалар тақрибий, бир йилга фарқ килиш мумкин.

**ҲИСОР** – шаҳарнинг девор билан ўралган қисми (арқдан ташқари) теурийлар даврида шу ном билан аталган.

**ҲИСОР МАДАНИЯТИ** – Ўрта Осиёнинг неолит даврига оид маданияти. (Мил. авв. V-IV минг йилликлар). Тожикистондаги Ҳисор водийсидан илк бор шу маданиятга тегишли асори-атиқалар топилганлиги учун шундай номланган. Ушбу маданиятнинг ўзига хос томони шундаки, уни яратган аҳоли шағалтошдан меҳнат куруллари ясаб, лойдан ясалган сопол идишлардан деярли фойдаланишмаган.

**“ҲОМО САПИЕНС”** – акл-идрокли одам. Замонавий киефадаги одам – *Кроманьон*ларнинг фандаги номи.

**“ҲОМО ҲАБИЛИС”** – ишбилармон одамлар. Ибтидоий одамларнинг энг дастлабки вакиллари бўлиб, улар меҳнат куруллари ясай олишлари ва уларни хўжалик ҳаётида фойдалана билганликлари учун шундай номланганлар. Улар 3-1 млн йилликлар орасида яшаган деб ҳисобланади. Ҳ.Ҳ. одамларининг дастлабки вакили *Зинжантроп* ва *Питекантроп*лардир.

**ҲУДУДИЙ КЎШНИЧИЛИК ЖАМОАСИ** – хўжаликнинг илгор шаклига ўтилиши, ортикча маҳсулотнинг пайдо бўлиши ва меҳнат тақсимотининг юзага келиши оқибатида жамиятда

мулкӣй тенгсизлик пайдо бўлгач, уругчилик жамоаси ўрнида вужудга келган жамоа. Худудий қўшничилик жамоасининг белгиларидан бири шуки, унда аҳоли бир неча гуруҳларга (зодагонлар, ҳарбийлар, зироатчилар, чорвадорлар, ҳунармандлар) бўлиниб кетади ва ўзларига хос ҳаёт тарзига эга бўладилар.

**ХУМО** – афсонавий қуш; бахт саодат ва бойлик рамзи. Кўзга кўринмас жаннат қуши. Зардуштийлар эътиқодида Хумо қуши кимнинг бошига соя солса, ўша киши бахтли ва бой бўлади деб ҳисобланган. Ўзбекистон ҳудудидаги меъморий ёдгорликларда, амалий безак санъати буюмларида хумонинг тасвири қадимдан кўп учрайди. Ўзбекистон гербининг марказий қисмида хумо қуши тасвири туширилган.

**ХУНЛАР, хуннулар, гуннлар** – қадимда Шимолий Хитойдан то Волгабўйи даштларига қадар чўзилган ҳудудларда кўчманчилик билан ҳаёт кечирган туркий қабилалардан бири. II-IV асрларда туркий хунларнинг Уралолди ва Волга бўйидаги угор (ўғур) қабилалари билан аралашувидан ташкил топган. Хитой манбаларида хунлар турли даврларда 32 хил номда келтирилган. Олимлар ўртасида хун этноними кун (қуёш)

сўзидан келиб чиққан, деган фикр мавжуд. Хунлар тангрини худо деб билганлар. Тангрининг неъматли сифатида қуёш ва ойга сажда қилганлар.

Милодий I асрда хунлар Марказий Мўғулистондан Жунғорияга сиқиб чиқарилганлар. 155-160 йилларда уларнинг катта қисми Урал-Волга бўйидаги угор қабилалари билан ягона қабилалар иттифоқига бирлашишган ва шундан эътиборан, Ғарб тарихий манбаларида гуннлар деб атала бошланганлар. Кўпчилик олимлар ягона туркийзабон халқ – хунларнинг ғарбий тармоғини Гуннлар, шарқий тармоғини эса Хуннлар деб аташни таклиф этадилар.

IV асрнинг 70-йилларидан хунларнинг ғарбга томон оммавий суратда кўчиши бошланган ва бу тарихда Халқларнинг буюк кўчиши деб номланади. Хуннлар Ғарбий (395-476) ва Шарқий Рим империясига (395-1453) қарши бир неча маротаба юришлар уюштирганлар. Хуннларнинг Ғарбга қилган юришлари Ғарбий Рим империясининг (395-476) таназзулга юз тутишига, эски ижтимоий тузум – қулдорлик тузумининг ўрнига янги ижтимоий муносабатлар (феодал муносабатлар)нинг шаклланишига туртки бўлган.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Тарихий хотарасиз, келажак йўқ. –Т., “Шарқ”. 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т., “Маънавият”. 2008.
3. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик (Асқар Маҳкам таржимаси). – Т., 2001
4. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик (Форс тилидан Асқар Маҳкам таржимаси). –Т., 2015.
5. Альбаум Л.И. Балаликтепа. –Т., “Фан”. 1960.
6. Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. –Т., “Фан”. 1975.
7. Андрианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья. –М., 1969.
8. Анарбаев А. Ахсикент – столица древней Ферганы. –Т., 2013.
9. Анорбоев А., Исломов Ў., Матбобоев Б. Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона. –Т., 2000.
10. Арциховский В.В. Археология асослари. –Т., “Ўқитувчи”. 1973.
11. Асқаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Т., “Фан”. 1977.
12. Асқаров А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. – Т., “Фан”. 1979.
13. Асқаров А. Энг қадимги шаҳар. –Т., 2001.
14. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши. –Т., 2015.
15. Алимова Д., Филанович М. Қадимги Тошкент. –Т., 2007.
16. Буряков Ю.Ф., Қосимов М.Р., Ростовцев О.М. Тошкент областининг археологик ёдгорликлари. –Т., “Фан”. 1975.
17. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. –Т., “Фан”. 1982.
18. Виноградов А.В. Неолитические памятники Хорезма // МХЭ. Вып. 8. – М., 1968.
19. Воробьева М.Г. Дингильже. Усадьба сер. 1 тыс. до н. э. в древнем Хорезме // МХЭ. Вып. 9. – М.: Наука, 1973.

20. Гулямов Я.Г., Исламов У., Асқаров А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. –Т., 1966.
21. Исаков А. Саразм. –Душенбе., 1991.
22. Исамиддинов М.Х. Генезис городской культуры Самаркандского Согда. –Самарканд. 2000.
23. Исламов У. Обиширская культура. –Т., 1980.
24. Исламов У. Пещера Мачай. –Т., 1975.
25. Кабириов Ж. Сармишсой коя тошларидаги расмлар. –Т., 1976.
26. Койкрылган кала – памятник культуры древнего Хорезма IV в. до н. э – IV в. н. э. // ТХАЭЭ. – М.: Наука, 1967. Т. V.
27. Коробкова Г.Ф. Мезолит Средней Азии и его особенности. – Москва, 1977.
28. Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. – Москва. 1959.
29. Массон В.М. Средняя Азия и Древний Восток. – М. – Л.: Наука. 1964.
30. Массон В.М. Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. –М-Л., “Наука”. 1966.
31. Массон В.М. Поселение Джейтун. –Ленинград, 1971.
32. Магбабаев Б.Х., Машрабов З.З. Древний и средневековый Андижан. –Т., 2011.
33. Мирсаатов Т. Горные разработки в эпоху камня. –Т., 1975.
34. Муҳаммаджонов А. Қадимги Бухоро. –Т., 1991.
35. Кабириов Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. –Т., 1990.
36. Лунина С.Б. Археология Средней Азии. –Т., 1986.
37. Пидаев Ш. Қадимги Термез. –Т., 2001.
38. Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия и Тохаристан. –Т., 1990.
39. Ртвеладзе Э.В., Лившиц В.А. Памятники древней письменности. –Т., 1985.
40. Ртвеладзе Э.В. История и нумизматика Чача. –Т., 2006.
41. Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. –Т, 1996.

42. Сарияниди В.И. Древние земледельцы Афганистана. – М.: Наука, 1977.
43. Сулаймонов Р. Древний Нахшеб. –Т., 2000.
44. Ташкенбаев Н.Х., Сулейманов Р.Х. Культура каменного века долины Зерафшана. –Тошкент, 1980.
45. Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации. – М. – Л.: Наука, 1948.
46. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. – М.: Наука, 1962.
47. Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. – Т., 1964.
48. Топрак-кала. Дворец // ТХАЭЭ. Т. XIV. – М.: Наука, 1984.
49. Филанович М.И. Ташкент. Зарождение и развитие города и городской культуры. –Т., “Фан”. 1983.
50. Ходжаниязов Ф. Қадимги Хоразм мушофаа иншоотлари. –Т., 2007.
51. Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. –Т., 2000.
52. Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Самарканд: “Фан”. 1993.
53. Шишкин В.А. Варахша. –Москва., 1963.
54. Эгамбердиева Н. Археология (Ўзбекистон археологияси асосида). Методик қўлланма. –Т., 2008.
55. Фуломов Я.Ф. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Т., Ўз ФА. 1959.

---

Адади 50 нусха. Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>  
Босма табоғи 12,75. «Times New Roman» гарнитураси.  
Низомий номидаги ТДПУ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент, Юсуф Хос Ҳожиб 103.